

83. 3 (5 Ү38)

Ү-69

Умурзоқ ЎЛЖАБОВ



БАДИИЙ ТАСВИРНИНГ
ҲАҚҚОНИЙЛИГИ

83.3
y - 69

5100/8

Ул нсадоов

Уширзоқ

ЭЗСВИР-

РОИИИ-


[illegible]

83.3 (5438)

4-69

Умурзоқ Ўлжабоев

БАДИЙ ТАСВИРНИНГ ҲАҚҚОНИЙЛИГИ



«Зиё» нашриёти

Гулистон-2008

Масъул муҳаррир:

Ҳайитбой Мирҳайдаров, филология
фанлари номзоди профессор.

Тақризчилар:

Анқабой Қулжонов, филология фанлари
доктори, профессоор.


Р Мажидов, филология фанлари
номзоди доцент.

Ҳ Бобобеков, тарих фанлари доктори,
профессор.

Ушбу монография Гулистон давлат университети Илмий
кенгашининг 2007 йилнинг 5 декабрида бўлган 3-сонли
йиғилишида нашрга тавсия этилган.

Монографияда бир қатор ўзбек адибларининг иккинчи жаҳон
уруши мавзусида ёзилган асарлари ҳақида сўз боради. Аввало,
тадқиқотчи биз яшаётган кунларда ўтган уруш даври билан боғлиқ
воқеалар тасвирининг қандай аҳамиятга эга экани ҳақидаги фикр —
мулоҳазаларини ўртага ташлайди. Сўнгра, Саид Аҳмад ва Ўткир
Ҳошимов каби улкан ёзувчиларнинг шу йўналишдаги асарларини
монографик кўринишда тадқиқ этишга ҳаракат қилади. Шунингдек,
китобда М.Муҳамедов, С.Анорбоев, Й.Сулаймон, Ф.Мусаёнов
каби адибларнинг ҳам шу мавзуга дахлдор асарлари таҳлилга
тортилган. Муаллиф текширган асарлар ҳақидаги фикр —
мулоҳазаларини бир адабий муаммо, яъни тасвир ҳаққонийлиги ва
ёзувчи маҳорати деган масала атрофида уюштиришга интилан.

Бу асар ҳозирги адабий ҳаёт билан қизиқадиган талабалар,
магистрантлар, аспирантлар, ўқувчилар ва барча адабиёт
мухлислари учун мўлжалланган.



Мазкур китобни менга ҳаётда ўрнимни топишимга доимий эътибор кўрсатган, вақтида вилоятимизнинг таниқли педагогларидан бири бўлган, кўпчилик одамларда инсон сифатида ўзидан нурли таассуротлар қолдирган тоғам Ҳақназар Шерназаровнинг ёрқин хотирасига бағишлайман.

Муаллиф.

МУҚАДДИМА

(Мавзунинг долзарблиги ҳақида баъзи қайдлар)

Иккинчи жаҳон урушининг тутаганига ярим асрдан ошиқроқ вақт ўтди. Бу, инсон умри нуқтаи назаридан анча катта бир давр. Лекин ушбу ўтган давр одамларнинг хотирасидан унинг даҳшатларини, фожиялари қолдирган изларни ўчира олмайди. Тўғри, ўша омонсиз жангларнинг иштирокчилари бўлган, оғир кунларнинг синовларидан ўтганлар тобора камайиб бормоқда. Лекин бу ҳолат ўша кунларга эътиборнинг сусайишига эмас, балки янада ошишига сабаб бўлмоқда. Ота—оналаримизнинг ўша кезларда кўрсатган жасоратига, матонатига ва ирода қудратига кейинги авлодларнинг ҳайрат ва ҳурмати тобора кучаймоқда. Мана шу ўтган даврда уруш тарихи тинимсиз ўрганилди, турли миллат вакиллари кўрсатган жасорат ва матонат тарихи янги фактлар ва тафсилотлар билан тўлдириб борилди. Эндиликда уруш ҳақидаги ҳақиқатни очиб берадиган кўплаб тарихий, илмий, бадий ва бошқа йўналишдаги асарларга эгамиз.

Шу ўринда, биз ўтмишга, ундаги муҳим тарихий воқеаларга нима учун мурожаат қиламиз, уларни қандай мақсадда ўрганамиз, деган савол юзага чиқади. Бундан икки мақсад кўзда тутилади. Биринчидан, тарихнинг муайян даври ёки воқеаси ҳақидаги ҳақиқат шу йўл билан тўлдирилиб, аниқлаштирилиб, мукаммаллаштирилиб борилади. Бу — жуда муҳим. Чунки тарих битта, ҳақиқат ягона бўлса—да, унга муносабат турлича бўлиши мумкинлигини, битта матнни сиёсат кўзойнагида ҳар хил ранг ва оҳангда, ҳатто бузиб ўқиш мумкинлигини узоқ давом этган мустамлака давридаги ҳаёти мисолида халқимиз яхши билади. Бу борада бўлаётган ҳозирги саъй—ҳаракатлар ҳам, табиийки, шу билан боғлиқ. Иккинчидан, муайян тарихий воқеа, ўтмиш шунчаки ўрганилмайди. Ўтмиш, билан боғлиқ хотираларда, ҳужжатларда ҳозирги одамлар ва келажак авлодлар учун сабоқ бўладиган, ҳаётда ибрат вазифасини ўтайдиган жиҳатлар мужассамлашгандир. Тарихни қай йўсиндадир (хоҳ илмий, хоҳ бадий, хоҳ бошқача тарзда) ўрганишга бел боғлаган киши масаланинг бу масъулиятли томонини эътибордан соқит қилиши мумкин эмас.

Хўш, шу нуқтаи назардан ўтган иккинчи жаҳон уруши тарихига назар солсак, қандай манзара намоён бўлади? Дарҳақиқат, бу борада жуда кўп ишлар қилинди. Ўтган урушда собиқ СССР таркибига кирган ҳар бир республика — ҳозирги мустақил давлатлар ўзига хос тарзда иштирок этган эди. Масалан, ўша оғир кунларда фашистлар томонидан босиб олинган Белоруссиядаги ҳаёт билан Ўзбекистондагини тенглаштириб бўлмайди, албатта. Лекин уруш ҳамма халқларнинг бошига ҳам — кулфатлар келтирган, айрилиқ ва фожиалар солган умумий қисмат бўлган эди. Ҳ.Олимжоннинг «Роксананинг кўз ёшлари» балладаси қаҳрамонларидан бирининг сўзи билан айтганда,

«Бу уруш кўп халқларнинг
Озорини ҳам қўшди,
Тақдирини қилди тенг,
Мозорини ҳам қўшди».

Ана шу ҳамманинг «озорини ҳам», «мозорини ҳам» қўшиб юборган уруш ҳақида, унда шаҳид бўлганларнинг хотирасини эъзозлаш, жасоратли ишларни улуғлаш бўйича катта ишлар қилинди. Бу муқаддас тарихни ҳар бир халқ ўзининг миллий психологиясидан, одат ва удумларидан келиб чиққан ҳолда абадийлаштириб, ҳурматлаб, ҳаётга кириб келаётган авлодларга тушунтириб келаяпти. Бу тарихнинг қанчалик улуғлигини ва умумийлигини яна шунда ҳам кўриш мумкинки, собиқ СССР барбод бўлиб, мустақил давлатлар сифатида жаҳонда эътироф этилган миллий республикаларда ҳар йили 9 май — фашизм устидан қозонилган Ғалаба куни энг ҳаяжонли байрамлардан бири сифатида нишонланади. Бизда бу санага кейинги йилларда янада кенгроқ ва чуқурроқ маъно берилди — уни Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонлаш жорий қилинди. Ўзбекистон мисолида шу нарсани айтиш мумкинки, ўтган уруш тарихига, шаҳид кетганлар хотирасига ҳурмат билан қараш, унинг ҳозир яшаётган иштирокчиларига ғамхўрлик қилиш давлатимиз амалга ошираётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бирини ташкил этади. Бу юртбошимизнинг қатъий тарзда айтилган қуйидаги сўзларидан ҳам билиниб туради: «Уруш йиллари — Ўзбекистон тарихининг узвий бир қисми. Биз тарихимизнинг бирор саҳифасини ҳам олиб ташламаймиз. Бу тарих — бизники, уни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ»¹

Бу кескин гаплар бежизга айтилаётгани йўқ. Унинг, фикрмизча, асослари бор. СССР тарқаб, собиқ республикалар мустақил давлатларга айлангач, ўтган кунларни ёппасига инкор қилишга мойиллик, бу даврда қилинган яхши ишлардан ҳам кўз юмиш, шу жумладан, фашизмга қарши турли миллат вакиллари

¹ И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддас. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1995 йил, 246 — бет.

биргаликда курашган иккинчи жаҳон уруш тарихига ҳам бошқача равшан ҳолатлари сезила бошлади. Инсон қони билан битилган уқаддас тарихга бундай нописандлик, хотираларга нисбатан ғарбатсизлик маънавиятда ноҳуш натижаларга олиб келиши ақлдан қарардир. Президентимизнинг юқорида келтирилган гапларида ҳам шундай оқибатлардан огоҳлантириш, унинг олдини олишга ҳар қандай оҳанги сезилиб туради.

Аввало, инсон қони тўкилган ҳар бир воқеага, ҳар битта тарихга (у қайси халқ ҳаётида бўлишидан қатъий назар) ғарбатсизлик билан қараш — ўтакетган маънавий тубанлик эъланисидир. Сўнгра, бу ўтган уруш халқимизнинг, бугунги мустақил Ўзбекистоннинг тарихида ҳам алоҳида саҳифаларни ташкил этади. Биринчидан, унда, энг сўнгги ҳисобларга кўра, салкам бир ярим миллион ёшларимиз иштирок этишган — ку! Бу — ўша пайтдаги Ўзбекистон аҳолисининг (у даврда 6,5 миллион эди) тахминан ҳар бештадан бири қўлига қурол олди, деган гап. Шундан тўрт юз мингга яқин одам жанг майдонларидан қайтмаган (ҳалок бўлган ва беда рақиб бўлган). Бу — ҳар ўн олти кишидан бири шундай қасратга дуч келган деган гап. Шунга бу ернинг ўзида (у бежизга меҳнат fronti деб аталмаган) қилинган, ҳақиқий қаҳрамонлик деб баҳолашга лойиқ ишларни қўшсак (бу ишларда, асосан, кексалар, аёллар — қизлар, болалар иштирок этишган), қандай манзара секин кўзга тушибди? Шунингдек, урушнинг энг оғир кезларида Ўзбекистон халқи қанчалаб одамларга бағридан жой бериб, етимларнинг бошини силади, дастурхонида борини биргаликда қўйди. Мамлакат ичкарасида одамларимизда намоён бўлган шундай ёрқин инсоний фазилатлар жанг майдонларида халқимиз ёшларидан томонидан кўрсатилган жасорат ва қаҳрамонликларга асосланган кетади. Буни бироз олдинроқ эълон қилинган қўйидаги ҳисоблардан ҳам кўриш мумкин: ўзбек жангчиларидан 120 минг нафардан ортиғи турли даражадаги орден ва медаллар билан таърифланган; 280 нафар ўзбек жангчиси Совет Иттифоқи қаҳрамони унвонига сазовор бўлган; 32 нафар жангчимиз эса «Шуҳрат» орденининг ҳар уч даражасини ҳам тўлиқ олишга қўшма қўшма бўлган. Демак, умумий тарзда айтилаётган мана шу ишларнинг ўзи ҳам юртимизнинг ўтган урушдаги иштирокини асосанлик салмоқли, ўзига хос эканини кўрсатиб турибди. Юқоридагиларни кўрмаслик, қайсидир шаклда бўлмасин, бу уни танқид этиш ҳақида фикрларга бориш маънавий гумроҳликдан бошқа нарса эмас.

Ўтган уруш давридаги ҳаётни, бундай оғир, ҳаёт — мамотни ҳал қилган бир шароитда қўлида қурол билан душманга қарши жанг қилган, кечаю кундуз фронтдагиларни қўллаб — қувватлаш, мадад бериш, шу йўл билан ғалабани яқинлаштиришга ҳисса қўшиш учун қўшимча меҳнат қилган ёшларимиз сиймосини

абадийлаштириш бўйича бизда кўп ишлар қилинган. Хусусан, бу борада бадиий адабиёт анча эътиборли ўринни эгаллайди. Ўша уруш ҳақидаги машғум хабар эшитилгандан бошлаб ҳозирга қадар ёзувчиларимизнинг бир неча авлоди бу давр ҳаётига бағишлаб турли бадиий шаклларда кўплаб асарлар яратишди. Бу мавзудаги асарлар йиғиладиган бўлса, у жуда катта миқдорни ташкил этади. Хатто, у, «ҳарбий – ватанпарварлик адабиёти», «ҳарбий йиллар адабиёти», «ҳарбий лирика», «ҳарбий проза» каби номлар билан аталиши ҳам бизга унчалик ғайритабиий туюлмаб қолди. Гап бундай атамаларнинг пайдо бўлишида эмас, балки XX аср ўзбек адабиётида шундай бир йўналишнинг мавжудлигида ва унинг йилдан – йилга ривожланиб, мукаммаллашиб, тўлишиб бораётганида.

Иккинчи жаҳон уруши мавзусидаги адабиёт турли халқлар адабиётида ўзига хос хусусиятларга ва ҳар хил даражадаги мавқега эга. Чунончи, украин, белорус, рус адабиётида бу йўналишдаги асарларнинг салмоғи ғоят баланд. Ўтган уруш давридаги ҳаётни бадиий тадқиқ этиш, у билан боғлиқ ҳақиқатни адабиёт кўзгуси орқали кўрсатиш бу халқлар адабиётида ўнлаб ёзувчиларнинг номларини дунёга машҳур қилди. Лекин бир жиҳат кўзга яққол ташланишини таъкидлаш лозим. Бу халқлар адабиётида бевосита жанговар воқеалар тасвири, қўлида қурол билан душманга қарши жанг қилган инсонни кўрсатиш устунлик қилади. Ўзбек адабиётида эса бошқачароқ манзара кўзга ташланади. Шу ўринда озроқ чекиниш қилишга тўғри келади. Маълумки, ўша уруш йилларининг ўзида ҳам, кейинги ўтган даврда ҳам ўзбек ёзувчилари фронтдаги ҳаётни, жангчи образини бадиий тарзда ифодалашга кўп ҳаракат қилишган. Бу борадаги ишлар орасида йиллар синовидан ўтиб келаётган, айрим бадиий фазилатлари билан кейинги авлодларнинг эътиборини ўзига жалб қила оладиган асарлар ҳам йўқ эмас. Бундай асарларнинг одамларга фронт ҳаёти ҳақида, бу ҳаёт – мамот олишувда юртдошларимизнинг қилган жанговар ишлари, кўрсатган жасоратлари хусусида тасаввур беришда аҳамияти сезиларли даражада бўлган. Уларда кўпроқ уруш бир томонлама – ўша пайтдаги мафкуранинг талабига биноан, асосан, совет давлатининг, совет кишисининг устунлигини кўрсатиш, ижобий воқеалар тасвирига асосий эътибор қаратиш йўлидан борилган бўлса – да, бундай асарларнинг иккинчи жаҳон уруши ҳақида ўзбек адабиётида ҳозирги катта адабий йўналишнинг вужудга келишида ўзига хос ўрни бор. Лекин масаланинг бошқа томонига эътиборни қаратмоқчимиз. Мана, орадан ярим асрдан ҳам ошиқ вақт ўтди. Шундай саволни қўйсак, эҳтимол, унчалик ноқулай бўлмас: ўтган уруш ҳақида ўша кунлардан тортиб, ҳозирга қадар ўзбек адабиётида яратилган кўпсонли асарлардан қанчаси давр синовларидан ўта олди? Халқнинг маънавий мулки бўлиб қолдими?

атта, бу саволга тўғри, холис ва очиқчасига жавоб бериш осон. Чунки бунда ҳар хил истиҳолали ҳолатлар бўлиши мумкин. Биринчи ҳаётнинг ўзи ҳамма нарсани жой — жойига қўяди, ҳар бир нарсанинг ҳақиқий баҳосини беради. Ахир, вақт — олий ҳакам, деб айтиш мумкин. Бу вақтга айтилмайди — ку! Шу нуқтаи назардан қарасак, мафкура билари биринчи ўринга қўйилган, сиёсат андозаларига маслаб берилган, воқеанавислик етакчилик қилган асарлар ўқувчиларнинг эътиборидан қолганига анча бўлди. Қачон ёзилган бўлишидан ташқари, бундай назар, уруш инсон ҳаётида фавқулодда бир ҳодиса сифатида баён қилинган, ана шу фавқулоддаликнинг инсон руҳиятида берган таъсири акс этган, ўшандай даҳшатли синовларга дучор бўлганлар билан, бу, оғир қисматга айланганлиги чуқур маъсулият билан баён қилинган ва мавзуга юксак бадиийлик талаблари асосида ёзилган асарлар эса яшаб қолаяпти. Эҳтимол, бундай асарлар ҳақиқатдан унчалик кўп эмасдир. Аммо шуниси аниқки, ўтган асрнинг бий йиллар ҳақидаги адабиёт айнан ўшаларга суянган ҳолда ёзилган бўлаяпти.

Шу ўринда бир масалага эътибор қилиш жоизга ўхшайди. Бизнинг ҳаётимизда юритаётган йўналишдаги асарлар ҳақида гапирилганда, ҳаёт баҳо берилганда бевосита уруш даврининг ўзида яратилган асарларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш лозим. Бунда бадиийлик бўйича қўйиладиган талаблар билан даврнинг фавқулоддалиги ва ўзига хослиги, шунингдек, тарихийлик принципи каби жиҳатларни торозига барабар қўйиш керак. Шундагина мураккаб шароитда яратилган асарларни холис баҳолаш, даврнинг адабиётдаги ўрнини тўғри ва адолатли белгилаш мумкин бўлади, деб ўйлаймиз.

Энди олдинги баён қилаётган фикримизга қайтайлик. Ҳақиқат, ўзбек адабиётида бу масалада бошқачароқ манзара кўриб чиқилган. Гарчи фронт ҳаёти тасвирига бағишланган асарлар сон жиҳатдан кам бўлмаса ҳам, уларнинг ҳаммаси ҳам адабиётда бир хил мавқеларга эга бўла олмади. Мамлакат ичкараси баён қилинган аталган Ўзбекистонда ўша пайтлардаги кечган воқеалар, ҳаётларда намоён бўлган хусусиятлар, уларнинг меҳнати ва қурбани ҳақида ёзилган асарларнинг салмоғи, аҳамияти, бадиийлик даражаси юқори эканлиги ҳозир сезилиб туради. Бу ҳақида уруш йилларининг ўзида ёзилган бир қатор асарлар ҳам, уларнинг сўнгги даврларда яратилган талай ҳикоя, повесть ва роман асарларига мансуб асарлар ҳам адабиётимиз хазинасидан муносиб қисм олди, десак хато бўлмайди. Бунинг бойси нимада, деган сўзнинг бўлиши табиий, албатта. Унга жавоб шундай бўлиши керак: биринчидан, бу — ёзувчилик маҳорати, мавзуга қанчалик маъсулият билан ёндошилишига боғлиқ масала (маълумки, адабиётда буларсиз мақсадга эришиб бўлмайди); иккинчидан, уруш йилларининг шу жабҳасидаги ҳаёт ёзувчиларимизга яхшироқ таниш

булган, бинобарин, шу жараёнда яшаган, меҳнат қилган, курашган, қийинчиликларга чидаган одамларнинг ҳолатини улар аниқроқ тасаввур ва ҳис эта олишган (бу ҳам ижодий жараёнда жуда муҳим). Агар юқорида айтилганларга якун ясайдиган бўлсак, иккинчи жаҳон уруши ҳақида ўзбек адабиётида яратилган асарлар сон жиҳатдан оз эмас. Улар турли шароитларда, адабиётимиз ривожининг турли босқичларида яратилган. Шунинг учун уларга турлича мафкуравий талаблар қўйиб келинган, шу тариқа турлича баҳоланган. Аммо бу асарлар яратилган даврида муайян аҳамиятга эга бўлгани, маълум маънавий — эстетик вазифани бажаргани шубҳасиздир.

Бу ўринда биз ушбу йўналишда уруш йилларининг ўзида ва ундан сўнгги бир неча ўнйилликларда турли авлодга мансуб бўлган ёзувчиларимиз томонидан амалган оширилган ишларни назарда тутмоқдамиз. Дарҳақиқат, бу ҳам мураккаб, ҳам қизиқарли масала. Чунки собиқ совет мафкураси ҳукмрон бўлган шароитда яратилган, турли авлод ёзувчиларининг тажриба ва изланишларини ўзида мужассамлаштирган бу йўналишдаги кўпсонли асарларни ҳозир биз яшаётган давр — истиқлолимиз руҳиятидан келиб чиққан ҳолда кўздан кечириб, мушоҳада қилиш анча фикр — мулоҳазаларга асос беради.

Тўғри, бу ўтган даврларда адабиётшуносликда анча ишлар қилинганлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Иккинчи жаҳон уруши мавзуида ўзбек адиблари яратган асарлар ўша даврнинг ўзидаёқ ўрганила бошлаган эди. Ҳатто, ўша пайтларда бу мавзунинг нафақат бутунги аҳамияти, балки келажак адабиётида тутадиган ўрни, мавқеи ҳақида ҳам фикрлар билдирилган эди. «Замонамиз, айниқса, Улуғ Ватан уруши даври салмоқдор бадиий асарлар яратиш учун хилма — хил темаларга бой, — деб ёзган эди атоқли адабиётшунос И.Султон ўша йилларда, — уруш тутаб, тинч ҳаётимизга кирганимиздан кейин ҳам адабиётимиз олдиға катта вазифалар келиб чиқади: адабиётимиз даҳшатли ва мислсиз жангдан чиққан улуғ баҳодир халқимизнинг саноқсиз маънавий жароҳатларига малҳам топиши, унга маслаҳаттўй ва йўлбошчи бўлиши керак»¹. Ғ.Ғулом, Ойбек, Ҳ.Олимжон, М.Шайхзода, Ғ.Каримов, Р.Соҳиббоев, А.Умарий ва бошқа қатор адиб ҳамда адабиётшуносларимиз бу давр адабиётининг ўзига хос жиҳатларини, ютуқ — камчиликларини таҳлил этадиган катта — кичик ҳажмдаги кўпгина тадқиқотлар яратдилар. Кейинги даврларда ҳам адабиётимизда бу йўналиш тадқиқотчиларнинг диққат майдонида турди. Айниқса, 60 — йиллардан бошлаб адабий жараёнда бу мавзуга қизиқиш ошгани, яратилаётган асарларнинг салмоғи сезила боргани сари адабиётшуносларнинг унга нисбатан

¹ Назат Султон. Катта ымтиҳон. Тўрт жыллик. Иккинчи жыл. Ғ.Ғулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1972, 27-бет.

эътибори кучайди. Олимларимиздан О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, А.Қаюмов, У.Норматов, С.Мирвалиев, Н.Каримов, Н.Владимирова, П.Шермухаммедов ва яна кўплари бу мавзуда эълон қилинган асарларни таҳлил этадиган анча мақолалар ёздилар.

Иккинчи жаҳон уруши мавзусининг ўзбек адабиётида ифодаланишини ўрганиш борасида адабиётшуносликнинг ўзида икки йўналиш кўзга ташланади. Биринчи йўналишда ўша кунларнинг ўзида бошланган анъаналарни давом эттириб, уруш даври адабиётининг хусусиятларини махсус тарзда ўрганишга интилиш сезилади. Бу ўринда Т.Собировнинг «Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек совет адабиёти» (1954), Ж.Ҳожиматовнинг «Жанговар йиллар поэзияси» (1968), Т.Ҳамидованинг «Улуғ Ватан уруши йилларида рус—ўзбек адабий алоқалари» (1973), С.Мамажоновнинг «Улуғ Ватан уруши даври ўзбек адабиёти» (1975), Б.Саимовнинг «Улуғ Ватан уруши даври ўзбек адабиётининг жанр хусусиятлари» (1983), Ў.Нурмухаммедовнинг «Жангчи—шоирлар ижодида ҳарбий ватанпарварлик» (1985) каби бир қатор илмий—тадқиқотларни тилга олиш мумкин. Яна бир китоб борки, бу соҳада унинг ҳам алоҳида қимматга эгалигини эътиборга олиш лозим бўлади. Бу — «ўзбек жангномаси» деб аталадиган китоб. Унда бир гуруҳ ўзбек ёзувчилари ва адабиётшуносларининг мақолалари жамланган. Китобнинг биринчи қисми «Жанговар йилларнинг оташин куйчилари», деб номланиб, унда уруш йилларидаги ўзбек адабиёти ҳақида сўз кетади. «Жанговар анъаналар давом этади» деган ном билан аталувчи иккинчи қисмда кейинги даврларда шу мавзуда яратилган асарлар тилга олинган ва таҳлил этилгандир. Шу жиҳати билан у гўё ўтган уруш мавзuidaги адабиётни ўрганаётган илмнинг икки йўналишини бир—бири билан боғлагандек бўлади. Демак, маълум бўлаяптики, бу соҳада иккинчи йўналишга кирувчи тадқиқотлар — фашизмга қарши кураш воқеалари ҳақида кейинги ўн йилликларда яратилган бадий асарлар ўрганилган, унинг ўзига хос томонларини аниқлашга бағишланган адабиётшунослик асарларидир. Бунга Н.Бекмирзаевнинг «Жасоратнинг бадий талқини» (1991) китоби ва яна бошқа айрим тадқиқотларни кўриштириш мумкин. Жумладан, мазкур китоб муаллифи ҳам бу йўналишда «Мардлик ва матонат тасвири» (1976), «Ўзбек ҳарбий прозасида характер яратишнинг баъзи муаммолари» (1989) каби китоблар эълон қилган. Биринчидан, бу кузатиш ва тадқиқотлардаги бадий асарларга қўйилган талаблар, уларни баҳолаш мезонида эски мафкура таъсири сезилиб туради. Бу эса иккинчи жаҳон уруши мавзусида турли даврда ёзилган ўзбек адабиётларининг асарлари, жумладан, ҳарбий проза намуналарига ҳам муносиб ўрнатишга қўйилган талабларнинг ўзидир. Ўзбекистондаги адабиётшуносликнинг ўсиш ва ривожланиш муҳим ҳаётий зарурият эканлигини кўрсатади. Иккинчидан, бу соҳада келтирилган адабиётшунослик асарлари ҳали бу

йўналишда катта, бой ва ранг—баранг адабиётнинг ҳамма жиҳатларини ўрганиб чиқди, атрофлича қамраб олди, деган гапларни айтиш даражасида эмас. Эҳтимол шу мавзудаги асарларни жанр ва бошқа жиҳатлардан умумлаштириш, обзор қилиш борасида муайян ишлар қилинган бўлиш мумкин. Лекин уларнинг ҳақиқий бадиийлик даражасини белгилаш, чунончи ҳаётнинг тўғри ва реал манзараларини бериш, характер ва фавқулодда шароит ўртасидаги муносабатларни кўрсатиш, ёзувчиларнинг услуби ва маҳорати билан боғлиқ жиҳатларга чуқурроқ кўз ташлашдек масалалар бўйича қилинадиган ишларнинг кўпи ҳали олдинда турибди.

ЙЎЛ БОШИДА

Уруш манзаралари тасвири, бу даврда яшаган кишиларнинг руҳий оламини, ҳиссиётини бадиий тадқиқ этишда бевосита уруш даврида яшаб ижод қилган адибларникидан жаҳон уруши бошланганида ижод оламига эндигина қадам қўя бошлаган ёхуд болалиги уруш даврига тўғри келган адиблар таянадиган эстетик тамойиллар тамомила фарқ қилади. Уруш даврида яшаб ижод қилган ёзувчилар учун уруш муаммоси кундалик, долзарб масалалар бўлган бўлса, у ҳақда болалик ёки ўсмирлик хотираларига суяниб асар ёзган адиблар учун маънавий мезон, инсоннинг инсонийлигини ўлчайдиган, уни синовдан ўтказадиган ахлоқий тарози дейиш мумкин. Уруш ҳақида ўша даврнинг ўзида ҳам, уруш тутаганидан сўнг асар битган адиблар бу давр руҳини чуқурроқ акс эттирганликларини қайд этиш лозим. Бундай ёзувчилар адабиётда бутун бир силсилани ташкил этади.

Ўзбек ҳарбий прозасининг ривожига шулардан бири ёзувчи Саид Аҳмаднинг хизматлари алоҳидадир. У ўзининг ўнлаб ҳикояларида ўтган уруш даври билан боғлиқ воқеаларга турли муносабатлар билан мурожаат этди. Адиб истеъдодининг натижаси ўлароқ ўзбек ҳарбий прозаси урушнинг инсон учун нақадар оғир қисмат эканини ҳозирги китобхонга ҳис қилдирадиган, бадиий жиҳатдан бақувват бўлган қатор асарлар ҳисобига бойиди. «Уфқ» трилогияси эса, гарчи адабий танқидчиликда турлича баҳоланган бўлса—да, ўзига хос бир адабий ҳодиса сифатида мухлислар қалбидан, хотирасидан жой олди. Лекин Саид Аҳмад бундай натижаларга осонгина эришгани, бу маҳорат чўққисига бирданига чиқиб олгани йўқ. Буларнинг ҳаммасининг замирида кўп изланишлар ва катта ёзувчилик меҳнати турганини тасаввур қилиш қийин эмас. И.Ғафуров ёзувчи ижодига бағишланган китобида «Саид Аҳмаднинг илк ижоди 1940—1949 йилларни қамраб олади»,¹ деган бир гапни айтган. Бу — қисқа муддат эмас. Агар шунга

¹ И.Ғафуров. Прозанинг шоири. Ғ.Ғулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1981, 13 бет.

ёзувчининг «Тортиқ» (1940) тўплами чиққунга қадар бўлган изланиш ва машқларини ҳам қўшадиган бўлсак, ушбу чегара янада кенгайиши мумкин. Буларни таъкидлашдан мурод ўзбек ҳарбий прозасининг тарақиётидаги Саид Аҳмад номи билан боғланадиган ютуқлар, бадиий натижалар қандай юзага келганлигига эътиборни қаратишдир. Тўғри, Саид Аҳмад фақатгина ҳарбий мавзуда қалам тебратадиган ёзувчи эмас — иккинчи жаҳон уруши даври воқеаларини ифодалаш ёзувчи ижодининг муҳим бир йўналишини ташкил қилади, холос. Лекин шу йўналиш бўйича кузатишларнинг ўзи ҳам ёзувчининг илк ижодидаги изланишлар қанчалик ўзига хослигини бемалол кўрсата олади. Бу жиҳатдан, хусусан, бевосита ўша шароитнинг ўзида — урушнинг машаққатли воқеалари содир бўлаётган кезларда ёзилган унинг бир қатор асарлари диққатимизни ўзига тортарди.

Саид Аҳмад, бевосита уруш йилларида «Тепки», «Мастонбиби», «Кутиш тараддуди», «Ирода», «Қўшиқ» каби талай ҳикоялар яратган. Албатта, улар бадиийлик нуқтаи назаридан турли даражадаги асарлардир. Шуни ҳам айтиш керакки, бу ҳикояларни Саид Аҳмаднинг уруш мавзусида кейин яратган асарлари билан ҳам тенглаштириб бўлмайди. Лекин Саид Аҳмад бадиий оламига хос хусусиятларнинг айрим белгилари илк бор мана шу ҳикояларда учрайдики, буни эътибордан соқит қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ёзувчининг бу даврда яратган асарларининг ўзгача аҳамияти бор.

Ёзувчининг шу давр ижоди ҳақида фикр юритилганда, унинг айниқса, «Мастонбиби» ҳикояси тез—тез тилга олиниб турилади. Бу ҳикоянинг ўша пайтлари яратилган талай асарлар, жумладан, «Ботирли», «Асрор бобо» (А.Қаҳҳор) ҳикоялари билан анча ҳамоҳанг ўринлари бор. Бу ҳамоҳанглик, аввало, мамлакат ичкарисидagi меҳнати билан урушдаги ғалабага ўз ҳиссасини қўшаётган кишилар образини яратишда кўзга ташланади. Сўнгра асарнинг марказий сюжети чизиги—чол ва кампир образини уларнинг фронтдаги ўғлига муносабати орқали очишда ҳам маълум ўхшашликлар бор. Ниҳоят, ўғлидан «Бир ярим ойдан бери на хат, на хабар» келмаётганига хавотир олиб ҳар хил инжиқликлар қилаётган Мастонбибига қарата чоли уста Қобилнинг айтган қуйидаги гапларида ҳам таниш оҳанглар учрайди: «Кўп ғалва қилма, — дейди у. — Хўш, ёшинг нечага борди? Бор, ана олтимиш бешга кир. Ўз тенгдошларингни кўрасанми, кетмон чопаетибди. Заводга кириб, электр машина юргизапти. Сен—чи, сен Худоёрхоннинг хотинидек, етти қават кўрпачада ўтириб, гап

сотишни биласан, холос. Кетмон чопаетган кампирларнинг сенчалик ташвиши йўқми?»¹

Асарнинг марказида, номидан ҳам кўриниб турганидек, Мاستонбиби образи туради. Ёзувчи бу қаҳрамони образи орқали уруш шароити таъсири ва талаби натижасида ўша пайтдаги одамларда содир бўлган ички ўзгаришларни кўрсатишни мақсад қилган. Дарҳақиқат, ҳикояда Мастонбиби иримчи, уй ташвиши билан банд бўлган оддий бир кампирдан меҳнат жараёнининг фаол иштирокчисига айланади. Фақат ўзи ўзгарибгина қолмай, бошқаларга ҳам таъсир эта оладиган даражагача боради. Албатта, асарда ёзувчи ниятининг бу шаклда қўйилишига эътироз йўқ. Чунки уруш даври ҳаёти учун бундай ҳодисалар энг типик ҳол эди. Бунинг исботига доир фактларни ўша даврдан истаганча келтириш мумкин. Лекин асарнинг муваффақияти фақат шу билангина боғлиқ эмас, албатта. Асарнинг бадиийлик даражаси ёзувчининг муҳим мақсади юксак савиядаги, чуқур ҳаётий мантиққа асосланган ижрони ҳам талаб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Мастонбиби» даги бош қаҳрамон образи талқинида анча мулоҳазабоп ўринлар борлиги кўринади. Айниқса, характер мантиқи билан ҳисоблашмаслик, бу борада тажрибасизлик икки ҳолатда яққол сезилиб қолган. Ҳикоянинг бошланиш қисмида Мастонбиби келини Хосиятхонни унчалик «жини суймаслиги» бизга маълум бўлади. Унга Хосиятхоннинг бригадирлик қилиши, кеча—ю кундуз меҳнат ташвиши билан юриши ёқмайди. У чолининг қайтаришига қарамай, келини ҳақида анча—мунча гапларни айтишга улгуради ҳам. Шундан сўнг кампирнинг ўғлидан келини номига келган хатни неварасига ўқитиш эпизоди берилган. Характерли жойи шундаки, Саид Аҳмад бадиий оламига хос бўлган қувноқ юмор унда ҳам ярқ этиб кўзга ташланиб туради. Шу ўринларни ўқиётганда кулмасдан иложимиз йўқ. Лекин хатда ёзилган бир жумлани эшитиши биланоқ кампирнинг келини ҳақидаги фикри тўсатдан ўзгариб қолиши, «Қирққокил келиним ҳам чакки эмас—ку!» дейиши, унга бирдан «меҳри товланиб» кетиши сунъий чиқиб қолган. Иккинчи шундай ҳолат, Мастонбибининг мажлисда айтган ваъзига алоқадор. Кампир келини ҳақида мақола чиққан газетани кўтариб, уни излаб колхоз клубига—мажлис кетаётган жойга келиб қолади. У ҳосилотнинг эртадан бошлаб колхозимизнинг «ҳамма кекса ва ёшлари далада бўлиши керак!» деган гапларини эшитади. Ҳозиргина унинг «уй бекаси бўлиб ўтирадиган хотини Ойшахоннинг қандай ясан—тусан» қилиб юганини кўрган Мастонбибига бу гаплар кор қилади ва «бир саволим бор» деб ўрнидан туриб, яхшигина «нутқ»

¹ С.Аҳмад. Уч жылдан. 3- жилд. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1982, 9-бет. Маъмур асардан мисолларни шу нашрдан келтирилади.

сўзлайди. Бу «нутқ»да ўзининг далага чиқиб ишлашини, келинининг юзини ерга қаратмаслигини айтади ҳамда нима учун раис ва ҳосилотнинг хотини далага чиқмайди, деган масалани қўяди. Ҳосилот «Кампир тўғри айтадилар. Эртага хотиним ишга чиқади, деб сўз бераман», деб зўрға қутилади. Турган гапки, кечагина тушга ишониб худойи қилиб юрган, келиннинг вазифаси яхши кийиниб уйда ўтириш ва шу ердаги ишларнигина қилиш, деб тушунадиган кампирнинг бирданига бу даражада ўзгариб кетиши бизни ажаблантиради. Қаҳрамондаги маънавий — психологик ўзгаришларни кўрсатишда асарда ички бир узилиш, бўшлиқ борлигини сезамиз. Тўғри, ҳикояда ўша бўшлиқни тўлдиришга баъзи ҳаракатлар бўлган. Масалан, Ойшахон пластинка сўраб келиб кетганидан сўнг кампирнинг ҳаёлидан шундай гаплар ўтади: «Мастонбиби келини ҳақида ўйлаганида, кўпинча, келинчақларга ўхшаб ясанган, ҳамма вақт қошида ўсма, кўзида сурма бўлишини орзу қилар эди. Лекин Ҳосилотнинг хотинини шу ҳолда кўриб, орзусидан айниди. Негаки, авжи иш қизиб турган бир пайтда, миннатдор бўлсанг босаман, деб пўрим бўлиб юриш алланечук кўринар экан». Бу — қаҳрамон характери талқинидаги муҳим психологик нуқта. Лекин у Мастонбибидаги кескин ўзгаришни кўрсатишда сезилиб қолган бўшлиқни тўлдиролмади.

Ҳикоядаги воқеалар ривожидан Мастонбиби фақат ўзи ўзгарибгина қолмасдан, айтиб чоқда «Еганим олдимда, емаганим кетимда, давлатим оқсоч олишни ҳам кўтаради» деган ўйда юрган Ойшахоннинг, айтиб иш қизғин пайтларда тўқайга уриб кетиб, нашавандлик қилиб юрган Али полвонларнинг ҳам ўзларидаги ҳар хил қусурларни енгиб ўтишларига, синов кунларида кўпчиликнинг сафида, элнинг қаторида бўлишларига сабабчи бўлади.

Саид Аҳмаднинг уруш йилларидаги ижодидан «Ирода» ҳикояси ҳам эътиборни ўзига тортади. Агар биз юқорида кўрган «Мастонбиби» мамлакат ичкарасидаги ҳаёт тасвирига бағишланган бўлса, «Ирода» — бошдан — оёқ фронт воқеалари ҳақида ёзилган асар. Шу нуқтаи назардан унинг ёзувчи ижодида алоҳида ўрни бор. Чунки Саид Аҳмаднинг уруш мавзусида ёзган асарлари, асосан, меҳнат фронтидаги ҳаётга бағишлангандир. Фронт ҳаётига оид гаплар онда — сонда, бирор муносабат билан берилмаса, деярли учрамайди. Шу жиҳатдан, таъкидлаганимиздек, «Ирода» ҳикояси ажралиб туради.

Ҳикоянинг композицияси шундай тузилган: дастлаб бош қаҳрамон — учувчи йигит Усмонов ҳақидаги маълумот унинг қурулдош дўстлари тилидан берилади. Ҳикоянинг бошланиш қисмидаги эпизодда гап, асосан, у тўғрисида кетади. Уларнинг гап —

сўзларидан Усмоновнинг моҳир учувчи эканини, жасоратли ишларини билиб оламиз. Айни чоқда радист йигит бераётган маълумотлардан унинг сўнгги парвози — сўнгги жанговар учиши давомида қилаётган ишларидан ҳам хабардор бўлиб борамиз. Ҳикоянинг иккинчи асосий қисмида эса бевосита қаҳрамоннинг ўзини кўриш ва кузатиш имкониятига эга бўламиз. Лекин айтиш керакки, ҳикояни ўқиётган пайтимизда бир нарсадан кўнглимиз хижил бўлиб туради. Қаҳрамон қилаётган айнан бир хил жанговар ишлар икки марта такрорланади — биринчи бор радист тилидан хабар берилса, сўнг ўзи кўрсатилади. Яна аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳикоянинг биринчи қисмида айтиладиган гаплар, унинг иккинчи қисмида кенгайтириб такрорланади. Масалан, биз олдин ҳам темирйўл кўприги ва ўқ — дори омборига бомба ташланганини, Усмоновнинг самолётидаги бензин бакига ўқ текканини радистнинг хабари орқали билган эдик. Шу гаплар кейинроқ бошқачароқ тарзда яна қайтарилади. Бундай қайтариқларнинг мавжудлиги ҳикоянинг композицияси пухта эмаслигидан далолат беради.

Ҳикоянинг иккинчи қисмида Усмонов ва унинг ёрдамчиси Оксананинг учиш давомида бажарган бизга маълум ишлари қандай амалга оширилгани ҳақида гап боради. Бунда энди ўша ишларнинг бажарилиш жараёни тафсилоти кўрсатилади. Албатта, Усмонов қилган ишлар — дастлаб темирйўл кўпригининг, сўнгра фашистларнинг қурол — аслаҳа омборининг портлатилиши, бензин баки ўқ тегиб, тешилгач, самолётдаги охириги бомбаларни душманларнинг «ниқобланган «Зенит» тўплари» устига ташлаши, ўзи оғир ярадор бир ҳолатда машинани ўрмон ичидаги ялангликка қўндириши кабилар уруш шароитида кўрсатилаётган том маънодаги жасорат. Лекин бу мураккаб ва қийин воқеалар тасвири бизга у қадар таъсир қилмайди. Бу гапларни урушнинг оддий бир маълумоти сифатида қабул қиламиз, холос. Ҳикоя қаҳрамони бажараётган жанговар ишлар, у тушган фожеавий ҳолат инсоний туйғуларга йўғрилган ҳолда берилмаган. Биз Усмоновнинг инсоний қиёфасини аниқ кўз олдимизга келтира олмаймиз. У асарда жуда умумий тарзда берилади, аниқ — индивидуал инсоний белгилари билан ажралиб турмайди. Тўғри, бир жойда бунга интилиш бор. Чунончи, Усмонов штурвал ўртасига севган қизи Лазокатнинг суратини ёпиштириб қўяди. Шу деталдан фойдаланиш мақсадида, ёзувчи уни бир неча ўринда эслатади. Лекин бундан тузукроқ бадий маъно юзага чиқмайди. Баъзан эса ёзувчи бераётган тафсилотлар бир — бирига зид келиши ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, бир ўринда «Самолёт нам ҳавони кесиб шахд учиб бормоқда. Қуйидаги сарғайган қайин барглари, кўм кўк арчалар

худди гилам каби, туман орасида кўзга ташланади»¹ дейилса, сал нарироқ бориб, иккинчи бомба ташланганда «ўт алангалари ҳамма ёқни ёритиб юборади» дейилади. Энди бу ерда кундуз куни ўт алангаси қандай қилиб ҳаммаёқни ёритиб юборишини кўз олдимизга келтира олмай қийналамиз. Хуллас, ёзувчи ҳикоя жанри табиатига хос бўлган тасвирдаги лўндаликка ва аниқликка мазкур асарда эришолмаган. Бунинг сабаблари бор, албатта. Аввало, бу ҳикоя йигирма уч яшарли, изланиш жараёнига хос қийинчиликларни эндигинабошидан кечираётган бир адиб қаламига мансуб эканини унутмаслигимиз керак. Бундан ташқари ёзувчи ўзи билмайдиган, ҳис қилмаган ҳаётий материал асосида ҳикоя яратишдек қалтис ишга урингани ҳам унга панд берган. Бу гапни таъкидлашимизнинг боиси бор. Масалан, «Мастонбиби»да сезилиб турадиган Саид Аҳмад ижодига хос хусусиятлар учқунини мазкур ҳикояда кузатиш қийин. Асарнинг мавҳум ва хира таассуротлар асосида ёзилгани билиниб туради. Шунинг учун ҳам унда ёзувчининг кейинги ижодига хос бўлган жонли манзаралар, тиниқ инсоний туйғулар тасвири куртакларига деярли дуч келмаймиз.

Таниқли адабиётшунос И.Фафуров шундай ёзади: «Эпик тасвирни лўнда ва худди ўртасидан кесилгандай бўлиб кўринадиган жумла—услуг билан олиб бориш ва айниқса, теран психологик таҳлиллар қилиш қийин. Катта насрнавислар бу услудда ишламаганлар. Улар бадиий прозани, унинг услуби ва тилини, ритмикасини ҳаддан ташқари соддалаштириб юборишдан чўчиганлар. Абдулла Қаҳҳор «Қўшчинор чироқлари»да шундай қилиб кўрган эди. Сўнг бу услуга қайтмади. «Хукм»да топилган проза усули эртақ усулига ўхшайди, лекин эртақнинг худди ўзи эмас. Ифодаларда эртақдан кўра маданийлашув ва адабийлашув аён кўринади. Лўндалик эпик тасвир талабларига жавоб бериши учун у яна андак батафсиллик касб этиши керак эди. Бу иборалар қанчалик ғалати бўлиб кўринмасин, лекин шундай батафсилликка Саид Аҳмад кейинроқ бориб ўзининг умрлик асари «Уфқ» трилогиясида эришди. Ўзбек прозасининг бошқа намоёндаларида учрамайди бу эпик лўндалик. У Саид Аҳмаднинг ўзига, унинг проза мактабига хос хислат бўлиб қолмоқда».¹ Танқидчи таъкидлаётган тасвирдаги бу «эпик лўндалик», гарчи ёзувчининг йирик проза асарлари муносабати билан айтилаётган бўлса—да, уни Саид Аҳмаднинг ҳикояларига ҳам бемалол тадбиқ этиш мумкин. Муҳими, шу «эпик лўндалик»нинг куртаклари ёзувчи ижодининг дастлабки босқичларида яратилган ҳикояларда ҳам гоҳ—гоҳ учраб туради. Айниқса, бу хусусият асар матнида муайян мақсадлар билан

¹ Саид Аҳмад. Қадрдон дилалар. Ўзданашир. Тошкент, 1957, 202-бет. Мазкур ҳикодан парчалар шу нашр асосида келтирилади.

¹ И.Фафуров. Прозанинг шонри. 153-бет.



берилаётган манзара тасвирида аниқ кўзга ташланади. Масалан, «Мастонбиби»даги ушбу манзарага эътибор қилайлик: «Қосимжон ўз қўли билан ўтқазиб кетган шафтоли кўчати бу йил нишонага гуллади... Ҳамма ёқ кўм—кўк майса билан қопланган. Қўрғон деворларидан оша энгашиб тушган мева дарахтлари оқ, пушти гуллар билан ўралган, асаларилар гулдан—гулга қўниб бол йиғадилар. Ёш—ялангларнинг чеккасида гунафша...» («Қадрдон далалар», 188—бет). Бу ерда баҳорнинг энг гўзал кўринишларидан бири хассослик билан, худди рассом чизган манзарадек аниқ гавдалантириб берилган. Лекин фарқ шундаки, у бир лаҳзага тўхтатилган, қотирилган манзара эмас, балки жонли, ҳаракатдаги манзарадир. Бу манзара тасвирига киритилган деталлар унга табиийлик бағишлаган.

Саид Аҳмаднинг уруш йилларида яратган ҳикояларини кузатар эканмиз, тасвирдаги «эпик лўндалик»ка ёзувчи фақат манзаралар тасвирида эмас, балки баъзан образлар, айниқса, улардаги у ёки бу ҳолат талқинида ҳам эришганига гувоҳ бўламиз. «Мастонбиби» ҳикоясидаги яна бир ўринга диққатимизни қаратайлик. Мастонбиби чоли уста Қобил билан Али полвонникига зиёфатга боришганда, унинг фронтдан таътилга келган жиянини кўришади. Бу жангчи йигит уларнинг ўғли Қосимжон билан фронтда бирга экан. Чол—кампир дарҳол ўғилларининг соғлиқ—саломатлигини суриштиришади. Йигит жавоб бериб, «Соғ бўлганда қандай, нақ тўлишиб Рустами—достон бўлиб кетган», дейди. Бундай хушхабар уларни шошириб қўяди. Шундан сўнг чол—кампирда рўй берган руҳий ҳолат қуйидагича берилади: «Мастонбиби ҳўплаган чойни халқумидан ўтказолмади, ғарғара қилиб ерга пуркаб ташлади. Уста Қобил эса шошиб оғзидаги носини ютиб юборди» («Қадрдон далалар» 191—бет). Кўряпмизки, мана шу лўнда, айни чоқда сермаъно, озгина юмор сингдирилган тасвир қаҳрамонлардаги ҳолат ҳақида ҳар қандай таъриф—тавсифдан кўра яхшироқ тасаввур беради.

Саид Аҳмаднинг илк ижодига мансуб «Қўшиқ» ҳикояси ҳам шу жиҳатдан эътиборни ўзига тортади. Унда ҳам баъзи ўринларда биз ёзувчи ижодига хос «эпик лўндалик»нинг дастлабки кўринишларига дуч келамиз. Ҳикоянинг экспозициясидаги қуйидаги тасвир дарҳол диққатни тортади: «Ёзнинг иссиқ кунлари эди. Ҳамма ёқ қуёшнинг олов селига чўмган. Чумчуқлар ҳам дарахтларда жимгина мудрарди. Бир жуфт сада кўланкасидаги қизил чойхонада одам кўринмайди. Қайрағоч тагидаги боққол иссиқда мудраган, хира пашшалар қовун пўчоқлари устида гингиллашади. Самоварчи чойхўрлар камлигидан шикоятланиб белбоғи билан ўзини тўхтовсиз елпийди» («Қадрдон далалар», 208

бет). Саид Аҳмад прозасига хос бўлган тасвирдаги жонлилик, табиийлик, тиниқлик бу ерда шундайгина кўзга ташланиб туради. Жазирама иссиқ манзарасини ўқувчига бунчалик аниқ гавдалантириб бериш ҳар қандай ижодкорнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун ёза олиш малакасидан ташқари, Саид Аҳмаднинг ўзи бир муносабат билан таъкидлаганидек, қалам тебратаётган кишига «... рангларни рассомдек кўриш, товушларни бастакордек эшитиш, табиатдаги ҳидларни асаларидек сезиш» каби хусусиятлар ҳам зарур бўлади. Юқоридаги парчада берилаётган деталлар — дарахтларда мудраётган чумчуқлар, иссиқдан қарахланган боққол, қовун пучоғи устида ғинғилаётган пашшалар, белбоғи билан ўзини елпиётган самоварчи — ҳаммаси бирикиб, бир мақсадга уюшиб, аниқ бир манзарани — бу ўринда ёзнинг энг иссиқ кезларидаги таниш картинани жонлантириш Саид Аҳмаднинг қаламига қанчалик хос хусусият эканини кўрсатади.

Шунга ўхшаш рассомчасига берилган картиналарни ҳикоянинг яна бир неча ўрнида учратиш мумкин. Баъзан қаҳрамонларнинг нутқларида ҳам ялт этиб Саид Аҳмад асарларига хос бўлган белгилар кўзга ташланиб қолади. Лекин булар "Қўшиқ" ҳикоясида учқун каби кўринган ёзувчининг ижодий изланишлари қийинчиликлар билан кечаётганини, ҳали у ҳикоя жанрига хос бўлган мураккаб хусусиятларни яхши эгаллаб олмаганини кўрсатади. Бу ердаги воқеалар марказида Сайдали ва Лида образлари туради. Аниқроғи, сюжетни ёзувчи шу тарзда режалаштирган. Лекин улар аниқ бир қиёфалари билан ажралиб турмайди. Чунончи, Сайдалининг на муҳаббат туйғулари, на фронтдаги жанговар ишлари тўғрисида тасаввурга эга бўламиз. У кўз олдимизда юради, турли ҳаракатлар қилади, ҳар хил гаплар айтади. Кўп кишилар билан муомалада бўлади, аммо буларнинг бирортаси ҳам унинг инсон сифатидаги дунёсини билишимизда қалит вазифасини ўтай олмайди. Ҳикоянинг номланиши ҳам аслида Сайдалидаги туйғуларга нисбат бериб қўйилган. Асар сўнгида берилган қуйидаги парча ҳам шундан далолат беради: «Сайдали секин—секин юриб анҳор бўйидан кетарди. Унинг Лидага бўлган муҳаббати гоҳ денгиз довулларидек ҳайқиргувчи, гоҳ тонг шаббодасидек майин эркалатувчи муҳаббат қўшиғига айланган эди» («Қадрдон далалар», 222—бет). Ёзувчи шунчалик пафос билан асарнинг сарлавҳасигача чиқарган Сайдалидаги бу туйғуларнинг пайдо бўлиши мантиқан яхши асосланмаган. Уларнинг танишлиги тарихи бор—йўғи бир кун чегарасида бўлади, холос. Бунчалик тез пишиб етилган муҳаббат туйғулари тасвирига китобхонни ишонтириш учун ёзувчи кўп ишлар қилиш лозим эди. Лекин бундай ҳаракат ҳикояда сезилмайди. Аниқроғи, ёзувчининг ўша пайтдаги маҳорат даражаси бунга имкон бермайди. Китобхонни



қаҳрамонлар ўртасида муносабатнинг жиддийлигига, туйғуларнинг ростлигига ишонтириш учун Саид Аҳмад бир мунча ҳаракат қилади. Масалан, бир ўринда Сайдали фронтга жўнаб кетишини айтганда, «Лида қизиқ бир ҳолга тушди» дейилади. Ўша куни кечаси хайрлашаётганларида ҳам шунга ўхшаш вазият бўлади. («Лида унинг елкасига қўлини ташлаб илиққина қилиб ўпиб олади — да, югуриб кўприқдан ўтиб, қоронғида кўздан ғойиб бўлади»). Бошқа бир ўринда — Сайдали урушдан қайтаётганда унда «Л.К.» деган ёзув тикилган тамаки халтаси борлиги эслатилади. Лекин бу ишоралар ички асос чуқур бўлмагани учун зарур натижаларни бера олмайди.

Лида образи талқинида ҳам турлича ноаниқликлар учрайди. Аввало, бу қизнинг қайси миллат фарзанди эканини билишда қийналамиз. Ёзувчининг турли жойларда берган изоҳларидан унинг Украинадан келганини, исми — шарифи ҳам Лида Кузменько эканини билганимиз ҳолда, бир ўринда бу қизнинг «Бизнинг русларда бир мақол бор», деб гапириши кишини ўйлантириб қўяди. Сўнгра Лиданинг Ўзбекистонга келиб қолиш сабаби ҳам қоронғи бўлиб қолган. Бир жойда қизнинг госпиталдан соғайиб чиққач, бу томонларга келгани айтилади. У госпиталга қандай тушганлиги — қандай ярадор бўлгани (жанг майдонидами, эвакуация пайтидами) бизга номаълумлигича қолади. Хуллас, ҳикояда бундай ўринлар анчагина. Албатта, ҳикояда бу хил камчиликлар учраши ёзувчи ижодидаги ўша босқич учун табиий ҳол эди. Муҳими, бу изланишлар Саид Аҳмаднинг кейинги даврда — 50—60—йилларда яратган асарларида ўз самараларини берди. Чунки ўша изланишлар, қилинган тажрибаларсиз ёзувчининг уруш мавзуини ифодалашда эришган сўнгги ютуқларини тасаввур қилиш қийин.

Айтилганларни хулосалаб, шундай дейиш мумкин: юқорида таҳлил қилинган ҳикоялар, гарчи жиддий камчиликлари бўлса — да, Саид Аҳмад ижодида алоҳида ўрин тутайди. Улар бу улкан сўз устасининг номи билан аталадиган бадиий оламнинг ичига кира олишимизда, маҳорат мактабининг сирларидан воқиф бўлишимизда, адиб истеъдоди табиатини тушунишимизда ўзига хос бир калит вазифасини ўтайди.

ҲИКОЯ ЖАНРИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

«Саид Аҳмад Ватан урушида бевосита қатнашган эмас, уруш йиллари у меҳнат frontiда бўлган, — деб ёзади йирик танқидчимиз Умарали Норматов ёзувчининг уч жилдлик «Сайланма»сидаги сўнгги сўзида. — Адиб ўз ижодий принципларидан келиб чиқиб, асарларида ўша даврнинг бевосита ўзи шоҳид бўлган, яқиндан билган лавҳаларини — кишиларимизнинг фронт орқасидаги ҳаётини, урушнинг уруш

ортида қолганлар тақдиридаги изларини, урушдан қайтганлар қисматини ифодалайди¹. Дарҳақиқат, ёзувчининг шу йўналишда кейин яратган асарларини кўздан кечиран эканми, уруш шароитининг аёвсиз синовларидан ўтган, бу синовлар тақдирида ўчмас из қолдирган одамларимизга хос сифатларни ўзларида мужассамлаштирган талай халқчил, жозибали характерлар билан адабиётимиз хазинаси бойиганининг гувоҳи бўламиз.

У.Норматов юқоридаги мақоласида Саид Аҳмад асарларини мавзу ва муаммолари жиҳатидан уч гуруҳга ажратади: уруш ва унинг оқибатларини кўрсатувчи асарлар; севги—садоқат, оилавий—маиший ҳаёт масалаларига, маънавий—ахлоқий муаммоларга бағишланган асарлар ва меҳнат кишисини улуғловчи асарлар. Ёзувчининг бу ерда бизни қизиқтирган «уруш ва унинг оқибатларини кўрсатувчи асарлари» рўйхатида унинг анчагина ҳикоялари ҳам ўрин олгандир. Бу ҳикояларда инсон қисмати ҳарбий ишга тўғридан—тўғри алоқаси бўлмаган халқ вакиллари характерларини чизиш орқали кўрсатилади. Шу йўсинда ёзувчи уруш ва инсон тақдири деган даврнинг энг асосий, бош муаммосига ўз муносабатини билдиради.

Ҳақиқатан ҳам У. Норматов таъкидлаганидек, Саид Аҳмаднинг кейинги йилларда ёзган ўндан ортиқ ҳикоясида қаҳрамонлар тақдири уруш ва унинг оқибатларига алоқадор воқеалар орқали кўрсатилади. Айни чоқда ёзувчининг яна шундай ҳикоялари ҳам борки, гарчи уларда бундай тасвир асарнинг марказида турмаса—да, уруш персонажлар тақдирида ўз изини қолдиради. Масалан, ёзувчининг «Сурхон ҳикоялари» туркумига кирган «Ўйлар»ида Меҳри кампир ҳаётидаги энг ҳаяжонли дамда—ўғлининг гоҳт масъулиятли ва шарафли бир топириқни бажаргани жўнаётган бир пайтда «бундан йигирма тўрт йил аввал елкасига қопини ташлаб, шу йўлдан кетган», «уруш шамоли қомига тортиб», қайтмаган умр йўлдоши Анорбойни эслайди. Хаёллар эрини унинг бағридан юлиб олиб кетган «Юлдузлар муз парчасидек совуқ чақнаган ўша куз оқшоми» томон етаклаб кетади. Кўз олдида «эри урушга кетган бари аёллар каби уйқусиз» ўтган тунлар, Анарбойнинг ҳаётини чинор шоҳида ёлғиз титраб турган япроққа қиёс қилиб ўтказган кунлар қайта жонлангандек бўлади. Шу тариқа ҳаётининг энг ширин дамлари уруш даврининг изғиринларига дуч келган аёлнинг кўнглидан кечаётган ўйлар оқимида гоҳ маънос, армонли пардалардаги ноалар эшитилса, гоҳ саҳт—сумбатидан қилиқларига отасига тортган ўғлининг камолотини кўриб, қувонаётган, фахрланаётган юракнинг тафти сезилиб туради. «Сумбул» ҳикоясидаги Ваҳобжоннинг қишлоқдаги бемаъни одатлар туфайли Гулсумга бўлган муҳаббати бемаврид

¹ Саид Аҳмад. Сайёҳнома. Уч жилдлик. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1982 йил, 3-жилд, 625-бет.

хазон бўлади. Йигитнинг бундай оғир руҳий жазога дуч келиши айнан уруш бошланган кунларга тўғри келади ва у ҳеч ўйлаб ўтирмай жанг майдонларига йўл олади. «Ваҳобжон фронтда тўрт йил» кезади. «Баданлари ўқдан илма—тешик бўлиб» кетади. Урушдан ҳар ҳолда тирик қайтади. Лекин севгилиси қолган, ўзи қувғин бўлган Сумбулсойга эмас, туғилиб ўсган қишлоғи Чинозга келади. Орадан йигирма олти йил ўтиб, қизи Зарофатни излаб қишлоққа боришга, ўзининг илк севган кишиси билан учрашишга тўғри келади. Ёзувчининг машҳур «Жимжитлик» ҳикоясининг қаҳрамони Толибнинг тақдиридан ҳам уруш ўзига хос чизик бўлиб ўтади, унинг олдинги ҳаёти билан кейингиси гўё дарёнинг икки қирғоғига ўхшаб, бир—биридан ажраб қолади. Бундай мисолларни Саид Аҳмад ижодидан яна анча келтириш мумкин. Ушбу ҳолат шуни кўрсатадики, ёзувчининг ранг—баранг, бой, серқирра бадиий оламида уруш ва унинг оқибатларини тасвирлаш муҳим ифодавий компонент, персонажлардаги сифатларни намоён этувчи ўзига хос бир ҳаётий кўзгу вазифасини ўтайди. Бу кўзгу орқали қаҳрамонларнинг бўй—басти ҳам, ҳаёт йўли ҳам, маънавий олами ҳам кўз олдимизда ёрқинроқ, мукамалроқ тарзда гавдаланиб туради.

Саид Аҳмад ижодида уруш давридаги ҳаётнинг айнан ўзини кўрсатувчи асарлар кейинчалик, яъни тинч қурилишнинг дастлабки йилларида ҳам яратилади. Бу ўринда унинг «Куёв» ҳикоясини келтириш мумкин. Унда ҳам ёзувчи ўзи яхши биладиган материалга—меҳнат фронтидаги кишиларимиз ҳаётига мурожаат қилади. Асарда биринчи кўзга ташланадиган жиҳат шуки, ёзувчи ҳикоячилик поэтикасини ўзлаштиришда, даставвал, композицион яхлитликка интиланлиги яққол сезилади. Ҳикоянинг номи бежиз «Куёв» деб аталмайди. Бу билан ёзувчи асардаги Алихўжа образига, унда содир бўладиган маънавий—психологик ўзгаришлар жараёнига урғу бермоқчи бўлади. Алихўжа — Назар отанинг куёви. Қайнотасининг бошига мусибат тушиб, ҳовлида бир ўзи ёлғиз қолганда, «қўярда—қўймай уни уйига кўчириб олиб» келади, шу йўл билан оғир кунда унга руҳий мадад бўлади. Қайнота билан куёв ўртасида келишмовчилик Назар ота ҳосилотликка сайланган кундан бошланади. «Илгарилари бинойидек бир звенони эплаб турган Алихўжа «ҳосилот ўзимиздан чиқди, ошиғимиз олчи» деган ўй билан гузардаги колхоз дўконини сўраб, ариза» беради. Ўша кунлари «Фарҳод» га (Фарҳод ГЭСига— У.Ў.) одам олиб кетган Назар ота келиб қараса, куёвининг ишлари юришиб кетган, савдони бошлаб юборган бўлади. У бундай ишлардан жаҳли чиқиб, раис билан айтишиб қолади. «Одамларни ўзингиз бузаяпсиз, девдек—девдек йигитларни енгил—елпи ишга ўтказиб юбордингиз, — дейди раисга қарата. — Шукрулло тегирмонда, Асқад омборда, Маърифжон самоварчи, энди Алихўжа дўконга ўтдими? Пахтани

жким экади, ёш болаларми, кампирларми? Ҳадеб ўзбошимчалик қилаверасизми, болам? Бунақанги ишларга фронтдан келган инвалид болаларни қўйиш керак. Йўлда Хирмонтепа тагида Муҳсин иқўлтиқтаёқ билан кетмон чопяпти, титраб кетдим... Инсоф ҳам икерак—да, ахир!»¹ Кейинчалик ўзи раис этиб сайлангач, ўша мажлисининг ўзида куёви Алихўжани ҳам, Асқад билан Шукруллони ҳам роса танқид қилиб, уларнинг ўрнига бошқа одам тайин қилишни таклиф қилади. Бу таклифни, гарчи бутун мажлис аҳли қарсак билан кутиб олган бўлса—да, лекин ўша одамларнинг ўзларига бу ёқмайди. Ҳикояда бунга алоқадар тафсилотлар қайнота ва куёв ўртасидаги муносабат орқали кўрсатилади. Табиийки, «ёғли» жойдан ажралиш Алихўжага ёқмайди. У ичиб келиб, аламини хотинидан олади. «Дўконда ишласам, уч—тўрт танга пул орттираман, бу пулни ёлғиз ўзим ермидим, рўзғорга сарф қиламан, отанг ҳам мана шу қозондан овқат. ейди—ку, ахир!» — дея нималаргадир писанда қилади. Кўчада Назар ота унинг кайфи борлигини билиб, саломига алик олмай тескари қараб ўтиб кетса, «Раис бўлиб димоғи кўтарилиб қопти—ку», деб орқасидан изма—из устакхонагача боради. «Салом берсак, алик олмайсиз, нима, энди чўқинамиз шекилли», дея пичинг ҳам қилади. «Ҳар куни кириб—чиқиб турган эшигингизни қаттиқ ёпманг. Кейин дилингиз озор топиб қолади», деб пўписа ҳам қилиб қўяди. Кўраяпмизки, қайнота—куёв ўртасидаги муносабатлар анча мураккаблашиб қолади. Бунда Назар ота қарияларга хос босиқлик қилаётган, ҳали «ҳовридан тушиб қолади» деган андиша билан юрган бўлса, Алихўжа қизиқ устида маънавий чегарадан анча ўтиб ҳам кетади, чолга малол келадиган галарни гапириб қўяди. Фикримизча, ёзувчи ҳикояда мазкур персонажлар ўртасидаги муносабатга бундай драматик тус беришда, бу даражага олиб келишда маълум бадиий мақсадларни кўзлаб иш тутади. Алихўжадаги «ҳужумкорлик» кайфиятини кучайтириш орқали Назар ота қалбига, руҳида мавжуд бўлган ва кечаётган драматик жараёнга йўл топишга ҳаракат қилади. Тўғри, ҳикояда ёзувчи бунга тўлиқ муваффақ бўлган, деб айтиш қийин. Чунки, мазкур қаҳрамондаги ҳолат, кайфият бундан кўра мураккаброқ, драматикроқ тасвирни тақоза этиши кўриниб турибди. Чунончи, Алихўжа томонидан айтилган баланд—паст гаплар отанинг дилида қўзғалган ўйларга, изтиробларга ўзига хос бир «калит» бўлиб хизмат қилади. «Назар ота Алихўжанинг ҳамма гапига чидаса ҳам, «ҳар куни кириб—чиқиб турадиган эшикни қаттиқ ёпманг» деганига асло чидай олмайди. Бу нима дегани? Уйимга иккинчи қадам босишингни ўйла, деганими? Тўғри, Назар ота куёви Алихўжанинг уйида туради. Лекин унинг бу уйга кўчиб келишига сабаб, турмуш оғирчилиги ёки муҳтожлик эмасди

¹ Санд Аҳмид. Сайланма. Уч жилдлик. Учинчи жилд. Ғ.Ғулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент 1982 йил, 27-бет. Бундан кейинги шу жисддан келтирилган парчаларнинг бетини кўрсатиш билан чекланамиз.

албатта» («Сайланма», учинчи жилд 26 – бет). Бу ўринда қаҳрамондаги ўйлар оқими умумийроқ тарзда кўрсатиляпти. Сал ўтиб эса отадаги асосий руҳий драмага бир оз яқинлашилади, унинг бунчалик маломат гаплар эшитиши, ўз уйини бировга бериб, куёвиникига келиши сабаблари маълум бўлади. Назар отанинг бу аҳволга тушиб ўтиришига уруш сабабчи эканини, унинг якка – ёлғиз ўғли фронтда ҳалок бўлганини билиб оламиз. Очиғи, қаҳрамондаги бундай мураккаб, драматик кечинмаларни беришда ёзувчининг маҳорати етишмаганлиги сезилиб қолади. Шу сабабли асарнинг энг жиддий, ҳаяжонли нуқталаридан бўлиши лозим жойлар оддий ахборотнома гаплар йиғиндисига ўхшаб кетган. Табиийки, бундай тасвирнинг натижаси ҳам шунга яраша бўлади.

Ҳикоя сўнгида куёв – Алихўжа ўзгара бошлайди. У, аввало, «қайнотасига таъсир кўрсатаман, деб ўзи кўпчилик ўртасида майна бўлиб қолганини» сезади. Хаёлидан «қайнотам тўғри иш қилдими? Отам ўрнидаги бир киши менга ёмонлик кўзламас, ахир», деган фикрлар ўтади. Ниҳоят, дўконни Муҳсинга топшириб, «юзини занг босган чалғини кўтариб», ўроқчиликка чиқиб кетади. Асар хотимасида Алихўжанинг одамлар эшитадиган қилиб, «магазинчидан қанақа ўроқчи чиқишини бир кўриб қўйишсин!» деган гапларни айтиши унинг ўзгарганига ишора.

«Куёв» ҳикояси ҳақидаги мулоҳазаларни умумлаштириб, шуни айтиш мумкинки, ёзувчи уруш мавзусидаги бу асарида конфликтни маълум нуқтагача ривожлантириб боришга, воқеалар, персонажлар ўртасидаги муносабатга қисман бўлса – да, драматик тус беришга эришган. Лекин шу ҳаракатлардан келиб чиқадиган натижаларни беришда маҳорат етишмаслиги панд бериб қўйган. Эҳтимол, бу масалада ҳикоя ёзилган давр – урушдан кейинги йиллар ҳаёти, адабиётдаги баъзи салбий кўринишларнинг ҳам таъсири бордир.

Ёзувчи ўз маҳоратини ошириш учун тинимсиз изланишлар олиб борди, кўп ҳикоялар ёзди, тасвир жараёнида янги – янги ифода усуллари қўллашга ҳаракат қилди. Булар, албатта, изсиз кетмади. Саид Аҳмаднинг кейинги йилларда ёзган бир гуруҳ ҳикоялари борки, уларда уруш азобини, жабрини тортган, бу машъум давр вужудида қайсидир шаклда ўчмас жароҳатлар қолдирган кишилар тақдири бошқа бир «холис» нигоҳ – ҳикоячи қаҳрамон назари орқали кўрсатилади. Шу жиҳатлари билан бу асарларнинг А.Қаҳҳор ҳикояларига қандайдир яқинлик, ҳамоҳанглик томонлари бордек туюлади. Фақат устоз санъаткорда бу иш учинчи шахс нигоҳи орқали амалга оширилган бўлса, Саид Аҳмад ҳикояларида эса у бошқачароқ ифода усулида намоён бўлади. Саид Аҳмад уларда кўпинча ҳикояни биринчи шахс тилидан олиб боришни маъқул кўради, асосий воқеаларни ҳикоячи образига алоқадор шаклда тасвирлашга ҳаракат қилади. Бундан ташқари ёзувчининг бу типдаги асарларининг поэтикаси ҳам унинг олдинги

ҳикояларидан фарқ қилади. Агар «Мастонбиби», «Куёв» каби асарларда уруш даври ҳаёти тўғридан-тўғри кўрсатилган, китобхон персонажлар ҳақидаги гапларни бевосита қабул қиладиган бўлса, биз назарда тутаётган ҳикояларда воқеалар эмоционал тарзда — ҳикоячи қаҳрамоннинг муносабати, кечинмалари билан қўшиб ўқувчига тақдим этилади. Бу ўз навбатида фақат уруш ва унинг оғир оқибатларини кўрсатишгагина эмас, айтиб чоғда муайян вақт масофасидан туриб унга нисбатан бўлган одамлардаги кейинги муносабатни ҳам бера олишга имконият яратади.

Шундай ҳикоялардан бири — «Кўклам тароналари» дир. Асар композицияси шундай қурилганки, ундаги ҳар бир тасвир, тафсилот сюжетдаги асосий воқеага олиб боровчи муайян босқич вазифасини бажаради. Эътибор берайлик. Томоша зали, сахнада «Кўклам тароналари» сюитаси ижро этиляпти. Ҳар бир чолғу асбобидан чиқаётган садолар эшитувчига ўзича таъсир этяпти, ўзича нималарнидир эслатяпти. Шулардан скрипкадан чиқаётган оҳанглар ажратилади, унинг садоларидан ҳосил бўлаётган тингловчи туйғуларига эътибор қаратилади. «Скрипка ҳамон нозик пардаларда. У сочига умр қирови қўнган қарияларнинг ич-ичида қалбининг энг теран ерларида яшириниб қолган ёшлик хотираларини, болаликнинг беозор ўт-олов кунларидан узилиб қолган дамларини ёдга солар, ўша кунларга беихтиёр етакларди» («Сайланма», 3-жилд. 80-бет) дея бу ҳолатга изоҳ берилади. Ёшлиқда техникумда бирга ўқишган, ўша пайтлари бир-бирига унчалик бефарқ бўлмаган, дўстлик билан муҳаббатнинг ўртасида айтилмаган туйғулари қолиб кетган ҳикоячи қаҳрамон билан Саодатнинг учрашуви шу фонда содир бўлади. Аниқроғи, ёнида ўтирган аёлни — Саодатни дастлаб ҳикоячи қаҳрамон кўради, танийди. Унинг эса бутун ҳаёли сахнада ижро этилаётган сюжетга қаратилган. «Узун кириклар орасида ҳамиша чакнаб турадиган катта-катта кўзлари ҳозир ёш йилтираяп»ган бир ҳолатда бўлади. Шу сабабли ёшлик хотиралари, ўқиш давридаги бирга ўтказилган дамлар ҳикоячи қаҳрамон назари-хотираси орқали жонлантирилади. Кўз олдимиздан ҳозир бутун ҳаёли сахнада бўлган аёлнинг талабалик даври, романлар ўқишни яхши кўрадиган, «ўқиган китобларининг қаҳрамонлари ҳақида ўз фикрларини айтиб, соатлаб» тортишадиган кезлари гаўдаланади. Бу ҳикоя ичидаги ўзига хос «ҳикояча»да Саодатдаги бошқалардан фарқ қиладиган бир жиҳатга алоҳида урғу берилади. Бир жойда ундаги бу хусусият ҳақида «у шамолдан, момақалди роқдан жуда қўрқарди. Кеч бўлди — ётоғидан чиқмас, бўрон кечалари қизларнинг ўртасига кириб ётиб оларди», дейилади. Бошқа бир ўринда эса яна «Саодат уруш ҳақидаги китобларни, охири фожиа билан тугайдиган романларни ўқимасди. У ўлимдан, бахтсизликдан, ҳатто бемаҳал шитирлаган

ногаҳоний овоздан ҳам қўрқар эди», деган гап бор. Ҳатто, бир жойда ҳикоячи қаҳрамон юракдаги туйғуларнинг айтилмасдан қолиб кетишига Саодатнинг «ўша қўрқоқлиги туфайли кечалари кўчага чиқмас» лиги сабаб бўлди, деб афсуслангандек ҳам бўлади. Табиийки, қаҳрамондаги битта сифатга бунчалик урғу берилаётгани, қайта — қайта таъкидланаётгани китобхон эътиборидан четда қолмайди. Бунинг боиси, ёзувчи қўллаётган бу усулнинг натижаси кейинроқ маълум бўлади. Концертнинг биринчи қисми тугагач, чироқ ёнади. Бир пайтлар ўтакетган қўрқоқ бўлган ўша қизнинг ва ҳозирги Саодатнинг кўксига иккита Қизил Юлдуз ва Ватан уруши ордени ялтираб турганини кўрамиз. Бу манзара — ақл бовар қилмас ҳодиса ҳикоячи қаҳрамон идроки, ҳиссиёти орқали шундай изоҳланади: «Ажаб? Наҳот, ўша қўрқоқ Саодат шу бўлса?! Демак, у фронтга борган, қаҳрамонлик кўрсатган.

Кўпинча биз ўзимизни қўрқоқ ҳис қиламиз. Олисдан даҳшатли, енгиб бўлмас бўлиб туюлган нарса билан юзма — юз келганимиздагина танамизда тўхтатиб бўлмас жасурлик пайдо бўлганини сезмай қоламиз. Уруш кимларни ўзгартирмади. Тунда кўчага чиқишга қўрқадиган, момақалдиروқ вужудига титроқ соладиган ожизгина бу қиз даҳшатли портлашлар, ҳар миноти ўлим таҳдид қилиб турган ўқ ёмғирлари остида қаҳрамонга айланганига ажабланмай бўладими! Ҳозир ёнимда ўтирган қиз ўша Саодат эканлигига ишонмасдим» («Сайланма», 3 — жид, 82 — 83 — бетлар).

Ёзувчи асарда ҳикоячи қаҳрамондаги ҳиссий ҳолатга, жараёнга алоҳида эътибор берар экан, бунда муайян мақсадни кўзда тутди. Бу билан урушнинг даҳшатини, инсон ҳаётини нақадар ўзгартириб юборишини, ундаги яширин имкониятларни қандай қилиб юзага чиқаришини таъкидламоқчи бўлади. Китобхон хаёлидан, энг қўрқоқ бир қизки, шунчалик иш кўрсатибди, бошқалар нималар қилдйкин, деган фикр беихтиёр ўтади.

«Кўклам тароналари»да урушнинг инсонни ўзгартирувчилик қудратигагина эмас, унинг тақдирида қолдирадиган ўчмас жароҳатларига ҳам эътибор қаратилади. Муҳими, бу жиҳат ҳам ҳикоячи қаҳрамон нигоҳи, муносабати орқали эмоционал рангларда, товланишларда берилади. Персонажлар, ниҳоят, бир — бирини таниб, суҳбатлашиб ўтирганда, гап орасида Саодат «Ўзгармабсиз... Ҳали ҳам ўшандайсан» (улар ёшлиқда «сен»лашиб гаплашган!) дейди. Ҳикоячи қаҳрамон «сен ҳам» деб жавоб беради. Бунга Саодат «Э — ҳе, нима деяпсан, жуда ўзгарганман. Илгари сен билган Саодатдан энди ном — нишон ҳам қолмаган», деб бош чайқайди. Ҳикоячи қаҳрамон унинг гапларига эътироз билдирганда, Саодат кулади. Бу кулги «бирон ери зирқираб оғриб турган кишининг ихтиёрсиз кулгусига ўхшарди» дея изоҳ берилади.

Дарҳақиқат, бундай кулгининг сабаби концерт тугагандан кейингина маълум бўлади. Саодат кийим учун берилган рақамни

узатиб, пальтосини олиб туришни илтимос қилади. Кейинги воқеалар қуйидагича берилади: «Гардеробда одам кўп эди. Навбатим егиб, Саодатнинг калта меҳ пальтосини қўлимга олдим — да, атрофимдан уни излай бошладим. Кимдир костюмимнинг баридан тортди, энгашиб қарадим. Худди оёқларим тагида Саодат тиззалаб турарди. Кўзим хиралашиб нималар бўлаётганини билмадим» («Сайланма», 3—жилд, 84—бет). Сўнгра ҳикоячи қаҳрамон Саодатнинг пальтосини кийғизиб қўйганлиги, у «андавадек икки тахтакача таяниб, сакраб—сакраб кўчага» чиққанлиги, қўлтиғидан олиб машинасига чиқазганлиги ҳақида гапирди. Бу жараён, яъни ҳикоячи қаҳрамондаги ҳолат, Саодатга нисбатан бўлган ундаги эмоционал муносабат ҳам ёзувчи этиборидан четда қолмайди. Саодатнинг танасида уруш қолдирган жисмоний тамга унинг нигоҳи, ҳиссиёти орқали олиб ўтилади. Бир ўринда у Саодат «қўлларим титраётганини сездимикин» деса, бошқа жойда «худди ухлаётган одамни уйғотиб юбормаслик учун шивирлаб» гапирганлигини айтади.

Кўрганимиздек, «Кўклам тароналари»да қаламга олинган уруш асорати ҳар қандай кишини ларзага солади. Асарнинг поэтикасида қўлланилган ифодавий усул ва воситалар эса унинг таъсир қувватини янада ошириб юборган.

Саид Аҳмад ҳикояларидаги бундай ифодавий усул ва воситалар, ундан келиб чиқадиган бадий натижалар ҳақида У.Норматов шундай ёзади: «Ёзувчи ҳикояларини кўпинча қаҳрамон («мен») тилидан айттиради. Ҳикоячи қаҳрамон асарда воқеаларни ҳикоя қилиб борувчи шахс тарзида эмас, балки авторнинг «вакили» сифатида иш кўради, яъни ёзувчининг позициясини ошкора ифода этиб беради. Ҳикоячи қувончли ҳодисаларни кўрганда севинчдан тўлиб—тошади, кўнгилсиз ҳодисаларга дуч келганда ғазаби аланга олади. Бу жиҳатдан ҳикоячи қаҳрамон лирик асарлардаги лирик қаҳрамонга ўхшаб кетади...»¹ «Ҳикоялардаги ҳикоячи қаҳрамон лирик қаҳрамонга ўхшаб кетса—да, лекин айнан ўзи эмас —деб бошқа бир ўринда бу ҳақдаги кузатишларини янада аниқроқ айтади у.— Лирикада лирик қаҳрамон — бош қаҳрамон. Саид Аҳмаднинг энг яхши ҳикояларида ҳикоячи қаҳрамон ҳеч қаерда бош қаҳрамон тарзида берилмайди. Ҳар бир ҳикоянинг ўз бош қаҳрамони бор... Ҳикоячи қаҳрамон воқеаларга аралашар экан, бу билан у бевосита асарнинг бош қаҳрамони бўлиб қолмайди, балки воқеаларнинг гувоҳи, ҳикоячиси, шарҳловчиси ролини ўтайди. Ана шу образ воситасида ёзувчи асар драматизминини ифода этади»²

Танқидчи билдираётган фикрларнинг тўғрилигига юқорида кўриб ўтган ҳикоя — «Кўклам тароналари» мисолида ҳам амин

¹ Норматов У. Саид Аҳмад - Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1971 йил, 12 бет.

² Уша китоб, 13 бет.

бўламиз. Дарҳақиқат, унда бундоқ қараганда ҳикоячи қаҳрамонга алоқадор «гаплар» кўпроқдек туюлади. Лекин ёзувчи асардаги тасвири шундай уюштирадиган, бутун диққатимиз урушнинг инсон тақдирида қолдирган изларини, фожиасини кўрсатувчи образ — Саодатга қаратилади, ҳикоядаги айтилмоқчи бўлган асосий гаплар шу характерга мужассамлашганини ҳеч бир изоҳсиз сезиб тураемиз.

Ёки ёзувчининг «Турналар» ҳикоясини олайлик. Уруш туфайли икки фарзанди — Шамсиддин ва Фазлиддиндан ажралиб, «Дунёда фарзанд кўрмагандек бўлиб» яшаётган «аламзада, ҳижронзада, лекин метин иродали» Собир бобонинг фожиали қисмати унинг ўзининг сўзлари билан ҳикоячи қаҳрамон нигоҳидан ўтказилади. Собир бобонинг ҳар бир ҳаракати, ҳолатига нисбатан ҳикоячи қаҳрамоннинг эмоционал муносабати кўрсатилган. Бу, Собир бобонинг ўз тақдири ҳақидаги ҳикоясида фожиавий оҳангни оширишга, тасвирдаги драматизмни кучайтиришга олиб келган. Лекин барибир мазкур ҳикояда ҳам ҳикоячи қаҳрамон тенг ҳуқуқли персонаж сифатида эмас, балки асосий қаҳрамон — Собир бобо образига алоқадор трагик маънони юзага чиқарувчи восита сифатида берилаётганини сезиш қийин эмас.

«Кўклам тароналари», «Турналар»да ўрнида қўлланилган лиризм, бош қаҳрамон тақдирига муайян восита орқали билдирилган эмоционал муносабат асардаги драматик руҳнинг кучайишига олиб келган, булар ҳаммаси ғоят табиий берилган тасвир орқали амалга оширилган эди. Лекин ёзувчининг айрим ҳикояларидаги тасвирнинг қайсидир нуқталарида ана шу табиийлик, ички мантиқ бузилади. Жуда чиройли, маҳорат билан ёзилган ҳикоядан қолган таассуротда нимадир етишмаётгандек, унинг қаеридадир кемтик жойи бордек туюлиб туради. Масалан, «Тўлқинлар»ни олиб кўрайлик. Ҳикоянинг бошланишидаёқ Саид Аҳмад қаламига хос бўлган жозибали тасвир бизни ром қилади. Ҳикоячи қаҳрамон — мухбир йигит хотираси орқали жонланган тасвир бизни урушнинг даҳшатли кунларига қайтаради. Ўша пайтдаги халқнинг ҳаёт тарзи, турмуш ташвишлари кўз олдимиздан ўта бошлайди: «Йигитлар фронтда жон олиб, жон бераётган оғир кунлар эди. Дала ишлари аёлларга қолиб кетган, ҳаммаси тажанг, ҳаммаси асабий эди. Уларнинг интизор кўзлари фронт йўлида, қўллари меҳнатда, фронтчиларни зориқтирмаслик, душманни тезроқ яқсон қилиш учун тинимсиз ишлар эдилар... Қишлоқ анча файзсиз бўлиб қолган, йўллар ўйдим — чуқур, иш ҳайвонларининг тинкаси қўриган, емга ёлчимаган сигирлар суддан қолган эди. Аёллар дурустгина кийинишмас, пардоз — андоз кўнгилларига сиғмасди. Кимнинг қанақалиги билиниб қолган ўша

пайтларда урушга чап бериб бормай қолган эркак зоти кўзларига бало бўлиб кўринарди» («Сайланма» 3—жилд, 162 — бет).

Мухбир йигит хотирасидаги уруш даври аёлларига тааллуқли бу гаплар ҳикояда асосий муддаога олиб борувчи ўзига хос «ўтиш кўприги» вазифасини ўтайди. Дарҳақиқат, шундан сўнг биз ҳикоянинг асосий қаҳрамони «эри фронтга кетган аёллардан бригада тузиб, юқори ҳосил олишда бутун областга овоза бўлган йигирма беш ёшлардаги қора қош, лўппи юз, кўкрақдор, полвон аёл» Жўрахон билан танишамиз. Ҳикояда мухбир йигит хотираси орқали Жўрахонга тааллуқли бир эпизод берилади, холос. Шунинг ўзидаёқ бу қаҳрамоннинг ким эканлиги кўринади — қўяди. Фақат ундаги эмас, ҳатто бригададаги бошқа аёлларга хос бўлган энг муҳим маънавий фазилат — фронтдаги эрларига садоқат, вафодорлик каби сифатлар ҳам бу эпизодда ярқ этиб кўзга ташланади. Бунинг учун ёзувчи гапни кўпайтириб, тасвирини чўзиб ўтирмайди, балки, аксинча, ихчам ифода, характери деталь орқали бадиий мақсадга эришади. Жўрахонни далага излаб борган мухбир йигит ғаройиб манзаранинг устидан чиқади, «катта йўл четига териакка қизил этик кийган хотинчалиш бир йигит белидан ҳали кудунги бузилмаган саккиз тепки атлас билан боғлаб қўйилган» бўлади. Хотинлар гоҳ кулишиб, гоҳ қарғашиб, унинг юзига ула суради, қошига ўсма қўяди. Жўрахон эса унга дўқ уриб «Бу хотинларнинг эрлари фронтда ўқ тагида юрибди — я, шуларга кўз олайтирдингми? Ҳа, номард!» — дейди. Бу сазойиликнинг сабабини мухбир йигитга у шундай тушунтиради: «Зебига айланишиб қошти. Шундай суқсурдай эри борки, кўрганнинг кўзи тегади. Тирноғига арзимади бу ҳеббим. Тушлиқда Норин бўйига кел, саккиз тепки атлас совға қиламан, дебди. Ушлаб олдик» («Сайланма», 3—жилд, 163 — бет).

Агар ҳикоячи қаҳрамон хотираси орқали бизга етиб келаётган Жўрахоннинг бу гапи мазкур лавҳага ойдинлик киритса, унинг кейинги гапи ўзининг ҳам, бошқа аёлларнинг ҳам қиёфасини, кўнгилларидаги дард — аламларини, қувонч ва ташвишларини аён қилади: «Эри омон — эсон қайтиб келгунча биронтасининг ҳам шаънига ёмон гап юқтирмайман. Иссиқми, совуқми ҳаммамиз бирга баҳам кўрамиз, қайси бирининг эридан хат — хабар узоқса, бараварига юпатамиз. Бирга йиғлаймиз, бирга куламмиз. Шунинг учун ҳам ишнинг оғирлиги унча билинмай кетади. Ахир, бу бечораларга ҳам қийин, авжи ўйнаб — куладиган пайти». («Сайланма», 3—жилд, 163 — бет)

Ҳикоячи қаҳрамоннинг «Ҳозир Жўрахон анча қариб қолгандир? Ўсарбой урушдан эсон — омон қайтиб келдимикан?» деган гаплари билан диққатимиз ҳикояда тасвирланадиган кейинги воқеаларга кўчади. Биз ҳам ҳикоячи қаҳрамон билан биргаликда бу персонажларнинг сўнгги тақдири билан қизиқамиз. Ёзувчи

ҳикоянинг бу қисмида тасвирга драматик тус беришга астойдил ҳаракат қилади, бошқа қўшимча воситаларни ҳам ишга солади. Дастлаб воқеалар ҳикоячи қаҳрамон орқали берилаётган бўлса, энди унинг ёнига «воситачи қаҳрамон» (У.Норматов) — меҳмонхона қоровули ҳам қўшилади. Жўрахон ҳаётига, қилган ишларига оид тафсилотлар бу қисмда қўшалоқ восита, яъни бирдагина икки кишининг муносабатини ўзида мужассамлаштиради. Меҳмонхона қоровулининг гапи бўйича Жўрахон кейин ҳам кўп ишлар қилган, колхозга раис бўлиб, уни оёққа турғазган, оғир кезларда одамларга далда бера олган. Адирдан сел келганда колхоз чорвасини қутқазаман, деб ўзи сувга чўкиб, ҳалок бўлган. Бу фожиага нисбатан собиқ мухбир йигитнинг ҳам, қоровулнинг ҳам муносабати ҳикоядаги драматизмни кучайтиради. Ёзувчи бошқа восита орқали ҳам бу йўналишдаги тасвирни янади қуюқлаштиришга интилади. Бунда Жўрахон вафотидан кейин олти ой ўтгач фронтдан қайтган, шу вақтгача уйланмай унинг хотираси билан яшаб келаётган Ўсарбой ёзувчи учун қўл келади. Хуллас, оғир синов йиллари кўп яхши ишлар қилиб, бир сабаб билан ҳалок бўлган аёл, унинг садоқатига садоқат билан жавоб беришга умрини бағишлаб келаётган Ўсарбой ҳақидаги гапларни ҳаяжон билан ўқиймиз. Ҳаяжон билан ўқиймизу, лекин нимадандир қониқмагандек бўламиз. Бунга энг яхши жавобни ёзувчининг ўзи беради. У А.Қаҳҳор ҳақида эълон қилган хотираларида шундай ёзади:... «Тўлқинлар» деган ҳикоя «Совет Ўзбекистони»да босилгандан кейин Абдулла ака ўқиб, бош чайқаган эди.

— Биттагина жумла шундоқ яхши ҳикояни ҳароб қипти. Наҳотки ҳайвон учун одам ўлса?.. Одам одам учун ўлиши керак.

Ҳикояда колхоз раиси бўлган бир аёл селда қолган молларни қутқараман деб, дарёга чўкиб кетади.

Ҳикоянинг ҳамма жойи мукаммал. Тили ҳам, тасвир ҳам, ҳолат ҳам ниҳоятда яхши. Мана мен деган ёзувчи ҳавас қилса, арзийдиган ҳикоя. Афсус, битта жумла шунча меҳнатни йўққа чиқазган.

Барибир устознинг бу гапидан ҳам дилим оғриди. У кишининг ҳақ эканликларини орадан уч—тўрт ой ўтиб тушундим. «Литературная газета»да Чингиз Айтматовнинг «Адабиётда инсонпарварлик» деган мақоласи босилди. Унда менинг ҳикоямдаги ҳайвон учун одам ўлиши ғайри инсонпарварлик деб баҳоланган!»¹.

Умуман олганда, ўзининг катта ёзувчилик маҳоратини, юксак истеъдоди имкониятларини суистеъмол қилиш, А.Қаҳҳор таъбири билан айтганда, битта жумла билан яхши ҳикояни йўққа чиқариш ҳодисаси Саид Аҳмад ижодида гоҳ—гоҳида учраб туради. У, масалан, айрим асарларда жуда кучли драматик руҳ яратади,

¹ Саид Аҳмад. Устоз чироғи. Хотиралар, «Шарқ юлдузи», 1986, 8-сон, 127-бет

бундан китобхон қаттиқ таъсирланади. Қаҳрамоннинг тақдирига катта қизиқиш билан қарайди, оғир ҳолатларда унга чин дилдан қайғуради ҳам. Лекин воқеалар ривожига маълум нуқтага борганда, қаҳрамонни бу аҳволга солган, китобхонни хаяжонлантирган тасвирнинг замирида ҳаёт мантиқидан келиб чиқмайдиган сунъий, ясама бир гап турган бўлиб чиқади. «Тўлқинлар»да шундай бўлган эди. Унинг «Тўй кечаси» деган ҳикоясида ҳам шундай тасвирга дуч келамиз. Ҳикояда бутун ҳаётини ёлғиз қизига бағишлаган, уни деб уйланмасдан умрини ўтказган отанинг тўй кечаси тутаб, ҳамма тарқалгандан кейин ҳувиллаб қолган ҳовлида якка ўзи қолиши, шу аснода унинг ҳаёлидан ўтаётган ўйлар берилган. Дарҳақиқат, бу инсон ҳаётидаги ўзига хос, мураккаб, драматик бир ҳолат. Ота турмушида кескин ўзгариш содир бўлган, бир босқичдан иккинчи босқичга — бутун бошли ҳовлида танҳо яшашдек шароитга эндигина ўтган бир нуқтада турибди. Қобилжоннинг ҳаёлида кечаётган ўйлар оқимидан унинг нега бундай аҳволга тушиб қолганлиги тафсилотлари ойдинлаша боради. «Уруш оловининг гирдобини Қобилжонни ўз қаърига тортиб» кетганда ҳомила доғлари тушган юзларидан ёш думалаётган Шарофат «зор қақшаганича поезд ортида милтираган қизил чироқ қоронғиликка сингиб кетгунча» қараб қолади. «Қирқ йил қирғин бўлса ҳам, ажали етган ўлади, деганларидек, Қобилжон урушдан омон» чиқади. Энди у гимнастёркасининг чўнтагида олиб юрган Шарофатнинг эри урушдалигида туғилган қизи Кароматни кўтариб тушган расмига «биринчи марта беҳавф, ишонч билан» тикилади. «Илгарилари у суратга боқаркан, юрагининг алақаери жиз этиб қўяр, омон кўрармиканман, деган ўй бошидан йилт этиб ўтарди. Энди у қизини, хотинини омон кўради. Уруш тугади — ку ахир!» («Сайланма», 3 — жилд, 261 — бет).

Кўринадики, ёзувчи қаҳрамондаги туйғулар ҳаракатини, ички тўлқинларни тобора юқори мавжларга йўналтиряпти. Бу усул Қобилжон бир вақтлар ўзи урушга жўнаб кетган разъездга келгандан кейин бошқачароқ тарзда яна давом эттирилади. Бу ерда уни ҳеч ким кутиб олмайди. Станцияга қовун олиб тушган аравада қишлоғига кетаётганда нимагадир аравакаш чол унга қарамасликка ҳаракат қилади. «Сўроқларига калта — калта қилиб ноаниқ жавоб беради — ю, ора — сира: «Ё ҳақ, ё эгам» деб қўяди. Ўзидан — ўзи «Биров ўтда, биров сувда ўлади. Бунча бераҳмсан, эгам? Яратишга яратиб қўйиб, бунча қийнайсан. Тупроқни нимага яратгансан? Бу тупроқнинг қачон одамга тўяди? Урушда шаҳид қилганларнинг камлик қилганмиди?» деб ғалати гаплар қилади. Чол гапни айлантиргани сари Қобилжондаги таажжуб, ташвиш ошиб бораверади. Охири у «оғир бўл, бутун эрталаб хотининг оламдан ўтди», деб ҳақиқатни очик айтади. Шундан сўнг «Қобилжон қандоқ қилиб аравадан сакраб тушганини», «арава олдида тупроқни чангитиб, бирпастанда

кўздан» йўқолганини чол билмай қолади. Ёзувчи кейинчалик ҳам тасвирдаги драматизмни турли воситаларда беришга, иложи борица уни давом эттиришга ҳаракат қилади. Масалан, бир ўринда «айвон даҳанига ўтирганича бошини силкиб—силкиб» йиғлаётган Қобилжоннинг тиззасига қизчасини ўтқазиб қўйишади. «Бола ётсираб ижирғанади—ю, ерга тушиб мурда ётган уйга эмаклаб кириб кетди», дейилади. Ёки қуйидаги парчага эътибор берайлик: «Ҳамма жим. Супа четида сув тўлдирилган бир қучоқ гул. Гулга асаларилар қўниб, гўнғиллашади. Шарофат бу гулларни эрта азонда узиб сувга ташлаб қўйган эди. Эрини шу гул билан разеъздда кутиб олмоқчи эди. Саҳарлаб нон ёпилган тандирда ҳамон тошқўмирнинг ўчмаган чўғи милтирайди. Қобилжоннинг куюдори кетсин, деб дорга ташлаб қўйилган тўйда кийган костюмига офтоб келиб қопти. Эрининг насибаси деб бировга тегизмай асраган икки бош оқ чиллакини энди чумчуқ талааяпти» («Сайланма», 3—жилд, 262—263—бетлар). Мана шу картинадаги арилар қўнган гул, ҳали чўғи милтираб турган тандир, устига офтоб келиб қолган костюм ва чумчуқ талаётган икки бош оқ чиллаки каби деталлар вазиятга ғоят драматик тус беради. Бу картина олдинги қизгача алоқадор тасвир билан қўшилиб, китобхонни ларзага солади, ҳар қандай кишининг ҳам юрагини титратиб юборади.

Тасвирдаги ана шундай драматик чўққидан туриб, хўш, ўзи нима бўлган, Қобилжоннинг хотини Шарофат нима сабабдан бемаврид вафот этган, деб масалани аниқламоқчи бўлсак, ғалати бир аҳволга тушиб қоламиз. Ҳикояда Шарофатнинг ўлими ҳақидаги тафсилот мутлақо тасодиф бўлиб, мантиқий асосланмаганлиги билиниб туради. Маълум бўлишича, Шарофат «Эрининг келиши кунни юртга ош бермоқчи» бўлиб, «тишида тишлаб юрган пули»га бозордан танача сотиб олади. «Танача кучга тўлган осов эди» деб изоҳ беради ёзувчи. Бир жойга келганда, танача сувга интилади. Бундан сўнг содир бўлган воқеа шундай берилади: «Хаёл суриб келаётган Шарофат унинг сувга интилганини сезмай, арқонни зарб билан тортган эди, танача алам устида унинг биқинига икки шохини зарб билан ботирди, Шарофат ариққа ағдарилди. Шу ағдарилганича қайтиб ўрнидан турмади. Тушга яқин ўлигини ҳовлига олиб келишди» («Сайланма», 3—жилд, 262—бет). Ҳикоядаги бутун драматизмга асос бўлган воқеа—мана шу. Майли, тўрт йиллик урушнинг оғир алғов—далғовларидан сўнг бир аёлнинг одамни сузиб ўлдирадиган даражадаги «танача»ни сўйиб, юртга ош бериш имконияти ўша кезларда бўлиш—бўлмаслигини ёзувчининг ўзига ҳавола қилайлик. Лекин асардаги драматизмнинг шундай бир тасодиф, одам ишониши қийин бўлган воқеа устига қурилишини қандай изоҳлаш мумкин? Бунга А.Қаҳҳорнинг машҳур таъбирини

бир оз ўзгартириб, ёзувчи ўзидаги жуда қудратли маҳорат кучини ўтин ёришга сарф қилган, дейишдан бошқа иложимиз йўқ.

Саид Аҳмаднинг уруш мавзуига дахлдор асарлари орасида «Ҳазина» ҳикояси алоҳида ажралиб туради. У ҳақда адабий танқидчиликда ҳам яхши фикрлар билдирилган. Уларни умумлаштириб, шуни айтиш мумкинки, «Ҳазина» фақат ёзувчи ижодидагина эмас, балки 60—йиллар ўзбек ҳикоячилигида ҳам сезиларли асарлардан бири ҳисобланади. Ёзувчи уруш оқибатларини инсон тақдири орқали беришда бунга мос келадиган қаҳрамонни ҳам, тасвирий усул ва воситаларни ҳам муваффақиятли топа билган. Ҳикоядаги Уста Мақсуд тақдири мисолида уруш қолдирган жароҳатлар ҳам, инсондаги ирода ва бардош ҳам бир нуқтага мужассам бўлади.

Ёзувчининг қатор ҳикояларида асосий қаҳрамонга дахлдор гаплар кўп ҳолларда ҳикоячи қаҳрамон орқали, баъзан бунга воситачи қаҳрамон ҳам жалб этилган ҳолда берилади. Уларда воситачи қаҳрамон ҳикоячи қаҳрамоннинг гапларини тўлдирадиган, давом эттирадиган ёки бирон жойига аниқлик киритадиган шахс сифатида гавдаланади. «Ҳазина»да шундай муҳим ифода воситаси бўлган воситачи қаҳрамон ҳикоядаги воқеалар ривожига, ташқи томондан қараганда, фаол аралашмайди, кўпроқ ҳикоячи қаҳрамоннинг раъйига бўйсуниб ҳаракат қилади. Лекин у ёпиқ, яширинган бир тарзда асарда муҳим вазифани бажаради, тасвир сўнгида бош қаҳрамон тақдирига алоқадор драматизм тўлқинларини бир нуқтага тўпловчи, уни бир неча марта кучайтириб китобхонга етказувчи ўзига хос бир адабий воситага айланади. Бошқача қилиб айтганда, бу воситачи қаҳрамон асарда муайян вазиятлардан ҳосил бўладиган ҳиссий ҳолатларни кучайтириб берадиган, ҳикоядаги драматизмни, эмоционал жиҳатларни оширадиган муҳим вазифани адо этади.

«Ҳазина»да Уста Мақсуд ҳаётига оид тасвир учта лавҳага бўлинади. Биринчи лавҳага оид тафсилот урушдан олдинги ҳаётга тааллуқли. «У вақтда Уста Мақсуд йигирма беш ёшлардаги вужудидан куч ёғилиб турган бақувват йигит» бўлган. Бу лавҳадаги тафсилот мухбир йигитнинг хотираси шаклида берилади. Бундаги гапларга воситачи қаҳрамоннинг алоқаси йўқ. «Катта Фарғона канали қурилишида мухбирлик қилиб юриб, шу «Темир кўприк»ка ҳар келганимда алла—паллагача чой ичиб ўтириб, унинг машқларини эшитардим, — деб эслайди мухбир йигит. — Куни билан тупроқ қазиган қурувчилар то ярим кечагача самоварда қолиб кетишар, оғир меҳнат чарчоғини ижро этилаётган куйнинг сеҳри билан унутишарди. Уста Мақсуд, айниқса, «Тановар» йўлларини билар, уларни ажиб бир маҳорат билан ижро этарди».¹ Қаҳрамонга доир бу маълумотлардан сўнг унинг санъатининг

¹ Саид Аҳмад. Сайланма. Уч-яшдлик, 3-яшдлик, 191-бет.

сеҳрини кўрсатувчи кичик бир эпизод берилади: «Бир куни кечаси редакцияга телефонда материал бериб, кечроқ чойхонага келсам, сўриларда жой қолмабди. Ҳамма жим. Ўртадаги сўрида Уста кўзларини чирт юмиб, «Фарғона тановари»ни чаларди. Четроқдаги сўрида Йўлдош ота куй мақомига тебраниб ўтирибди. У ҳар замон тиззасига ориқ бармоқларини беозоргина уриб қўяр, кўзларини Устанинг тор чертаётган бармоқларига тикиб, хаёл сурарди».² Кейинги парчада эса маҳорат билан ижро этилаётган бу куй ҳикоячининг ўзига қанчалик таъсир этаётгани, уни қанчалик сеҳрли оғушига олгани кўз олдимизда гавдалантирилади: «Мен азим туп толнинг бужур танасига суяниб, кексалар қалбида аллақачон ухлаган ёшликнинг қайноқ ҳисларини уйғотиб юборган, йигитлар кўксига йилт этган муҳаббат учқунини аланга олдираётган сеҳрли куй садоларига берилиб жимгина ўтирардим. Уста тор чертишдан тўхтаб, атрофга кулимсираб бир қараб олди — да дуторни эҳтиёт қилиб ёнига қўйди.

Одамлар уйқудан уйғониб кетгандек атрофга қараб олишди».

Шу лавҳадаги ҳикоячи қаҳрамон хаёлидан ўтган хотира орқали Уста Мақсуднинг ким эканлиги, у собиқ мухбир йигитни қайси жиҳати билан қизиқтириши маълум бўляпти. Энди бошқа масалага эътибор берайлик. Ҳикоячи қаҳрамон ҳамроҳини (воситачи қаҳрамонни) автобусдан «Темир кўприк»да қўярда — қўймай олиб тушади, «Битта дутор эшитиб кетайлик. Ажойиб бир машшоқ бор. «Тановар»ни ундан зўр чаладигани йўқ. Эшитиб, ўзингиз ҳам қойил қоласиз» дейди. Бунга ҳамроҳи «пешонаси тиришиб», «Э, суф сизга — е, ҳали шунга йўлдан қолиб ўтирибмизми? Зап ғалати одатларингиз бор — да! Радиодан дутор эшитмаганмисиз?» — деб норозилик билдиради. Ҳикоядаги воситачи қаҳрамоннинг Уста Мақсуд тақдирига алоқадор гапларга — асардаги бутун бошли ўзига хос драмага муносабати шу нуқтадан бошланади. Ундаги бу кайфиятга шу нуқтадан эътиборан китобхон диққати қаратилади, қайта — қайта таъкидлаб борилаверади. Буларнинг ҳаммасидан муҳим бир бадий мақсад кўзда тутилади.

Собиқ мухбир ҳамроҳида «Темир кўприк»ка тушиб қолгандан кейин пайдо бўлган дастлабки кайфиятни «мендан жуда ҳафсаласи пир бўлгани кўзидан билиниб турарди» деб изоҳлайди. Чойхонага келгандан кейин ҳам ундаги ҳолат ўзгармайди, «чеҳраси очилмай, сувнинг қирғоққа сапчиб урилишига бепарво қараб» ўтиради, бир оз туриб газетадаги «Тамакининг зарари» деган мақолани ўқишга киришиб кетади.

Шу ўринда Саид Аҳмад услубига хос бир жиҳатни таъкидлаш лозим. У ҳикоянинг асосида турган воқеага нисбатан турлича, ҳатто қарама — қарши муносабатларни кўрсатиш каби усулдан ҳам фойдаланади. Агар ҳикоячи қаҳрамон муносабатида Уста Мақсуд

² Ўша асар, 191-бег.

сеҳрини кўрсатувчи кичик бир эпизод берилади: «Бир куни кечаси редакцияга телефонда материал бериб, кечроқ чойхонага келсам, сўриларда жой қолмабди. Ҳамма жим. Ўртадаги сўрида Уста кўзларини чирт юмиб, «Фарғона тановари»ни чаларди. Четроқдаги сўрида Йўлдош ота куй мақомига тебраниб ўтирибди. У ҳар замон тиззасига ориқ бармоқларини беозоргина уриб кўяр, кўзларини Устанинг тор чертаётган бармоқларига тикиб, хаёл сурарди».² Кейинги парчада эса маҳорат билан ижро этилаётган бу куй ҳикоячининг ўзига қанчалик таъсир этаётгани, уни қанчалик сеҳрли оғушига олгани кўз олдимизда гавдалантирилади: «Мен азим туп толнинг бужур танасига суяниб, кексалар қалбида аллақачон ухлаган ёшликнинг қайноқ ҳисларини уйғотиб юборган, йигитлар кўксида йилт этган муҳаббат учқунини аланга олдираётган сеҳрли куй садоларига берилиб жимгина ўтирардим. Уста тор чертишдан тўхтаб, атрофга кулимсираб бир қараб олди — да дуторни эҳтиёт қилиб ёнига қўйди.

Одамлар уйқудан уйғониб кетгандек атрофга қараб олишди».

Шу лавҳадаги ҳикоячи қаҳрамон ҳаёлидан ўтган хотира орқали Уста Мақсуднинг ким эканлиги, у собиқ муҳбир йигитни қайси жиҳати билан қизиқтириши маълум бўляпти. Энди бошқа масалага эътибор берайлик. Ҳикоячи қаҳрамон ҳамроҳини (воситачи қаҳрамонни) автобусдан «Темир кўприк»да кўярда — қўймай олиб тушади, «Битта дутор эшитиб кетайлик. Ажойиб бир машшоқ бор. «Тановар»ни ундан зўр чаладигани йўқ. Эшитиб, ўзингиз ҳам қойил қоласиз» дейди. Бунга ҳамроҳи «пешонаси тиришиб», «Э, суф сизга — е, ҳали шунга йўлдан қолиб ўтирибмизми? Зап ғалати одатларингиз бор — да! Радиодан дутор эшитмаганмисиз?» — деб норозилик билдиради. Ҳикоядаги воситачи қаҳрамоннинг Уста Мақсуд тақдирига алоқадор гапларга — асардаги бутун бошли ўзига хос драмага муносабати шу нуқтадан бошланади. Ундаги бу кайфиятга шу нуқтадан эътиборан китобхон диққати қаратилади, қайта — қайта таъкидлаб борилаверади. Буларнинг ҳаммасидан муҳим бир бадий мақсад кўзда тутилади.

Собиқ муҳбир ҳамроҳида «Темир кўприк»ка тушиб қолгандан кейин пайдо бўлган дастлабки кайфиятни «мендан жуда ҳафсаласи пир бўлгани кўзидан билиниб турарди» деб изоҳлайди. Чойхонага келгандан кейин ҳам ундаги ҳолат ўзгармайди, «чеҳраси очилмай, сувнинг қирғоққа сапчиб урилишига бепарво қараб» ўтиради, бир оз туриб газетадаги «Тамакиннинг зарари» деган мақолани ўқишга киришиб кетади.

Шу ўринда Саид Аҳмад услубига хос бир жиҳатни таъкидлаш лозим. У ҳикоянинг асосида турган воқеага нисбатан турлича, ҳатто қарама — қарши муносабатларни кўрсатиш каби усулдан ҳам фойдаланади. Агар ҳикоячи қаҳрамон муносабатида Уста Мақсуд

² Ўша асар, 191-бет.

тақдирига нисбатан тасдиқловчи, унга интилувчи жиҳат устун бўлса, воситачи қаҳрамоннигида инкор қилувчи, ундан узоқлаштирувчи майл мавжуд. Ифода усулидаги бундай зиддият, ранг—баранглик тасвир объектига ҳаётийлик бағишлайди, асарда асосий драматик йўналишга ёндош равишда ёрдамчи йўналишни вужудга келтиради, кульминация янада таъсирли чиқишни таъминлайди.

«Хазина»даги иккинчи лавҳада бевосита бош қаҳрамоннинг ўзи кўринади. «Қайрағоч тагидаги сўрида олдига чойнак қўйиб ёлғиз ўзи хаёл сўриб ўтирган Устани» ҳикоячи қаҳрамон шеригига кўрсатади. Самоварчи болага дутор олиб келишни буюриб, ўзи унинг олдига келади, сўрашади. «Темир кўприк»да тушиб қолиш сабабини айтиб: «Йўлдош отага чалиб берган машқингиз ҳали ҳам қулоғимдан нари кетмайди. Малол келмаса, бир эшитиб кетсам. Жуда кўпдан бери орзу қиламан», — деб илтимос қилади. Шундан сўнг қаҳрамонда содир бўлган ҳолат қуйидагича берилади: «Уста бесаранжом бўлиб қолди. Сал фурсат ўтмай, кўзларини бир нуқтага тикиб, оғир тин олди, хижолат чекаётгандек ийманиб деди:

— Дутор ушламаганимга ўн беш йилча бўлиб қолди. Шунақа...» У тўнининг енгини билагигача шимариб тирсагидан пасти йўқ чап қўлини кўрсатади. «— Шунақа. Дутор чаладиган қўлни уруш кесиб ташлаган», — дейди. Гувоҳи бўлган бу воқеа ҳикоячи қаҳрамонни лол қолдиради, унда мураккаб ҳиссий кечинмалар оқимида вужудга келтиради. Ушбу кечинмалар оқимида эса унинг ўзи ҳозиргина дуч келган вазиятга нисбатан ҳам, Уста Мақсуддек одамни сеvimли санъатидан жудо қилган урушга нисбатан ҳам муносабати, қалб нидоси ифодаланган. Бунда ёзувчи бош қаҳрамонга нисбатан муносабатни фақат бир томондан, яъни ҳикоячи қаҳрамон нигоҳи орқалигина кўрсатади.

Учинчи лавҳада Уста Мақсуднинг меҳмонларни шогирди механизатор жувон Инобатнинг ёнига бошлаб келиши, унинг устозидан ўрганган санъати билан келганларни ҳайратга солиши тасвирланади. Унга ўтишдан олдин ёзувчи яна воситачи қаҳрамондаги кайфиятга мурожаат қилади. «Дутор эшитгингиз келаётган бўлса, баққа юринг!» деб Уста Мақсуд мухбир йигитни Инобатхон томон бошлаганда, у ҳамроҳи ҳам борлигини айтади. Ҳамроҳи эса бу гапга «энсаси қотгандек пешонасини тириштириб зўрға» кўнади, бунинг устига «Аслида ўзим кетаверсам бўларкан. Нега гапингизга кириб, автобусдан тушиб қолдим—а», — деган гапларни айтади. Яна бир жойда ҳикоячи қаҳрамон «Ҳамроҳим ҳар замонда менга бир хўмрайиб қўярди. «Нима, умримда дутор эшитмаган эканманми, намунча зарур бўлмаса» деб Устага билдирмай мингиллар эди», — дейди. Инобатхоннинг дутор чалиш

картинасида эса ҳикояда турлича тарзда кўриниб келаётган драматик чизиқлар ҳам, эмоционал муносабатлар ҳам бир нуқтага йиғилади. Тасвирдаги бундай изчиллик юксак бадиий натижаларга олиб келади, ёзувчи маҳоратини намоиш этади. Уста Мақсуд санъатининг вориси, давомчиси бўлган Инобатга оид тафсилот ҳам босқичлари билан берилади. Дастлаб, у «устасининг салобати босаётгандек журъатсизлик билан куйни» бошлайди. Сўнгра «ҳиссиз, шунчаки бошланган куй бирданига ўтирганларнинг ҳаёлини олиб» қўяди. Бора—бора Инобат «ўзи чалаётган куйдан ўзи» таъсирланиб кетади. Энди унинг қўллари, «пардалар устидан эркин йўрғалар, гўё дугор дастасини эзиб, ундан анвойи оҳанглари сиқиб олаётгандек, бармоқлари эса торларни худди қалбни тирнаётгандек тимдаларди». Маҳорат билан ижро этилаётган куйнинг таъсири, кўнглида қўзғалаётган ҳислар мухбир йигит тилидан шундай изҳор қилинади: «Бу куй менга ёшлигим, болалигимни яна қайтариб келди. Торларнинг гоҳ денгиз довулларидек шиддаткор, гоҳ саҳар елларидек юмшоқ садолари йиллар ўтиб, қалб қаърида унутилиб кетган ажиб болалик ҳисларини туғёнга келтирди. Вужудимда ҳалигача ҳеч ким билмаган ва ҳеч ким қилолмайдиган алақандай зўр, жуда ҳам зўр ишлар қила олишга қодир бир куч пайдо бўлаётгандек эди. Дугорга жўр бўлгим, атрофда мавж уриб турган баҳор манзараларини қўшиққа солиб куйлагим келарди»¹.

Биз юқорида воситачи қаҳрамоннинг, яъни мухбир йигитга ҳамроҳ бўлиб келган одамнинг асосий воқеага нисбатан қарашининг, муносабатининг қай даражада тескари эканини кўрган эдик. Ёзувчи ундаги бу бефарқликка, лоқайдликка қайта—қайта урғу бериб, таъкидлаб турганини ҳам биламиз. Сўнгги лавҳада ёзувчи яна бир бор унга эътиборимизни жалб қилади. Энди кўз олдимизда мутлақо бошқача манзара, бошқача одам гавдаланади. Ундаги ҳолат, ўзгариш ҳикоячи қаҳрамон нигоҳи орқали шундай берилади: «Ҳамроҳимга қарадим: унинг кўзида ёш йилтирарди. У иягини кафтлари орасига олиб, жимгина ўтирар, елкаси тез—тез силкинаётганини сезмасди».

Ёзувчи ҳикоядаги драматик оҳангни кучайтириш, ундан келиб чиқадиган натижани янада таъсирлироқ қилиш, ўз олдига қўйган бадиий мақсадга эришиш учун турли имкониятлардан фойдаланади, юқорида кўрганимиздек, бир неча ифодавий воситаларга мурожаат қилади.

«Ҳазина» асари билан Саид Аҳмад ҳикоячилик имкониятлари беқиёс эканлигини, агар ёзувчи чинакам истеъдод соҳиби бўлса, шу

¹ Ўша асар, 194-195 бетлар.

имкониятлар юксак ижодий натижалар келтиришини яна бир бор амалда кўрсата олди.

Юқорида Саид Аҳмаднинг қатор ҳикоялари мисолида ҳикоячи қаҳрамон, воситачи қаҳрамон, деган атамаларни кўп ишлатдик. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки ёзувчи айнан бир хил ифодавий усулга жуда кўп мурожаат қилади. Масалан, унинг ҳикояларида, айниқса, ҳикоячи қаҳрамон образига тез—тез дуч келиб турамыз. Тўғри, бу усулнинг яҳши томонлари кўп. Ҳикоячи қаҳрамон орқали асардаги ҳиссий — эмоционал жиҳатлар кучаяди, лиризм чуқурлашади. Лекин у ҳадеб асардан—асарга ўтаверса, такрорланаверса, ўз аҳамиятини йўқотгандек, сийқалашгандек туюла бошлайди. Бу жиҳат асарнинг қанчалик «қош—кўзи» жойида бўлмасин, китобхонда қолдирадиган умумий таассуротга салбий таъсир этмаслиги мумкин эмас.

Саид Аҳмаднинг уруш мавзусига дахлдор бошқача йўналишда ёзилган, ўзгача ифода усули қўлланилган ҳикоялари ҳам талайгина. Шулардан бири «Лайлак келди» ҳикояси. Унда ҳикоялаш учинчи шахс тилидан олиб борилади. Муҳими шундаки, ёзувчи бундай ифода усулига мурожаат қилганда ҳам, бари бир унинг асарида лиризм, эмоционаллик яққол сезилиб туради. «Лайлак келди»да бош қаҳрамон—Умри хола тақдиридаги уруш билан алоқадор мотивлар характерли деталь воситасида кўрсатилади. Эҳтимол, уни ҳикоядаги воқеалар ривожига ўзига хос тарзда иштирок этувчи персонаж деган маъқулдир. Хуллас, кампирдаги урушга алоқадор оғир хотираларнинг қўзғалишида лайлак келиши билан боғлиқ жиҳатлар бўлади. Бунинг ҳикоянинг бошланишиданоқ сезамиз. Умри холада хурпайган сават уясида турган лайлакка кўзи тушиши биланоқ қандайдир ўзгариш содир бўлади. У «бирдан бўшашиб кетди. Қандай қилиб чой дамлаганини, неварасининг лой бўлиб кетган шимини қандай чўткалаганини билмайди. Унинг хаёли жуда узоқларга кетиб қолган. Невараси портфелини кўтариб чиқиб кетганда ҳам ҳар кунгидек орқасидан остонагача бормади, у дарахтзор оралаб мактаб томонга кетгунча кузатиб қолмади. Айвон даҳанига бедармон чўккалаганча қимирламай ўтириб қолди»¹. Бунинг сабабига доир маълумот ҳам кетма—кет берилади: «Кампир бу лайлакни танирди. Лайлак ҳам унга ўхшаш ёлғиз жуфтини қор қуюнлари орасида йўқотган. Икки аламзада, икки ҳижронзада, бир ҳафтача мана шу уйда дардлашган, бирга йиғлашган» («Сайланма», 3—жилд, 265—бет). Кампир билан лайлакнинг тақдирлари ўртасида боғлиқ томонлар борлиги ҳақидаги гаплар уруш даври ҳаётига келиб боғланади: «Урушнинг охириги йили, эрта кўклам эди. Ҳали баҳор келмай, кунлар исиб кетган, дов—дарахт бемаҳал куртак

¹ Ҳам асар, 265-бет.

очиb қўйган, деҳқон бир томчи ёмғирга зор кунлар». Кўряпмизки, ёзувчи мана шундай табиий воситалар орқали бизнинг диққатимизни ҳозирги кундан уруш даври ҳаётига — ўша қаттол, беомон кунларга қаратади. Ҳикояда бевақт ёққан қор, унинг совуғи, изғирини ҳақида гап бор. Ана шу сабаб бўлиб совқотган лайлак «...ҳувиллаб қолган уй остонасида ўтириб, олисда жон олиб, жон бераётган ўғлининг, эрининг дуойи жонини» қилиб кун ўтказаётган Умрихоннинг олдига иссиқ жой излаб келиб қолади. Бу лайлакнинг жуфти эса адашиб, совуқда далада қолиб кетиб, эрталабгача музлаб қолган бўлади. Мана шу тариқа бутун ҳаёли жанг — майдонларида бўлиб ўтирган кампир билан бевақт тушган қор туфайли жуфтидан ажралиб қолган лайлак биргаликда яшашади. Бевақт ёққан қор, жуфтидан ажралган лайлак ҳақидаги тасвир ҳикояда ички драматик оқимни вужудга келтиради. Тасвир мантиқи бу оқимни ўз — ўзидан трагик нуқта томон олиб боради. Умрихон фронтдан қора хат олади. Почтальон бу хатни беради — ю шошганича жўнаб қолади. Унинг ушбу шум хабар туфайли тушган ҳолати яхши очиб берилган: «Бирпасда кўз олди қоронғилашади — ю, остонада ўтириб қолади. Ҳаёлига ҳеч нарсаси келмас, ўзи ҳам ҳеч нарсани кўрмасди. Танасида ҳам жон йўқдек эди». Айниқса, Умрихоннинг бир оз қарахтликдан сўнг ўзига келиши, дод солиб, почтачининг орқасидан югуриши ғоят таъсирли чиққан. «Ўқдек отилиб ўрнидан турди. Рўмоли ўтирган жойида қолди. У тўхтамай югурарди. Югурганича сочлари тўзғиб кетди. Йўлда учраган одамлар унинг аҳволини кўриб тўхташар, орқасидан қараб қолишарди. Охири у почтачини қувиб етди. Елкасига осилиб, кўйлагини йиртиб юборди. У негадир бу шум хабарни мана шу одам олиб келган, деб ўйларди. Шу топда у фақат шуни биларди: почтачи ё эрини, ё ўғлини ўлдирган»¹ («Сайланма», 3 — жилд, 268 — бет). Кейин маълум бўлишича, у ўша кунни эридан ажралган экан. Шундай қилиб, унинг «бир бурчида лайлак, бир бурчида Умрихон» ёлғиз қолади.

Кунлар исигач, лайлак ҳам кетади. Вақтлар ўтиб, унинг ўрнига энди лайлакчалар кела бошлайди. Шунингдек, Умрихоннинг ҳам бағри тўлади, ўғли фронтдан қайтади, тўй қилади, келин кўради. Вақти келиб, неваралик ҳам бўлади. «Неварасининг шўхлиги уйдан ҳижрон аламларини аритгандек, Умрихоннинг юзидаги ажинларни ёзиб юборгандек бўлади». «Аммо ҳар баҳор лайлак келганда, чорбоғ тепасида унинг ногорасини эшитганда юраги эзилиб кетади. Бу товуш унга эридан келган қора хатни, ярим қоронғи уйда икки ҳижронзаданинг товушсиз йиғлаган кунларини эслатиб қўяди».

Саид Аҳмаднинг ҳикоячилик фаолиятига назар солар эканмиз, унинг уруш оқибатларини кўрсатишда қариялар, шу жумладан,

¹ Ўша асар, 268-бет

оналар образидан анча кенг фойдаланишга, улар воситасида тасвирдаги драматик, трагик жиҳатларни таъкидлашга интилишининг, бу борада сезиларли ютуқларга эришганининг гувоҳи бўламиз. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ёзувчи ҳамма вақт ҳам бир текисда шундай муваффақиятга эришган, дейиш қийин. Унинг айрим ҳикояларида тасвирланган уруш даври ҳаёти ишонарли эмас. Бу хил ҳикояларидаги воқеалар ҳам, шу билан боғлиқ тарзда берилган қаҳрамон фаолияти ва кечинмалари ҳам, гарчи улар қанчалик ўқишли, қизиқарли бўлмасин, чуқур ҳаётий асосга эга эмас, шароит ва давр руҳининг мураккабликларини ўзида тўла ифодаламайди.

Масалан, ёзувчининг кейинги пайтлардаги ёзган асарлари жамланган «Юлдуз» тўпламидаги «Чўғлар» деган ҳикоясини олиб кўрайлик. Бундоқ қараганда ҳикоядаги ҳамма нарса жойидаги ўхшайди. Асар қаҳрамони Зоҳида бибининг тақдири — эрининг меҳнат армиясига кетганлиги, шу сабабли ҳозир ёлғиз эканлиги, эрининг ўжарлиги туфайли бирор касб — ҳунар орттира олмагани, натижада қимирлаган жон иш билан банд бўлган бир шароитда бекор ўтириши каби жиҳатлар тўлиқ драматик тасвирга материал бера олади. Баъзан ёзувчи шу муносабат билан қаҳрамон ҳаёлида пайдо бўлган ўйларни ҳам берган. Масалан, бир ўринда шундай тасвир бор: «Дунёнинг ишлари шу экан — да, — деб ўйлади у. — Қимирлаган жон борки, юртга нафим тегсин, деб ер тирнашти... Мен нима деган одам бўлдим улар олдида? Наҳотки, бирон нафим тегмаса одамларга? Наҳотки мен шунчалар нотава, шунчалар ношуд одамман? Йўқ, нимадир қилиш керак. Бу аҳволда эрта — индин юрт бетига қаралмай, кўзим ерда бўлиб қолади»¹. Табиийки, қаҳрамоннинг ўзига нисбатан бундай муносабати яхши. Унга ҳеч бир эътироз билдириб бўлмайди. Хўш, шундай руҳий «ҳисоб — китоб» жараёнидан кейин қаҳрамон қандай қарорга келди, нима иш қилди? Зоҳида биби эрининг ишхонасига бориб, тошкўмир билан бўшаган консерва банкалари олиб келади — да, уларни Кўкчадан Чорсугача йнгирма чоқли симёғочга қоқиб, ҳар куни чўғ билан тўлдириб туради. Бундан кашандалар баҳраманд бўлишади, махоркаларини тутатиб олишади. Бир қарашда, албатта, бу ғалати кўринади. Наҳотки Зоҳида биби уруш шароитида, ўзининг гапи билан айтганда «қимирлаган жон борки, юртга нафим тегсин» деб турган бир пайтда бундан бошқа иш тополмаган бўлса, деган фикр ҳаёдан ўтиши муқаррар. Лекин Саид Аҳмад бунинг йўлини қилишга ҳаракат қилган. Ҳикояда махорка ёндиришни шунақа муаммо даражасига кўтарадики, гўё у ўша йиллардаги энг асосий, ҳал қилувчи масалалардан биридек таассурот қолдиради. Зоҳида биби эса шундай муҳим ишга ўз ҳиссасини қўшганидан ўнгида ҳам,

¹ Саид Аҳмад. Юлдуз. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1986, 8-бет.

тушида ҳам мамнун бўлади. Фикримизча, бу ёзувчининг сохта йўллар, сунъий тасвирлар билан асарда драматик руҳ ҳосил қилишга уринишидан бошқа нарса эмас.

АДИБНИНГ УМРЛИК КИТОБИ

(«Уфқ» трилогиясидаги Икромжон, Жаннат хола, Турсунбой образлари юзасидан баъзи мулоҳазалар)

Саид Аҳмад — қаҳрамон характерини турли ҳаётӣ шароитларга мос детал ва тафсилотлар орқали очиб беришга уста ёзувчи. Унинг бу борадаги маҳорати, асосан, икки йўналишда намоён бўлади. Масалан, бир йўналишда унинг қаҳрамон характерини комик ва юмористик вазиятларда кўрсатишга мойиллиги бўртиб сезилиб турса, бошқа йўналишда тасвирни драматик пардаларда беришнинг, уни трагизм томон тобора ривожлантириб боришнинг жуда ҳадисини олганлиги яққол кўзга ташланади. Буни, яъни иккинчи йўналишнинг ифодасини биз юқорида унинг ҳикоялари таҳлили мисолида кўрсатишга ҳаракат қилдик. Шу жиҳат ёзувчининг «Уфқ» трилогиясидаги баъзи образлар талқинида ҳам аниқ сезилиб туради. Асардаги етакчи қаҳрамонлардан бўлган Жаннат хола образи бу ўринда мулоҳаза билдириш учун кенг имкониятлар беради.

Трилогиянинг биринчи қисми — «Қирқ беш кун»да китобхон бу қаҳрамон ҳақида анча—мунча тасаввурга эга бўлади. Унинг ҳаётидаги қувончли воқеалар билан ҳам, изтироб ва армонли жиҳатлар билан ҳам танишади. Ана шу таассуротлар билан иккинчи китобни ўқишга киришган ўқувчи дарҳол Жаннат хола ҳақидаги тафсилотларда мантиқий зиддиятга дуч келади. Олдинги китобда бу қаҳрамон бизга хушрўйгина, қирқ ёшлар атрофидаги жувон сифатида таништирилган эди. Бу ерда эса уни «кексагина бир хотин» қиёфасида кўрамиз. Яна сал ўтиб, бир иш билан бу уйга келган эрининг дўсти, қўшниси Умматали уни «Жаннат хола¹» деб чақириб келади. Олдинги китобда Умматали унга «синглим» деб «сан»сираб мурожаат қилган эди («Уфқ», трилогия, 196—бет), бу ерда бирданига бундай ўзгариш бўлганининг сабабини тушуна олмай қоламиз. Ҳатто бир жойда «кампир» ҳам дейилади. Ҳар ҳолда бу асарнинг ёзилиш тартиби билан яхши таниш китобхон бундай зиддиятнинг сабабини қайсидир даражада тушунар, ҳатто боринги, кечирар ҳам дейлик. Лекин «Уфқ» ни яхлит бир трилогия сифатида ўқийдиган, унинг яратилиш тарихини китоблардан билиб олган

¹ С.Аҳмад. Уфқ. Трилогия. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Кейинги парчаларида шу нашрининг бетини қавс ичида кўрсатиш билан чекланамиз. Тошкент. 1976 йил, 286-бет.

кейинги авлод бундай мантикий қарама—қаршиликларни қандай қабул қилар ва баҳолар экан? Назаримизча, ёзувчида «Уфқ» ни трилогия сифатида кўриш, ўқувчига тақдим қилиш истағи унга сарф қилинадиган меҳнатдан устунлик қилиб кетган кўринади. Акс ҳолда китобни нашрга тайёрлашда оддий кўзга ташланиб турадиган, ўқувчининг таъбини хира қиладиган бундай гаплар таҳрир қилинган бўларди.

Тўғри, Жаннат холанинг ва умуман, инсоннинг тез ўзгариб қолиши мумкинлигини инкор этмоқчи эмасмиз. Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Айниқса, уруш йилларида бундай ҳодисаларнинг учраб туриши, айрилиқ, мусибат эрта қаритган одамлар кўп бўлгани сир эмас, албатта. Бу ҳам адабиёт, ёзувчи учун уруш даврини кўрсатишда, китобхонда бундай ҳодисага нисбатан муносабат уйғотишда муҳим тасвирий—ифодавий восита вазифасини бажариш мумкин. Лекин «Ҳижрон кунлари»даги Жаннат хола ҳақидаги гаплар, афсуски, бундай таассурот қолдирмайди.

Ёзувчи Жаннат хола образини кўпроқ Турсунбойга муносабат орқали кўрсатишга ҳаракат қилади. Биз «Қирқ беш кун»да бу аёлнинг ёлғиз ўғли атрофида қандай парвона бўлишини, уни қанчалик аяшини кўрган эдик. Бу ерда ҳам Жаннат холанинг Турсунбой ҳақидаги ўй—хаёллари бирданига кўзга ташланади. Тўғри, унинг ўғли ҳақидаги ўйлари муайян сабаб, шароит тақозоси билан юзага чиқарилган. Турсунбой урушга кетган. Олдинлари кўз олдида юрган ўғлини ер—кўкка ишонмайдиган онанинг у фронтга кетгач, қандай аҳволга тушишини, қандай хавотирлар билан яшашини тасаввур қилиш қийин эмас. Яна бунинг устига Икромжон ҳам урушда. Дастлаб Жаннат холанинг шундай ҳолатда — ҳам ўғлини, ҳам эрини фронтга жўнатиб, улардан хабар кутиб, хавотир олиб, интиқ бўлиб ўтирган бир ҳолатда кўрамыз. Кейинги воқеалар ривожидан давомида қаҳрамондаги бу ҳолат бир оз ўзгаради—Икромжон фронтдан қайтади. Шу ўринда ёзувчи учун Жаннат холадаги маънавий имкониятларни янада чуқурроқ, кўламлироқ тарзда кўрсатиш, тадқиқ этишга шароит туғилади. Икромжоннинг урушдан мажруҳ бўлиб қайтишига муносабат орқали бу қаҳрамондаги ўй—кечинмалар оқимини янада ранг—баранг, сертўлқин қилиш мумкин эди. Лекин ёзувчи бу имкониятга у қадар эътибор бериб ўтирмайди. Жаннат хола образи талқинидаги биринчи китобда кўзга ташланган йўналишни давом эттираверади.

«Ҳижрон кунлари»да турли муносабатлар билан Жаннат холанинг ўғли туфайли вужудга келган кечинмаларига тез—тез

муружаат қилинади. Мана шулардан бири. Тоғанинг Найман ҳақидаги галарини эшитгандан сўнг Икромжон хотинига, ўша ерга борсак, «у ерда иш кўп, зора овунсак», деган гапни айтади. Хотини очикдан — очик қарши чиқмаса — да, айна чоқда розилик ҳам бермайди, «Болам келса, қидириб сарсон бўлиб қолмасмикан?», «Зирилламадан Тоға иш топиб берар» қабилида ланжроқ жавоб қилади. Эр — хотин ўртасида бўлган бу гап шу билан тўхтади, Икромжон ҳам уни маслаҳат сифатида айтгани учун бошқа тайинли бирор нарсга демай, уйқуга кетади. Жаннат холанинг эса уйқуси қочади, яна шу гап баҳона ўғлини ўйлаб кетади. «Унинг хаёллари жуда олисларда. Йўлга кирмай тупроққа қўйган болалари, эрининг бола етаклайдиган кунларини кутиб ўтказган пайтлари, ниҳоят, Икромжон Турсунбойнинг қўлидан етаклаб Зирилламага олиб чиқиб кетгани, боланинг гузардан этаги тўла ширинликлар билан чуғиллаб кириб келгани, ана ўшанда эрининг юзидаги бир чиройли табассум, Турсунбой эртага мактабга боради, деган кун эр — хотин кечаси билан кийим дазмоллаб чиққанлари, ўша оқшом эрининг болани сартарошга олиб чиқиб, сочини олдиргани, бола дарсдан чиққунча мактаб остонасида ўтирганлари, эрининг фронтга кетиши, унинг йўлига кўз тикиб ўтган кеча — кундузлари, Турсунбойга повестка келганда йиғлаганлари, шулар ҳаммаси бир — бир кўз олдидан ўтаверди» («Уфқ», трилогия, 295 — бет) .

Эри безгакка чалинган Низомжонни бошлаб келганда, унга меҳрибонлик қилатуриб ҳам ўғлини кўз олдига келтиради, «назарида Турсунбой келгану, чарчаб сандал четида ётиб қолган» дек бўлиб туюлади. «Ўз боласининг нафаси, ҳиди келиб турган бу бегона бола бошида ўтириб ёлғизи Турсунбойни» ўйлайди, ўғлининг болалик кезларини, кўкйўталга чалинмасин, деб отасининг кўкқарға овлаганини, Турсунбой соғлом бўлгани учун бу дардни енгил ўтказганини эслаб кетади. Низомжон иситма зўридан алаҳсирайди, ингранади. «У ҳар инграганда Жаннат холанинг юраги эзилар, кўзига Турсунбой бўлиб кўриниб кетар эди. Турсунбой қонга беланиб, бегона кишининг уйида ётибди. Нотаниш хотин унинг бошида ўтириб ярасига малҳам қўяпти» («Уфқ», трилогия, 305 — бет).

То Турсунбой ҳақидаги ҳақиқат очилгунга қадар тасвир шу тарзда — гоҳ отанинг фарзанди билан боғлиқ туйғулари кўрсатилса, гоҳ у онадаги кечинмалар билан ўрин алмашган ҳолда давом этаверади. Аниқроғи, бу сир ошкор бўладиган нуқтага қадар Жаннат холадаги кечинмалар тасвирига, нисбатан, кенгроқ ўрин берилган. Бу нуқтадан эътиборан эса асосий диққат, драматик таранглик Икромжон томонда бўлади. Жаннат хола эса Икромжонда содир бўлаётган ана шу руҳий жараён, ҳолат фонида

гоҳ—гоҳ диққатимизни тортиб туради. Бир жойда у деворга суянган ҳолда «дағ—дағ титраб», «ранги қум—қум оқариб» турганини кўрамиз. Бошқа жойда Турсунбойнинг панжа излари қолган, Жаннат хола ҳар куни уни қўли билан сийпаб неча марталаб кўзига, юзига суртадиган деворни бузаётган Икромжонга «Нима қиялпсиз, нима қиялпсиз?» дея ёпишаётган ҳолатда дуч келамиз. Учинчи жойда у Икромжоннинг қўлидан ёғоч оёққа уриб синдирилган Турсунбойнинг рамкадаги суратини тортиб олади. Яна бир ўринда уни «супада бир тиззасига бошини қўйиб, девор тагида дон талашаётган мусичаларга хомуш тикилиб қолган» бир ҳолатда учратамиз. Кўриняптики, ёзувчи китобдаги энг мураккаб лавҳалардан бўлган мазкур кўринишда хоин фарзанд келтирган маломат юкининг бор оғирлигини Икромжоннинг елкасига қўяди, шу муносабат билан унда содир бўлаётган руҳий коллизия оқимида асосий эътиборни қаратади. Жаннат холадаги ҳолатни эса шу жараёндан келиб чиқиб мантиқан тасаввур қилишни китобхоннинг ўзига ҳавола этади. Унинг биз юқорида эслатган ҳолат ва ҳаракатларидан эса маълум даражада вазиятга мос келадиган ана шундай драматик маъно англашилиб туради.

Китобнинг учинчи бўлимига келиб, Жаннат хола ҳақидаги гаплар асосий ўринга чиқади, диққатимиз кўпроқ шу қаҳрамоннинг тақдирига, кишини ларзага соладиган ҳолат ва кечинмалари тасвирига қаратилади. Умуман олганда, иккинчи китобдаги бу образ талқини хусусида адабий танқидчиликда анчагина фикрлар билдирилган. Уларнинг ичида танқидий мулоҳазалар ҳам бор. Жумладан, унда фуқаролик туйғуси етишмайди, Жаннат хола фақат ёлғиз ўғлига боғлаб қўйилган, деган мазмундаги гаплар ҳам айтилган. Бундай мулоҳазалар айтилгандан сўнг орадан ўтган йиллар мазкур образга яна синчиклаб эътибор беришни, унинг замирига ёзувчи сингдирган мақсадни чуқурроқ илғаб олиш зарурлигини тақозо этади.

Танқидчи У.Норматов билан суҳбатда ёзувчининг ўзи бу хусусда шундай дейди: «Қаҳрамондаги, қолаверса, кишидаги гражданлик туйғусини бир хил мезон билан ўлчаб бўлмайди, бу ноёб туйғу ғоят хилма—хил кўринишда намоён бўлиши мумкин. Айрим асарлардаги она образларидан фарқли ўлароқ мен яратган она ўзининг гражданлик туйғусини эл—юрт олдида намоёйишкорона кўз—кўз қилмайди¹» У. Норматов ҳам ўша суҳбатда ёзувчининг гапини янада ойдинлаштириб, «Она ноқобил фарзандидан сўнгги дақиқаларгача кўнгил узолмайди, айти пайтда шу ноқобил фарзандининг ножўя хатти—ҳаракатлари туфайли эл—юрт кўзига тик қаролмай, ўз дардини ҳатто яқин кишисига ҳам айтолмай,

¹ У.Норматов. Талаит тарбияси. «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, 1980, 94-бет.

юрагини ёролмай, ўкинч, ғам—алам исканжасида оламдан ўтиб кетади. Шунинг ўзи гражданлик туйғуси эмасми?» деган гапларни айтади. Ҳар ҳолда бу гаплар мазкур образ ҳақида, юқорида айтилгандек, чуқурроқ ўйлаб кўришга, мулоҳазалар билдиришга имкон беради.

«Ҳижрон кунлари»нинг иккинчи бўлимида фарзанд келтирган иснодга акс садо, асосан, Икромжондаги ҳолат ва руҳий коллизиялар таҳлили орқали берилган эди. Жаннат холага, агар шундай дейиш мумкин бўлса, ўша саҳифаларда қандайдир пассивроқ рол ажратилган, бу ҳодисага нисбатан унинг муносабати бир оз сирлироқ тарзда ифода этилгандек эди. Тўғри, Икромжонда содир бўлган айрим кескин руҳий ҳолатларда унинг бевосита ҳиссаси бор. Жаннат холанинг гаплари бу ҳолатларнинг юзага чиқишида туртки вазифасини ўтаган эди. Бундай пайтда у фаоллашгандек туюлади. Бошқа ўринларда эса у ҳар нарсага аралашавермайди, кўпроқ ўзи билан ўзи овора бўлади, юрагида нима кечаяпти, қандай ўй—фикрлар, хаёллар билан яшаяпти — бу ўқувчи учун қоронғи бўлиб туради. Ҳатто эр—хотин ўртасида ҳам, гарчи ҳар қайсиси ўзича куйиб—ёниб юрган бўлса—да, бу масала ҳақида ҳеч гап—сўз бўлмайди. Лекин бундан ёзувчи мазкур қаҳрамондаги руҳий ҳолат ифодасини бутунлай унутиб қўйган, деган маъно келиб чиқмаслиги керак. Фақат Жаннатда кечаётган шундай мураккаб жараён ифодасида ўзгачароқ йўл танланган, ўзгачароқ тасвирий—ифодавий усулга мурожаат этилган, холос. Масалан, бир ўринда Икромжон урушда ҳар хил чалкашликлар бўлиб туришини бир—икки воқеалар мисолида гапириб, «Ажаб эмаски, Турсунбой масаласи ҳам шундоқ бўлиб чиқса» (328—бет), деган гапни айтганда, Жаннат холада бир неча кун давомида кечаётган ички туйғулар лоп этиб юзага чиққандек бўлади. У қандай ўй—хаёллар билан юргани дарҳол маълум бўлади—қолади. Жаннат холанинг «кўзлари чақнаб, аллақандай умид учқунлари ёнгандек» бўлади, «ялт этиб эрига қарайди», «Айтганингиз келсин, айтганингиз келсин, илойим», («Уфқ», трилогия, 328—бет) дейди. Шоша—пиша айтилаётган мана шу сўзларда Жаннат холанинг юрагидаги дард—алам бирданига тилига—у айтаётган сўзларга кўчади. Икромжон айтган ўша таскин берувчи сўзлардан сўнг, эътибор берилса, Жаннат хола ўзи тушиб қолган қарахт, жонсарақ бир аҳволдан уйғонгандек бўлади, ҳаракатларида, гап—сўзларида маълум даражада ўзгариш сезилади. Низомжонга шу ерда қолишни, Найман чўлига бирга боришни маслаҳат бераётган Икромжоннинг гапига аралашиб, у ҳам «Шунақа қила қол. Амакинг билан бўлсанг бир—бирларингга далда бўласизлар. Иссиқ—совуғингдан ҳам хабар олиб турадиган бор бу жойда. Шу маъқул гап, болам» («Уфқ», трилогия, 329—бет) дея маслаҳат беради. Эрининг сал чиройи

очиlib «овқат — повқатинг борми, опкелсанг — чи, ўлдирдинг — ку сириб» деган гапидан сўнг чаққон ҳаракатлар қилиб, ўчоқ бошига боради, ўт ёқиб, совиб қолган шовлани иситиб олиб келади. Ёзувчи қаҳрамондаги бундай ҳолатга эътиборни алоҳида тортмайди. Лекин мана шу ҳолатда фарзанди ҳақидаги озгина илиқ, умидбахш гап, юрагига кирган сал ёруғлик Жаннат ҳолани қанчалик жонлантириб, ҳаракатга киритиб юборганини пайқаш қийин эмас.

Биз бу ўринда ёзувчи қаҳрамонлардаги руҳий ҳолатни кўрсатиш, уни китобхонга англашиларли даражага келтириш учун турлича воситаларни ишга солганининг гувоҳи бўламиз. Икромжоннинг оғзидан чиққан сал таскин берадиган гап Жаннат холада шунча ўзгариш ясади. Хўш, худди шу дақиқада Икромжоннинг ўзи қандай аҳволда эди? У ҳам шундай бўлиши мумкинлигига ишонармиди, деган савол табиий равишда ҳаёлимизга келади. Бу саволимизга шу эпизоддан жавоб излашга киришамиз. Ёзувчи бунга эътиборда тутиб, Жаннат холадаги ўзгаришнинг содир бўлиш сабабларини кузатиш имконини беради. Аниқроғи, қаҳрамонларнинг биридаги бундай қисқа муддатли руҳий енгилик иккинчиси томонидан қанчалик қийинчилик билан амалга оширилганини, бу ҳам ўзига хос бир кичик драматик саҳна эканини кўрамиз. Чунки Икромжон бундан олдин Тоғаникида ўғли билан боғлиқ оғир руҳий зарбага дуч келган — бир бефаросатнинг билмасдан айтган гапи билан дили вайрон бўлган, ҳали шунинг асорати вужудидан кетиб улгурмаган бир аҳволда эди. Лекин Икромжон, зарбанинг таъсири қанчалик оғир бўлмасин, ўз руҳий ҳолатидаги, хатти — ҳаракатидаги ҳар бир ифода хотини Жаннат хола қалбида қандай акс — садо бериши мумкинлигини сезмаслиги, бунга эътибор бермаслиги мумкин эмасди. Шу сабабли у ҳовлига киришдан олдин ўзини қўлга олади. «Икромжон ҳар қанча изтироб чекмасин, эр киши сифатида хотини олдида ўзини дадил тутиши, кўз ёшини яшириши, бирон ҳаракати билан алам чекаётганини билдириб қўймаслиги керак. Бу қийин. Аммо илож қанча?» («Уфқ», трилогия, 327 — бет). Ундаги ҳар бир ҳолатни бутун вужуди билан кузатаётган Жаннат хола «Эрининг авзойини кўриб кўнгли сал таскин топгандек» бўлади. Ёзувчи шу ўринда қаҳрамоннинг бундай ишларни қилиши, юзидаги ҳар бир ифодани илҳақлик билан кузатаётган хотинини бу тарзда «алдаши» осонлик билан кечмаётганини таъкидлашни ҳам унутмайди. Чунончи, бир ўринда Икромжон хотинининг кўзларига қарашга ботина олмаётгани айтилади. Назаримизча, қаҳрамон ҳақидаги ёзувчининг ушбу изоҳи шу эпизодда тасвирга сингдирилган драматизмни ҳис қилишимизга ёрдам беради.

Икромжон хотинига фақат таскин берибгина қолмай, уни овутиш, оғир ўйлардан чалғитиш йўллариини ҳам ахтаради. Масалан, Икромжон уни ўзи билан бирга Найманга олиб кетмоқчи бўлади. Бу Икромжоннинг чўлга бирга кетиш ҳақида унга иккинчи бор гапириши эди. Жаннат хола эрининг бу қарорига бу гал ҳам дастлаб иккиланиброқ жавоб қилади. Икромжон бундай қарорининг сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилади. Айниқса, унинг мақсадини аниқроқ қилиб, «Ростми ёлғонми, шу гап бўлиб турганда эл олдида бош кўтариб юришга қийналаяпмиз. Найманга кетсак, шу таъналардан сал узоқроқ турармиканмиз, дейман—да» («Уфқ», трилогия, 328—бет), деган гапларидан сўнг Жаннат хола кетишга розилик беради. Икромжондаги бу қарор Тоғанинг, ҳозирча хотин—халажлар қолади, деган гапидан кейин ҳам ўзгармайди, «хотинини ёлғиз ташлаб кетишга кўнгли» бўлмайди, ундан «хувиллаб ётган уйда бир ўзи қолса, ич—этини еб қўяди» деб хавотир олади.

Шу кичик бир воқеа мисолида ёзувчи қаҳрамонлари руҳиятига чуқур кириб боришга муваффақ бўлган, нобоп фарзандлари туфайли бошлари эгилиб қолган икки ҳамдард инсоннинг шундай оғир пайтларда бир—бирини қанчалик чуқур тушунишларини, ҳис этишларини ишонарли деталлар орқали ифодалаб берган. Аниқроғи, тасвирни шу томонга йўналтириш қаҳрамонлар характериға хос муҳим бир хусусиятни очиб беришга хизмат қилган.

Найманга кўчиш воқеаси Жаннат хола руҳий оламини тадқиқ этишда ёзувчи учун кенг имкониятлар яратади. Чунончи, кўчиш вақти—соати аниқ бўлганда, Жаннат холага бу хабар бошқача таъсир қилади, яшаётган уйи билан боғлиқ бутун ҳаёти кўз олдидан ўтади, қувонч ва аламга тўлиқ хотиралар бир—бирига уланиб кетади. Қаҳрамонда бундай ўйлар натижасида вужудга келган ҳолатга ёзувчи, «Жаннат хола бирдан бўшашиб ўтириб қолди. Ранги ўзгарди. Юраги эзилиб, бирпасда ҳаёли аллақадарларга учди» («Уфқ», трилогия, 342—бет) дея изоҳ беради. Шу сабабли у олдинги фикридан қайтади, уйда қолишга қарор қилади. Унда тўсатдан бўлган бундай ўзгаришга дастлаб Низомжон ҳайрон қолади. Икромжон эса хотинини бирга кетишга кўндиришга яна астойдил ҳаракат қилади. Эри кетма—кет қисталанг қилавергач, «кетаверинг, дадаси. Мени йиғлайди, ўзини—ўзи еб қўяди, деб ўйламанг, хотиржам кетаверинг» («Уфқ», трилогия, 344—бет) дея уни тинчлантирган бўлади. Икромжон ҳам дилдан тилга кўчган бу сўзлардан сўнг хотинининг кўнглидаги қандайдир илинжни англагандек бўлади ва шу сабабли уни бирга кетишга мажбур қилмайди.

хаёлидан ўтади. Ўғлининг очкўзлик билан овқат ейишлари уни лол бир аҳволга солиб қўяди. Ўзининг «Қочганинг ростми?» деган сўроғига тасдиқ жавоби олгач, «Онанинг вужуди қақшаб» кетади. «Кўзлари жовдираб, бир пастда киприклари пирпираб», «хўнграб йиғлаб» юборади. Шу дақиқада «бутун истаклари, орзу — умидлари шамолда тўзиб кетгандек чорасиз бир аҳволда дунё кўзига қоронғи бўлиб» кўриниб кетади. Онада шу пайтгача фарзандига нисбатан бўлган соғинч туйғулари ўрнини норозилик эгалайди. Ёзувчи ундаги бу ички ўзгаришни «Ёш думалаб турган кўзларини боласига қадади» дея ифодалайди. Дарҳақиқат, онанинг ўғлига айтган олдинги сўзлари билан эндигисини қиёслаб кўрсак, улар тобора кескинроқ чиқаётганининг, шиддатлироқ айтилаётганининг гувоҳи бўламиз: «Куч — қувватдан қолган отанг ҳам қўлига милтиқ олиб урушга борди — я! — дейди у Турсунбойга қарата. — Бир оёғини урушга ташлаб келди — я! Сен, шу гавданг, шу кучинг билан қочдингми? Отангни тириклай ўлдирдинг — ку, мени адоий тамом қилдинг — ку! Эртага юртнинг кўзига қандай қарайман? Даданг қандай қилиб кўчага чиқади? Шунини ўйладингми?» («Уфқ», трилогия, 370 — бет).

Онадаги бу руҳий шиддат яна маълум муддат давом этади. Дадаси ҳақидаги гаплардан беҳабар Турсунбойнинг буни эшитиб, «Дадам қани? Келиб қолмасдан кетай», деган гапини «Дада» дема!...» дея кесиб ташлайди. Лекин она қалби фарзандига нисбатан бундай кескин муносабатни узоқ сақлаб туролмайди, бунга юраги дош бермайди ва орадан сал ўтгач унга ялинишга ўтади, Турсунбойга, даданг билан бамаслаҳат иш қил, юрт олдида гуноҳингни ювиш йўлини ўйла, дея илтижо қилади. Бундан даҳшатга тушган ўғлининг «Мана бу еримдан отиб ташласинми?» («Уфқ», трилогия, 371 — бет) деган гашига, худди ҳозир ҳақиқатдан ҳам шундай бўладигандек, она бирдан қўрқиб кетади. Искирт аҳволга тушган ўғлининг ювиниши учун сув иситиб, сандиқдан кўйлак олади, дадасининг устарасини келтириб қўяди. Турсунбой ювиниб, кийиниб келади. Жаннат холанинг шу дақиқалардаги ҳолатини, кайфиятини ёзувчи қуйидагича ифодалайди: «Унинг дийдорига қараб она юрагидан бояги ваҳималар нари кетгандек бўлди. Турсунбой янги, тоза либосларда беғуноҳ, покиза бўлиб кўриниб кетди. У келишган, юзлари, кўзлари яшнаган йиғит эди. Шу топда она кўнглида ҳам меҳр, ҳам ташвиш, ҳам ғазаб бор эди. Шу уч ҳис орасида қолган она қалби қай тарафга ён босишни билмасди» («Уфқ», трилогия, 372 — бет).

Мазкур психологик лавҳада қаҳрамон дуч келган оғир маънавий — руҳий тўлқин гоҳ кўтарилган, гоҳ сусайган ҳолда давом этади. Онанинг юрагидан кечаётган гоҳ унли, гоҳ унсиз нидолар

ўқувчини лоқайд қолдирмайди. Қорини тўйғазиб, одам қиёфасига кириб, неча кунлик дарбадар, ўғринча ҳаётдан сўнг кўзлари уйқуга кетган хоин, қочоқ ўғлининг тепасидаги онанинг чорасиз ҳолати, қиёфаси кишини ларзага солади, тўйгуларни жунбушга келтириб юборади: «Қоп—қора осмоннинг бир чети билинар—билимас оқариб келаётганини, саҳархез хўрозларнинг олис—олислардан қичқираётганини сезмасди. У ҳамон ёлғиз боласининг дийдорига тўймай тикиларди.

Қалби вайрон бўлган, умидлари совун кўпигидек сассизгина учган онанинг хаёллари сўнгсиз эди. Самарасиз эди...» («Уфқ», трилогия, 372—бет).

Жаннат холадаги бундай руҳий ҳолат янада мураккаблашиб, унинг тасвирида ранглар тобора қуюқлашиб бораверади. Бир лавҳада онанинг араванинг орқасига сигирини боғлаб, Найманга кўчиб келганини биламиз. Ёзувчи қаҳрамоннинг бу ердаги турли ҳаракат ва ҳолатларини кўп ҳолларда Низомжон нигоҳида кўрсатишга интилади. Масалан, бир ўринда у Жаннатнинг тўқай тарафга сигир етаклаб бораётганини кўриб қолади. «Бемаҳалда тўқайга сигир обориб нима қилади? Кеч кириб қолди—ку?» дея ўйлайди. Бошқа ўринда энди унинг тўқайдан сигир етаклаб келаётганини Низомжон кўриб қолгани ва келиб қўлидан арқонни олгани айтилади. Дарҳол ёзувчи Низомжон нигоҳи орқали бу қаҳрамондаги ўша ҳолатга, кўринишга баҳо беради: «Жаннат холанинг кўзлари қизарган. Йиғлаганга ўхшайди. Унинг юзларида эрталабки кулгидан нишон қолмаганди. Қадди ҳам букилиб қолгандек». Табиийки, Низомжон онадаги оғир руҳий ўзгаришни кўради—ю, унинг сабабини англай олмайди. Ўзича «холироқ жой топиб йиғлаб—йиғлаб аламини босиб келаётганмикан», деган ўйга ҳам боради. Жаннат холанинг кейинги ҳаракатлари Низомжондаги бундай ўйларни янада мураккаблаштириб, унинг таажжубини ошириб юборади. Чунки у «эртасига тушлиқдан кейин яна ўша тарафга қараб тугунча билан худди одамлардан яширингандек аланглаб кетаётганини кўриб ҳайрон бўлиб қолади. Қаёққа боради? Тўқайда нима қилади?».

Жаннат холадаги ғалати ҳаракатлар яна давом этади. Яна бир гал тонг маҳали Низомжон Жаннат холанинг тўқай тарафга кетаётганига, чақирганда уни кўрмай, «шошиб қамишлар орасига кириб» кетганига кўзи тушади. Кейинроқ «Азонлаб тўқайда нима қилиб юрган эдингиз, хола?» деганда у қўрқиб кетади, «Бу гапни биров эшитмадимикан, деган шубҳа билан атрофга аланглаб» олади. Шу орада бошқа бир ажаблаларли иш ҳам бўлади—Икромжоннинг устараси сирли равишда йўқолиб қолади. Қишлоққа тушаётган

Икромжон, сен ҳам бораман деган эдинг, юрмайсанми, деса, унга қарамай, «кетаверинг, қишлоқда мен нима қиламан» (эсласак, олдин у бу ерга, яъни тўқайга келишни пайсалга солганди—У.У.) деб жавоб беради. Ёзувчи қаҳрамоннинг шу дақиқадаги ҳолатини «У негадир эрининг кўзига қараёлмасди», дея изоҳлайди.

Ёзувчи Жаннат холадаги руҳий ҳолат билан боғлиқ ўзгаришларни кўрсатиш, ўқувчининг диққат майдонида тутиб туриш учун тез—тез унга эътиборни қаратишга интилади. Булар ҳаммаси, табиийки, мазкур образ талқинидаги драматик оҳангни кучайтиради. Уни навбатдаги босқич—трагизм томон боришини тезлаштиради.

«Ҳижрон кунлари» китобининг учинчи бўлимидаги IX бобни драматик руҳи нуқтаи назаридан трилогиянинг энг юқори нуқталаридан бири дейиш мумкин. Бу ерда Жаннат холадаги бутун дард—алам, изтироблар рўйи—рост, батафсил кўрсатилади. Олдин ҳам бу қаҳрамондаги мураккаб кечинмалар бевосита гуноҳкорнинг ўзи—Турсунбой билан унинг юзма—юз бўлиши орқали берилган эди. Лекин ўша эпизод билан бу эпизод ўртасида анча фарқ бор эканлигини сезиш қийин эмас. Китобда батафсил берилган биринчи эпизодда онанинг гап—сўзларида, ҳаракатларида ҳали қандайдир ўктамлик, нимагадир ишонишга ўхшаш нарсасезилиб туради. Бу—мантиқан тўғри ҳам. Чунки унда ҳали ўғлим гапга тушунар, бу йўлдан қайтар, гуноҳини ювиб эл—юрт олдида ўзини оқлар, деган умид, илинж йўқ эмасди. Иккинчи эпизодда эса она бутунлай адойи тамом бўлган, гариб, ночор аҳволга тушган бир ҳолатда кўринади. Бунинг учун бизга имкон берган. Низомжон нигоҳи орқали онанинг неча марталаб тўқайга бориб—келаётганини, ўша пайтлардаги унинг ҳолатини, кўринишларини кўз олдимида жонлантирган эди.

Ёзувчи Жаннат холадаги ўзгаришни, руҳий чўкиш жараёнини кўрсатар экан, бунинг сабабини очишга ҳаракат қилади. Шу боисдан яна Турсунбой образи тасвир марказига чиқарилади. Уни асарда иккинчи бор яқиндан кузатиш, шундан келиб чиққан ҳолда бу кимсага тўғридан—тўғри баҳо бериш имконияти яратилади.

Шу ўринда бир мунозарали фикрга эътибор қилишга тўғри келади. Филология фанлари номзоди Ч.Ниятов шу образ ҳақида адабий танқидчиликда айтилган баъзи фикрларга эътироз билдириб, шундай дейди: «Романдаги Турсунбой образи танқидчилар ўртасида хилма—хил мунозараларга сабаб бўлди. Н.Худойберганов ёзади: «Илгари ярамас хатти—ҳаракатлари билан кўзга тушмаган, аксинча, меҳнатда ва муҳаббатда софлик ва

ҳақиқатга интилан одам сифатида тасвирланади — ю, аммо қандай қилиб унинг сотқин, ярамас одамга айланиб қолгани чуқур ва атрофлича ёритилмайди» («Эҳтирос тўлқинлари», Т., 1970, 235 — бет). Бунга ўхшаш даъволарни У.Ўлжабоев ҳам «Мураккаб тақдирли кишилар» («Шарқ юлдузи» 1970, 4 — сон) номли мақоласида билдиради, — деб давом этади у. — Чунончи, унинг айтишича, Турсунбой образининг ишонтириш қуввати Жекшенқул (Ч.Айтматов, «Юзма — юз» (?) ва Датики, (Н.Думбадзе, «Мен қуёшни кўряпман») образларига нисбатан бирмунча пастроқ савияда туради. У.Ўлжабоевнинг ўз сўзлари билан айтганда, Турсунбойнинг хоинлик йўлига кириши чуқур асосланмаган. Ҳарқалай икки танқидчининг ҳам муҳокамаси чуқур ўйлаб айтилганга ўхшамайди. Гап шундаки, ижодий жараёни бир қолипга солиб бўлмайди. Ёзувчиларнинг ҳаммаси хоин образини асар марказига қўявериши шарт эмас. Шахсининг маънавий инқироzi Ч.Айтматов ва Н.Думбадзенинг асосий эътиборида туради. Саид Аҳмад эса Икромжон характери янада кенгроқ ва ёрқинроқ чизиш мақсадида Турсунбой воқеасини асарга киритади, холос. Ҳар бир ёзувчининг бу образларни яратишда ўз нияти ва мақсади бўлган, албатта. Шу боисдан бу хилдаги образларга ягона бир мезон билан ёндашмаслик керак».¹

Биринчидан, бу ерда бир аниқлик зарур. Н.Худойберганов ўз фикрини ҳали трилогиянинг илк китоби — «Ҳижрон кунлари» эндигина эълон қилинган кезларда билдирган. У пайтларда «Уфқ» ҳозирги ҳолатида, яъни трилогия шаклида эмас эди. Буни, энг аввало, ёзувчининг ўзи тан олган ва У.Норматов билан қилган суҳбатида трилогиянинг яратилиши ҳақида гапириб, «... адабий танқид роман қаҳрамонлари Икромжон билан Турсунбойлар характерларининг шаклланишида қандайдир етишмовчилик борга ўхшайди, деб таъна қилган эди. Бирдан менда янги ёзадиган китобимни «Уфқ»нинг биринчи китобига айлантириш ва ўша характерларида етишмовчилик бўлган қаҳрамонларни киритиш фикри туғилиб қолди»,² (Бу ерда гап «Уфқ» трилогиясининг биринчи китоби — «Қирқ беш кун»нинг қандай ёзилгани ҳақида кетяти — У.Ў.) деб эътироф этган ҳам эди. 1984 йилда китоб эълон қилаётган мутахассис олдин танқидчи ёзувчининг қайси китоби бўйича ва қачон фикр билдираётганини аниқлаб олиб, сўнгра ўз мулоҳазаларини баён қилса, оз — маз мантиқли иш қилган бўлар эди. Ҳозирги ҳолатида Турсунбой образи муносабати билан Н.Худойберганов томонидан айтилган танқидий фикр «боғдан келса», унга эътироз билдирмоқчи бўлаётган Ч.Ниятовнинг гаплари «тоғдан келяпти».

¹ Ч.Ниятов. Ҳозирги ўзбек прозасида характер проблемаси. «Фан» нашриёти. Тошкент, 1984, 45-46 бетлар.

² У.Норматов. Талант тарбияси. «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент 1980, 83-84 бетлар.

Иккинчидан, шуни таъкидлаш керакки, Ч.Ниятовнинг бу эътирозларининг ўзи қатор эътирозлар уйғотади. Аввало, мунозара қилиш учун у ёки бу манбадан мисол олинаётганда парчадаги сўзлар ва рақамлар аниқ бўлиши лозимлигини ҳар бир адабиётшунос яхши билади. Лекин ҳамма биладиган бу оддий нарсга қанчалик амал қилинганини баъзи жойларга биз томонимиздан қўйилган сўроқ аломатлари кўрсатиб турибди. Журнал сонининг чалкаштирилишини қўя турайлик — у, лекин асар қаҳрамонларининг номларини беришдаги адашишлар, юмшоқроқ айтганимизда, бизга ғалати туюлади. Чунки Жекшенқул «Юзма — юз»нинг эмас, балки «Сомон йўли»нинг қаҳрамони эканини адабиёт мухлислари яхши билишади. Ч.Ниятовнинг бошқа эътирозларига ҳам қўшилиб бўлмайди. Чунончи, у бизга нисбатан «икки танқидчининг ҳам муҳокамаси чуқур ўйлаб айтилганга ўхшамайди», «ижодий жараёни бир қолипга» солмоқчи бўлади каби айблар қўяди. Буларнинг асоси сифатида, Саид Аҳмаддан ҳам худди юқорида номлари тилга олинган ёзувчилар каби хоин образини асарнинг марказига қўйиб тасвирлаш талаб этилади, деган гап айтилади. Бу даъволарнинг нотўғри эканини шунда ҳам кўриш мумкини, Жекшенқул ҳам (Ч.Айтматов, «Сомон йўли»), Датико ҳам (Н.Думбадзе, «Мен қуёшни кўряпман») асосий қаҳрамонлар сифатида талқин қилинмаган, балки эпизодик образлардир. Улар шароитнинг, одамларнинг қанчалик мураккаб эканлигини чуқурроқ англашимизга ёрдам беради, бу ҳақдаги тасаввуримизни янада кенгайтиради. Шунингдек, адабиётшуноснинг асосий қаҳрамонлар ҳақидагина фикр билдириш маъқул бўлади, деган гапига ҳам қўшилиб бўлмайди. Чунки, агар баъдий асарни бир иморатга қиёслайдиган бўлсак, унинг нафақат тағзамини ёки томи, балки эшик — деразалари ҳам, ҳатто ҳар бир гишти ҳам жой — жойида бўлиши лозим. Уларнинг биттасининг бузилиши бутун бошли иморатнинг кўринишига ҳам, сифатига ҳам қанчалик таъсир этишини тасаввур қилиш қийин эмас. Бевосита Турсунбой ҳақидаги мулоҳазаларга келадиган бўлсак, Ч.Ниятовнинг «Саид Аҳмад... Икромжон характерини янада кенгроқ ва ёрқинроқ чизиш мақсадида Турсунбой воқеасини асарга киритади, холос», деган гаплари ҳам ҳақиқатдан йироқдир. Авваламбор, Турсунбой ҳақидаги гаплар асарга фақат бир восита сифатида киритилган, дейиш унчалик тўғри эмас. Бу образ замирида, бизнингча, жуда салмоқли, даврнинг шафқатсиз ҳақиқатини кўз олдимизда жонлантирадиган воқеа турибди. У орқали уруш йилларидаги оғир шароит одамлар учун ўзига хос синов бўлганини, бу синовдан ҳамма ҳам бир хил даражада ўтмаганини, ўта олмаганини тасаввур қиламиз. Қолаверса, Турсунбой тимсолида ёзувчи бир инсон шароитнинг мураккаб, хатарли синовларига дош беролмай маънавий тубанликни бўйнига олганини, шахснинг бундай

тубанлашуви уни жисмоний фожиага ҳам олиб келганини кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Демак, бу образ зиммасига юкланган вазифа оддий воситачиликдан кўра салмоқлироқ экани шундоқ кўриниб турибди. Бунинг устига у фақат Икромжон билангина эмас, балки, кўрганимиздек, Жаннат хола билан ҳам мустаҳкам боғлангандир. Халқимизда «Бирники мингта, мингники туманга...» деган гап бор. Турсунбой қилган ишнинг исноди, гарчи кўпроқ ота—онасининг гарданига тушган бўлса—да, бошқалар ҳам ундан бенаиб қолишмайди. Шу хонадонга ўзини яқин деб ҳисоблайдиган одамларнинг ҳаммасининг ҳам боши эгилиб қолади, бутун қишлоқ аҳли бу ишни ўзлари учун номус деб ҳисоблашади. Буларни биз Тоғанинг шу воқеа билан боғлиқ ўй—фикрларида, қийналишларида, Икромжон бошига тушган бу ташвишдан хабар топган унинг эски қадрдони Й.Охунбобоевнинг афсусланишларида, одамларнинг ҳарбий комиссариатдан келган йигитдан қочоқ ҳақидаги гап—сўзларни суриштиришларида ва бошқа қатор тафсилотларда кўришимиз мумкин. Айтилганлар шу хулосага олиб келадик, Турсунбой «Уфқ»даги образлар тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Уни қандайдир воситачи қаҳрамон сифатида талқин қилиш эса бу образнинг моҳиятини тўғри тушунмаслик, асар воқеалари силсиласида тутган ўрнини билмаслик билан тенгдир.

Энди олдинги гапларимизга қайтайлик. Биз олдин ҳам Турсунбой билан учрашган, уни кузатиш имкониятига эга бўлган эдик. Лекин унда биз бу қаҳрамоннинг характеридаги хоинликка олиб келган худбинлик психологиясининг баъзи қирралари билан танишган эдик, холос. Албатта, ўша қирраларнинг ўзи ҳам бу қаҳрамон ҳақида муайян хулосалар чиқариш учун асос берарди. Лекин ўзининг нопок иши билан отанинг қаддини буккан, онани бунчалик азоб—уқубатларга гирифтор қилган бу персонаж билан ёзувчи китобхонни янада яқинроқ таништиришга, худбинликдан маънавий тубанлик сари юз тутган шахснинг психологиясини чуқурроқ очиб беришга аҳд қилади. Шу боисдан ҳамма ўз иши билан бўлиб кетган бир пайтда «шошиб ун чалиб, қуймоқ солган», «болтани қўлига олиб, тўқайга қараб» кетаётган Жаннат хола орқали бу гал Турсунбойни қамишзорда, «қамиш қапа олдида тиззасини қучоқлаб дарвеш қиёфасида ўтир»ган ҳолатда учратамиз. Унинг фақат ташқи кўринишининг ўзиёқ ҳаётдан керагича жазосини олиб бўлган одамнинг қиёфасини эслатади. Мана, ўша кўриниш: «Совун тегмаган бетлари кир, ҳам кўрпа, ҳам тўшак ўрнини босган тўнининг енглари титилиб, этаклари балчиққа беланганидан доғ босиб кетганди. Унинг бир вақтлар қизларни шайдо қилган қоп—қора кўзлари энди маъюс, атрофга маъносиз боқарди» («Уфқ», трилогия, 398—бет). Бу қаҳрамоннинг руҳий

оламида содир бўлган ўзгаришларга ҳам эътиборимиз қаратилади. Ёзувчи бу ишни ўзига хос ифода воситаси — характерли бир деталь орқали амалга оширади. Чунончи, «Кеча саҳар пайтида осмони фалакда турна ўтди» деган хабар келтирилади. Биламизки, турна — баҳор даракчиси. Баҳор эса уйғониш, янгиланиш фаслидир. Шу ўринда турна детали қаҳрамон ички оламидаги ҳолатни кўрсатишда муҳим бадиий вазифани адо этади: «Турна қанотида бу чўлларга баҳор олиб келди — ю, аммо Турсунбойнинг қалбида уйилиб, муз битиб ётган қорни эритолмади. Унга баҳор келмади» («Уфқ», трилогия, 398 — бет). Бинобарин, бу деталь воситасида қиёсий йўл, аниқроғи бир — бирига зид ҳолат ифодаси билан қаҳрамон ҳақидаги тасаввуримиз кенгайтириляпти. Энди ёзувчи Турсунбойдаги маънавий тубанлашувни кўрсатиш учун бошқа — иккинчи воситага ҳам мурожаат қилади, яъни бир пайтлар яхши кўрган қизи Зебини нотаниш йигит билан кўргани айтилади. Бунга Турсунбойда қандай акс — садо бўлади? Эҳтимол, унда ҳеч бўлмаса рашкка ўхшаш туйғулар пайдо бўлгандир?! Йўқ, бундай туйғулар унинг ҳаёлига ҳам келмайди. Мана, ўша ҳолатда у Зеби ҳақида нималарни ўйлайди: «Агар ёлғиз учратолса эди, албатта, овқат келтиришни ялиниб сўрарди». Бунга биз ажабланмаймиз. Чунки қочқинлик ҳаёти ундаги одамларга хос кўп хусусиятларни йўқотган, кўп туйғулардан уни маҳрум қилган эди. Турсунбойга ҳаёт, келажак деган нарсалар ҳақида ўйлаш бегона бўлиб қолган эди. «У кўпинча эртани эмас, тақдирни эмас, онасининг олиб келадиган овқатини кутарди. Шундан бошқа ҳаётдан илинжи қолмаганди».

Ёзувчи бу қаҳрамондаги маънавий тубанлашув ҳақида муайян деталь ва тафсилотлар орқали шу йўсинда тасаввуримизни кенгайтиргандан сўнг яна биринчи эпизоддаги усулга қайтади — она ва ўғил ўртасида бўлаётган муомала мисолида Турсунбойнинг башарасини кўрсатишни давом эттиради. Қочқин ҳаёт уни қанчалик очкўз қилиб, ҳайвонийликка яқинлаштириб қўйгани янги тафсилотларда очила боради. У хабар олгани келган онасининг қўлидан тугунни олади — ю, ўзини овқатга уради. Бу картина шундай берилади: «У бир умр овқат кўрмагандек пишиллаб, шалолатиб қуймоқни еб бўлди. Ёғ бўлиб кетган қўлларини ялади» («Уфқ», трилогия, 399 — бет). Дарҳол шу ҳолатнинг она ҳиссиётларидаги акс садоси берилади: «Унга қараб турган онанинг юрак — бағри эзилиб, кўзларидан мўлт — мўлт ёш думаларди», дейилади бу ҳақда. Бечора она ўғлида инсонга хос туйғу қолдиқлари қолдимикан, деган умидда унга таъсир этиш мумкин бўлган хабарларни айтиб кўради. «Даданг бир оёқдан ажралиб келган», дейди. Таъсир у қадар сезилмайди. «Тоғанинг ўғлидан қора хат келган, хотинига билдирмаяпти», деб кўради. Турсунбойга сал таъсир этгандек бўлади. Чунки Тоғанинг ўғли — болалик ўртоғи. У

бош эгиб, қимирламай ўтириб қолади. «Азизхон қаҳрамон бўлди», деган гапга эса қўл силтаб тескари қарайди. Она, эҳтимол, ўзим ҳақимда айтсам таъсир этар, деган умидда ўз аҳволини гапирди: «Шу кунда ўзимнинг ҳам анча мазам йўқ. Безгак тутяпти. Дадангга билдирмаяшман. Билиб қолса, қишлоққа тушириб юборади. Мен кетиб қолсам, ҳолинг нима кечади? Кечалари танам зирқираб оғриса ҳам тишимни тишимга қўйиб чидаяшман. Пешонам курсин, бунча шўр бўлмаса» («Уфқ», трилогия, 400—бет), дейилади. «Тиззаларимда дармон қолмади», деган шикоятга «эртага овқатни кўпроқ олиб кел!» деган жавобни эшитади. Ўғлидан юрагини ўртаб ётган алам ва изтироб туйғуларининг бирортасига таскин бўладиган акс—садо топмаган она ғоят ноумид аҳволга тушади. Унинг қайтаётган пайтдаги ҳолатини ёзувчи «Жаннат хола, боласини қабрга қўйиб келаётгандек, юрагида оғир дард билан орқасига қайтди» дея ифодалайди.

Ёзувчи воқеалар оқимини ранг—баранг товланишларда кўрсатишга ҳаракат қилади. Бир ўринда, ҳатто, уни Турсунбой назари орқали беради. Бундан мақсад қаҳрамон характерини турли қирраларини очишга интилишдир, албатта. Лекин ҳамма ўринларда ҳам ёзувчи бу усулни қўллашда мантиқан иш тутган, дейиш қийин. Чунки атрофда бўлаётган ишларга Турсунбойдаги муносабатни кўрсатишга берилиб кетиб, талай деталлар ноаниқлигига йўл қўяди. Бу ердаги ҳар бир ҳодиса, катта—кичик тасвир Турсунбойнинг нигоҳи орқали берилаётгани унутилади. Масалан, Турсунбой кузатиб турган масофадан бир кишининг иккинчисига қандай пиёлада чой узатганини кўриш қийин бўлса керак. Ёзувчи эса уни бемалол сопол пиёла дейди. Шунингдек, онанинг қуруқшаб қолган лабларини шунча масофадан туриб Турсунбойнинг кўриши ҳам мантиққа зиддир.

Ёзувчи, сезишимизча, Турсунбойдаги икки жиҳатни кўрсатишга эътибор беради. Биринчи жиҳат—унинг Зебихонга бўлган муносабатини кўрсатиш, шу тариқа сюжетдаги бу чизиқни сўнгги тўхтамга олиб келиш. Бизга улар, яъни Турсунбой билан Зебихон ўртасидаги олдинги муносабатлар маълум. Шу сабабли бу ўринда Турсунбойнинг Зебихонни узоқдан кузатишининг сабабини тушунамиз. Дарҳақиқат, Зеби билан Низомжоннинг бундай ҳолатда туришлари Турсунбойга маълум даражада таъсир этгандек бўлади. Зебихонни кўриб, кулишларини эшитиб, хотиралар ғира—шира жонланади, унинг бўйнига қўлини ташлаган, лабларидан ўпган кунлар эсга келади, «Қани энди, шу кунлар қайтиб келса? Келармикан?» деган ўйлар хаёлидан ўтади. Айни чоқда бундай куннинг келмаслигига, гарчи қиз турган жой узоқ бўлмаса—да, «чақиришнинг ҳам, югуриб етишнинг ҳам иложи йўқ» бўлган

маънавий масофа ўртада турганини ақлининг қайсидир нуқталари билан сезади. Шунинг учун энди унда Зебихон бегона йигитга меҳрибонлик қилиб фуфайкасини елкасига ташлаганда қўлини мушт қилиб тутишдан, унинг билагига осилганда ғазаб билан кузатишдан бошқа илож қолмаган эди. Ёзувчи қаҳрамоннинг кўнглидан кечаётган бу муҳим жараёнга эътиборни қаратишни унутмайди. «Турсунбой ҳамма нарсадан кечганда ҳам биргина шу Зебидан кечмас эди. Шу танҳоликда ҳам кўнглининг бир чеккасида қачонлардир у билан топишиш илинжи яшарди. Энди у шу илинжидан ҳам маҳрум бўлганига ишонди... Турсунбойни ҳаётда ушлаб турган ҳеч нарса қолмади» («Уфқ», трилогия, 402–403 бетлар)

Турсунбой характеристикаси билан боғлиқ иккинчи жиҳат, бу – унинг Жаннат холага нисбатан бўлган муносабатини кўрсатиш. Юқорида биз она фарзанди келтирган дард–алам ўтида ёниб, адоий тамом бўлаётганини айтган эдик. Дарҳақиқат, шундай. Бу – онанинг ҳаракатларида яққол сезилади. Сўз юритилаётган лавҳада ёзувчи сўнаётган шамдек тугаб бораётган онага нисбатан фарзанди қандай муносабатда бўлганини бадиий тадқиқ этишга ҳаракат қилади. Бу ишни амалга оширишда воқеалар оқимининг Турсунбой нигоҳи орқали кўрсатилиши имкон беради. Шу саҳнада Жаннат хола тўқайдан «илдиз орқалаб» чиққани, «бетоблигидан илдизларни аранг кўтариб» келаётгани, «юқдан мункайиб, бурни ерга тегай – тегай» дейиш даражасидаги бир ҳолатда экани, нотаниш йигит югуриб келиб юкни олгани, «кампир қотиб қолган белини силаб ерга ўтириб қол»гани тасвирланади. Муҳими, онанинг аҳволини Турсунбой кузатиб туради, бу ишлар унинг кўз олдида содир бўлади. Бу ўринда ёзувчи тасвири орқали ҳақиқий худбинлик психологиясининг сифатлари намоён бўлади. Қарангки, унга Турсунбой ўзи кўриб туриб қилмаган ишни бажарган бошқа «нотаниш бола ниҳоятда бадбашара, ниҳоятда ёвуз бўлиб» кўринади. Бунинг сабаби нима экан, дея қизиқамиз. Маълум бўлишича, «Гўё онасининг меҳрини шу бола ундан тортиб олиб қўяётгандек. Уни онасидан бегона қилаётгандек туюлди». Кейинги бобда Жаннат хола образи талқини билан боғлиқ йўналиш ўзининг юқори нуқтасига кўтарилади. Олдинги тасвирларда сюжетнинг бу йўналишидаги драматизм кучайиб бораётгани, унда трагик оҳанг етакчи ўрин олаётгани кузатилган эди. Жаннат хола қиёфаси, хатти–ҳаракатлари, руҳий ҳолати ана шундай мураккаб тасвир фонида кўрсатилади. Ёзувчи Жаннат холанинг аҳволи тобора оғирлашиб бораётганини бир неча бор таъкидлайди. Бу билан гўё онанинг аҳволи ва ҳолати ҳақида тасаввур бергандек бўлади. Чунончи, бир ўринда ундаги ҳолат ҳақида «Жаннат хола ярим жон бўлиб ётиб қолган. У гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд» дея маълумот берилади.

Унинг нима бўлса ҳам ётиб қолмасликка ҳаракат қилаётганини кузатамиз. Бунинг боиси маълум: «Ётиб қолсам, Турсунбойнинг ҳоли нима кечади, деб ташвишланади», у. Шу сабабли тўқайга боришга ҳар хил баҳона, сабаб ахтаради, у ердан ҳеч бир керак бўлмаса ҳам ўтинбоп иддизлар келтиради. Мана, бу гал ҳам одамларнинг далада ишдалигидан фойдаланиб, Жаннат хола гарчи, «кечадан бери ўрнидан туролмай ётган бўлишига қарамай», бир амаллаб ўрнидан туриб, овқат пиширади, грелкага чой дамлаб олади. Албатта, оғир бетоб ҳолдаги одамнинг бу ишларнинг бажариши осон эмас. Шунинг учун ёзувчи бу ишлар қанчалик ҳаракатлар эвазига амалга ошаётганини таъкидлаш маъносида бир ўринда унинг мункиллаб кетаётганини айтса, бошқа ўринда «Пешонам қурсин, не кунларга қолдим» дея «мункайганича аламга тишини тишига қўйиб чидаб» бораётганини эслатади. Табиийки, адоғи йўқ бу азоб — уқубатлар, вужудини емираётган дард — аламлар онанинг ўйларини бир тўхтамга олиб келади: «Бу хилда яшаб бўлмайди, энди бас! — деган хулосага келади пировардида. — Турсунбойни инсофга келтириш керак. Эгилган бошни қилич кесмайди. Урушга борсин. Ўзини оқласин. Ягона йўл шу! Агар Турсунбой кўнмаса, уни ўзим тутиб бераман. Шундай қиламан!» («Уфқ», трилогия, 404—405 бетлар). Қаҳрамоннинг кўнглидан кечган бу ўйларнинг даражасини таъкидлаш маъносида «Онанинг қарори қатъий эди» дея ҳолатга изоҳ берилади. Лекин, афсуски, она юрагида етилган бу қарорни амалга оширолмайди. Чунки у ўғли турадиган жойга келганда Турсунбойнинг чайла ичида бетоб ҳолда ётганини кўради. Бу ҳолат онанинг фикрларини остин — устун қилиб юборади. У ўғлининг устига ўзини ташлайди. Турсунбой аранг кўзини очиб, бир ҳафтадан бери туз тотмаганини айтганда Жаннат хола ҳайрон қолади, шу пайтгача зовур ортига қўйиб кетаётган овқатларни ўғлига насиб қилмаганини англаб етади. Баданидан ачимсиқ тер ҳиди келиб турган, иситманинг зўридан ингранаётган ўғлининг аҳволини кўриб, она ўз дардини унутади, унинг юзларини силаб, «кўзларини бир нуқтага тикканча овоз чиқармай» йиғлайди, умидсиз, армон билан тўлиқ ўйлар уни ўз гирдобига тортади, ҳозир бармоқлари билан юзларини силаб турган, бошига шунчалик мусибатлар келтирган боласининг «йўлга кирган кундаги қувонч, тили чиқиб, биринчи марта ая, дегандаги олам салтанатига тенг шодликлар, дадаси опичлаб гузарга олиб чиқиб кетаётганда эшик олдида орқасидан қараб қолгандаги ҳеч нарсага тенг кўриб бўлмайдиган бахт, биринчи бор мактабга кузатганда оппоқ қўйлак, фарч солиб тикилган этик кийиб, чопқиллаб кетаётгандаги тонгдек тиниқ орзулар» бирма — бир кўз олдидан ўтади. Бетоб фарзандининг алаҳсираб айтаётган ҳар бир сўзидаги маънони юраги билан ҳис этаётган онадаги руҳий ҳолат вазият таъсирида энг юқори босқичга кўтарилади. Тақдирнинг бу

шафқатсиз ситами она тилидан «Э, худо, менда шунча қасдинг бормиди!» дея фарёд бўлиб отилиб чиқади. Шу аҳволда у қоронғи тушганча қолиб кетади. Ўзини қидириб, отини айтиб чақираётган одамларнинг овозини яқиндан эшитгач, у ҳушига келади. Она учун яна мушкул вазият пайдо бўлади — бир томонда инграб ётган ўғил, бошқа томонда унга яқинлашиб келаётган одамлар: «она икки ўт орасида қолди. Кетса, боласидан кўнгли тинчимайди. Ким билади, ҳоли нима кечади? Кетмаса, ҳозир уни қидириб келиб қолишади. Унда нима бўлади? («Уфқ», трилогия, 406 — бет). Жаннат хола ночор, ноилож ҳолатда шудгор тарафга қараб югура бошлайди. Олдин Низомжон, сўнг Икромжон унинг олдига етиб келишади. Онадаги ҳолат шундай берилади: «Унинг кўзлари бежо. Фақат қўлларини муттасил силкитиб, тўқай тарафга қараб қичқирарди. Она ақлдан озган эди. Низомжон уни суяб, чодир олдига олиб келунча терга пишиб кетди. Жаннат хола ҳамон тўқайга қараб қичқирар, унинг қўлидан чиқиб, ўша ёққа югурмоқчи бўларди. Чодир ичига киришганда, у бирдан жимиб қолди. Ҳолдан тойиб, тўшакка ўзини ташлади — ю, қимирламай шифтга тикилиб ётаверди» («Уфқ», трилогия, 408 — бет). Она шу ётганча қайтиб турмайди, «ягона фарзандидан умид узолмай, унинг бахтини кўролмай армон билан чодирда жон» беради.

Саид Аҳмад ана шу воқеа — онанинг вафоти муносабати билан ҳам Турсунбой қиёфасига эътиборимизни қаратади, ундаги маънавий тубанлашув даражасининг қанчалик пастлашиб кетганини яна бир бор таъкидлайди. У кимдир вафот этганини сезади, дафн маросимини қамишлар орасидан кузатиб туради. Лекин «ким вафот этганини билмасди. Дадасининг тобут олдига бел боғлаб йиғлаб кетаётганини кўрди — ю, кўзлари бежо бўлиб кетди. Ахир, у куни билан онасини кутаётган эди. Унга овқат олиб келмоқчи эди. Нима бўлди? Наҳотки ўлган бўлса? Энди унинг ҳоли нима кечади? Энди унга ким овқат олиб келади?» (407 — 408 бетлар), дея Турсунбой хаёлидан кечаётган ўйлардан китобхонни воқиф қилади. Онанинг ўлими муносабати билан ёзувчи бошқа қаҳрамонларига ҳам бир назар ташлаб олади, уларда шундай кунларда намоён бўлган сифатларни кўрсатади. Масалан, бу хабар етиши биланоқ Икромжоннинг Тоға бошлиқ ёр — биродарлари бу ерга етиб келишади. Ўз фарзанди қамишлар орасида томошабин бўлиб тургани ҳолда Низомжон ҳасса тутиб, тобут олдига тушади, дафн маросимидан сўнг ёлғизламасин, деб Икромжоннинг ёнига кўчиб келади. Низомжон нигоҳи орқали Икромжоннинг эрталабгача «тиззасини қучоқлаганча қимирламай» ўтириб чиқганини таъкидлаши руҳий вазиятнинг нақадар оғир, ҳаддан ташқари таранг ва драматик эканлигидан далолат беради. Бошқа деталлар, чунончи, унинг «оқ оралаб қолган соқолида ёш томчилари

титраб» тургани, ҳамма дард — аламларга гувоҳ Низомжоннинг буни кўриб ҳўнграб йиғлаб юборгани кабилар бу тарангликнинг даражасини янада ошириб юборди.

Шу ўринда ёзувчи тасвирдаги трагизм оҳангини кучайтиришга берилиб кетиб, баъзи тафсилотлар ифодасида мантиқдан чекинганини ҳам таъкидлаш лозим. Масалан, Жаннат холанинг бу ерга дафн қилиниши, назаримизча, фақат Турсунбойдаги муносабатни кўрсатиш учунгина қилингандек таассурот қолдиради. Ҳар ҳолда ёзувчи бу масалада мантиқ бўйича иш тутса, ўзбекчиликда майитни тўғри келган жойга қўя бермаслик каби одатлар борлигини ҳисобга олса, яхши бўларди. Чунки бу ерда ҳали палаткалардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Одамлар ҳам бутунлай кўчиб келган эмас. Бунинг устига Икромжоннинг авлод — аждодлари ётган қабристон у қадар узоқда эмас. Демак, кўриняптики, бу масалада ёзувчи бир томонни ҳисобга олиб, бошқа томонни унутиб қўйган.

Энди Саид Аҳмаднинг «Уфқ» трилогиясида ёзувчининг характер яратиш услубининг ўзига хос жиҳатларини кўздан кечирайлик. Трилогиянинг биринчи китоби — «Қир беш кун» да ёзувчи услубига хос қатор хусусиятларни кузатиш мумкин. Биз китобнинг экспозициясидаёқ Икромжонни кўрамиз, Турсунбой билан танишамиз. Китобда кейинчалик асосий гап Азизхон ҳақида кетса ҳам ёзувчи гоҳ—гоҳ Икромжон, унинг ўғли Турсунбой ҳақида ҳам маълумот бериб боришга ҳаракат қилади. Бу маълумотлардан Турсунбойнинг ҳаддан ташқари арзанда эканини, айниқса, болалари ўлавериш юрак олдириб қўйган онаси Жаннат хола уни еру кўкка ишонмаслигини, ҳатто Икромжоннинг унча — мунча дакки беришларига ҳам йўл қўймаслигини билиб оламиз. Дастлабки лавҳалардаёқ «тентаккинасига» «тансиқроқ бир нима пишириб берай» деб, оғир оёқли бўлишига қарамай ўтин ёрган, йиқилиб шикастланган, шунда ҳам бу ишларга қарашмаган ўғлини койимоқчи бўлаётган Икромжондан «Боламга қаттиқ гапирманг. У нимани билади, ёш бола — ку», — дея уни ҳимоя қилаётган Жаннат холани кўрамиз. Яна шу эпизодларда Турсунбойнинг ўз «ёлғизлигини сезиб, ундан фойдаланиш», «уй юмушларига қарашмас»лик каби одатлари борлигидан ҳам хабардор бўламиз.

Шунингдек, худди шу саҳифаларда ўғлининг бундай одатлари сабабли илк бор «Икромжоннинг икки қоши оралиғига тугунчак туш»гани ҳам таъкидланди. Лекин биринчи бўлимнинг II бобида Турсунбой ҳақидаги гап давом эттирилиб, унинг Расул буванинг жанозасига «одам боласининг бир — биридан қарзи»ни узиш учун эмас, балки у ерга келадиган Йўлдош Охунбобоевни кўриш учун уйдан чиқиб кетгани айтилади — да, шу билан Азизхон ҳақидаги

гапларга ўтиб кетилади. Турсунбой ҳақидаги гаплар эса чалалигича қолиб кетаверади. Шундан сўнг у билан китобнинг учинчи бўлимининг II бобига келиб учрашамиз. Бу ерда энди Турсунбойнинг олдингилардан ҳам кўра жиддийроқ салбий одатлари билан танишамиз. Канал қурилишидан Умматалининг хати билан етиб келган Икромжон ҳовлига келганда, ўгли велосипедга ел бераётган бўлади. «Ҳозир мени соғинган болам югуриб келиб бўйнимга осилади, деб турган Икромжон»нинг «Турсун!» деб чақиришига, бошини кўтариб, «ҳозир», дейди — да, яна ишини давом эттираверади. Ўғлининг бундай қилиқларига ўрганиб қолган ота «ҳа, феъли шунақа» деб қўя қолади. Аммо Умматалидан хотинининг касалхонага тушганини, ўлик бола туққанини, бунда ҳам, шунингдек, ўзига кеч хабар етишида ҳам Турсунбой айбдор эканини билгач, «Икромжоннинг панжалари тугилиб, муштга» айланади. Уйга келиб, нега хатни вақтида етказмадинг, деб сўраганда, ўглидан «Ишим бор эди», деган лоқайд жавобни эшитади. Эрка фарзандининг бунчалик бемехр, беъэтибор эканидан дарғазаб бўлган ота жаҳл устида уни уриб юбормаслик учун «Йўқол! Кет, кўзимга кўринма!» деб ҳайдайди. Турсунбой эса дадасининг бундай куйиб — ёнишларига, «гуноҳим нима экан» деб ҳайрон бўлади.

Турсунбойнинг феълидаги бундай ғалати одатларга фақат ота — онанинг муносабатларини кўрсатиш билангина чекланилмайди, албатта. Унга холис одамнинг кўзи билан ҳам баҳо берилади. Масалан, уни яқиндан биладиган Умматали: «Икром, табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб, дейдилар, болангни сал тартибга солиб қўй. Ҳозир қайириб олмасанг, кейин ўзларингни қийнаб қўяди». («Уфқ» трилогия, 195 — бет), дея кўнглидаги гапни очик айтади. Албатта, бундай холис фикр Турсунбой ҳақида шаклланаётган китобхон тасаввурига таъсир этмай қолмайди. Умуман, бу йўналишда берилган эпизодлардан қоладиган таассурот шу бўладики, бир томондан она — Жаннат хола, ўн олти яшар йигитни ҳали гўдак деб ўйлайди, унинг учун ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам уриб юради. Иккинчи томондан, ота — Икромжон хотинининг бундай ялаб — юлқашлари яхши эмаслигини, ўғлининг кутганларидан бошқачароқ бўлиб ўсаётганини, бунда ҳаддан ташқари эркалатишлари сабаб бўлганини юрагининг бир четида сезиб туради. Сезади — ю, лекин кетма — кет етти боласини тупроққа кўмиб, кўнгли ярим бўлиб қолган хотинини бундай ишлардан қайтара олмайди, кўнгилчанлик қилади. Бу кўнгилчанлик эса кейинчалик уларнинг ўзига қанчалик қимматга тушганини, қанчалик руҳий азобларга дучор қилганини трилогиянинг иккинчи китобидаги тасвирларда кўрамиз. Ҳар ҳолда «Қирқ беш кун»да Икромжон ва Жаннат холалар фожиасининг баъзи манбаларини,

кўп қайтариқлар билан бўлса — да, маълум даражада беришга муваффақ бўлинган, дейиш мумкин.

Саид Аҳмаднинг У.Норматов билан қилган юқоридаги суҳбатида айтган бир фикри эътиборни ўзига тортади. Унингча, агар ёзувчи қаҳрамонни «аввалдан чизиб қўйилган йўлдан юришга мажбур қилса, қаҳрамон сунъий, ясама бир одамга айланади. У ўз характериға мос келмаган қилиқлар қилиши, ўзи хоҳламаган гапларини айтиши, қўлидан келмайдиган ишларни адо этиши керак бўлиб қолади. Бундай китоб қаҳрамонининг саргузашти ўқувчини ишонтирмайди».¹ Агар шу нуқтаи назардан биз юқорида кўрган персонажлар фаолиятиға эътибор қиладиган бўлсак, асарда бу гапларға амал қилинмаган ўринлар ҳам бор эканлигини сезамиз. Бунга Икромжон — Жаннат — Турсунбой образларига дахлдор гаплардан талай мисоллар келтириш мумкин. Шулардан биттасини кўрайлик. Маълумки, Жаннат хола — кетма — кет болалари ўлавериб юрак олдириб қўйган аёл. Бунинг учун ўзи қаттиқ изтироб чекади (эҳтимол, қирқ беш ёшларға бориб ҳам ҳомиладор бўлиб юриши шундандир!) ва айни чоқда эрининг олдида ўзини қандайдир гуноҳкордек ҳис қилади. Хўш, шундай экан, ўғли айтганишини қилмагач, наҳотки ўзи огир оёқли ҳолда бир қоп шолини томдан олиб тушишға, уни келида оқлаб олишға журъат қилган бўлса?! Бунинг оқибатини, эҳтимол, ёшроқ одам ўйламаслиги мумкин, лекин Жаннат холадак аёлни шундай қилишига ишониш қийин. Бундай иш, демак, ёзувчининг хоҳиши билан қилинган, аниқроғи, қаҳрамон шундай ишға мажбур этилган. Бундай зўраки ҳаракат Турсунбойда кейинчалик содир бўлган хоинликнинг манбалари бўлмиш эркатойлик, худбинлик каби сифатларни бўрттириб кўрсатиш учунгина ёзувчиға керак бўлган. Натижада, «қош қўяман деб, кўз чиқарилган» — бир томонни ўқувчиға яхшироқ кўрсатиб бераман деб, иккинчи томон вайрон қилинган.

Ёзувчи Икромжон образини яратишда ҳам ана шундай ноаниқликларға йўл қўяди. Аввало шуни айтиш керакки, китобнинг учинчи бўлимида Икромжонни воқеалар оқимида фаолроқ қилиб кўрсатишға уринилган. У Лутфинисонинг таъзиясига ҳамқишлоқлари билан келганда, Тоғанинг гапига биноан Тўланбой иккаласи шу ерда қолади. Дастлаб Азизхон ўзига келиб олганға қадар бу ерда туриш келишилган бўлса ҳам, Охунбобоевнинг таклифи билан орқада қолган қурилиш участкаси — олтинчи шалолага бориб ишлайди. Бу ерда у «Азизхон Зирилламанинг бошини осмонға етказиб турганда мен оёқости қилмай, деб жон —

¹ У.Норматов. Талаф тарбияси. «Ёш гвардия» нашриёти, Т., 1980, 82-бет

жаҳди билан ишга шўнғиб кетади»². Икромжон тупроқ қазишда, ҳатто Азизхон билан беллашиб юрган Эш полвондан ҳам ўтиб кетади. Энди, тўғриси, Икромжоннинг яхши, виждонан ишлаганига эътироз билдириш қийин. Лекин унинг Эш полвондан ўтиб кетишини ўйлаб кўришга тўғри келади. Бу ерда ёзувчи Азизхонга нисбатан қўллаётган муболағали ифодаларни ўйламай — нетмай Икромжонга ҳам ишлатилиб юборган кўринади.

«Уфқ»нинг иккинчи китоби — «Ҳижрон кунлари»да олдинги китобда гоҳ — гоҳда учраб турадиган драматик эпизодларга тез — тез дуч кела бошланади. Бунга лоақал китобнинг марказий фигураларидан бири ҳисобланадиганлардан Низомжон бошига кетма — кет тушаётган турмуш ташвишлари, бегоналардан эмас, балки ўз жигарларидан, ўзининг энг яқин кишилари томонидан берилётган маънавий зарбалар тасвири ҳам мисол бўлиши мумкин. Шунингдек, иккинчи бўлимда Икромжон тимсоли бор бўй — баста билан мураккаб тақдир, ғоят драматик, ҳатто трагик характер сифатида назаримизда намоён бўлади. Икромжон ҳақидаги гапларнинг бошланишидаёқ уруш унинг танасида ўчмас из қолдирганини билиб оламиз. Уни кўргани келган Райимберди тоға назари билан «Икромжоннинг бир оёғи йўқлигини кўриб, юраги жиз этиб кетди. Аммо буни унча сездирмади», («Уфқ», трилогия, 290 — бет) дейилади бу ҳақда. Қадрдони Райимберди тоғаники «юраги жиз этиб» кетгандан сўнг Икромжоннинг ўз ҳолатига, тўрт мучаси соғ одамдан бундай майиб — мажруҳга айланиб қолишига унинг ўзининг муносабатини, шу билан боғлиқ кечинмалари қандай эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Агар бунинг устига унинг фронтда кўрганларини, кечирган азоб — уқубатларини қўшадиган бўлсак, манзара янада ойдинлашгандек бўлади. Ёзувчи қаҳрамондаги изтиробларга бундай драматик туйғуларга махсус тўхталиб, унинг тасвирини алоҳида бериб ўтирмайди, балки айрим ишоралар қилади, холос. Ана шунинг ўзи ҳам ундаги ҳолатни, кечган огир руҳий жараёни тасаввур қилиш учун етарлидир. Масалан, бир ўринда Икромжоннинг қўлтиқтаёғини олиб, «тут тагига бориб, махорка ўраб» чеккани айтилади. Шу ҳодисага унинг хотини — Жаннат хола нигоҳи орқали баҳо берилади: «Жаннат эрининг қўлидаги қоронғида нурли чизик бўлиб қимирлаб турган чўққа қараб ўйланиб қолди. Эри чекмасди, фронтдан чекадиган бўлиб келибди» («Уфқ», трилогия, 293 — бет). Эътибор берсак, қаҳрамонда кечган мураккаб руҳий жараёни характерли деталь орқали лўнда қилиб гавдалантириб қўя қолишда қаҳқор она усул қўлланганини сезишимиз қийин эмас. А.Қаҳқор ўзининг машҳур «Асрор бобо» ҳикоясида тафсилоти берилмаган, лекин ўқувчи

² Саид Аҳмад. Уфқ. Трилогия. Ғ.Ғулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1976, 209-бет. Маъмур асардан олинган кейинги парчалар ҳам шу нашрдан олинди.

англаши мумкин бўлган жиҳат — қаҳрамоннинг олдин бошидан кечган руҳий жараёни кўрсатишда чилим деталдан фойдаланган, Асрор бобонинг чилим чекишига унинг кўп йиллик қадрдони Ҳайдарқул ота нигоҳи орқали баҳо берилган эди. Фикримизча, Саид Аҳмад бу ерда устози изидан бориб, унинг тажрибаларидан ижодий фойдаланиб, қаҳрамони ҳаётининг муҳим бир қирраси ҳақида ўқувчига шу усулда тасаввур беришга муваффақ бўлган. Бу жиҳатга урғу бераётганимизнинг боиси бор, албатта. Икромжон, ёзувчи талқинича, эликлардан ошиб қолган, ҳаётда кўп нарсаларни кўрган одам. Урушга боргунга қадар чекиш нималигини билмаган. Фронт ҳаёти, фавқулодда шароит уни бу одатга ўргатган. Бундай одатни қаҳрамон тенгги одамлар, турган гапки, ҳавасга орттиришмайди. Бунга содир бўлаётган воқеалардан қоладиган таассурот, бошдан ўтаётган ҳар хил ташвишлар, шулардан келиб чиқади кучли ички эҳтиёж ундаган бўлиши мумкин. Қаҳрамон қиёфасини гавдалантиришда қўлланилаётган усул — Жаннат хола нигоҳи орқали Икромжоннинг фронтдан орттириб келган янги одатининг берилиши тасаввуримизни шу жиҳатдан тўлдиришга хизмат қилади.

«Ҳижрон кунлари» нинг сюжет йўналишидаги дастлабки босқичлардаёқ ёзувчи Икромжон тақдирига дахлдор иккита чизиққа диққатимизни жалб этишга ҳаракат қилаётганини сезамиз. Булардан бири Наймандаги тўқайзорларни ўзлаштиришга, иккинчиси эса Икромжоннинг ўғли Турсунбойнинг фронтга кетганлигига дахлдор гаплардир. Биринчи чизиқ, яъни тўқайзорларни ўзлаштириш масаласи дастлаб қаҳрамон тақдирига у қадар алоқаси йўқдек, Райимберди тоға бу гапни Икромжонникида Умматали сўрагандан сўнг шунчаки, одамларга билдириб қўйиш учун айтгандек бўлади. Лекин асардаги воқеалар ривожини давомида бу чизиқ Икромжон тақдирига яқинлашиб, чатишиб, айнаи чоқда тобора кенгая бориб, пировардида, бош қаҳрамон учун ҳаёт — мамот майдонига айланиб кетганининг гувоҳи бўламиз. Турсунбой билан боғлиқ чизиқ эса олдин гўё ўзича мустақил ривожланиб бораётганга, алоҳида эътибор майдонида турганга ўхшаб кўринса — да, кейинчалик у ҳам биринчи чизиққа қўшилиб кетади, шу тариқа талқинда ички композицион яхлитликни вужудга келтиради.

Дарҳақиқат, дастлаб Турсунбой билан боғлиқ гапларга кўпроқ диққатимиз қаратилади. Мана, эътибор берайлик. Кеч кириб, келувчиларнинг оёғи тийилгач, эндигина фронтдан қайтган Икромжон кўчага чиқади, жимжит далаларни кезади. Бу унда муайян бир кайфият ҳосил қилади. «Танга ёқадиган эрта баҳор шабадалари ғир — ғир эсиб, одам кўнглига аллақандай туйғулар

солади» («Уфқ», трилогия, 291—бет). У айланиб анҳор олдидан чиқиб қолади. Анҳор эса олдинги хотираларни секин—аста кўзгаб, Турсунбойнинг болалиги билан боғлиқ лавҳаларни жонлантиргандек бўлади. Бу лавҳалар Икромжоннинг ўғлидан хавотир бўлиш туйғуларига уланиб кетади: «Турсунбой қаёқларда юрган экан? Кетар олдида Икромжон уни бағрига босолмади. Бу кунлар армон бўлиб қолмасин ишқилиб». Бундай хавотир туйғуларининг даражасини ҳис қилишимиз учун «Икромжон ўз хаёлидан ўзи кўрқиб кетди», дея таъкидлаб ҳам қўйилади. Икромжоннинг анҳор бўйида, фронтдан қайтган биринчи куннинг кечасида кўнглидан ўтаётган хотиралар, ўйлар оқимида Турсунбой гоҳ у, гоҳ бу тарзда кўриниб туради. Бир ўринда у «ҳамма вақт кимнингдир раҳнамолиги бўлмаса, ўзини эпломайдиган боласини шерга айланиб кетган»дек, «ҳаммадан олдинда, арслондек наъра тортиб, ёв устига ташланаётгандек» тасаввур қилса, бирдан «унга кийим ярашарди. Ҳозир шинелда қандоқ юрган экан? Ярашгандир» дея ўйлаб кетади. Хаёлидаги ўйларнинг яна бир тўлқинида «Отага у савлатли командирлардек бўлиб» кўриниб кетади. Эҳтимол, дастлаб, айниқса, «Уфқ»ни биринчи марта ўқиётган китобхон учун биз эътибор бераётган бу нуқта у қадар аҳамиятли туюлмаслиги, ахир, ота бўлгандан кейин фронтга кетган ўғлини ўйлайди, ундан хавотир ҳам олади, бунинг нима фавқулодда жойи бор, дейиши ҳам мумкин. Лекин кейинчалик бу гапнинг маъноси ойдинлашади. Икромжоннинг хаёлида кечаётган ўйлар тўлқинининг гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида кўзга ташланиб турган Турсунбой билан боғлиқ гаплар кейинги воқеаларга уланиб, асарга қўшимча драматик руҳ бағишлайди.

Шу ўринда роман поэтикасига хос бўлган бир жиҳатни таъкидлаш жоиз. Икромжон—Жаннат—Турсунбойларга дахлдор воқеалар тасвирида баъзан такрорлар, қайтариқларга дуч келинади. Бундай ҳолни трилогиянинг биринчи китобида ҳам кўриш мумкин эди. Иккинчи китоб — «Ҳижрон кунлари» да ҳам бу анчагина учраб туради. Дастлаб булар асарнинг камчилигидай, ёзувчининг эътиборсизлигидай бўлиб кўриниб туради. Шуларни қисқартирса, ихчамлаштирса бўларди—ку, деб ҳам ўйлаймиз баъзан. Масалан, трилогияда Турсунбойнинг ёшлик йиллари, эркатой ва арзанда бўлиб ўсганлиги, ота—онасининг ёлғиз фарзанд атрофида қандай парвона бўлишгани ҳақидаги гаплар анча жойларда такрорланади. Хўш, буни асарнинг фазилати дейиш керакми ёки қусури? Бу масалани аниқлашда ёзувчининг ўз ижодий лабораториясига оид баъзи айтган гаплари муҳим аҳамият касб этади. Адабиётшунос У.Норматов билан қилинган ўша суҳбатда у ҳар бир конкрет асарни, ҳатто образларни яратиш жараёнида маълум бир оҳангнинг таъсирида бўлишини айтади. Бундай кезларда

«...руҳиятимда галати кайфият пайдо бўлиб қолади, — дейди у. — Музика, қўшиқ эшитишга майл пайдо бўлади», «Агар ўзим яхши кўрган бирон куй таъсирига тушиб қолсам, — деб давом этади у, — шу оҳангни лейтмотив қилиб оламану, китоб битгунча ўша куй кўнглимда чалиниб туради. Бу менга худди шеърга ўхшаб вазни сақлашга ёрдам беради».¹ Демак, бу гаплардан трилогия сюжетининг Икромжон — Жаннат — Турсунбойларга доир йўналиши ҳам мустасно эмас. Дарвоқе, Икромжон тақдирига дахлдор баъзи эпизодларни яратишда маълум бир оҳанглarning таъсирида бўлганини ёзувчининг ўзи эътироф этади ҳам. Хуллас, фикримизча, юқорида таъкидланган қайтариқ ва такрорларнинг трилогия саҳифаларида учраб туриши ёзувчининг ижод жараёнидаги ўзига хослик билан изоҳланиши, бу, сюжет йўналишидаги ички ритм, «шеърга ўхшаб вазни сақлаш» талабидан келиб чиққан бўлиши ҳам мумкин. Буни ёзувчи онгли равишда, шеърят ёки музика йўлидан бориб, тасвирда муайян йўналишдаги оҳангдорликни кучайтириш, шу орқали драматик тарангликни таъминлаш мақсадида қилганлиги ҳақиқатга яқинроққа ўхшайди.

Икромжон фронтдан қайтган дастлабки кунларда Турсунбойга дахлдор гаплар бир икки марта, унда ҳам Жаннат холанинг сўзлари ёки хотира — ўйлари орасида бериб кетилади, холос. Шу сабабли бу масала у қадар ўқувчи эътиборини ўзига тортмайди. Икромжон билан Райимберди тоға жой кўриш, ўз хўжаликлари учун қулайроқ ерларни танлаш учун Найман тўқайзорларига биргаликда чиқишади. Диққатимиз тўқайзор манзарасига, бу ернинг ўтмиши, энди қилинадиган ишлар ҳақидаги икки қадрдон дўстнинг ўзаро суҳбатига қаратилади. Улар тимсолида ёзувчи халқимизга хос ажойиб фазилатни — доим эртанинг ташвиши, ўйи билан яшашнинг жонли ифодасини беради. У томонларда қонли уруш кетяпти, одамлар жон олиб — жон беришяпти, бу ерда эса шундай қийин бир шароитда янги ерлар очиш, янги қишлоқ барпо этиш ҳақида фикрлашяпти... Мана шу аснода ёзувчи китобхонни бир сирдан, Икромжон тақдирига дахлдор бир хабардан воқиф қилади. Бу оғир хабар Райимберди тоға орқали, унинг ҳолати, хаёлидан ўтган қисқа кечинма шаклида берилади. «Тоға Икромжонга қандайдир жуда зарур бир гапни айтмоқчи, аммо айтгани юраги дов бермайди, — дейилади бу ҳақда. — Шу бир гапни унинг бутун вужудини ларзага солиши, ҳатто тақдирини ўша онда ё у ёқли ё бу ёқли қилиши мумкин. Айтсинми?

¹ У.Норматов. Талант тарбияси. «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент., 1980 йил, 104-бет

Яқинда ҳарбий комиссарликдан одам келиб унга Турсунбойнинг фронтга жўнаётган эшелондан қочганини айтиб, бу томонларга келган — келмаганини суриштирган эди.

Айтса, Икромжоннинг ҳоли нима кечади? Мана шу қочоқ — унинг биттаю битта боласи. У фақат шу боласи учун яшаб юрибди. У шу ўғлининг юрт ишига яроқли мард бола бўлганидан фахрланади. Эҳ — ҳе, унинг кўнглида қанча орзулари бор.

Агар Тоға шу гапни айтса... Йўқ, айтмагани дуруст. Вақти келиб, мавриди келиб ўзи билиб олар» («Уфқ», трилогия, 295—296 бетлар).

Дарҳақиқат, Тоға қарорини ўзгартирмайди — айтмайди. Икки ўртоқ — икки қадрдон тўқайзорларни кезишади, Икромжон айтган белги — бир пайтлар, канал қазиб юрган кезларда Йўлдош ота томонидан ўтказилган икки тўп толни топиб, янги қишлоқни шу ерда барпо этишни мўлжаллашади. Хуллас, кўп масалаларни муҳокама қилишади ҳамки, бу ҳақда гап бўлмайди. Лекин ёзувчи тасвирдаги оқимнинг остки қатламларида, кўзга ташланмасдан, асосий қаҳрамон тақдири билан ёнма — ён тарзда шаклланиб келаётган бу йўналишни тўхтатиб қўймайди, эътибордан четда қолдирмайди, албатта. Жумладан тўқайзор тасвири берилган эпизодда шундай «туртки»ларни икки ўринда учратамиз. Биринчиси — Икромжон ва Райимберди тоға тамадди қилиб олиш учун ўтиришганда бўлади. Тоға «Икромжоннинг ёғоч оёғига қараб бир муддат ниманидир ўйлаб» туриб, «кўп қийналдингми?» деб сўрайди. Бунга Икромжоннинг жавоби шундай бўлади: «Қирт — қирт кесаяптиямки, тентак Турсунбойим кўзимга кўринади. Худди мени кимга ташлаб кетяпсан, деяётганга ўхшайверади. Йўқ, ёлғизимизнинг толеига ўлмадим, омон қолдим. Келсам, у ҳам кетибди. Кетар олдида дийдорини кўролмай қолдим. Ишқилиб, омон қайтсин. Агар худо кўрсатмасин, унга бир нима бўлса, тамом бўламан...» («Уфқ», трилогия. 297—298 — бетлар). Кўряпмизки, Икромжон ўзига қаратилган гапни ўғли томонга буриб юборди. Бу эшитганларимиз табиий равишда Тоға кечинмалари орқали билиб олинган машъум хабар билан боғланади. Икромжоннинг гапни ўғли томонга буриб юбориши, ўзини қўйиб Турсунбой ҳақида гапириши ўғли унинг ҳаётида қанчалик ўрин тутишини таъкидлаётган, эҳтимолки, маълум даражада бўрттираётган бўлса (чунки китобда ёлғиз ўғлини фронтга кузатган бошқа одамлар ҳам борлигини биламиз), иккинчидан, фронтчи, жанг майдонларини ўз кўзи билан кўрган, унинг нима эканини ўз вужудида синаган отанинг айнан ўша жойларда юрган ўғлидан хавотирланиш туйғуларини бераётир. Буни фақат Икромжоннинг гапларидан эмас, айтиш мумкин, унинг

ҳолатини кўрсатувчи изоҳдан—гапираётганда овози титрашидан билиш ҳам мумкин. Албатта, мана шу картина— Икромжондаги хавотир туйғуси берилган ҳолатнинг ўзигина тасвирга керакли даражадаги драматик оҳангни бера олмайди. Шунинг учун ундаги бу ички тўлқин бошқа бир призмадан ҳам ўтказилади, яъни Икромжондаги бундай ҳолатга Райимберди тоға нигоҳи орқали муносабат билдирилади. «Тоға унга қараб туриб ич—ичидан ёнади.

Билмайди, билмайди бечора, Турсунбойнинг қочганини билмайди. Қидириб юришганини билмайди. («Уфқ», трилогия, 298—бет).

Фарзандига нисбатан бўлган соғинчини ҳам, хавотирини ҳам ўзи сезмаган ҳолда сўзлаш оҳанги орқали ифодаляётган Икромжон шу лаҳзаларда дўсти Райимберди у ҳақда нималар ўйляётганидан мутлақо беҳабар ҳолатда гапида давом этаверади: «Ишқилиб, мен бу ёқларда юрганымда болам қайтиб келса, уйдан тополмай сарсон бўлиб қолмасин—да. Келиб қолса, Тоға, ўзинг Найманга бошлаб келасан—да».

Мана шу усул— бир томондан, Икромжоннинг фарзандига боғлиқ туйғуларини, иккинчи томондан, Турсунбойнинг қочоқлиги билан боғлиқ Тоғадаги кечинмаларни ёнма—ён тарзда бериш мазкур ҳолатнинг таъсирли бўлишини таъминлаган, тасвирга кучли драматик руҳ бағишлаган.

Романда Саид Аҳмад услубига хос бир ҳолатни таъкидлаш лозим. Бир картина ёхуд ҳодисанинг бирданига икки мутлоқа қарама—қарши жиҳатига эътиборни қаратиш, бир вақтнинг ўзида унинг икки ўзаро зид бўлган қирраларини кўрсатишга интилиш ёзувчи ижодида тез—тез учраб туради. Бундай манзара унинг ҳикояларида ҳам бор эди. Айниқса, трилогияда, хусусан, унинг иккинчи китоби «Ҳижрон кунлари»да бу усулга ёзувчи бир неча марта мурожаат қилади. Кузатишимизча, ёзувчи бу усулдан икки мақсадда фойдаланганга ўхшайди. Бир хил ўринларда қаҳрамонларнинг турли даражадаги психологик ҳолатларини кўрсатиш, таъкидлаш орқали тасвирдаги ички драматизмни кучайтиришга эришади. Баъзан эса бу усул шароитнинг қанчалик оғир, мураккаб эканлигини кўрсатишда қўлланилади. У айниқса, ёзувчига уруш йилларидаги ҳаётнинг руҳини беришда иш берган. Масалан, қуйидаги парчаларга эътибор қилайлик: «Баҳор баҳор экан. Олисда ўт ёнишига қарамай, шаҳарлар вайрон бўлишига, одамлар ўққа учишига қарамай, барибир баҳор одамлар кўнглига аллақандай илиқлик олиб кирарди» («Уфқ», трилогия, 285—бет).

«Ҳар якшанба тўн кийиб, этигини мойлатиб, Марғилонга тушадиган қишлоқ йигитлари энди олисда — урушда.

Бу томонларда эндигина расм бўлган баланд пошналар туфлилар сандиққа тушган. Кийганда кўзни оладиган қичиқатлас энди қизларнинг кўнглига сиғмайди. Ҳамманинг кўзи фронт йўлида» («Уфқ», трилогия, 285—286 бетлар).

Биринчи лавҳада туғилиш, ёшариш, яшнаш фасли бўлган баҳор ҳамма ёққа вайронгарчилик, қирғинлик келтираётган урушга қарши қўйилапти. Иккинчи лавҳанинг бир қиррасида ҳар якшанба ясан — тусан қилиб, Марғилон тушадиган қишлоқ йигитлари турса, бошқа қиррасида «баланд пошналар туфлилар»ини сандиққа ташлаган, «кийганда кўзни оладиган қичиқатлас энди» кўнглига сиғмай қолган қизларнинг уруш кезларидаги қиёфаси кўз олдимизга келади. Ана шу қарама — қарши қутблар, одамларининг ҳар хил кайфиятларини кўрсатиб, тасвирда шароитга хос бўлган драматизмни вужудга келтиради.

Асарда драматик ҳолатларни яратишда ёзувчи қўлаган усул, айниқса, Икромжон образи талқинида яхши самаралар беради. Ўғлининг, барча орзуларини йўлига тиккан фарзандининг ҳаётдаги энг тубан, энг ярамас йўлни танлагани, хоин, қочоқ деган номни ўзига муносиб кўргани ҳақидаги хабарни эшитиши ҳаётидаги энг қувончли кунига, энг бахтиёр дамларига — фронтда қилган хизматлари орден билан тақдирланган бир пайтга тўғри келади. Икромжон ўша куни ўзини ҳақиқатан ҳам бахтли деб ҳис қилаётганди. Чунки у «мукофотланганидан беҳабар эди». Шунинг учун ҳам «саҳна ўртасида тўхтаб, менгамикан, адашаётгани йўқмикан, дегандек иккиланиб қараб» туради. Ҳарбий комиссариатдан келган лейтенант кўксига орденни тақиб қўйгач, залдаги унинг шаънига чалинаётган қарсақларни эшитгач, «Икромжоннинг кўзларидан ёш думалади. Шу қисқагина муддат ичида болалигидан то шу кунгача кўрган — кечирганлари кўз олдидан ўтди. Уруш кўчаларида қолиб кетган бир оёғи яна ўрнига битгандек, тўкилган қонлари яна томирларига қайтиб келгандек бўлди» («Уфқ», трилогия, 312 — бет).

Қаҳрамондаги бундай кайфият зое кетмаган хизматлари, тўккан қонлари учун фахрланиш онлари берилган ушбу эпизодда ёзувчи, гўё Икромжон тақдирига ҳеч қандай алоқаси йўқдек, йўл — йўлакай бошқа бир гапни ҳам қистириб кетади. Мажлис охирида бир киши Тоғадан, «икки — уч кундан бери қишлоқда дув — дув гап юрибди. Районимиздан бир одам армиядан қочиб келганмиш. Мана, военкомат укамиз шу ердалар, айтсинлар, ким экан ўша қочган

ярамас?» («Уфқ», трилогия, 313—бет) деб сўраб қолади. Саволнинг қанчалик қалтис берилганини бу гапдан хабардор бўлган, ўзи учун қадрдон ҳисобланган бир инсоннинг ҳаётини остин—устун қилиши мумкин бўлган оғир ҳақиқатни билдирмай сир сақлаб келаётган Тоғанинг ҳолатидан билса бўлади. «Тоғанинг қошлари чимирилиб кетди. У ҳеч кимдан бунақа савол кутмаган эди. Нима қилишини билмай, анча вақтгача жим туриб қолди. Бутун зал гўё битта қулоққа айланиб, унинг оғзига қараб турарди.

— Бунақа гап йўқ! — деди Тоға қатъий.

Тоға шундай деди — ю, қизариб кетди...».

Олдин бир миш—миш шаклида одамлар орасида юрган гапнинг катта йиғинда, ҳарбий комиссариат вакили олдида бу тарзда ўртага қўйилиши, Тоғанинг ундан ноқулай аҳволга тушиб, қизариб кетиши асарда кўпдан давом этиб келаётган драматик йўналиш ўзининг «портлайдиган» нуқтасига яқинлашиб келаётганидан далолат бериб туради. Ўша «ортлайдиган» нуқта янада таъсирлироқ, янада ҳаяжонлироқ чиқиши учун Икромжондаги кайфиятга ёзувчи, гўё муҳим ва масъулиятли вазифани бажариш олдидан охириги марта текшириб кўргандек, яна бир назар ташлайди, ўқувчининг кўз олдидан унинг ўша лаҳзадаги руҳий ҳолатини яна бир бор ўтказиб олади. «Бахтиёр одам ҳаммани ўзига ўхшатади. Икромжон ҳозир шундай кайфиятда эди. Ёр — биродарлари олдида юзи ёруғ бўлди. Ватан учун қилган хизматлари олий мукофот билан тақдирланди. У бу мукофотни ўз қишлоғида, бирга меҳнат қилган, бирга тер тўккан жўралари олдида кўкрагига тақди. Ҳозир унинг кўзига бошқалар ҳам худди шундай бахтиёр, шундай шод туюларди. Ҳали мажлисда қандайдир ярамас бир бола тўғрисида гап бўлди. У ярамас бола армиядан қочган. Қишлоғини, ота — онасини хижолатга қўйган. Негадир Икромжон бунга унча парво қилмади. Бу гапларнинг унга мутлақо алоқаси йўқ. У тақдирланган, зое кетмаган меҳнатларининг гашти билан маст эди» («Уфқ», трилогия, 313—бет). Ёзувчи қаҳрамондаги руҳий ҳолатдан қаноат ҳосил қилгач, воқеалар оқимини ўша «портлаш» нуқтаси томон буради. Бир жойда Тоғанинг ҳарбий комиссарликдан келган лейтенант билан ниманидир шивир—шивир гаплашиб тургани айтилади. Сўнгги тафсилотлар қуйидагича берилади: Икромжон чой ичмоқчи бўлиб самоварга кираётганда «ғалати бир гап эшитиб» тўхтади. Дераза тарафга қараб ўтирган бир йигит Икромжон келаётганидан беҳабар гапида давом этаверади. Унинг «... Дунёнинг ишлари қизиқ экан — да, лекинги Тоға маладес, айтмади. Айтганда, Икром пўст ташлаворарди. Биттаю — битта боласи қочоқ бўлиб ўтирса — я. Вой менинг болам шунақа қилса, шартта калласини узиб

ташлардим...» («Уфқ», трилогия, 313—314 бетлар) деяётганини бехосдан эшитиб қолади. Дастлаб у бирдан қарахт бир аҳволга тушади, кейин ноқулай иш қилиб қўйганидан қизариб, бош эгиб ўтирган йигитнинг олдига келиб, уни бўғиб, «Айт, нима дединг, айт!» деб туриб олади. Йигитни Икромжоннинг қўлидан Тоға келиб, бўшатиб юборади. Икромжоннинг Тоғага «жавдираб» қараб, «ростми, Райим?» деган сўроғига энди у ноилож «Рост гап, дўстим, рост гап», дея ҳақиқатни очишга мажбур бўлади. Бу гап билан у дуч келган оғир вазиятдаги охирги илинж ҳам йўқолади. Қаҳрамондаги бу ҳолатни ортиқча тафсилотларсиз қисқагина қилиб, «Бирпасда Икромжоннинг қадди букилди—қолди» дея изоҳлайди ёзувчи. Китобхон эса бу қисқа изоҳдан катта маънони англаб туради. Энди Икромжонга Тоғанинг таскин бериш учун айтаётган гаплари ҳам қор қилмай, озгина муддат олдин бахтиёрлик туйғулари оғушида тўлиб—тошиб келаётган одам чексиз алам, изтироб олови ичида қолади, ғайриихтиёрий ҳаракатлар қила бошлайди. Мана, ўша ҳолат: «Икромжон бошини сарак—сарак қилди, жаҳл билан кўкрагига муштлади. Мушти қаттиқ бир нимага тегиб оғриди. Энгашиб кўкрагидаги орденни кўрди. У орден олганини унутиб қўйган эди. Жон ҳолатда орденни кўксидан юлиб олди.

— Ол, олиб қўй, Тоға. Тақишга ҳаққим йўқ» («Уфқ», трилогия, 315—бет).

Дастлаб хатти—ҳаракатлари орқали бизга англашилаётган руҳий коллизия ифодаси энди қаҳрамоннинг нутқига, сўзларига кўчади. «Бош кўтариб қишлоқда юришга ҳам ҳаққим йўқ, — дейди Икромжон изтироб ичида Тоғага. — Одамларнинг юзига қандай қарайман? Нима деган одам бўлдим энди? И—их! Қани энди, у ярамас шу топда олдимда бўлса, тилка—тилка қилсам. Бўғиб ўлдирсам». Эътибор берсак, Икромжоннинг мана шу сўзларида орқали унинг ўй—фикрларида бир лаҳзада қанчалик катта ўзгариш, бурилиш содир бўлганини сезиш мумкин. Биз отанинг ўғли ҳақидаги олдинги гаплари, ўй—фикрлари, хавотирларидан хабардормиз. Ўша ота—ёлғиз ўғлини еру кўкка ишонмайдиган Икромжон энди уни тилка—тилка қилмоқчи, бўғиб ўлдирмоқчи бўляпти. Икромжондай одам ўғли хоин, қочоқ чиқиб қолганда, эл—юртнинг юзига оёқ қўйганда, киндик қони тўкилган ерни ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда бошқача гапни айтиши, ўзгача хулосага келиши мумкин эмаслиги бизга аён. Албатта, бундай хулосага келиш, ёлғиз фарзанди ҳақида бу қадар оғир гап айтиш ота учун осон эмас. Бунинг умрида биринчи марта бундай шармандали, инсонлик номусини ерга букадиган маънавий зарбага дуч келиб қолган Икромжоннинг ўсал бир ҳолатидан, сўзларидаги алам,

изтиробга тўла оҳангдан пайқаш мумкин. Трилогиядаги энг мураккаб тақдир — Икромжон образи талқинидаги мана шу дастлабки руҳий «портлаш» лаҳзасини батафсил кўрсатиб, ёзувчи бирданига икки нишонни мўлжалга олади, икки ишни амалга оширади. Биринчиси, отанинг ўғли ҳақидаги ҳақиқатни эшитиб, бу аҳволга тушиши орқали Турсунбой қилган ишнинг нақадар оғирлигини кўрсатиш бўлса, иккинчиси, хоин фарзандини лаънатлаш орқали Икромжоннинг ўзининг қандай инсон эканини таъкидлашдир.

Ёзувчи кўп мурожаат қиладиган усул — бир картинанинг ўзида қарама — қарши қутбларни кўрсатиш, ўзаро зид ҳолатлар тасвиридан фойдаланиш Икромжон характери яратилганда яхши натижа берганлигини айтиш керак. Мана, Икромжон Тоғанинг кузатиб қўйишига ҳам унамай, уйига ёлғиз ўзи келади. Келади — ю «хотинимга нима дейман?» деган ўй ҳаёлидан ўтади, ўзини бир оз тартибга солган бўлиб ҳовлига киради. Бу ерда дуч келган манзара қуйидагича бўлади: «Айвонда Жаннат хола билан Низомжон гаплашиб ўтиришарди. Жаннат хола сандал устида турган суратни қўлига олиб, Низомжонга кўрсатар, ўғлининг болалиқдаги шўхликларини кулиб, йиғлаб гапирар эди» («Уфқ», трилогия, 315 — бет). Бу манзара ҳозиргина ўғли туфайли шунчалик куйиб — ёниб, бир амаллаб ўзини қўлга олиб ҳовлига кирган Икромжон учун қандай таъсир қилишини тасаввур қилиш қийин эмас. Лекин у дастлаб ҳеч нарса сездирмайди, айвон лабига ўтириб ёғоч оёғини ечади, орден солинган қизил қутичани ёнига қўяди. Жаннат эрига Низомжоннинг тузалиб қолганини, унга Турсунбойнинг суратини кўрсатаётганини, яъни у киришда ўз қулоғи билан эшитган гапларни яна такрорлайди. Икромжон яна ўзининг руҳий мувозанатини сақлашга ҳаракат қиладди. Лекин бу гал бир оз ўзгариш сезилади. Бунга «Икромжон ундан кўзини яширди» дея изоҳ берилади. Лекин у ўзини узоқ ушлаб туролмайди, Жаннатнинг Низомжонга қарата «болагинам, шундоқ эрка эди, шундоқ эрка эди, то мактабга боргунча ҳам дадасининг елкасидан тушмасди. Опицлаб гузарга олиб чиқардилар, опичлаб, магазинга олиб кирардилар» дея айтаётган гаплари Икромжондаги амаллаб сақлаб турилган руҳий мувозанатни остин — устун қилиб юборади, «ғайритабиий интилиш билан бир оёқлаб ўрнидан туриб» кетади, хотинига «Бас қил! Овозингни ўчир!», «Бунақа ўғлим йўқ! Бефарзанд одамман!» дея бақиради. «... Ўттиз йил бирга яшаб эридан биринчи марта бу хил гап» эшитаётган Жаннат хола Икромжоннинг вазоҳатидан қўрқиб кетади, «Вой, нега унақа дейсиз! Тавба денг! Сизга нима бўлди? Сизга нима бўлди?» деганича каловланиб қолади. Бу драматик лавҳа сўнгида ҳар иккала қаҳрамон тушган ҳолат алоҳида — алоҳида берилади: «Жаннат хола нима бўлганини билолмай, деворга

суянганича дағ—дағ титраб турарди»; «Икромжон бир оёқлаб узоқ туролмади. Гандираклаб айвон томонга териб қўйилган гиштга ёнбоши билан йиқилди. Низомжон сапчиб туриб, унинг олдига келди—да, озода кўтариб кўрпачага ётқизди. У беҳуш эди» («Уфқ», трилогия, 316—бет).

Воқеаларнинг кейинги ривожини кўрсатишда ёзувчи бир—бирига зид ҳолатлар тасвиридан яна самарали фойдаланади. Бунда Икромжон хонадонидаги ҳолат билан Умматали хонадонида бўлаётган тўй—тантана бир—бирига қиёсан берилади. Дарҳақиқат драматик манзара: деярли ёнма—ён бўлган икки яқин қадрдон оилада икки хил ҳолат, икки хил ташвиш —бирида қаҳрамон фарзанд тарбиялагани учун муборакбод қилгани кетма—кет одамлар келяпти, хофизлар ботир, жасур ўғлон шаънига қўшиқлар айтишмоқда, ота—она ўз зурриёдлари туфайли шунчалик иззат—хурматга, табрик —олқишларга кўмилган; иккинчисида «қўлтиқтаёғини тиззасига қайиқ эшкагига ўхшатиб қўйиб олганича» айвон лабида ота ўғли—бутун орзуларини йўлига тиккан, ҳаётини бағишлаган якка—ёлғиз арзандаси келтирган номус, иснод ўтида жизғанақ бўлиб, бош эгиб ўтирибди. Унинг учун шунча вақтдан бери кўнглини қитиқлаб келган туйғулар — «Йигирма бир йил сурган энг эзгу ўйлари, ҳар соатини бахт тилаб ўтказган кунлари шу кеча тутагандай». Икромжон орадан ўтган «бир кечадаёқ қариб қолганга», «адойи тамом бўлганга» ўхшайди. У «ёр—дўстларининг юзига қаролмай», «уй остонасидан хатлаб кўчага чиқолмай» ўтирибди. Кечагача юрагида фарзандига нисбатан бўлган чексиз оталик меҳри ўрнини энди алам, ўкинч, афсус—надомат туйғулари эгаллаган. Икромжоннинг назарида, Умматалиникига тинимсиз ўтиб турган одамлар, «унинг эшиги олдидан ўтаётганларида нечундир овозларини пасайтириб гаплашаётгандек», ҳатто «бу ердан оёқ учида юриб ўтишаётгандек» туюлади.

Умматали газета мухбирининг ўғли ҳақида берган саволларига «кўзларини юмиб Азизхоннинг болалигини кўраётгандек секин—секин» гапириб бераётган, машҳур суратчи «унинг ҳар бир ҳаракатини «чиқ—чиқ» суратга олиб» турган бир пайтда ундан икки уй наридаги ҳовлида Икромжон ноқобил фарзанд ўстиргани учун ўзини лаънатлаб, яккаю ёлғиз жигаргўшасига ўлим тилаб ўтирибди: «Сен жувонмаргни болалигингда акаларинг қатори дард олиб кетса бўлмасмиди! Сени опичлаб кўтарган отангининг беллари қарсиллаб синиб кетса бўлмасмиди! Қандоқ қилади, қандоқ қилади? Энди қандоқ яшайди? Сен жувонмаргни яхши яшасин, деб уруш кўчаларига бир оёғини ташлаб келди! Лахта—лахта қон ютди. Музлар устида эмаклаб душманнинг ёқасидан бўғди! Сен жувонмарг туғилган кунингдан бошлаб нимаики қилган бўлса,

ҳаммасини сен учун, сени одам қилиш учун уринди. Ҳар бир томчи пешона тери сен жувонмаргнинг бахтинг бўлармикан, деб тўкилди. Мана, меҳнатларининг мукофоти!» («Уфқ», трилогия, «Уфқ», трилогия, 318 – бет).

Икромжон бошига тушган бу маломатдан эзилиб кетади, «ич – ичидан, овозини чиқармай» йиғлайди. Айни чоқда ўзининг бу аламзада ҳолатидан чиқиш, «бу бедаво дарддан қутулиш иложини ҳам қидириб» кўради. Шу ўринда ёзувчи бир деталга мурожаат қилади. Бу ошхона деворидаги бир вақтлар лой чаплаганида Турсунбойнинг панжаларидан қолган излар. Жаннат ўғлини соғинганда «қўлгинангдан ўргилай!» деб шу изларга юзини суркаб, ундан ўзича руҳий таскин олиб юради. Демак, бу хонадонда Турсунбойни эсга солиб турадиган белгилардан бири. Ховли юзини маъносиз кезаётган Икромжоннинг кўзлари беҳосдан шу панжа изларига тушиб қолади, унинг юрагида кечаётган ички ғалаён бирдан яна юзага чиқади, дастлаб бу изларга бир оз тикилиб туради, сўнгра кетмок олиб уни чопишга тушиб кетади. Уни тўхтатиш учун қўлига ёпишган хотинига «Тегма менга, тегма менга. Бу уйда унинг изига ҳам ўрин йўқ. Изларини қириб ташлайман! Сидириб ташлайман!...» дейди, ҳатто жаҳл билан уни қаттиқ силтаб ташлаганда Жаннат хола анча нарига отилиб кетади.

Ёзувчи мазкур эпизодда қаҳрамонда кечаётган оғир руҳий жараёни кўрсатишда давом этади. Энди олдинроқ ишлатилган бошқа бир деталга ҳам мурожаат қилади. Бу – Турсунбойнинг сурати. Унга илк бор Икромжон кўчадан уйга кирган пайтида дуч келган эдик. Руҳий ғалаён оловида тўлғанаётган, алам ва изтиробдан ёнаётган Икромжоннинг кўзи бирдан сандал устида турган суратга тушади, «сапчиб туриб», уни қўлга олади. Шу ўринда ёзувчи вазиятдаги драматик босимни кучайтириш мақсадида яна контраст ифода келтиради – суратдаги Турсунбойнинг кўркем қиёфаси ва кулимсираб туриши таъкидланади. Суратдаги шу ҳолат ёниб турган Икромжонни худди эрмак қилаётгандек бўлиб туюлади. Суратни у ёғоч оёғининг тиззасига уради, ойнасини чил – чил синдиради. Жаннат додлаб суратни тортиб олаётганда ойна синиғи қўлини кесиб кетади. Бу билан ҳам алами тарқамаган Икромжон пешонасига шаттилатиб уравериб, «юзини ҳам қонга белаб, қизартириб» юборади.

Вазиятни тобора мураккаблаштириб, ундаги драматик руҳни борган сари кучайтиришга интилаётган ёзувчи шу ўринда рамзий тасвирга ҳам мурожаат қилади, суратдаги Турсунбой ифодасини жонлантиргандек бўлади: «Ота қони Турсунбойнинг бетларига ҳам сачраган эди. У синган, парча – парча бўлиб кетган ойна орасидан

ҳамон илжайиб турарди. Унинг бу қараши вайрон бўлган, қонга беланган унинг синиқ деразасидан мўралаб эрмак қилаётганга ўхшарди» («Уфқ», трилогия, 320 — бет).

Шу ўринда мазкур драматик картинага хос бир жиҳатни таъкидлаш лозим. Олдинги шу йўналишдаги картиналарга нисбатан бунисида — биз ҳозиргина кўрган картинада қаҳрамондаги ҳолат, кечинмалар тасвирини фақат оқ ва қора ранглардан иборат қилиб қўймасликка, бу икки қутб ўртасидаги инсон руҳиятига хос бошқа товланишларни ҳам илғаб олишга ҳаракат қилингани сезилади. Масалан, Икромжон Турсунбойнинг панжа излари қолган деворни чопишдан олдин унга узоқ тикилиб қолади. Ўғлининг суратини қўлига олгандаги унинг дастлабки ҳолати эса шундай ифодаланади: «Икромжон суратни юзларига суртиб, ҳўнг—ҳўнг йиғлади. Ойнада унинг кўз ёшлари думалаб, рамка четида халқоб бўлиб турди—да, пилдираб пастга оқиб кетди» («Уфқ», трилогия, 319 — бет). Икромжондек мураккаб бир тақдир ифодасида берилган бу муҳим жиҳат—хоин фарзандга нисбатан қарама—қарши қутбларни ташкил қилган туйғулар оралиғида инсон иродасидан ташқарида бўлган ана шундай психологик лаҳза тасвири кейин ҳам асарда яна бошқа эпизодларда давом эттирилади. Бу мазкур образ талқинига яна ўзгача бир инсоний жозиба бағишлаб туради.

Кейинги бобларда ёзувчи шунчалик драматик тарангликдан сўнг Икромжонга бир оз «дам бергандек» бўлади, қаҳрамон турган мураккаб ҳолат ҳақидаги гаплар ўрнига бошқа, вазиятни хийла юмшатадиган тафсилотлар киритилади. Умматалиникидаги тўй—тантанадан қайтаётган Тоға Икромжоннинг уйи олдидан ўтаётганида эшиқдан қулоқ солади, у ердаги жимжитликдан хавотирга тушиб ичкарига киради. Ҳовлидаги аҳволни кузатиб, «Ҳали ҳам сандал устида бир қўлини пешонасига тираганча» ўтирган Икромжонни, «супада бир тиззасига бошини қўйиб, девор тагида дон талашаётган мусичаларга хомуш тикилиб қолган» Жаннат холани кўриб, ҳамма гапга тушунади. Икромжонни бу аҳволдан қутқариш учун уни нима биландир банд қилиб қўйиш керак, деган қарорга келади. Найманга кўчишнинг бутун ташвишларини унинг зиммасига юклайди. Тоға Икромжонни шунчалик ишга кўмиб ташлайдики, у ёқдан бу ёққа елиб—югуриб, бошига тушган ташвишларини ҳам маълум даражада унутаяди.

«Ҳижрон кунлари»даги мана шу эпизод беихтиёр А.Қаҳҳорнинг машҳур «Маҳалла» ҳикоясида тасвирланган воқеани эслатади. Бошига оғир мусибат тушиб, кампири вафот қилган Ҳикмат бува бутунлай гангиб, нима қилишни билмай қолади. У шундай аҳволга тушадики, энди ўлимдан бошқа илож йўқ, деб

ўйлайди, ҳатто қабристондан гўр қаздириб, бутунлай ўзини шунга тайёрлаб қўяди. Унга на фарзандлари, на бошқалар айтаётган таскин берувчи гаплар кор қилади. Ҳикмат бувадаги руҳий ҳолатнинг шу сўнгги нуқтасида маҳалладаги айрим донишманд, оқибатли, оқсоқол кишилар чора топишади — у кишидан хайрли бир ишга бош қўшиб, ёрдам беришини илтимос қилишади. Дастлаб Ҳикмат бува бу «илтимос»ни бажаришга ҳафсаласизлик билан киришади, айтилган нарсаларни тезда топаман — у, кейин ўз режамни амалга ошираман, деб ўйлайди. Лекин иш у ўйлаганчалик бўлиб чиқмайди — айтилган нарсаларни топиш осон бўлмайди. Ваъдадан қайтиш, илтимосни бажармаслик ҳам мумкин эмас. Натижада, Ҳикмат бува бу ишга шунчалик берилиб кетадики, ўзи мўлжаллаган иш — тезроқ кампирининг ёнига бориш ҳам ёдидан кўтарилади. Шунинг учун қабристондан ўзи учун қазилган қабрини бошқалар учун фойдаланишга рухсат бериб юборади.

Дарҳақиқат, ҳикоядаги тасвирнинг баъзи ўринларида ёзувчи ўз услубига содиқ қолган ҳолда юмористик оҳанглар ҳам қўллаган. Бу мантиққа зид келмайди. Ҳикмат бува ёшидаги бир одамнинг ҳаракатларини беришда бундай оҳангни қўллаш тасвирга ўзгача бир жозиба бағишлайди. Лекин бу, асар негиздаги масаланинг ғоят жиддийлигига — одамлар ўртасидаги ўзаро ҳамдардлик, бир — бирига нисбатан меҳр — оқибатли бўлиш бизнинг ҳозирги кунларимизда ғоят долзарб масалага айланган бир пайтда маҳаллада яшовчиларнинг аҳиллиги деган гапларни нималарга қодирлигини бадий кўрсатиб беришга монелик қилмайди. А.Қаҳҳор яхши одамларнинг Ҳикмат бувага муносабати, кўрсатган оқибати уни муқаррар ўлимдан сақлаб қолганини катта санъаткорлик билан кўрсатиб беради.

Албатта, «Маҳалла» ҳикоясидаги Ҳикмат бува билан Икромжон турган вазият ҳам, дуч келган ташвиш ҳам бир — бирига айнан ўхшамайди. Уларнинг ёшлари ҳам бир — биридан анча фарқ қилади. Лекин шундай бўлишига қарамай, бу икки тақдир ўртасида қандайдир муштарак жиҳатлар ҳам бор. Бу муштараклик, аввало уларнинг иккаласининг ҳам бошига оғир, тузатиб бўлмас ташвиш тушганлигида бўлса, сўнггра, шу вазиятда ҳар иккаласинининг ҳам ночор, ноилож аҳволда қолиши, бу аҳволдан чиқиш йўлини билмай қарахт бир ҳолатга тушишида мужассамлашгандир. Шундай бир ҳолатда маҳалладаги оқибатли кишилар Ҳикмат бувани ўлимдан сақлаб қолгани сингари Раимберди тоға Икромжонни ҳовлисига қамалаб олиб, забун, ўз ёғига ўзи қоврилиб ётган бир аҳволдан кўчага — одамлар даврасига олиб чиқади, эл — юртга яна аралашиб кетиши, ноқобил фарзанд туфайли қадди букилган, ғам — алам ичида қолган дўстининг ўзини тиклаши учун чора топади.

Тўғри, ёзувчи Икромжон тақдирига дахлдор драматик тарангликни бутунлай бўшатиб, тарқатиб юбормайди. Бу тўлқин тўхтаб қолишига йўл қўймай, муайян турткилар воситасида уни сақлаб туришга ҳаракат қилади. Масалан, топшириқларни зўрға қоронғи тушганда бажарган Икромжон ҳисоб бериш учун Тоғанинг уйига келганда меҳмон ўтирган бўлади. Тоға уни қўярда — қўймай ичкарига олиб киради. Мезбон бир иш билан ташқарига чиқиб кетганда, меҳмон Икромжонни гапга солиб, колхоздаги сўнгги ишлар ҳақида сўзлаб қолади. «Қизик, бири қаҳрамон, бири қочоқ», дейди. Бу гап Икромжонга қандай таъсир этишини тасаввур қилиш мумкин. Мана, ўша ҳолат: «Икромжоннинг юраги «шув» этиб кетди. Уни кимдир гўё электр токи билан ургандек бўлди. Тили гапга келмай, нималардир деб гўлдиради. Кейин қизариб кетди.

Икромжон қандай қилиб эшикка чиқиб қолганини билмайди. Ош олиб кираётган Тоғага урилиб кетди. Ўгирилиб унга бир қаради — ю, ўқдек отилиб кўчага югурди» («Уфқ», трилогия, 326 — бет). Икромжонда яна қайтадан ҳосил бўлган бундай оғир кайфиятни ёзувчи рамзий йўсинда табиат билан боғлаб шундай ифодалайди: Атроф қоронғи. Осмонда на ой, на юлдуз бор. Назарида бу қора кеча бир умр оқармайдигандек эди».

Ҳар ҳолда Тоға кўрган тадбир ўз самарасини беради. Икромжон аҳволига разм солишга, энди нима қилиш кераклигини ўйлаб кўришга ўзида куч топа олади. Бундай пайтда «эр киши сифатида хотин олдида ўзини дадил тутиши, кўз ёшини яшириши, бирон ҳаракати билан алам чекаётганини билдириб қўймаслиги керак» деган хулосага келади. Шу сабабли уйига чехрасини очиб, ўзини қўлга олиб киради. Хотини билан биргаликда Найманга кетишни, ўзларининг ҳозирги ҳолати учун шу иш маъқул бўлишини маслаҳат қилишади. Шу пайтгача ўз ташвишлари билан бўлиб қарийб унутлаётган Низомжонни чақириб, унинг мақсад ва ниятларини сўрашади. Хуллас, ҳаммаси Найманга биргаликда кетадиган бўлишади. Лекин эртасига Жаннат тўсатдан айланиб, турли вазият билан кейин борадиган бўлади. Гарчи тасвир йўналиши ўзгариб, Икромжон руҳиятидаги драматик коллизиялар ифодаси ҳозирча орқа ўринга ўтган бўлса — да, ёзувчи унинг ички ҳолати билан боғлиқ ҳаракатларига назар ташлашни унутмайди. Масалан, бир жойда Найманга жўнаш олдида бўлган йиғилишда ҳали ҳам кечаги уйида бўлган тантанада кийган кийими билан юрган Умматалининг, унинг хотини Тўти холанинг «ҳар бир ҳаракатини Икромжон қимирламай кузатиб» турганлиги ҳақида гап бор. Яна бир ўринда ҳамқишлоқлар номидан Азизхонга ёзилган хатга қўл қўйишда кўпчилик Икромжоннинг кузатиб турганлиги айтилади.

Учинчи бир жойда эса шулар билан боғлиқ тарзда қаҳрамоннинг кайфиятига ишора бор. «Икромжоннинг қовоғи солиқ. Орқага қарамайди. От ёлларининг силкинишига қараб ўй ўйлаб кетарди», дейилади бу ҳақда. Хуллас, Икромжон ташқи кўринишидан бошқа ишларга, ташвишларга чалғигандек бўлиб кўринса—да, уни биз гувоҳи бўлган ички галаён, безовталиқ, изтироб туйғулари тарк этмаган. Ундаги бу жиҳатни ёзувчи турли муносабатлар, сабаблар орқали кўрсатиб таъкидлаб бераверади.

Икромжон тақдири ҳамиша трилогиянинг иккинчи китобидаги воқеаларнинг марказида туради, ўзига хос драматик негизни ташкил этади. Модомики, бу образ зиммасига шунчалик масъулият юклаган экан, унинг талқинидаги ҳар бир нуқта, ҳар бир чизиқ чуқур асосланган, мантиқ тарозисида қайта—қата ўлчаб кўрилган бўлиши шарт, албатта. Шу мезондан қарайдиган бўлсак, эътироз билдирадиган, ёзувчи билан бахшлашадиган ўринлар борга ўхшайди. Масалан, Икромжоннинг фронтга бориши, у ердан бир оёғидан ажраб, ёғоч оёқда келишини олайлик. Маълумки, қаҳрамон талқинидаги бу жиҳат асарда ғоят муҳим вазифани бажаради, тасвирга жиддий драматик руҳ бағишлайди. Агар биз Икромжоннинг бир оёқлаб ўрнидан туриб кетишларини, ўғлининг суратини ёғоч оёғига уриб синдиришларини, тўқайзорда ўлимини топган ёлғиз фарзандининг жасадини қўлтиқ таёқда гўр қазиб кўмишларини тасаввуримиздан соқит қиладиган бўлсак, бу образ тенг ярмига, эҳтимол, кўпроқ ҳам ўз аҳамиятини, таъсирини йўқотган бўлар эди. Демак, шундай экан, бир оёғини ташлаб келган ўша жанг майдонларига, фронтга Икромжон қандай тушди, бу масала асарда қандай асослаб берилган, деган саволлар ўз—ўзидан туғилади. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки биз биламизки, иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий хизматга муайян ёшгача бўлган одамлар олинган. Чунончи, СССР Олий Совети Президум—ининг 1941 йил 22 июнь фармонида биноан 1905—1918 йилларда туғилган кишилар ҳарбий хизматга олиниши эълон қилинган.¹ Турли йўллар ва сабаблар билан фронтга тушган одамлар ҳам кўп бўлган, албатта. Масалан, фашистларни тезроқ собиқ СССР ҳудудидан қувиб чиқариш, бу умумхалқ курашига ўз ҳиссасини қўшиш учун ёшини ё каттартириб, ёки бўлмаса кичрайтириб фронтга кетган кишиларимиз қанчадан—қанча эканлигини ҳам тарихдан биламиз. Бу гапларни таъкидлаётганимиздан мақсад шулки, Икромжон биринчи китобда ўқувчига эллик ёшлар атрофидаги киши сифатида тақдим қилинган эди. Катта Фарғона канали қурилишидан сўнг фронтга кетган вақтга қадар ҳам, табиийки, унинг ёшига ёш қўшилгани аниқ. Демак, бу пайтда

¹ Великая Отечественная война 1941-1945. Словарь-справочник. Москва, издательство политической литературы, 1985 г. стр. 12.

эликдан анча — мунча ошиб қолган ёшдаги одам бўлади. Хўш, шундай катта ёшдаги одамнинг ҳарбий хизматга олинишини, фронтга боришини қандай асослаш мумкин? Бундай мантиқий саволга китобдан жавоб тополмайсиз. Назаримизча, масаланинг бу томонини ёзувчи ҳисобга олмаган кўринади. Бу масала билан қизиқишимизнинг сабаби шундаки, ўз тенгқурлари орасида фақат Икромжонгина фронтга боради. Бинобарин, бундай жиҳат мазкур образ талқинида қандайдир очиқ ўринлар ҳам борлигини, унинг фаолиятига оид ҳамма нуқталар ҳам мантиқан пухта ўйлаб кўрилмаганини кўрсатади.

Юқорида билдирилган мулоҳазаларга шундай яқун яшаш мумкин. Адабиётимизнинг йирик намояндаларидан бири бўлган ёзувчи Саид Аҳмаднинг муҳим бир йўналишдаги ижодий йўли, масъулиятни ҳис этиши, бир мавзунини ифодалашдаги узоқ йиллик изланишлари фақат кетма — кет юксалиб борадиган парвозлардангина иборат эмас. Бу йўл ҳеч қачон бирдек равон ва силлиқ бўлмаган. Унинг қанчалик баланд — пастликлардан, кўтарилиш — тушишлардан иборат эканини ёзувчининг қатор асарларини, улардаги баъзи образларни таҳлил қилиш жараёнида кўрсатишга ҳаракат қилдик. Бу айтилганлар, бизнингча, таниқли ва катта истеъдод эгаси бўлган бир ёзувчи ижодининг аҳамиятини пасайтирмайди, уни камситмайди. Шунинг учун унга адабиётнинг, жонли адабий жараённинг табиатига хос хусусият сифатида қараш керак. Қолаверса, у ёзувчилик меҳнатининг қанчалик мураккаблигини, ижодий изланишларнинг қай даражада сертўлқин, ранг — баранг бўлишини яна бир бор тасдиқлайди.

МАВЗУ ВА МАҲОРАТНИНГ ЭГИЗАКЛИГИ

Узоқ йиллар мобайнидаиккинчи жаҳон уруши ҳақида фақат унда иштирок этган кишиларгина ёзишлари керак, деган қараш устунлик қилиб келди. Муҳими, бундай фикрнинг тарафдори бўлган кишилар — ҳарбий мавзуда ижод қилаётган, ўзлари ўша жангу жадалларнинг қатнашчилари бўлган таниқли ёзувчилар эдилар. «Кўрилмаган ҳаёт ҳақида асло ёзилиши мумкин эмас, — деган эди шулардан бири, таниқли рус ёзувчиси К.Симонов. — Ҳатто тарихий роман ҳақида гап кетганда ҳам. Чунки у ҳам ўзининг бадиий асоси бўйича — кўрилган ҳаётнинг бошқа шаклдаги ифодаси... Тарихий романда қайсидир тарзда тарихий, психологик характерларга у ёки бу ўзгаришлар киритиш орқали ўз ҳаётий тажрибасини бошқа даврга ўтказиш ҳодисаси содир бўлади. Бинобарин, уруш, ўзини кўрмасдан у ҳақда ёзадиган кишини ўзгача бир қийин аҳволга солиб қўяди... Биз ўн марталаб вужудимизда синаб кўрганимиз — отишмалар, бомбардимон вақтидаги

инсоннинг сезгиларини бирор марта ҳам ўлим хавфини бошидан кечирмаган одам қандай қилиб бериши мумкин, ахир?!»¹. Шунга мазмунан яқин фикрларни уруш қатнашчилари бўлган Ю.Бондарев, В.Биков, Г.Бакланов каби ёзувчилар ҳам билдиришган.

Лекин ҳозир тараққиётнинг шундай бир босқичига кўтарилдикки, бунда урушни кўрганлар ҳам, кўрмаганлар ҳам келажакка ҳаф солиб турган ядровий ва кимёвий қиргин — баротларга қарши курашда бирлашишдек, баҳамжиҳат ҳаракат қилишдек тарихий зарурият ўз — ўзидан пайдо бўлди. Зиддиятларга тўла ҳаёт одамлар олдига янги урушларнинг, улардан келиб чиқадиган даҳшатли оқибатларнинг такрорланмаслиги учун ёппасига, оммавий равишда интилиш лозимлиги масаласини кўндаланг қилиб қўйди. Шу талаблардан келиб чиққан ҳолда турли ёшдаги, турмуш тажрибаси ҳам шунга мос бўлган, истеъдод даражаси хилма — хил қалам эгалари бу ишни амалга оширишга киришдилар. Булар орасида ҳатто ўша бўлиш эҳтимоли бор ядровий урушлар пайтидаги ҳаётни кўрсатишга ҳаракат қилиб кўришган адабиёт ва санъат намояндалари ҳам бўлди. Лекин булар айрим тажриба — огоҳлантиришлар эди, холос. Бу иш, асосан, тарихдаги охирги, энг қонли, фожиаларга тўлиб — тошган, жароҳати шунча йиллар ўтган бўлишига қарамай ҳамон битмаётган иккинчи жаҳон уруши воқеаларига мурожаат қилиш орқали амалга ошириляпти. Кейинги пайтларда ўтган уруш воқеаларига оммавий равишда мурожаат қилиш замоннинг талабига айланганини, бундай ишга фақат фронтчи, ўша даврни яхши биладиган ёзувчилар эмас, балки кейинги авлод вакиллариининг ҳам маънавий ҳақлари бор эканлигини юқорида номлари келтирилган ёзувчиларнинг ўзлари ҳам эътироф этишга «мажбур» бўлдилар. Жумладан, юқорида сўзлари келтирилган К.Симонов таниқли бир адабиётшунос билан бўлган суҳбатида, ҳарбий мавзунинг узоқ — узоқ йилларгача ҳам ниҳоясига етиб бўлмаслигини, ҳали бу ишда урушни шахсан ўз вужудида синаб кўрмаган кишилар ҳам иштирок этажagini айтган экан.

Модомики замон ижодкорларни — ёшидан, тажрибасидан ва урушни кўрган — кўрмаганидан қатъий назар — битта тарихий заруриятга рўпара қилаётган экан, демак, улар учун бу ҳам ўзига хос бир синов, маҳоратини намойиш қиладиган майдон ҳисобланади. Бундай жиддий, масъулиятли вазифани фақат ҳақиқий ёзувчилик истеъдоди, ўтган уруш ҳақидаги бор гапни ҳалоллик ва рўйи — рост айтиш билан, бу муқаддас, ватандошларимиз қони эвазига битилган тарихни оз бўлса ҳам бузиш, бўяб — беаб кўрсатишга интилиш эса қандай ёмон

¹ «Вопросы литературы» 1973 г., № 1, стр. 159.

оқибатларга олиб келишини, улар хотираси учун қай даражада ҳурматсизлик бўлишини чуқур англаш ҳисобига адо этиш лозим бўлади. Рус адабиётшуноси В.Новиков айтганидек, «Ёзувчи урушнинг фожиавий томонлари ҳақида қанчалик ҳаққоний гапирса, душман устидан қозонилган ғалабада ҳал қилувчи аҳамиятта эга бўлган халқ жасоратининг, қаҳрамонлигининг буюклигини шунчалик кўпроқ англаймиз»¹. Демак, ҳозирги шароит бу мавзуга мурожаат қиладиган ёзувчининг истеъдод ва маҳоратини ҳам, ижодкорлик бурчи ва замон талабини тушуниш даражасини ҳам кўрсатадиган бир майдон бўлиб қоляпти.

Мумтоз Муҳамедовни китобхонлар таниқли ҳарбий ёзувчиларимиздан бири сифатида билишади. Унинг бу мавзудаги ҳикоялари, қиссалари анчагина машҳур дейиш мумкин. «Кичик горнизон» повести 50 – йилларда тилга тушган асарлардан бири эди. Ёзувчи кейинчалик шу асарни қайта ишлаб, «Жанггоҳ» деган ном билан романга айлантирди. Асар иккинчи жаҳон уруши воқеаларини анча катта вақт кўламида қамраб олади. Тўғри, унда, асосан, бир партизан отрядининг фаолияти ҳақида гап кетади. Масала шундаки, романда бу отряднинг уруш бошланган вақтларида ташкил этилишидан тортиб, то охирига қадар қилган ишлари, партизанларнинг душманнинг орқа томонидан туриб берган зарбалари тасвирланган. Воқеалар ривожига турли миллат вакиллари бўлган қаҳрамонлар билан танишамиз. Султонали ва бошқа ўзбек йигитлари ҳам бу умумхалқ курашида катта жонбозлик кўрсатишади. Лекин буларнинг ҳаммасини бевосита тасвирнинг ўзидан кўра кўпроқ ёзувчининг ахбороти шаклидаги изоҳларидан билиб оламиз. Бутун асар давомида қаҳрамонларнинг қилаётган ишлари, «Чақмоқ» номли партизан отрядининг фашистларга қарши олиб бораётган кураши ҳақида гап – сўз кўп, аммо шулардан бирор эсда қоладиган, одамни ҳаяжонлантирадиган бадий эпизодни кўрмаймиз. Бунинг устига асарни ўқиётганда шундай жумлаларга дуч келамизки, уларни бадий асар, роман деб тақдим қилинган ҳолда қўлимиздаги китобга қандай кириб қолганлигига ажабланишдан бошқа иложимиз қолмайди. Масалан : «Галдаги ишларни режалаштириб, шитоб билан ишга киришди. Комиссар деган шарафли номни оқлаш учун астойдил ҳаракат қилди»¹

«Шунақами ҳали? – тутоқиб кетди комиссар. – Барибир жангни яна афсонавий тепалиқдан бошлаймиз, — деди асабий, самимийлик иплари тортилиб, узилгандай ҳис қиларкан ўзини»

¹ Вопросы литературы, №2, 1983 г., стр. 16.

¹ Муҳтоз Муҳамедов. Таълиқланган асарлар. Иккинчи жиддик. 2-жилд. Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. 1980 йил, 247-бет.

(ўша китоб, 357—бет). «Комиссарнинг шахсий ҳаёти ижтимоий—сиёсий курашга айланиб бораётганини қалбан сезди» (ўша китоб, 358—бет). «Қалби ватанпарварлик ҳисси билан тўлиб тошган Тимофей бу ишларни иштиёқ билан бажарарди» (365—бет) ва ҳоказолар. Бундай мисолларни мазкур асардан, тўғриси, кўплаб келтириш мумкин. Таниқли ва тажрибали ёзувчининг романида оддий хабардан фарқ қилмайдиган, ҳатто жўнгина ички фикр мантиқига эга бўлмаган бундай тасвирларни кўриш, табиийки, ажабланарли ҳолдир.

Суннатулла Анорбоев ҳам ўтган урушда душман билан юзма—юз жанг қилган, фронт ҳаётига нимаки хос бўлса, ҳаммасини ўз вужудида синаб кўрган адибларимиздан. Тўғри, бу ёзувчининг ижодида ана шу кўрган—биланлари — уруш даври ҳаёти асосий ўрин эгаллайди, дейиш қийин. У, гарчи фронтчи—ёзувчи бўлса—да, кўпроқ тинч ҳаёт билан боғлиқ масалалар ҳақида ёзишни маъқул кўради. Албатта, бу ҳар бир ижодкорнинг шахсий ҳуқуқи, майли билан боғлиқ жиҳат. Ҳар ҳолда С.Анорбоев гоҳ—гоҳда бўлса—да, ўзи кўрган иккинчи жаҳон уруши давридаги ҳаётга мурожаат қилиб туради. У олдин бу мавзуда айрим ҳикоялар ёзган эди. кейинчалик у «Сайли» номли роман ёзиб, асарни уруш давридаги кишиларимизнинг турмуш ташвишлари тасвирига бағишлади.

Одатда ҳар бир адиб ўзининг навбатдаги асарини олдингилардан яхшироқ ёзишга, ундаги воқеаларни, одамлар тақдирини янада қизиқарли, ўқувчини ўзига жалб этадиган даражада қилиб беришга интилади. С.Анорбоев ўзининг «Сайли» романининг баъзи саҳифаларида бунга муваффақ ҳам бўлди. Бу ўринда асар қаҳрамонларидан бири — Жалолхоннинг ҳаёт йўли билан боғлиқ жанг манзаралари тасвирланган саҳифаларни тилга олиш мумкин. Ёзувчи бу образ тимсолида эътиқоди бутун, эл—юртга меҳри баланд, душманга нисбатан нафрати кучли кишиларимизга хос хислатларни беришга интилади. Бу хислатлар жанговар ишларда ҳам, одамларга Жалолхоннинг муносабатида ҳам сезилиб туради. Романда Зулфизар образи ҳам, гарчи эпизодик бўлса—да, уруш даврига хос трагизми билан эса сақланиб қолади. Оғир синов йилларида бирданига икки суюкли кишиси—умр йўлдоши ва ўғлидан ажралиб, жинни бўлиб қолган бу гўзал аёлнинг тақдирига ўқувчи лоқайд қарай олмайди.

Лекин, афсуски, романнинг ҳамма саҳифаларини ҳам шундай ҳаяжон, қизиқиш билан ўқилади, деб айтиш қийин. Масалан, бош қаҳрамон Сайлининг тақдири психологик таҳлил учун жуда кўп материал бериши мумкин эди. Чунончи, Сайлининг ҳаёти тақдир тақозоси билан ғоят чигал кечади: уч марта оила қуради, лекин ҳеч

қайсисидан у ёлчимайди; биринчиси фожиали ҳалок бўлади, иккинчисидан ажралади, учинчисидан «қора хат» олади; тўнғич фарзанди Ўктамдан тириклай айрилади; икки етим гўдакни ўз тарбиясига олади; отасинг ва синглиси Соттихоннинг ташвишлари унинг зиммасида бўлади; ўзи ишлайдиган корхонадаги юлғичларни фош этишга тўғри келади ва ҳоказо. Ёзувчи қаҳрамоннинг бошига шунчалик турмуш ғавғоларини қалаштириб ташлайди — ю, булар унинг қалбида қандай садо бераётганлиги, қандай излар қолдираётганлиги билан ҳамма вақт ҳам қизиқавермайди. Оқибатда, Сайлининг руҳий дунёси, ички изтироблари, оналик қалби яхши намоён бўлмай қолади. Мана шулардан бирини кўрайлик. Сайли иккинчи марта Маҳмадшер исмли кишига турмушга чиққанида, кўз очиб кўрган умр йўлдоши Жўра полвондан бўлган ўғли Ўктамни ота — онасиникида қолдиради. Кейинчалик уни бағрига олишга эри Маҳмадшер қаршилиқ қилади. Танқислик йилларида бу қариялар неварасини онасининг руҳсатисиз фарзандга муҳтож бир оилага тарбиялаш учун беради. Сайлихон бунга чидай олмай, ўғлини йўқлаб боради, лекин Ўктамжонни унга кўрсатишмайди. Орадан бир оз ўтгач, бу оила шаҳардан кўчиб кетади, шу билан она ўғлининг изини йўқотади. Сайли кейинчалик тўнғич фарзандини бир — икки бора эсласа — да, унчалик қаттиқ безовта бўлмай қўяди. Анча йиллардан кейин бехосдан радиодан таниш овозни эшитиб қолади ва уни ўғли гумон қилиб, излаб йўлга тушади. Шундан кейингина қаҳрамон ҳам, ёзувчи ҳам Ўктам ҳақида шу пайтга қадар жиддий ўйлаб кўрмаганларини сезиб қолишади. Сайлихон ўзини ўзи энди гоҳ қойишга, гоҳ эса оқлашга тушади: «Бироқ нафсиламбрини олганда ўзида ҳам айб бор. Шу қидиришни илгарироқ — масалан, Маҳмадшерникидан кетиши ҳамон бошлаши мумкин эди — ку? Ўктамни топиши, қайтариб олиши ҳам мумкин эди. Чунки ҳақ — ҳуқуқ унинг томонида. Фақат мусулмончилик... лабздан қайтиш инсофдан эмас, деган андишага борди. Отасининг юзини қилди. Ҳа, сўздан қайтиш — иснод. Кейин иш, янги турмуш, янги жойнинг ройишини олғунича вақт ўтди. Бу орада Жалолхон армия хизматига кетди. Уруш. Қидирса, баҳона топилаверади. Лекин тўнғичини излаши, топиши, қайтариб олмаганида ҳам, вақти — вақти билан бориб хабар олиши мумкин эди — ку?»¹

Романда Сайлихоннинг иккинчи ўғли Фанишер образи ҳам, назаримизча, психологик йўналишда бўлиши лозим эди. Лекин ёзувчи бу имкониятдан ҳам етарли даражада фойдаланмайди, оқибатда қаҳрамоннинг қиёфаси хира ҳолатда қолиб кетади. Асарнинг тарбиявий жиҳати ҳақида ҳам баъзи мулоҳазалар айтиш

¹ Суниатулла Анорбаев. Сайли. Роман. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1979, 202-бет.

мумкин. Бош қаҳрамон Сайлихон, юқорида айтганимиздек, уч марта турмуш қуради, унинг синглиси Соттихон эса икки марта. Бундай ҳолат психологик жиҳатдан жуда чуқур асосланиши лозим эди. Роман эса айнан шу жиҳатдан оқсайди. Сўнгги пайтларда С.Анорбоев уруш мавзуга яна қайтиб, ўзининг «Яхшилик уруғи» (1986) тўпламида бу ҳақда бир неча ҳикоялар эълон қилди. Тажрибали, уруш кўрган ёзувчимизнинг бу асарлари ҳам кишида қатор мулоҳазалар уйғотади. Чунончи, «Яхшилик уруғи» ҳикоясида тасвир ҳикоячи қаҳрамон тилидан олиб борилади. Сайфиддин — уруш қатнашчиси, омонсиз жанглардан тирик қайтган одам. Унинг укаси Тождиддин эса Курск атрофидаги тўқнашувларда ҳалок бўлган. Акаси укасини хотирлаб, унинг қабрини зиёрат қилгани боради. Ҳикояда қаҳрамондаги ана шу ҳолат, яъни Сайфиддиннинг укаси қабри тепасида турган пайтда ҳаёлидан кечаётган ўйлари, хотиралари ретроспектив тарзда берилади. Албатта, ҳикояда ёки бошқа жанрда ёзилган асарда, воқеаларни қай йўсинда бериш ёзувчининг иши. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам у меъёрни унутмаслиги, ҳар бир жанрнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олмаслиги мумкин эмас. «Яхшилик уруғи»да шу нуқтаи назардан камчиликлар бордек туюлади. Ёзувчи ҳикояда қўлланилган тасвирий—ифодавий усулни суистеъмол қилган кўринади. Унда Тождиддиннинг деярли бутун ҳаёти, ҳарбий хизматга чақирилганга қадар бўлган барча ишлари, саргузаштлари кетма—кет ипга тизилади. Бу ҳикояда персонажлар сони кўпайиб кетишига ҳам сабабчи бўлган. Тўғри, ҳар бир инсоннинг ҳаётида қизиқарли, эсда қоладиган воқеалар жуда кўп бўлиши мумкин. Лекин ёзувчи у ёки бу жанрнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда уларни саралайди ва уюштиради. Ижодкорнинг маҳорати ҳам мана шу жараёнда яхшироқ намоён бўлади.

Ҳикоядаги иккинчи камчилик баъзи персонажлар ҳақидаги маълумотларда ноаниқлик, зиддият борлиги билан боғлиқ. Масалан, бир ўринда Холбуви деган бир қўшни аёлнинг номи тилга олинади. Унинг номи гоҳ Холбуви дейилса, гоҳ кампир дея тилга олинади. «Сўна чаққанми, қайдам, қўнғир буқача уқалоғлаб Холбувини йиқитибди. Арқон қўл—оёғига ўралиб қолганми дейман, кампирни анча жойгача судраб сарсон қилибди».¹ Ёки яна: «Етиб борганинга Холбуви кийим—боши дабдала, тирсаклари шилинган, тупроққа беланиб ётган экан. Сен шўрлик кампирни даст кўтариб, уйига элтиб қўйган эдинг». Ҳикоядаги бу жойларни ўқиганда табиий равишда шундай савол туғилади: хўш, бу ерда бир қиз ҳақида гап кетяптими ёки кампир ҳақида? Агар кампир бўлса, нега уни ҳикоячи қаҳрамон гоҳида Холбуви деб атапти? Агар бордию у ёш

¹ С.Анорбоев. Яхшилик уруғи. Ҳикоялар ва очерклар. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. 1986, 16-бет.

бўлса, кампир дейилишига сабаб нима? Кўряпмизки, кичик бир эпизоддаги тасвир ҳақида бизда шунчалик мужмал, мавҳум, қарама — қарши бир таассурот қоляпти.

Ҳикоядаги учинчи камчилик асардаги публицистик талқинга мойил нуқталар билан боғлиқ. Умуман, бу масала ҳақида илмда турлича қарашлар мавжуд. Бадий асарда публицистик руҳ, талқин бўлиши мумкинлигини ҳозир энг машҳур асарлар ҳам тасдиқлайди. Лекин бу ўринда гап у ҳақда эмас. Муҳими, асарда қўлланилаётган ўша публицистик талқиннинг қандай вазифани бажараётганида, қаҳрамоннинг дардига, ҳолатига қанчалик мос, ҳамоҳанг эканлигидадир. «Яхшилик уруғи» ҳикоясида шу жиҳатдан ёзувчисига эътироз билдирадиган талай ўринлар учрайди. Мана, Сайфиддиннинг укасининг қабри тепасида у ҳақда ўйлаган ўйларида бир парча: «Мана сен, сенинг қаторингда ётган дўстларинг авлодларимизнинг бутунги фаровон ҳаёти учун, фашизмга қарши қонли курашда жон бердинглар. Сизларга чинакам мардона ўлим насиб этмиш. Шунинг учун ҳам номларингиз мраморга ўйиб битилган: номингиз дилларимизда, тилларимизда. Ҳеч қачон на бўрон ўчира олади, на асрлар сурони» (ўша китоб, 18 — бет). Адиб томонидан ҳикоя қаҳрамони Сайфиддин ҳаёлидан кечаётир, деб даъво қилинаётган фикрлар укасининг қабри тепасида турган одамнинг ўйларига сира ўхшамайди, уни минбардан туриб нутқ сўзлаётган одамнинг гаплари дейиш мумкин. Унинг ўзи ҳақида укасига ҳаёлан айтган гапларига, берган ҳисоботига ҳам эътибор берайлик: «Ҳеч нарса ўз — ўзидан юзага келмаган. Мен ҳам яхшилик уруғини сочай, деб эл қатори меҳнат қиляпман. Меҳнатимнинг самараси қачон бўлмасин бир кун юзага чиқар, ярқираб дўстларимнинг кўзларини қувонтириб, дилларида эзгулик уйғотар, деган умид билан юрибман...» Ҳикояда айтилмоқчи бўлинаётган бутун гапларнинг маъзини ташкил этиши лозим бўлган қаҳрамоннинг бу мушоҳадалари шу тарзда берилади. Кўрганимиздек, оҳангнинг баландпарвозлигида, жимжимадорлигида у ҳам олдингисидан қолишмайди. Минбарлардан айтилавериш жонга тегиб кетган бундай оҳангдаги гапларни жигарининг қабрини зиёрат қилиш учун узоқ жойлардан келган бир кишининг ўйларига, кечинмаларига кўчириш ёзувчи учун нимага керак бўлганлиги ажабланарли ҳолдир. Тўпلامдаги «Арафа» деб номланган ҳикоя «Яхшилик уруғи»га нисбатан дурустроқ таассурот қолдиргандек бўлади. Тўғри, бунда ҳам газета тилига ўтиб кетиш, қаҳрамон кечинмалари берилаётган тасвирда «Бироқ факт фактлигича қолади» қабилидаги сийқа жумлалар учрашидек ҳолларга дуч келамиз. Лекин айтиш чоқда бунда муаллиф жанр имкониятларини ҳисобга олгани, ҳаётий материални жанр табиатидан келиб чиқиб уюштиришга ҳаракат қилгани кўриниб

туради. Бу ерда ҳам иккинчи жаҳон уруши даврига ретроспектив тасвир орқали мурожаат қилинади. Бош қаҳрамон Эшматга неварасининг «уруш—уруш» ўйнаши, бобосидан «сиз ҳам асир тушганмисиз» деб сўраши хаёлан ўша оғир кунларга қайтишига, хотирлашига бир сабаб бўлади. У ўз жанговар ҳаётидан айнан шу сўроққа боғлиқ бир лавҳани эслашга ҳаракат қилади. Шу тарихидаги кичик бир жанг эпизоди, қаҳрамоннинг ҳаёт—мамот чизигидаги ҳолати кўз олдимиздан ўтгандек бўлади. Бу эпизодни беришда ёзувчининг шахсан ўша ҳаётни билиши сезилиб туради. Жанг шароитидаги қаҳрамоннинг ҳолати, ҳаракатлари анча аниқ берилган. Ҳаёт ва ўлим чизиги устида унинг икки фашист билан олишуви ҳам, кейинчалик ўша фашист билан аравада ёнма—ён ётгандаги ҳаёлидан кечган ўйлар ҳам табиийдек туюлади.

Ҳикояда ёзувчи қўллаган тасвир усули қулай имкониятлар яратган. Жумладан, муаллиф оғир кунларни ҳозирги ҳаётимиз билан боғлайди, одамларнинг шу кунлардан туриб ўша даврда қилинган ишларга қарашларини, шу орқали инсониятга азоб—уқубат, қирғинлик келтирадиган бундай даҳшатларга муносабатни беришга муваффақ бўлади. Ҳикояда тасвирланганидек, ўйнаб юрган неварасининг ортидан қараб қолган Эшматнинг хаёлидан ўтаётган «Кошки эди армия фақат сайил, тантанали кўриклар учунгина сақланса, уруш—уруш фақат болаларнинг ўйинигагина айланиб қолса! Инсоният умрбод уруш балосидан халос бўлса!» (ўша китоб, 21—бет) каби гаплар янги урушга қарши курашаётган кўплаб кишиларнинг фикр—ўйларига уланиб кетгандек бўлади.

Таниқли ёзувчи Ҳамид Фулом ҳам уруш даври ҳаётини яхши биладиган, шу мавзуда бир неча асарлар яратган адибларимиздан. Ҳ.Фуломни урушдан сўнгги йилларида ёзган «Олмос қизи» повести, 60—йилларда майдонга келган «Тошкентликлар» романи муносабати билан адабий танқидчиликда анча фикрлар билдирилган. Ҳ.Фуломни ўша синов йилларида мамлакат ичкарисида бўлган ўзига тенгдош ёзувчилардан бир жиҳат ажратиб туради. Саид Аҳмад, Раҳмат Файзий каби ёзувчилар, асосан, ўзларига яхши таниш бўлган, ўзлари бевосита ичида юрган ҳаёт ҳақида ёзишади. Ҳ.Фулом эса фақат меҳнат фронтидаги воқеалар ҳақидагина эмас, балки жанг майдонларида бўлган тўқнашувлар, ўша шароитдаги одамларимизнинг жасорати ҳақида ҳам бемалол ёзаверади. Ҳ.Фулом урушнинг шундай йўналишдаги ифодасини беришни «Бир миллион можароси»¹ китобига кирган «Мангу олов» ҳикоясида ҳам давом эттиради. Ҳикояда урушнинг биринчи кунларида катта талофотлар кўриб чекинаётган батальоннинг душмандан узоқлашиш, ўрмон

¹ Ҳ.Фулом. Бир миллион можароси. Ҳикоялар ва драма. Ҳ.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1986 йил.

ичига чекиниш учун имкон беришга қолдирилган зенит батареяси ва пулемёт ячейкасининг тақдири, олиб борган қисқа муддатли ҳаёт — мамот олишуви мисолида жангчиларимиз кўрсатган жасоратни бадий ифодалаб бериш мақсад қилиб қўйилган. Асарнинг умумий сюжет йўналиши анча равон, ҳамма қисм ва бўлаклари жой — жойига қўйилгандек таассурот қолдиради. Сержант Саид Убайдуллаев, наводкачи Андрей Никифоров ва оддий аскар Мамед Шихлиевдан иборат зенит батареяси, шунингдек, тўрт пулемётчи ва икки пулемётдан ташкил топган ячейка ҳам ўз жанговар вазифаларини бажарадилар, имкон даражасида душманни тўхтатиб, батальоннинг беҳавотир масофагача бориб олишига шароит яратиб бериб, етти жангчидан олтитаси ҳалок бўлишади. Тирик қолган жангчи — сержант Убайдуллаевни эса зенит тўпи яқинида портлаган авиабомба тўлқини зарби узоққа учуриб юборади, бу «асабларини буткул қақшатиб, кар ва соқов қилиб» қўяди. Шунингдек, ҳушсиз, қарахт бир аҳволда ётганда сосновкалик қишлоқ Советининг раиси Богдан Иванович Петренкодининг хотини Раиса Петровна ва қизи Оксана уни топиб олишиб, партизанлар ёрдамида ўз уйларига олиб келишади. У шу ерда бир неча кун туриб, энди ўзига келай деганда, қишлоққа фашистлар келишади ва уйларни тинтув қилишади. Ўзи ётган жойга чиқиб келган фрицларнинг талайини ўлдириб, сўнгра улар тўдаси турган жойга ташлаган гранатасидан чиққан ёнғиндан сержантнинг ўзи ҳам куйиб, ҳалок бўлади.

Ҳикояда бевосита жанг манзаралари тасвиридан кўра, пойтахтимиз асосий майдонида бўлган собиқ «Мангу олов»га тез — тез келиб турадиган «сийрак сочи буткул оқарган, юз — манглайини ҳисобсиз майда ажин қоплаган, томирлари туртиб чиққан қўл бармоқлари қалтирайди»ган бўлиб қолган, «доим одми қора кўйлақда, қора бахмал камзулда, оддий маҳси — ковушда» юрувчи, «бошига ташлаган дока рўмол» «ўй — хаёлидай, фикр орзуларидай оппоқ» бир нуроний онанинг ҳолатини, қиёфасини ойдинлаштириш асосий муддаога ўхшайди. Очиғини айтиш керакки, ёзувчи томонидан қўлланилган бундай композицион усул ўзини у қадар оқламаган. Оддин урушнинг том маънодаги бир трагик воқеаси келтирилиб (ахир, зенит батареяси ҳам, пулемёт ячейкаси ҳам батамом қирилиб кетади — ку!), ҳикоя сўнгида рамзий — шартли бир тасвирга ўтилиб, «Мангу олов»га зиёрат учун келадиган она ҳақида «Агар биров менга: бу она сержант Саид Убайдуллаевнинг онаси, деса албатта, ишонаман» дейилиши, назаримизда, асардан олинадиган таассуротни ўзгартириб юборгандек. Эҳтимол, бундай тахминий қиёсларни бирор публицистик асарда қилиш мумкиндир. Лекин ҳикоя ўз табиати билан ғоят аниқликни, конкретликни талаб

қиладиган жанр. Бу ўринда жанрнинг ана шу оддий талаби ҳисобга олинмаган кўринади.

Энди бевосита ҳикоядаги бизни қизиқтирадиган асосий воқеага — жангчиларнинг ўзлари қолган участкада кўрсатган жасорати тасвирига келадиган бўлсак, бу ўта жўн, умумий бир тарзда берилган. Аввало, бу ерда ёзувчи нимага ёки кимга асосий эътиборни қаратаётгани номаълум. Ҳикояда талай кишиларнинг номлари тилга олинади — капитан Зинченко, сержант Убайдуллаев, наводқачи Андрей Никифоров, оддий солдат Мамед Шихлиев, почтальон Зина Соколова, шунингдек, Богдан Иванович Петренко, Раиса Петровна, Оксана ва ҳоказо. Лекин шу персонажларнинг қайси бири атрофида воқеалар уюшаётганини ажратиш қийин. Ҳар ҳолда ҳикоя сўнгидан онага тааллуқли гаплардан, шунингдек, бошқа бир — икки жумлалардан ёзувчининг Саид Убайдуллаевни асар марказига қўйиш нияти бор экани сезилиб туради. Лекин бунинг учун асарда на тайинли бир ҳаракат, на мазкур персонаж руҳиятига боғлиқ ҳаётий ҳодиса акс эттирилади. На ҳиссий — эмоционал кўринишда, на хатти — ҳаракатда образларни бизга яқинлаштирадиган белгилар кўринмайди. Китобхонни ларзага солиши, урушнинг ҳақиқий даҳшатини очиб бериши лозим бўлган эпизодлар инсоний мазмундан, жонли ҳиссиётдан маҳрўм бўлгани учун у оддий бир гаплар йиғиндисидан иборат бўлиб қолган.

Ҳикоядаги воқеалар аниқ бир жойда, муайян бир шароитда юз беради. Лекин тасвирдан буни англаш, ажратиб олиш қийин. Мана, эътибор берайлик. «... тонг ёриша бошлаши билан аввал гала — гала самолётлар ҳавони қалдиратиб, ғарбдан шарққа учиб ўта бошлайди, кейин фронт бўйлаб ўнлаб жабҳаларда тўплар гулдуриси янграйди; бу чексиз садо, тинимсиз варанглашлар, портлашлар, хуллас, даҳшатли қиёмат — қойим асабларни қақшатади, мияларни пармалайди, ўлим хавфини шундоққина бошингиз тепасига қора булутдай келтириб қўяди...» (ўша китоб, 3—4 бетлар). Бу ўта умумий гапларга изоҳ бериб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Энди бундан кўра аниқроқ берилган эпизодларга ҳам мурожаат қилайлик. Ўзларининг қандай ишга қолаётганини яхши билишган жангчилардан бирортасининг ҳаётидаги сўнгги жанг олдидан бўладиган руҳий ҳолатига эътибор берилмайди. Улар аслда ўзларининг бу ерда қолдирилиш сабабларини ҳам, почтачи қиз Соколова нима учун уйларига хат ёздириб олганини ҳам аскар сифатида тушунмасликлари мумкин эмас. Ҳикояда тасвирланган мураккаб, драматик вазият асносида бирор персонажда ялт этган туйғу, ҳолат тасвири кўринмайди. Гўё булар жонли, ҳали ҳаётдан кўп нарсаларга умидвор бўлган инсонлар эмас, балки қандайдир машиналар, роботларга ўхшайди. Улар охириги жанг олдидан на

ўйлайдилар, на ҳаяжонланадилар. Персонажлардаги кайфиятни бериш мумкин бўлган бошқа восита — хат ёзиш жараёни ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Мана, Саид ҳақидаги гап: «Саид онасига ёзган хатида соғ-саломатлигини, фронтда жанг қилаётганини, икки қуролдош дўсти билан бирга кеча фашистларнинг учта самолётини уриб туширганини ва жонажон Ватани олдидаги фарзандлик бурчини сўнгги нафасига қадар адо этишга тайёр эканлигини маълум қилади» (ўша китоб, 4 — бет). Тўғри, бу ерда Саид онасига ўз ҳаёлидан ўтаётган нарсаларни ёзмаслиги мумкин. Лекин бундай оғир вазифа олдида хат ёзаётган пайтдаги ундан кечаётган психологик жараёни ёзувчи кўрсатиши, инсон ҳаётидаги бундай трагик ҳолатни ўқувчи ҳис этиши керак — ку! Инсондаги жасорат ҳам, эътиқод ҳам унинг шундай ҳал қилувчи ҳолатдаги ўйларига, ўзини тутишига, ҳулосаларига қараб белгиланмайдими? Бундан ташқари зенитчиларимиз ҳам, пулемётчиларимиз ҳам жанг бошланганда нишонга беҳато урадилар — ҳеч қийналмасдан учиб келаётган «мессер»лардан биттасини уриб туширадилар, келаётган танклардан бирини тўхтатадилар. Немис пиёда аскарлари эса «йўл бўйидаги икки пулемётимизнинг оғзидан тинимсиз сочилиб турган оловга дуч келиб, тубидан арраланган дарахтлардай гурс — гурс қулай бошладилар» (ўша китоб, 6 — бет).

Ҳикоя материалидан қанчалик даҳшатли тўқнашув бўлганини тасаввур қилиш мумкин. Лекин ёзувчининг фронт ҳаётига доир бундай эпизодларни бадиий ифодалай олмаганлиги оқибатида трагик кўринишдаги лавҳалар таъсирсиз сўзлар йиғиндисидан иборат бўлиб қолган. Шунинг учун олдинги воқеаларга қанчалик эътиборсизлик билан қараган бўлса, жангчиларимизнинг мажақланган зенит тўпи ва пулемётлар ёнида чўзилиб ётган мурда шаклидаги ҳолатига шунчалик бефарқ қоламиз. Бундай даҳшатли манзара биздаги туйғуларни ларзага келтира олмайди. Юрагимизда бирон даражада акс садо беришга қодир эмас.

Ёзувчи учун ҳикояда уруш даҳшатини кўрсатишда бошқа жиҳатдан ҳам яхши имконият бор эди. Бу — Богдан Иванович Петренко (партизанлар бригадасининг отряд бошлиғи) томонидан жангчилардан хабардор бўлиб туриш учун қолдирилган хотини Раиса Петровна ва қизи Оксаналардир. Бўлган тўқнашувни улар нигоҳи орқали кўрсатиш, унинг асл манзарасини шу йўл билан очиб бериш мумкин эди. Чунки улар бу жангни бошидан охиригача кузатишган, кучлар нисбати ер билан осмонча фарқ қиладиган бу ҳаёт — мамот олишувига гувоҳ бўлишган эди: Лекин уларнинг таассуроти, нигоҳи орқали берилган тасвир ҳам умумий гаплардан нарига ўтмайди. Мана, бу қандай берилади: «Она билан қиз кун бўйи давом этган жанг шовқинларини: самолётлар гулдуриси,

бомбалар портлаши, тўплар наъраси, танк занжирларининг гижирлаши, пулемётлар тириллаши, автоматлар «сайраши»ни қарайғазорнинг йўлга яқин жойида, қалин дарахтлар орқасида яширинганча эшитиб ўтирадилар. Йўлда бомбаларнинг бот—бот портлаб туриши, тинимсиз ҳаракат, немисларнинг бақирӣқ—чақирӣқлари уларга бизнинг жангчиларимиз эгаллаб турган ерларга яқинлашишга имкон бермади» (ўша китоб, 7—бет). Етти жангчимизнинг фашистларнинг шунчалик катта кучларига қарши олиб борган омонсиз жанги ҳақида улар орқали фақат шу маълумотгагина эга бўламиз, холос. Кейин бирдан атроф—теваракнинг жимиб қолгани, бу ғайри табиий сукунатдан "она ва қизнинг қалбларига ваҳима" тўлгани, «бир—бирига суянганича, дарахтлар орасидан кўриниб турган йўлга маъюс» тикилиши, сўнгра эса ғарбдан шарққа кетаётган душманнинг танкларию тўплари ва юк машиналарини санашга тушиб кетганлиги гапирилади. Тўғри, бу иш ҳам муҳим. Уларнинг бу ҳақдаги маълумоти партизанларнинг фаолияти учун ғоят аҳамиятли. Лекин улар инсонларга хос бўлган ҳиссиётдан бегона эмас—ку! Сал нарида бутун кун давомида еттига ватандоши — еттига тирик вужуд умумий иш учун жон бағишлаб курашаётгани, ҳаёт билан видолашаётгани наҳотки уларга таъсир қилмаса! Ҳатто улар шу даражада ҳиссизки, ҳалок бўлган жангчиларни четроқ жойга олиб келишда ҳам ҳеч нарсa ўйлашмайди. Эътибор берайлик. «Она дамини ичига ютганча, қизининг чаққон ҳаракатларини кузатиб турди. Оксана ерга кўкрак бериб ётган биринчи йигитнинг қўлини ўз бўйнига солди ва белидан маҳкам ушлаганча судраб, дарахтзорга олиб кирди. Раиса Петровна дарҳол қизининг ёнига келиб, унга кўмаклашиб юборди: икковлари жангчини майсага ётқиздилар. Жангчи чап кўкраги, ўнг чаккаси ва яна бир неча жойидан ўқ еган, юраги аллақачон тўхтаб, бадани совиб улгурган эди» (ўша китоб», 8—бет). Улар шу тарзда ишларини давом эттиришиб, бир ярим соат ичида яна икки зенитчи ва уч пулемётчининг жасадини ўрмон ичига олиб киришади. Сержант Саид Убайдуллаевни эса тирик, аммо қарахт, ҳеч нарсани сезмайдиган бир ҳолатда топишиб, уни ҳам беҳавотир жойга олиб келишади. Кўряпмизки, урушнинг шундай бир кичик, аммо даҳшатли фожиасини кўриб, на онанинг, на қизнинг юраги қилт этмайди, ҳаяжонланмайди, шошиб ҳам қолмайди, ўзларини худди тинч шароитдагидек совуққон тутишади. Ваҳоланки, улар урушнинг ҳақиқий даҳшати билан энди дуч келишяпти, илк бор бундай тўқнашувга гувоҳ бўлишяпти. Эҳтимол, ёзувчи, улар уруш шароитига тушган одамлар, шунга олдиндан руҳан кўникиб кетишган, дея эътироз билдириши мумкин. Ахир, айнан ана шу кўникиш жараёнини кўрсатиш ҳам инсон қалбининг таҳлили учун бой материал беради—ку!

Бадий асарда инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам инсонлигича — ранг — баранг туйғулари, ўй — фикри, ҳаяжони, хавотири ва ҳатто кўрқуви билан кўрсатилиши керак. Адабий асар шу жиҳати билан қизиқиш уйғотади, у ёки бу даражада аҳамият касб этади. Уруш мавзуда ёзилган асарда ўлим билан юзма — юз турган одамнинг руҳий ҳолати кўрсатилмаса, шундай даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлиб турган персонажларнинг кўнгилдан нима ўтаётгани, ҳалок бўлган жангчиларни кўтариб, судраб бошқа жойга ўтказётганда қандай аҳволда эканлигига ёзувчи қизиқмаса, бундай асар ўқувчига қандай таъсир кўрсатиши мумкин? Ахир, ўтган уруш мавзуга мурожаат қилишнинг, у ҳақда асар яратишнинг зарурияти ҳам, мақсади ҳам, моҳияти ҳам — ҳамма — ҳаммаси шунда муҳассамлашган эмасми?

Биз иккинчи жаҳон уруши жангларида бевосита иштирок этган М.Муҳамедов, С.Анорбоев ва урушда қатнашмаган бўлса — да уни яхши биладиган Ҳ.Ғулом асарлари ҳақида ўз кузатишларимизни, уларни ўқиш жараёнида ҳаёлимиздан кечган мулоҳазаларни баён қилишга ҳаракат қилдик. Уларга қараганда ёшроқ, адабиётимизнинг кейинги авлодига мансуб бўлган бошқа бир ёзувчи — Фарҳод Мусажоновнинг «Кўргулик» («Шарқ юлдузи», 1986 йил, 3 — сон) номли ҳикояси ҳам эътиборни ўзига тортади. Ф.Мусажонов уруш йилларидаги ҳаётни болалик таассуротлари билан эслайдиган ёзувчилар сирасига киради. Бунинг устига у уруш мавзуга тез — тез мурожаат қилиб турадиганлардан ҳам эмас. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, «Кўргулик» ҳикоясида ёзувчи бу мавзуда асар ёзишга имкон берадиган нуқтани топа билган.

«Кўргулик» ҳикоясининг марказида Саври холанинг мураккаб тақдири туради. У ёши бир жойга бориб қолган кампир. Ҳаётдан камчилиги йўқ. Фарзандлари уйли — жойли, бола — чақали бўлиб, ҳаммаси ўздан тиниб кетишган. Кампир қўлма — қўл — хоҳласа, унисиникига боради, хоҳласа, бунисиникига боради. Янги йилни ҳар йили шундай кутади. Лекин бу галги янги йил кутиш ундай бўлмайди. Умри бино бўлиб оғир касал бўлмаган Саври хола бу янги йил арафасида ўзини ёмон ҳис қилади. Докторга учрашса, юрагининг мазаси йўқлигини айтишади. Бу гапдан кампир ортиқча хавотирланмаса ҳам, умрининг поёни кўриниб қолганини қандайдир бир ички сезги билан ҳис қилгандек бўлади. «Майли, кўргулик экан... ёшимни яшаб, ошимни ошадим, етмиш тўртга кириш ҳаммага насиб қилавермайди», — деб кўнгилдан ўтказади у. Фарзандларига касаллигини айтиб ўтирмайди. Лекин бир кори ҳол бўлиб қолса, улар «довдираб қолишмасин», деб қарияларга хос одат — пенсия пули жамғармасидан расм — русумлар учун керакли

нарсаларни тайёрлаб қўяди. Аммо ўйлаб қараса, қилиши керак бўлган бошқа ишлар ҳали кўп экан. «Катта келини тўйига тайёргарлик кўряпти, Иккита кўрпачасини қовиб бериши керак, меҳнат ветерани дафтарчасини олиб бориб, ўртанча қизининг уйига телефон ўтказиб беришга ёрдамлашиши керак, уйига кенжа набирасини прописка қилиши керак, ўзидан кейин уй ўшанга қолсин — бечоралар саккиз жон уч хонали секцияда туришади. Қумри опанинг ҳолидан хабар олиб келиши керак. Хуллас, «керак — керак»ларнинг охири кўринмас эди.

Энг асосийси, ўттиз йилча ишлаган қадрдон заводига бир бориб келади. Ҳа, бу шарт!» Эҳтимол, шунинг учунми, фарзандларидан ҳеч қайсига бу янги йилни бирга кутишни «ваъда бермайди». «Сизни олиб кетгани келдим», — деб атайлаб келган набираси Ойсарани ҳам, уларникига эртага ўтишга кўндириб, жўнатиб юборади. Кампир бозор қилиб келади, кечгача уриниб ҳасил солиб, ўзича бир дастурхон тайёрлайди.

Кампирдаги бу ҳолат, табиийки, китобхонда қизиқиш уйғотади. Тоби қочиб турган бир пайтда уйда ўтириш, фарзанду набиралари билан бирга бўлиш ўрнига унинг ёлғизликка майл қилиши, шу ҳолатда ўзини уринтириб дастурхон тайёрлаши бир оз ғалатидек туюлади ҳам. Лекин сал ўтгач, бу «ғалатилик»нинг сабаблари, мантиқи маълум бўлади. Саври хола кўнглига аён бўлган туйғулардан сўнг мардона бир ишга — ўз хотиралари билан учрашишга, умрини бир сарҳисоб этишга жазм қилади. Бунинг учун энг қулай жой — унинг ўттиз йиллик умри кечган, не — не ғам — кулфат, шод — хурсандчиликларига гувоҳ, оғир кунларда жон сақлаб қолишида сабабчи бўлган нон заводига келади. Шу тариқа ҳикояга халқимиз ҳаётидаги оғир босқич — иккинчи жаҳон уруши даври, Саври холанинг бу синов йилларидаги қисматига оид тафсилотлар кириб келади. Шу йўсинда ҳозирги кунларимизда уруш даври ҳаёти томон ўзига хос бир ўтиш кўприги ташланади. Кўз олдимиздан аста — секин, худди кино ленталаридаги каби ўша даврнинг оғир шароити, шундай шароитда ҳар бир ишини эридан бемаслаҳат қилмайдиган, ҳар бир қадамини унинг рухсатисиз ташламасликка одатланиб қолган Саври хола, «бошга тушганини кўз кўради» деганларидек, ҳаётнинг юкига қандай қилиб елка тутиб берганлиги, ўша йилларнинг чидаш қийин бўлган синовларига қандай қилиб чидаганлиги бирма — бир ўта бошлайди.

Ҳаётда ҳар хил одамлар кўп. Айниқса, ўша оғир йилларда инсондаги бор сифатлар кафтда тургандек юзага чиқди — қўйди. Нон заводига аравакашлик қиладиган, маҳалладош бир кўзи ногирон Баёзқори деган одам ўзидан сўраб ҳам ўтирмай бошлиқлар

билан гаплашиб, унга иш топганини айтади. Саврининг «Вой, уларнинг олдларидан ўтмай қандай кираман ишга? Эшитсалар, хафа бўладилар» деган гапига «Тўртта норасиданг бўлса, дўппи тикиб сотганинг қайси бирига етади? Гапни айлантормасдан «хўп» деявер. Қодир эшитса суюнади, ишга кирганингга раҳмат айтади,» дея меҳрибонлик кўрсатади. Саври бу ерга келиб кўп дарддош одамлар орттиради. Айниқса, бир умрга қадрдон бўлиб қолган Қумри опадек меҳрибон аёл билан шу ерда учрашади. Ўзи ҳам қўлидан келганича бу дилпора аёлга мадад бўлишга ҳаракат қилади. Айни чоқда кўринишидан дағалроқ, эркактабиатроқ бўлган бу аёлдан кўп яхшиликлар кўради. Ҳикояда бу аёлнинг ҳам оғир қисмати, ўзига хос ҳаётий драмаси, дарду мусибатлари ўқувчини ҳаяжонлантирадиган даражада беришга муваффақ бўлинган.

«Кўргулик»да Саври холанинг хотиралари мисолида оғир дамларда одамлар ҳамиша бир—бирига суянишлари, вақтида айтилган бир оғиз ширин сўз инсоннинг ҳаётини ўзгартириб юбориши ҳаётий воқеалар орқали кўрсатиб берилади. Масалан, эридан «қора хат» олгач, ўлимни бўйнига олиб ётган Қумрини ёш бола Шералининг бир оғиз «катта ойи» деб чақириши ҳаётга қайтаради, шу гўдак учун аҳамиятсиз эмаслигини юрак—юракдан ҳис этади. Фронтдаги эрларидан гоҳ униси, гоҳ буниси маъшум хабар олиб турадиган, «Ўша кезларда сабаб бўлса, бўлди... азоб ва ҳижрон кемириб ётган юракларини йиғлатиб, бўшатиб» оладиган аёллар оғир дамларда бир—бирларининг ёнларида турадилар, мусибатга бардош беришда, уни енгишда ҳамдардлик қиладилар.

Ҳикояда уруш даврининг одамлар тақдирида қолдирган оғир, изтиробли излари қатор эпизодларда маҳорат билан кўрсатиб берилади. Мана, шулардан бирига эътибор берайлик. Саври эридан «қора хат» олган. У ўз навбатини ўтказиб, ишдан уйга қайтаяпти. Бирга ишлашадиган одамлар ўз ҳақларидан унга бир буханка нон беришади. Саври ўзининг ҳолати, мусибати ҳақида ўйлаб, изтироб ва ғам юкидан эзилиб кетаяпти. «Энг қийини болаларнинг кўзига қараш эди, — деб ўйлайди у, — уларга далда беришга қаёқдан куч олади?»

Бироқ куч топиш керак эди. Нафақат бугун, бундан буён ҳар куни, ҳар доим—бир умрга куч топиш керак. Чунки болалари энди фақат унга боқим, ёлғиз унинг қарамоғида. Аравани бирга тортадиган йўлдоши, суянадиган тоғи—эри энди йўқ. Ҳайҳот, энди у танҳо!

Бир умрга танҳо!!» Шундай ўйлар гирдобида уйга келгач, Саври ўзини қўлга олишга ҳаракат қилади, чунки болаларга бу

мусибатни билдирмаслик керак. «У оғзини очиб гапирса, ҳўнграб юборишини билиб индамади, қўлидаги нонни тўнғичига узатди. Нонга маҳлиё бўлган Шерали олдинига онасининг авзойига эътибор бермади, нонни олиб ҳайрон бўлди:

— Ие, ойи, нон нега ҳўл?

— Ҳе, болапақир, шунақа ҳам савол берасанми? Нон йўл — йўлакай тўккан кўз ёшларимдан ҳўл, деб айтолмайман — ку сенга! — Саври йиғлаб юбормаслик учун лабини қаттиқ тишлади. Зийрак Шерали ҳаммасини дарров тушунди. Ва шу лаҳзада, ё алҳазар, болалиги тутаб, катта одамга айланди — қолди.

— Хафа бўлманг, ойи, мен борман, — дейди у ўта жиддий овозда, — бир амаллаймиз.

Саври миннатдорчилик билан тўнғичининг елкасига қўлини қўйди. Ҳали заиф ва нозик эди ўғлининг елкаси, лекин суянса бўларди». Ёзувчи уруш даври ҳаётига хос муҳим нуқталардан бирига эътиборни жалб қилади. Бу Шералининг бошларига тушган мусибатни сезиб, дарҳол руҳан катта одамга айланиб қолганлиги. Шунингдек, «Ҳали заиф ва нозик эди ўғлининг елкаси, лекин суянса бўларди» деган гапларда ҳам катта рамзий маъно мужассамлашган. Ана шундай «заиф ва нозик» елкаларга давр ўзининг оғир, жуда оғир юкини ташлаганлиги, шу аснода улар гўдакликнинг шавқ — завқларига тўймай туриб катталар қаторидан ўрин олишга мажбур бўлганлиги ўша синов йилларининг энг оддий ҳақиқат эди — ку!

«Кўргулик» ҳикоясининг тили равон, услуби енгил. Ниҳоятда эркин, бирон жойда тўхталмасдан, қоқилмасдан ўқилади. Ф.Мусажонов ҳаётдаги жиддий, оғир воқеаларни кўрсатмоқчи бўлганда, гапни кўпайтириб, чувалаштириб ўтирмайди. Вазиятни сунъий равишда драматиклаштириш йўлидан бормайди. Балки бундай мураккаб ҳолатларни ихчам ифодалар орқали бериб, муҳими, тасвирда аниқликка, у ёки бу картинани китобхон кўз олдига келтириб, тасаввур қила оладиган даражага етказишга интилади ва кўп ўринларда бунга эришади.

Шу жиҳатдан Йўлдош Сулаймон ижоди ҳам эътиборни ўзига тортади. Ўша оғир йиллар хотирасида ўчмас излар қолдирганидан бўлса керак, Й. Сулаймон бир қатор асарларини уруш мавзuida яратган. Чунки унинг бу мавзуда роман («Вафо»), повесть

(«Муҳаббат») ва очерклар ёзганлиги маълум. «Авлодлар»¹ қиссаси ҳам ёзувчининг шу йўналишдаги асарларидан бири. Асарда ёзувчи ўз олдига уруш йилларида турли қирралари билан намоён бўлган халқлар ўртасидаги дўстликни, қардошликни кўрсатишни мақсад қилиб қўйган. Бу қардошлик илдизларини чуқурроқ очиб бериш учун баъзан фуқаролар уруши деган ном билан шўролар тарихига кирган даврдаги ҳаётга ҳам мурожаат қилинади. Асардаги воқеаларнинг марказида украин қизи Мария Елисенко ва унинг юртига таътил пайти бирга бориб, уруш гирдобига тушиб қолган ўн бир яшар ўзбек боласи Искандарнинг тақдири туради. Повестда чегарага яқин бир неча қишлоқдаги ҳаёт ва бир партизанлар қўшилмасининг фаолияти кўрсатилади. Шунингдек, повестда анча катта муддат — урушнинг уч йиллик даври қамраб олинади. Очиги, кичик бир қисса ҳажмида қулочни бунчалик кенг ёзиб юбориш ёзувчини анча чалғитиб қўяди. Асарда урушнинг инсон тақдирида қолдирадиган аччиқ изларини кўрсатиб бериш, шу тариқа тақдир тақозоси билан уруш гирдобига тушган одамларнинг ўша шароитдаги психологиясини тадқиқ этишдан кўра, тезроқ китобхон кўнглига таскин берадиган, уни тинчлантирадиган якунга шошилганлик сезилиб туради. Уруш шароитининг қийинчиликлари, одамлар бошига тушган оғир синовларни қаҳрамонларнинг ички кечинмалари орқали кўрсатиш ўрнига улар ҳақида шунчаки ахборотлар бериш маъқул кўрилади.

Шу асар баҳонасида бир масалага эътибор қилиш жоиз. Сўнгги пайтларда эълон қилинган асарларда айрим адабий усулларни сийқалаштиришга ўхшаш бир манзара кўзга ташланаяти. Масалан, биз кўраётган асарнинг қаҳрамонларидан бири Искандар ёмон туш кўради. Тушида бир қарасанг, махлуққа, бир қарасанг, маймунга ёки одамга ўхшаб кетадиган оломон ёпирилиб келаётган бўлади. Кейинчалик шу оломон фашистлар бўлиб чиқади. Хуллас, бу туш таъсирида у жуда нохуш кайфиятда, кўзлари қизарган бир ҳолатда уйғонади. Орадан кўп ўтмай ҳақиқатан ҳам фашистлар бостириб келиб қолади. Агар туш детали фақат шу ўринда берилган бўлса, уни гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Лекин повестнинг бош қисмида ҳам туш ҳақида гап бор. Унда Насибахон — Искандарнинг аяси нохуш туш кўради, эртасига кечаси эса колхоз тузумининг душманлари томонидан ўлдирилган унинг эри Ёндашалининг жасадини олиб келишади. Муҳаббат Туробованинг «Авлодлар» («Шарқ юлдузи», 1986 йил, 10-сон) қиссасида ҳам асосий қаҳрамон Фотима умр йўлдоши Сарвардан «қора хат» олишдан олдин ёмон туш кўради. Бундай мисолларни бошқа асарлардан ҳам келтириш мумкин. Бу хил қайтариқлар

¹ Й. Сулаймон. Авлодлар. Қисса ва қатралар. «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент, 1986 йил. Парчаларни шу нашрдан келтирамыз.

ўқувчининг энсасини қотиришдан бошқа нарсага хизмат қилмаслиги маълум ҳақиқатдир. Фақат бу ҳақиқатни ёзувчиларимиз ҳам билиб қўйишса, яхши бўларди.

Ҳарбий прозамизнинг бир қатор намуналарида қаҳрамонларнинг ички ҳолатларини, психологиясини кузатишдан кўра тезроқ шон—шухратга ўраб ташлашга, шу йўл билан китобхоннинг уларга нисбатан бўлган эътиборини оширишга мойиллик ҳолатлари учрайди. Аслида бундай кўргазмабоп қаҳрамоннинг адабиётга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Иккинчи жаҳон уруши фронтларида жангчилар мукофотлар, унвонлар учун эмас, балки юртига бўлган садоқати, қолаверса, оддий фуқаролик бурчи туфайли ҳаёт—мамот кураши олиб борганлар. Ўша пайтлари уларнинг бундай нарсалар ҳақида ўйлашга вақтлари ҳам бўлмаган. Аммо баъзан шундай асарлар ҳам учрайдики, қаҳрамони, гарчи унчалик ҳайрон қолдирадиган даражада ишлар қилмаса—да, кетма—кет мукофот олишдан бўшамай қолади. Бундай асарлар, турган гапки, адабиётимиз рўйхатини беэмайдди. Энди «Авлодлар» қиссасига қайтайлик. Асарда шундай бир эпизод бор. Мария командирлик қилаётган партизанлар қўшилмасига Жилько келади. У Мариянинг қишлоқдоши, севган йигити Олеснинг ўртоқларидан бири. Унинг ўзи ҳам Марияни пинҳона севади. Мана шу йигит ҳақида айрим гумонли гаплар юради. Жилько Марияга Олеснинг Украин миллатчилари сафига ўтиб кетганлиги ва коммунистларга қарши курашда ҳалок бўлганлиги ҳақида газетада ёзилган бир мақолани кўрсатади. Марияни бу хабарга унчалик ишонтира олмагач, Олеснинг энг яқин дўстларидан бири Пашконинг номидан унга ёзилган хатни ўқишга беради. Хатда ҳар иккаласининг ҳам (яъни Олес ва Пашконинг) фашистларга хизмат қилаётганини кўрсатувчи гаплар бор эди. Шунда Жилько билмасдан ўзини фош қилиб қўяди. Чунки Пашко ўша қўшилма сафида жанг қилаётган бўлади. Муҳими, жанговар ишга кетаётгани учун мария Жильконинг қўл—оёғини боғлаб, қамаб қўяди ва эртасига кўпчилик олдида уни фош қилмоқчи бўлади. Лекин барибир бу гаплар унинг дилига хиралик солади. Шу пайтга қадар севган йигитидан ҳеч қандай хат—хабар йўқ. Бунинг устига Мариянинг ўзининг ҳам ишлари кўплигидан у ҳақда ўйлашга вақти бўлмаган. Энди шу воқеа муносабати билан қиздаги ички кечинмаларни, соғинч, хавотир, гумон каби туйғуларни кўрсатиш учун имконият туғилади. Ҳўш, ёзувчи бу имкониятлардан қандай фойдаланади? Қаҳрамоннинг ушбу ҳолати унинг «...дилини бетайин шубҳалар тирнарди. Мария ўзини қанча ишонтирмасин, кўнглидаги шубҳаларни ситиб чиқариш учун қанча уринмасин, барибир дилининг бир чеккасини туман ўраб турарди» (ўша китоб, 115—бет) дея изоҳ бериш билан чекланиб қўя қолади. Кейинчалик эса бу

масала осонгина ҳал бўлади қўяди. Бир киши Олеснинг сурати ва унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони бериш ҳақида фармон чиққан газетани олиб келиб кўрсатади. Уни кўргач, Мария «Олесь, менинг оқ кўнгиллигим, сенинг мардлигингни билардим... сен — тириксан, сен — ўлмайсан! Сенсиз энди мен қандай яшайман, Олесь?!» (ўша китоб, 118—бет) деган хитобнома гапларни айтади. Шу билан асарнинг энг драматик нуқталаридан бири бўлиши, қаҳрамон қалбидаги ички коллизиялар кўрсатилиши, китобхонларзага келиши лозим бўлган бир ҳолат яқунланади. (Шундай талқин М.Туробованинг юқорида тилга олинган қиссасида ҳам учрайди. Унда ҳам психологик таҳлил ўрнига қаҳрамонга олий унвонни бериб, бундай «ташвишлар»дан ҳаммани қутултириб қўя қолинади).

«Авлодлар» қиссасида кўзга ташланадиган бошқа бир камчилик — асарда Ўзбекистон ва Украина ерларида содир бўлган воқеалар тасвири бир—биридан ажралиб қолганлигидандир. Ахир бош қаҳрамон Мария ва унинг ёнидаги Искандарнинг тақдири буларни бирлаштириб туради — ку, деган эътироз бўлиши мумкин. Тўғри, ҳар икки қаҳрамонни ҳам повестнинг дастлабки саҳифаларидан бошлаб биргаликда кўрамиз. Аниқроғи, Искандарнинг воқеалар оқимидаги салмоғи бир оз кейин сезила бошлайди. Лекин бу бошқа персонажларнинг тақдирини ярим чала ҳолда ташлаб кетаверишга асос бўла олмайди — ку! Қиссадаги воқеалар ифодаси Ўзбекистондан Украина тупроғига кўчгач, биз дастлабки бобларда танишган персонажлар билан қайта учрашмаймиз. Илк таассуротлар остида улар билан хайрлашишга тўғри келади. Аммо улар билан учрашиш умиди бизни тарк этмайди. Бир — икки жойдаги Мариянинг ҳикояларида, Искандарнинг айрим гапларида уларнинг номлари тилга олинишини эътиборга олмасак, булар ҳақида бошқа маълумотни учратмаймиз.

Бу гапга урғу бераётганимизнинг бошқа сабаби ҳам бор. Маълумки, Мария бир йил Қўқон атрофидаги Қайнарбулоқда ишлагач, бобоси ва бувисидан хабар олгани юртига боради. Бунда у ўзига қадрдон бўлиб қолган хонадоннинг фарзанди. — Халил ота ва Хонбиби холанинг невараси, Насибаҳоннинг якка — ёлғиз ўғли Искандарни ҳам ола кетади. Улар етиб боргандан сўнг орадан бир неча кун ўтгач, уруш бошланиб қолади. Бу шароитда Искандарни юртига қайтариб юборишнинг эса иложи бўлмайди. Улар яшаётган Олевск қишлоғи чегарага яқин бўлгани учун фашистлар бу ерга жуда тез етиб келиб қолишади. Ёшлар жанг майдонларига йўл оладилар. Қолганлар, жумладан, Мария ҳам, ўрмонга партизанлик қилгани жўнашади. Қишлоқда эса, асосан, кексалар ва болалар қолишади. Искандар Мариянинг буваси Петр Никитич, буваси Вера

холалар билан биргаликда қолади. Вера хола вафот этгач, улар ҳам партизанларга келиб қўшилади. Бир нарса ажабланарлики, Искандарнинг бу ерда қолиб кетганидан Мария ҳам, унинг оила аъзолари ҳам унчалик қаттиқ безовталанмайди. Бунга китобхон ишониши қийин, албатта. Чунки Искандарнинг тақдири уларни ўйлантирмаслиги мумкин эмас эди. Ахир, бу бола улар туфайли бу ерга келган — ку! Буни ҳисобга олмаслик мантиқсизлик бўлиши турган гап. Бир ўринда Искандарнинг шундай ўйлари бор: «Энди қандай кетаман? Нимага келдим? Бувимнинг гапларига кирмадим — Мурғак дили типирчилаган Искандар шу топда Мариядан ҳам хафа бўлиб кетди. — Қистаб қўймади, — ўйлади яна у, — мана энди нима қиламан?» (ўша китоб, 58 — бет). Искандарнинг хаёлидан шундай гапларни ўтиши табиий эди. Лекин ёзувчи қаҳрамондаги бундай жиҳатлар билан унчалик қизиқиб ўтирмайди.

Шунингдек, Искандарнинг ўзи ҳам бу борада унчалик безовталанмайди. Тўғри, бошда унда бир оз шунга ўхшаш ҳолат бордек туюлади. Буни қуйидаги ўринда кузатамиз: нимагадир сўнгги кунларда «уруш» сўзи одамлар томонидан кўп тилга олинадиган бўлиб қолади. Уларда қандайдир нотинчлик кўзга ташланади. Бундай умумий кайфият унинг ҳам мурғак қалбида акс садо бергандек бўлади. «Агар уруш шу ўртада бўлиб, қайтиб кетолмасам, отам, бувим, аямнинг ҳоли нима кечади? Фашистлар ўлдириб қўйишса — чи? Бувимнинг гапларига кирсам бўларкан? Кетгунимизча уруш бўлмасин! Олесь акам, Мария опам нега хафа? Улар бир нимани билишади. Мария опамни тезроқ кетишга кўндираман. Петр Никитич билан Вера бувимни ҳам олиб кетамиз» (ўша китоб, 57 — бет) деган гаплар унинг хаёлидан ўтади. Кейинчалик эса, деярли қишлоғини ҳам, бобоси, бувиси ва аясини ҳам эслаб ўтирмайди. Қўлидан келганча бу ерда орттирган дўсти Саша билан биргаликда катталарга ёрдам бериб юради. Варақалар ёпиштиришади, фашистларнинг байроғини қиймалаб ташлаб, ўрнига қизил байроқ тикиб қўйишади ва ҳоказо. Бу ерда ёзувчи Искандарнинг бор — йўғи ўн бир ёшга кирган бола эканини ҳам, унинг Халил ота хонадонидан Ёндошалидан қолган яккаю ёлғиз суянчиқ эканини ҳам унутади. Бошқа бир жойда Искандар томонидан айтилган гап ҳам ғалати таассурот қолдиради. Мария унга «сени Ўзбекистонга жўнатамиз», деган гапни айтганди, у ҳеч ўйламасдан «Йўқ!.. Сиз билан қоламан! Уч йилдан бери Сизлар билан биргаман — урушдаман. Ҳеч қаёққа кетмайман», (ўша китоб, 119 — бет) деб жавоб беради. Хуллас, бундай руҳий ҳолатлар тасвири четлаб ўтилган ёки эътиборсиз қолдирилган ўринлар асарда кўплаб топилади.

Биз юқорида ижодий тажрибаси, ёзиш услуби бир — бирдан фарқ қиладиган бир нечта ёзувчимизнинг асарлари хусусида фикр юритдик. Мазкур асарларнинг кўпчилигини бирлаштириб турадиган бир жиҳат борки, унга эътибор қилмаслик мумкин эмас. Бу умумийлик иккинчи жаҳон уруши давридаги ҳаёт билан ҳозирги кунларни бир — бирига муайян воситалар, қаҳрамонлар тақдири орқали туташтиришда, шундан келиб чиқиб, замоннинг муҳим маънавий муаммоларига муносабат билдиришга бўлган интилишда кўзга ташланади. Шунингдек, турлича ҳаётий тажрибага эга ёзувчиларимиз бир нуқтага эътиборни қаратган, бир даврни — уруш даврининг ўзини тадқиқ этган асарлар ҳам бор эканини юқорида кўриб ўтдик. Албатта, бу ишни ҳар бир ёзувчи ўз имконияти ва истеъдоди даражасида амалга оширган. Масалан, С.Анорбоевнинг «Арафа», Ф.Мусажоновнинг «Кўргулик» каби ҳикояларида, кўрганимиздек, бу иш анча табиий, бадийлик талабалари назарда тутилган ҳолда бажарилган. Ҳозирги кунимиз билан уруш даври ҳаёти жуда силлиқ ва табиий бир тарзда боғланиб кетади. Ҳ.Ғуломнинг «Мангу олов» ҳикояси ҳақида эса бу гапларни айтиб бўлмайди. Аввало, унда уруш майдонидаги воқеалар билан ҳозирги ҳаёт бир — бирига заиф, зўраки боғланган, композицион бутунликка эга эмас. Бундай эътиборсизлик ҳикоянинг бошидан давом этиб келаётган мавҳум таассуротни яна баттар мавҳумлаштириб юборади. Афсуски, биз кўздан кечирган «Жанггоҳ», «Сайли», «Авлодлар» каби асарлар ҳақида ҳам, кўрганимиздек, ижобий гап айтиш қийинроқ.

Шу кузатганларимиз бир фикрни айтишга асос беради. Иккинчи жаҳон уруши мавзуси — ғоят мураккаб ва масъулиятли мавзу. Унга қандайдир бир адабий эрмак, бошқа ёзадиган дурустроқ нарсa топилмай қолган пайтларда ҳаёлга келганини тўқиб ташлайверадиган, китобхонни бемалол лақиллатиш мумкин бўлган материал сифатида қараш, халқ таъбири билан айтганда, гуноҳ бўлади. Ўтган урушнинг ҳеч унутилмайдиган маънавий сабоқларини замонга хизмат қилдириш, бугунги тажрибаларимиз асосида келажакни яратиш учун кураш кетаётган ҳозирги шароитда бундай муқаддас мавзуга эътиборсизлик билан ёндашиш, унинг масъулиятини ҳис қилмаслик кўзга айрича ташланиб қолади, бундай қалам эгаларидан ўқувчиларнинг ихлосини қайтариб қўяди. Шунинг учун ҳам эстетик ва тарбиявий аҳамияти ғоят баланд бўлган ушбу йўналишда бадий баркамол асарлар яратиш носирларимиз олдида турган энг муҳим ижодий вазифадир.

Инсон — ҳаётдаги жамики мураккабликнинг, тилсимотнинг мужассами. У ўзига хос бўлган хусусиятларни ҳар қандай ҳолат ва шароитларда намоён қилавермайди. Муайян вазият етилгандагина

ундаги ҳақиқий инсоний сифатлар юзага чиқиши мумкин. Ижодкор бу жиҳатни ҳисобга олмаслигига, у ҳақда қайғурмаслиги мумкин эмас. Инсон бор эканки, ҳаётда бундай вазиятлар ҳамиша топилади. Ҳамма гап бадиий асар яратаётган одамнинг кундалик тирикчилик оқимидан уларни ажрата билишида, топа олишида. Бошқачароқ сўз билан айтганда, ёзувчилик нигоҳининг қай даражада ўткирлигига, маҳорат даражасининг баландлигига.

Уруш даври ҳаётида бундай «етилган вазиятлар», инсондаги ички мазмунни тинч шароитдагига нисбатан тез намоён қиладиган мураккаб воқеалар ғоят кўп учраши табиий. Шу мавзуда асар ёзаётган ижодкор учун бу борада имкониятлар чексиздир. Фақат ҳамма гап бу имкониятлардан қандай фойдаланишда, холос. Шу масалада мақсади ягона, умумий, яъни уруш шароитидаги инсонни кўрсатиш бўлган қалам соҳиблари бадиий маҳорат зиналаридан кўтарилаётган пайтларида истеъдоди даражасига қараб унинг турли босқичларига тарқаб кетишади. Бири зинанинг юқори босқичларига қадар чиқиб бора олади, истеъдоднинг қуввати шунга имкон беради, пировардида, адабиётнинг ривожига ҳисса қўшиб, катта ижодий жасорат кўрсатади. Бошқаси унинг ўрталаригача етиб кела олиши мумкин. Учинчиси эса зинанинг пастки пиллапояларидаёқ қолиб кетади, ёзган асарларида жонли манзаралар ўрнига ялтироқ, жим—жимадор жумлалар тизимини, ҳаётининг характери ўрнига аллақайси китобданми, кинофильмданми кўчириб олинган одам қиёфасидаги схемаларни ўқувчига тақдим қилишни ўзига эп кўради. Юқоридаги бобда маҳорат зинасининг турли босқичларида туриб ёзилган ана шундай асарларни таҳлил қилишга, уларда қаҳрамонлар характери уруш даври ҳаёти билан боғлиқ қандай воқеалар, вазиятлар орқали очиб берилганини кузатишга, бу борадаги ёзувчиларимизнинг маҳорат даражалари ҳақида ўз мулоҳазаларимизни баён қилишга ҳаракат қилинди.

КИЧИК ШАКЛДА КАТТА ГАП АЙТИШ МАҲОРАТИ

Одатда вақтнинг ўтаётгани фарзандларнинг, авлодларнинг вояга етишаётганига қараб белгиланади. Шу маънода уруш тугагандан кейин кўп йиллар ўтди. Лекин бу йиллар оғир синов кунларини одамлар хотирасидан суриб чиқаргани, хиралаштириб қўйгани йўқ. Балки, аксинча, йиллар ўтган сари иккинчи жаҳон урушининг тарихи шунчалик муқаддас бўлиб, шунчалик салобат касб этиб, у ҳақдаги тасаввурларимиз эса янада тўлишиб, мукаммаллашиб бораёпти. Ватандошларимизнинг қони, имони ва эътиқоди билан битилган бу тарих фақат катталар учунгина эмас, яъни чоқда ёшлар — кейинги авлодлар учун ҳам ғоят эъзозли, ифтихорли ва айни чоқда ибратли тарих бўлиб қолаяпти. Ҳозир бу

мавзуга ёзувчиларимизнинг турли авлоди вакиллари мурожаат қилишгаётганини, қатор—қатор асарлар яратишгаётганини биз юқорида ҳам таъкидлаган эдик. Лоақал, ушбу гапларнинг тўғрилигига ўзбек адабиётининг кейинги 15—20 йиллик тараққиёт жараёнига назар ташлаш орқали ҳам амин бўлиш мумкин. Иккинчи жаҳон уруши даврини турли даражада биладиган, уни ўзининг ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб тасаввур қиладиган ҳар хил ёшдаги ёзувчиларимиз бу мавзуда кўплаб асарлар битишмоқда. Уларнинг ҳаммаси ҳам бадиийлиги, ўша давр ҳаётини ҳаққоний ёрита олиш жиҳатидан бир хил бўлмаслиги турган гап. Бу, албатта, ҳар бир ёзувчининг воқеалар ва характерларни тасвирлашдаги ўзига хос услуби билан белгиланади.

Ў.Ҳошимовнинг уруш мавзудаги бир қатор асарлари ҳам сўнгги йиллар адабиётимизда алоҳида ажралиб туради. Шу ўринда озгина изоҳ беришга тўғри келади. Ў.Ҳошимовнинг ижодида «уруш ва инсон тақдири» деган масалага муносабат икки хил кўринишда намоён бўлади. Биринчи кўринишга мансуб асарларда уруш оқибатларини тасвирлаш бош муддао сифатида эмас, балки муайян характер ҳақидаги тасаввурларни кенгайтирадиган тафсилотлардан бири тарзида берилади. Бу тафсилот ташқи жиҳатдан шунчаки, йўл—йўлакай айтилаётган гапга ўхшаб кўринса—да, аслда асар сюжети таркибида салмоқли аҳамиятга эга эканлигини, ёзувчи унга катта бадиий маъно юклаётганини сезиш қийин эмас. Чунки ана шу йўл—йўлакай тилга олиниб кетаётган уруш оқибати билан боғлиқ воқеа аксарият ҳолларда оғир фожиавий кўринишга эгадир. Масалан, ёзувчининг «Янга» ҳикоясидаги Акмалнинг отаси уруш йилларида меҳнат баталёонига кетган ва у ердан қайтиб келмаган. Шунинг учун отасининг қандай одам эканлигини эслай олмайди ҳам. «Чўл ҳавоси» қиссасидаги Ботирнинг отаси ҳам уруш қатнашчиси, жанг майдонларида бўлган одам. Уруш Ботирнинг тақдирида бошқача из қолдиради. Отаси урушдалигида онаси бошқага турмушга чиқиб кетади, уч яшар гўдак Ботир эса аммасининг қўлида қолади. Отаси урушдан қайтгач, бошқа оила қурмайди, ўғлига бор ҳаётини бағишлайди. «Гунафша» ҳикоясининг асосий қаҳрамонларидан бири Нигоранинг отаси ҳам урушда ўлган. «Уларни танимаيمان ҳам...» дейди алам билан у. Онаси мактабда ўн йил фаррошлик қилиб қизини ўқитади. «Кўприк» ҳикоясида эса шундай тасвир бор. Қишлоқ кексалари маслаҳатлашиб, Томчисойга кўприк қуришмоқчи бўлишади. Кексаларнинг бу ишни зиммаларига олишининг боиси бор: «... қишлоқнинг манаман деган йигитлари урушга кетган, замон оғир...» Бу ишда, айниқса, Рустам исми қария ғайрат кўрсатади. У ҳақда «кексайиб қолган бўлса ҳам Рустаммисан Рустам эди—да, ўзиям», дейди ҳикоячи қаҳрамон. Бир вақт улар ишлаётган жойга «қишлоқ томондан сочлари тўзғиган

хотин» югуриб келаётганини кўришади. Бу Рустамнинг хотини бўлади. У ишлаётганларга яқинлашганда юз тубан йиқилади. Сўнгра чўккалаб олиб, «Ойинг ўлсин, болам! Ўн гулидан бир гули очилмаган бўтам...» деб фарёд чекиб ҳайқиради. Кимдир Рустамга «ўғлингиздан қора хат кепти» деган хабарни етказади. Шу дақиқадаги, яъни ўғлининг ўлими ҳақидаги хабарни эшитган отанинг ҳолати шундай берилган: «Рустам турган ерида бир қалқиди — ю, қаддини ростлаб олди. Тошдан тошга ўтиб, секин қирғоққа чиқди. Кафтлари билан чаккасини қисиб олганча, узоқ ўтирди. Кўзларидан икки томчи ёш юмалаб тушиб, лабининг ёнида тўхтаб қолди. Назаримда бирданига кексайиб қолгандек бўлди».¹ Рустамдаги бу оғир руҳий ҳолат унинг тенгдоши бўлган ҳикоячи қаҳрамон нуқтаи назари орқали берилган. Ёзувчининг «Дард», «Ўзбеклар», «Ҳотам хасиснинг хазинаси» ҳикояларида ҳам урушнинг одамлар тақдирида қолдирган фожиали излари ҳақидаги қисқа, лекин сермаъно тасвирларга дуч келамиз. Ў.Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романи бутунлай тинч ҳаёт мавзусида ёзилган асардир. Лекин ундаги қаҳрамонлар тақдирига чуқурроқ разм соладиган бўлсак, ўтган уруш баъзиларнинг тақдирида ўчмас из, битмайдиган жароҳатлар қолдирганини кўрамиз. Асарнинг бош қаҳрамони Шерзоднинг отаси урушда бир оёғидан ажралиб келади. Иккинчи оёғидаги снаряд парчаси ҳам зўриқиб кетиб, қорасон бўлади. Охири урушдан орттирган дардлари уни олиб кетади. Романдаги воқеалар оқимида ўзи кўринмайдиган, лекин унинг ривожига билвосита иштирок этадиган тиниқсойлик ўқитувчи Азимжон Эргашев урушдан бир кўзи кўр бўлиб келади. «Одамларнинг айтишига қараганда Азимжон аканинг унаштириб қўйилган қизи бор экан. Унинг урушдан бир кўзи кўр бўлиб келганини эшитибди — ю, бошқа одамга тегиб кетибди. Ўшанда Азимжон ака, энди ҳеч қачон уйланмайман, деб қасам ичган эмиш»¹ дейилади у ҳақда асарда. Шерзодни касалхонада даволаган доктор опа Ленинград қамалидан омон чиққан бир болани олиб тарбиялайди, кейинчалик уни уйлантириб, уйли — жойли қилади, неваралик бўлади. Опа Шерзодга невараси ҳақида гапира туриб, унинг дадаси — асраб олган ўғли ҳақида шундай дейди: «Дадасиям кичкиналигида шунга ўхшарди. Фақат жуда озғин эди, касалманд эди. Ленинград блокадасидан олиб келинган етимлар ҳаммаси шунақайди. Болам ўлиб қолади, деб жуда қўрққандим. Йўқ мана, ўзидан кўпайди» («Нур борки, соя бор», 144 — бет). Роман қаҳрамонларидан яна бири Зуҳранинг дадаси Сулаймон Рустамович ҳам — уруш қатнашчиси. У Зуҳранинг онаси билан турмуш қуришгандан сўнг кўп ўтмасдан фронтга кетган. Икки йил жангларда қатнашади. Курск остонасида оёғидан оғир яраланиб,

¹ Ў.Ҳошимов. Нимадир бўлди. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Т., 1976, 71-бет

¹ Ў.Ҳошимов. Нур борки, соя бор. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1997, 110-бет.

юртига қайтади. Унинг асорати орадан кўп йиллар ўтгандан кейин ҳам билиниб туради. «Нур борки, соя бор»да яна бир персонаж бор. Унинг исми асарда берилмайди. Лекин у иштирок этадиган эпизод романдаги воқеалар оқимининг қайноқ нуқталаридан бири, дейиш мумкин. Бу киши — уруш қатнашчиси. У Сайфи Соқиевичнинг универмаги ёнидаги мактабда ўтказилган учрашувда иштирок этади. Бу ерда унга совға — саломлар беришади. Тантана тутагач, у универмагга кириб, ўша совғани ўраб олиш учун қоғоз сўрайди. Сотувчи йигит эса унга қўпол гап айтади. Уруш фахрийси бундан қаттиқ хафа бўлади. Воқеанинг устига Шерзод келиб қолади. Бу персонажга доир тафсилот энди Шерзод нигоҳи орқали берилади: «Ўнг қўлининг тирсагидан пасти йўқ, ёш боланикидек ингичка, тўмтоқ билаги қўйлагининг қисқа енгидан чиқиб қизариб турарди. Шерзод унинг оппоқ қўйлагига қадалган орден колодкасини кўриб қолди. «Фронтвик экан!» деган хаёл лип этиб фикридан ўтди» («Нур борки, соя бор», 191 — бет). Ёзувчи ижодидаги бундай тасвирларни унинг бошқа асарлари мисолида яна давом эттиравериш мумкин. Шунинг ўзи ҳам бундай кўриниш алоҳида эътиборга ва тадқиқотга муносиб ҳолат эканлигини кўрсатиб туради. Ёзувчи ижодидаги иккинчи кўринишга Ў.Ҳошимовнинг уруш, инсон қисматида унинг қолдирган аччиқ излари, изтироблари ҳақида кенг, батафсил ва тўғридан — тўғри ҳикоя қилувчи асарлари киради. Булар орасида, айниқса, унинг «Урушнинг сўнгги қурбони» номли ҳикояси ўзининг қатор бадий фазилатлари билан диққатни тортади.

Ёзувчининг «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикояси адабий танқидчиликда анча юқори баҳога сазовор бўлган асар. Жумладан, устоз танқидчи М.Қўшжонов «Ўткир Ҳошимовнинг «Урушнинг сўнгги қурбони» номли ҳикояси ҳажм жиҳатдан кичик жанр бўлса ҳам ҳикоянинг имкониятлари катта эканлигини кўрсатади», — деб ёзади.¹ Бошқа бир қатор танқидчилар ҳам бу асар ҳақида илиқ гаплар айтишган. Бир қарашда ҳикоядаги воқеаларнинг урушга унчалик алоқаси йўқдек туюлади. Бунинг устига улар жуда қисқа вақт ичида бўлиб ўтади. «Урушнинг сўнгги қурбони»ни ўқиб, у бизда қолдирган оғир таассуротларнинг мағзини чақа бошлаганимиздан кейингина ёзувчи айтмоқчи бўлаётган гапнинг маъноси равшанлашиб, уруш даҳшатини яна бир бор ҳис қилгандек бўламиз. Уруш олови фақат жанг бўлган жойларнигина эмас, балки ундан узоқ — узоқларни ҳам ўз комига тортганини бир оилада содир бўлган фожиа мисолида кўрамиз. Урушнинг тўрт йил давомида эсиб турган совуқ изғирини одамларнинг ҳаётини ночорлаштириб, асабларини толиқтириб, таранглаштириб қўйганини, у инсонлар учун оғир бир қисмат эканини англаймиз.

¹ М.Қўшжонов. Матно ва мезон. Ғ.Ғуллом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1974, 10-бет.

Ҳикоя тўғридан — тўғри нохуш бир ҳолат тасвири билан бошланади. «Шоикром айвон тўғридаги сандал четида хомуш ўтирарди. Аллақачон баҳор келиб, кунлар исиб кетганига қарамай, ҳамон сандал олиб ташланмагани, аммо ҳеч ким бу тўғрида ўйлаб кўрмаганини у энди пайқагандай гаши келди. Бўз кўрпа устидан ёпилган, шинни доғи қотган қуроқ дастурхон ҳам, ҳозиргина гўжадан бўшаган сопол товоқ, банди куйган ёғоч қошиқ ҳам унинг кўзига хунук кўриниб кетди».² Ёзувчи «баҳор келиб, кунлар исиб кетганига қарамай, ҳамон сандал олиб ташланмагани, аммо ҳеч ким бу тўғрида ўйлаб кўрмагани»ни қаҳрамонлар нигоҳи воситасида бежиз эслатаётгани йўқ. Одамлардаги кайфият шу даражага келган. Ҳаётнинг оғир ташвишлари уларни толиқтирган, унча — мунча нарсаларга эътиборсиз қилиб қўйган. Бу парчада ёзувчи бизни фақат Шоикромнинг кайфияти билангина эмас, айтим чокда унинг турмуш тарзи, яшаш шароити билан ҳам таништиради. Бўз кўрпа, қуроқ дастурхон, гўжадан бўшаган сопол товоқ, банди куйган ёғоч қошиқ каби кетма — кет қўлланаётган деталлар бизга шу ҳақда тасаввур бераяпти. Ёзувчи йўл — йўлакай «ҳовлининг ярмигача ариқ тортиб экилан қулупнай пушталари», «онда — сонда ранг олган қулупнайлар», қаёқдандир пайдо бўлган шамол, ҳовли этагидаги ёнғоқ дарахти шоҳларининг гувиллаши кабиларни ҳам эслатиб ўтади. Бу дақиқаларда кўпроқ Шоикром хонадонидаги нохуш аҳволнинг сабаблари билан қизиққанимиз учун, дастлаб уларга жиддийроқ эътибор бермаймиз. Ниҳоят, қаҳрамоннинг ички дардларини юзага чиқариб, «Шу кунимдан кўра урушга бориб ўлиб кета қолганим яхшийди», дейиши билан масала бир мунча ойдинлашгандек бўлади, айтим чокда қаҳрамонга даҳддор шу лавҳага якун ҳам ясалади.

Энди ёзувчи тасвир йўналишини бошқа томонга буради, диққатимизни янги тафсилотларга тортади. Натижада қаҳрамон ҳақидаги тасаввурларимиз доираси кенгаяди. Шоикромнинг тўқимачилик комбинатида ишлашини, бу ерда монтерлар етишмагани учун уни урушдан олиб қолишганини, хотини инжиқроқ бўлгани учун, онаси Умри хола ота мерос ҳовлини иккига бўлиб, унинг рўзгорини бошқа қилиб берганини, ўзи эса оғир касалга чалинган кичик ўғли Шонезмат билан нариги ҳовлида туришини билиб оламиз. Шундан сўнг диққатимиз яна асосий воқеалар оқимида қайтади. Вақт алламаҳал бўлганда Умри хола Шоикромларникига чиқади. Суҳбатлашиб ўтириб, онаси гап орасида: «Пайшанда кунни Комил тайибнинг уйига борувдим. Ҳар кун наҳорга бир косадан қўй сути ичса, дард кўрмагандай бўлиб кетади, деди», («Дунёнинг ишлари». Қисса ва ҳикоялар, 214 — бет)

² Ўткир Хонимов. Душнинг иллари. Қисса ва ҳикоялар. Ғ. Ғулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. 1982 йил, 211-бет. Кейинги парчаларини ҳам шу нашрдан келтирамиз.

дейди. Бу гап эр — хотинга турлича таъсир қилади. Шоикромнинг ҳаёлига тўсатдан хаста укаси келади. Олдинги нохуш кайфиятга яна бир қўшимча — анча кундан бери укасидан хабар олмагани учун руҳан эзилиш, онасининг олдида хижолат бўлиш туйғуси қўшилади. Шу билан бирга бу гап воқеалар ривожини Шонеъмат билан боғлиқ тафсилотларга ҳам олиб келиб улаяпти. Шу ўринда бир нарсани кузатамиз. Ёзувчи қаҳрамон елкасидаги юкнинг салмоғини аста — секин ошириб, драматизмни ҳам шунга мос равишда кучайтириб боришга интилаяпти. Бу масаланинг бир жиҳати. Унинг иккинчи жиҳати ҳам бор. У шу суҳбат чоғида Шоикромнинг хотини Хадичанинг Умри холага қарата айтган гапидан келиб чиқади. «Ҳозир қўй сути қатта? — деди Хадича. — Сигир сути отликқа йўғу... Шу пайтда сигиримиз туққан бўларди — я». Бу гаплар, аввало, Хадичага маълум даражада характеристика берапти. Сўнгра эса кейинги воқеалар ривожини учун туртки вазифасини ўтаяпти.

Олдин қаҳрамонни асаблари таранг, тажанглашган ҳолда кўрган бўлсак — да, ўзаро муносабатлар нисбатан «тинч» кечаётган эди. Мана, ниҳоят, ўша «тинчлик» ҳам бузилади. Шоикромдаги кайфият шу даражага борадики, онаси чиқиб кетгач, беихтиёр «портлаб кетади», хотинини ҳақорат қилади. «Падарига лаънат шунақа турмушнинг! — деди Шоикром бўғилиб. Кейин дастурхонни йиғиштираётган хотинига ўшқирди. — Сениям падарингга лаънат! Тумшугингнинг тагидан сигирни етаклаб кетса — ю, анқайиб ўтирсанг!». Хотини ҳам қолишмайди. Шунга яраша жавоб қилади. Йиғламосираб гап орасида, «Нима, мениям Илҳом самоварчининг хотинидай сўйиб кетсинмиди?» дейди. Қаҳрамондаги хунобгарчилик баттар ошади. «Шоикром хотинини тарсакилаб юбормаслик учун юзини ўгириб, тишини ғижирлатди», деб изоҳлайди ёзувчи бу ҳолатни. Ў.Ҳошимов Хадичанинг гапларидан бу ўринда ҳам воқеалар оқимида туртки берувчи восита сифатида фойдаланади. Эр — хотин ўртасидаги гап — сўзлар оила муҳитини ёриб, кенгроқ майдонга чиқаяпти, замоннинг оғирлигига келиб боғланыпти, ўша кунлардаги шароитга айрим жиҳатлардан баҳо берапти. «Сув қалқиса, лойқаси юқорига чиққандай, замон қалқигандан буён ёмон кўпайди. Эрта баҳорда уларнинг туғай деб турган сигирини ўғирлаб кетишди» — дея ёзувчи шароит қанчалик оғирлигини кўрсатишга урғу беради. Шу тарзда тасвирда ички мантиқни вужудга келтирувчи халқалар бир — бирига улаб борилади. Сутнинг шифо бўлиши ҳақидаги гап сигирга, сигир ҳақидаги гап ўғирликка, ўғирлик ҳақидаги гап эса шароитнинг оғирлиги, замоннинг мураккаблигига боғланиб кетади. Халқалар ўзаро туташиб, узайгани сари ҳикоядаги драматик оҳанг ҳам кучайиб, таранглашиб бораверади.

Ёзувчи қаҳрамон қалбида кечаётган туйғулар оқимини янги босқичга олиб ўта бошлайди. Энди ундаги нохуш кайфият — тажанглик, серзардалик ички, ёпиқ ҳолатдан ҳаракатга кўчади ва аниқ бир нуқтага қаратилади. Шу ўринда ёзувчи яна «туртки» га мурожаат қилади. «Шу кунда яна ўғри оралаб қолди, — деди Хадича кўрпачани қоқиб, танча четига соларкан. — Қулупнай қизармасдан битга қўймай териб кетяпти». Шоикром бир марта «Ваҳима қилма!» — дейди. Бу билан ҳам Хадичани, ҳам ўзини тинчлантирмоқчи бўлади. Лекин хотини «туртки» беришда давом этади. Эрининг «ўғри қулупнайга келадими?» деган гапига «нега келмас экан? Бир ҳовучини опчиқиб сотса, бир коса жўхори беради. Ана, бориб қаранг, деворнинг бир чети ўпирилиб ётибди!» дея жавоб беради. Шоикром иккинчи марта «Ваҳима қилма!» — дейди. Лекин бу сафар негадир овози «ғўлдираб» чиқади, «ўзининг ҳам юраги сесканиб» кетади, «кўнгида пайдо бўлган ғашликни сездирмалик учун ҳовлига» тушади. Ў.Ҳошимов қаҳрамондаги бу муҳим ҳолатни янада чуқурлаштиришни давом эттиради. «У айланиб ёнғоқ тагига борди. Борди — ю, чиндан ҳам деворнинг чети ўпирилганини кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. Назарида деворнинг кемтик жойидан биров мўралаб тургандай бўлди. Ёнғоқ шохларининг шамолда вишиллаши ҳам, оёқ остида тўкилиб ётган девор тупроғи ҳам шубҳали, ваҳимали кўриниб, дарров орқасига қайтди... У чироқни ўчириб, сандал четига ётди — ю, кўнглидаги ғўлгула кучайиб кетаверди» («Дунёнинг ишлари». Қисса ва ҳикоялар, 217 — бет). Ёзувчи бу ўринда қўшимча ёрдамчи воситага — табиат тасвирига мурожаат қиляпти, унга аниқлик берувчи шамол, ёнғоқ дарахтидан чиқаётган ёқимсиз овоз каби деталларни ишлатяпти. Бу деталларга олдин ҳам дуч келган эдик. Лекин олдин улар шунчаки, йўл — йўлакай тилга олиниб ўтилган, бирон муҳимроқ вазифани бажармаганди. Бу ўринда эса муҳим бадий мақсадни очишга, қаҳрамондаги жиддий руҳий ўзгаришни кўрсатишга хизмат қиляпти. Ёзувчи шу тасвирни яна такрорлайди. Бунда шамол борган сари авжига чиқаётган, ёнғоқ тобора шубҳали гичирлаётган бўлади. Уларнинг ёнига «аллаким «шип — шип» қадам босиб, айвон лабига келаётгандай бўлади» деган ифода қўшилиб, қаҳрамондаги руҳий ҳолат ифодаси янада қуюқлаштирилади. Бу бошқа воситалар орқали ҳам кучайтирила боради. Ёзувчи ҳикояда Шоикромнинг хаёлидан кечаётган ваҳималарнигина эмас, балки айна чоқда унга монанд бошқа ўйларини ҳам тасвирлайди. Нима сабабдандир шу дақиқаларда у ўзига таниш бир йигитнинг ҳовлисида фарқ пишиб ётган узумларни ўғирлаб кетишганини эслаб қолади. Кўнглида тўсатдан «ўзи йўғида уйини ўғри босса, хотини дод солса, пичоқлаб ташласа. У ёқдан онаси чиқса, унияш пичоқласа...» деган ваҳимали гаплар ўтади. Қаҳрамон хаёлини банд этган бундай мураккаб туйғулар оқими албатта муайян босқичга

кўтарилиши, маълум тўхтамга келиши муқаррар эди. «Виждонсизлар! Одамларнинг бошига кулфат тушганидан фойдаланиб қоладиганларни қириш керак!» («Дунёнинг ишлари». Қисса ва ҳикоялар, 217—бет). Бу фикр Шоикромнинг хаёлига қандай келиб қолганини ёзувчи изоҳлаб ўтирмайди. Чунки қаҳрамон характери мантиқининг ўзи уни шу даражага олиб келган эди. Пировардида Шоикром не умидлар билан боқаётган гунажинини ўғирлаган, ўлим тўшагида ётган укасини охириги насибасидан маҳрум қилган, бола — чақанинг бирон кунига асқотар деб кўз тикиб ўтирган қулуپнайларни териб кетаётган ярамаслардан қасос олишни кўнглига тутади. Бу, албатта, қаҳрамон келган жуда оғир ва машъум қарор эди. Бу ўринда яна ёзувчи табиат тасвирига мурожаат қилади. Уни тобора ваҳималироқ қилиб бериш учун янги деталлар билан бойитилади. Бу сафар шамолнинг ўкириши, ёнғоқ шохларининг шубҳали ғийқиллаши ёнига «осмоннинг гоҳ у, гоҳ бу бурчагида чақмоқ» нинг ярақлаши ҳам қўшилади. Олдин бундай ваҳимали тасвир қаҳрамон қалбида гулгула ҳосил қилиш, уни маълум бир босқичга кўтариш учун берилган эди. Энди эса у бошқа вазифани, яъни шуларнинг натижаси сифатида Шоикромнинг руҳий оламида кескин психологик ўзгариш, бурилиш содир бўлганини тасдиқлаш учун келтириляпти.

Шоикром михга илиғлиқ турган икки ўрам симни олади, уларни бир — бирига улаб, усти очиқ қисмини қулупнай пушталарига улоқтиради. Қаҳрамоннинг мана шу дақиқалардаги ҳаракатини, ҳолатини ёзувчи гоёт аниқлик билан чизади. У қандай ишга азму қарор қилганини, бунинг даҳшатини яхши билади. Шунинг учун «Менга деса отиб юбормайдими?!» деб қайта — қайта такрорлаб қўяди. Қўллари қалтираб, аъзойи бадани терлаб кетади. Хотинини уйғотиб, «ҳовлига чиқма, болалар ҳам чиқмасин, ўлади!» — дейди.

Фожа содир бўлишидан олдин ёзувчи охириги марта Шоикромнинг кўнглида кечаётган туйғуларга эътиборни қаратади. Худди шу пайтда у нимагадир болаларини, хотинини эмас, укасини ўйлаётган бўлади. Шонеъматнинг ёшлиги, мактабда ўқишлари, отаси ўлганда йиғлай олмай ичкиб касал бўлиб қолгани, онаси иккаласи қандай авайлаб катта қилганлари хаёлидан ўтади. Ака бўлиб ўлим тўшагида ётган укасидан хабар олмагани учун ўкиниб кетади. Булар, табиийки, унга қилаётган ишининг тўғрилигига янада қўшимча далда беради. Келган хулосасини эса қатъийлаштиради. Кўряпмизки, ҳикояда ёзувчи қаҳрамоннинг ҳаётини остин — устун қилиб юбуровчи фожа содир бўлганига қадарги жараённинг ҳар бир нуқтасига алоҳида эътибор қияпти, вазият ва ҳолатни

ойдинлаштирувчи детал ва тафсилотлар ишонарли бўлиши учун астойдил интиляпти. Мана, ниҳоят, ўша фожиа рўй берди. Шоикром қўрқанчли бир овоздан ўрнидан туриб кетди. Чироқни ёқиб, «қулупнай пуштасида мук тушиб ётган одам гавдасини кўрди — ю, даҳшатдан қотиб қолди». Бу — қотилликдан ҳосил бўлган илк таассурот. Бир дақиқа ўзини ўнглайди. «Бошқалари қочди!» — деган фикр хаёлидан ўтади. Шу пайт қаҳрамон дилидаги қилган ишидан даҳшатга тушиш билан ўғрилардан ўч олиш туйғуларининг нисбати тенг даражада бўлади. Эҳтимол, инсондаги бундай ҳолат жуда тез, кўз очиб юмгунча ўтиб кетар. Лекин биз бадий воситалар сеҳри билан уни кузатиш, энг кичик туйғулар харакатини ҳам илғаб олиш имкониятига эга бўламиз. Аммо бу, яна такрорлаймиз, қаҳрамондаги фақат бир дақиқаликкина ҳолат эди. Тасвир давом этади. Шоикром «пушталар устидан сакраб — сакраб юриб бораркан, оёғи ботиб кетаётганини пайқади. Кейин, букланиб ётган одамдан уч қадам берироқда тўхтади — ю бирдан чўккалаб қолди. Бир лаҳза кўзлари олайиб тикилиб турди — да, кўксидан шамол гувирини ҳам, ўз вужудини ҳам ларзага солувчи бир нидо отилиб чиқди:

— Ойи — и — и!

У бошидан ҳуши учиб бораётганини элас — элас ҳис қилиб ўзини ерга отди. Титроқ қўллари билан лой чангаллаганча чўккалаб, кўксини муштлай кетди.

— Ойи! Ойижон! («Дунёнинг ишлари». Қисса ва ҳикоялар, 219 — бет).

Шоикромнинг кейинги харакатлари китобхон ҳисларини ларзага солади, дейиш мумкин. У телбаларча эмаклаб бориб, ўзини онасининг қучоғига отади, муздай юзидан ўпади. Маълум фурсат ўтгач, ўзига келиб, тепасидан турган хотинини, йиғлаётган қизларини, «Неча ҳафталардан буён ўрнидан жилмай ётган... қандайдир куч топиб, эмаклаб чиққан» укасини кўради. Шонеъматнинг гаплари вазиятдан келиб чиқаётган фожиавий маънони янада кучайтириб юборди:

« — Сут ичмай заҳар ичсам бўлмасмиди, — деди Шонеъмат овози титраб.

Шоикром бу ожиз, титроқ товушдан сесканиб, укасига тикилиб қолди.

—Заҳар ичсам бўлмасмиди, —деди Шонеъмат яна ўша оҳангда. Афтидан, у йиғлай олмас, йиғлашга мадори етмасди. Кечаям айтувдим, кўнмадилар. Қулупнайга сут алмашади, дедилар.

Шоикром бошқа ҳеч нимани эшитмади. Эшитолмади. Фойдаси ҳам йўқ эди». («Дунёнинг ишлари». Қисса ва ҳикоялар, 220 — бет). Ёзувчи ҳикояни шу тасвир билан тугатиб қўя қолиши ҳам мумкин эди. Лекин бундай қилмайди. Қуйидаги иловани беради: «Умри холани пешин номозига чиқаришди. Гўристондан чиқиб келишаётганида Шоикром одамларнинг ўзаро гапини эшитиб қолди.

—Уруш тамом бўпти, эшитдингизми?».

Бу илова мўлжалдаги таъсир нуқтасига етиб боради. Ҳикоядаги фожиа оҳангини яна бир парда юқори кўтаради. Демак, уруш тугади. Одамларни оғир аҳволга солган изтиробли кунлар, ниҳоясига етди. Қон тўкишлар энди бўлмайди. Лекин бу ерда — жанг майдонларидан жуда узоқ жойда одамлар бир онани тупроққа қўйиб келишяпти. У ўз ажали билан ўлмади. Ярамас кимсаларга қарата отилган ўқ унга тегди. Қотил — бегона эмас, онанинг ўз ўғли. Эҳтимол, бу урушдаги энг сўнгги ва энг даҳшатли ўлимлардан бири бўлиши мумкин.

«Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикоясида бор —йўғи уч марта «уруш» сўзи тилга олинади. Лекин гап бу сўзнинг қанчалик ишлатилишида эмас. Муҳими, ёзувчи ўша даврни қандай тасвирлай олишида, асардаги воқеаларга китобхонни қанчалик ишонтира олишида. «Урушнинг сўнгги қурбони» гўё яхлит бир организм деб оладиган бўлсак, унинг ҳар бир хужайрасига уруш даври шароитининг руҳи сингдирилиб юборилган. Ҳикоянинг ҳар бир сатридан, лавҳасидан даҳшатли уруш изғиринлари эсиб тургандек бўлади.

Ҳикояни ўқирканмиз, эзгуликка мутлақо зид бўлган, инсон ҳаётини издан чиқариб юборадиган урушни лаънатлаймиз, «у бўлмаганда шунча нохуш, фожиали воқеалар содир бўлмасмиди. Шоикромга ўхшаш одамлар бу қадар даҳшатли аҳволга тушиб ўтирмасмиди», деган гаплар ҳаёлимиздан ўтади.

УЛУҒ ЗОТГА ҚЎЙИЛГАН БАДИИЙ ҲАЙКАЛ

Ў.Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» асаридаги қатор новеллаларда ҳам уруш, унинг оқибатлари, инсон тақдирида қолдирган ўчмас излари ҳақида гаплар бор. Ёзувчи буларни асарнинг умумий композицион йўналишидан келиб чиққан ҳолда

амалга оширган. Асарнинг композицияси турли чекинишларга, ретроспектив тасвирларга кенг имкон берадиган тарзда жуда эркин тузилган. Шу сабабли кичик бир қиссада ўнлаб кишиларнинг қиёфасини кўриш ва 40—45 йиллик давр ичида юз берган, бир — бирига ўхшамайдиган воқеалардан хабардор бўлиши мумкин.

Қиссада уруш, унинг инсон тақдирида қолдирган излари билан алоқадор воқеалар тасвирланган новеллалар алоҳида эътиборга сазовор. Ҳикоячи қаҳрамон ва она — Пошша хола образи атрофида уюшаётган ўнлаб тақдирлар ичида бу уруш аламзадаларнинг ҳам ўрни алоҳида ажралиб туради. Аниқроғи, улар асарнинг бошидан охиригача иштирок этувчи юқоридаги икки қаҳрамон қиёфасини кўп жиҳатдан тўлдириб, янада тиниқроқ кўрсатишга хизмат қилади. Қиссадаги «Менинг ача холам» новелласида урушнинг инсон қисматида қолдирган аянчли, изтиробли изи ҳақидаги бир воқеа қаламга олинган. Муҳими, ёзувчи бу ўринда ҳам асарнинг умумий йўналишидан, руҳидан четлашмаган ҳолда ушбу муҳим ва жиддий масалага муносабат билдиришга, шунга мос инсонлар қиёфасини чизишга муваффақ бўлади. Яна ибратли жойи шундаки, инсондаги бундай яширин, юзага чиқиши қийин бўлган туйғуларни кўрсатиш учун ёзувчи жуда қулай ва табиий, китобхонада ҳеч шубҳа уйғотмайдиган воситалар топади. Бу ўринда уруш оқибатлари билан боғлиқ инсоний драмаларни кўрсатишда Пошша хола образи бир майдон вазифасини ўтаса, лўли хотин — Ача хола образи бу майдон ёрдамида персонажлардаги руҳий коллизияни юзага чиқарувчи восита ролини бажаради. «Уруш тутаган пайтлар эди, — дея новелладаги асосий фикрга диққатни жалб қилади ҳикоячи қаҳрамон — ёзувчи. — Ўшанда гўдак тасаввуримга сиғмаган нарсани кейин тушунганман. Уруш битиб, одамларнинг яраси янгиланган дамлар экан. Бировнинг эшигидан сурнай, бировникдан аза товуши эшитилади...»¹ Лўли хотиннинг Пошша холаникига кириб келиши шундай пайтга, одамларда шундай кайфият мавжуд кезларга тўғри келади. Шунини таъкидлаш лозимки, ёзувчи бу новеллада аввало, асарнинг бошидан — бошқа новеллаларда қатнашиб келаётган бош қаҳрамон она образига таалуқли гапларни давом эттиради, унга хос фазилатларнинг яна янги бир қиррасини кўрсатади. Чунончи, Пошша холанинг лўли хотин ҳақида турли ваҳимали гаплар эшитиб юрадиган болаларидан бири: «Ойи, лўли келяпти, лўли!» — дея ҳовлиқиб кириб келади. Ҳикоячи қаҳрамон эса ўзининг бу вазиятдаги ҳолатини «Даҳшат ичида ойимнинг пинжига тиқилдим», дея изоҳлайди. Болаларнинг шунчалик ваҳимасига, қўрқувига сабаб бўлган лўли хотинни қисса қаҳрамони — Пашша хола «Вой, Ача холам — ку!... Келинг айланай»,

¹ Ў.Ҳошимов. Дунёнинг шилари. Қисса ва ҳикоялар. Ғ.Ғулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1982 йил, 48-бет.

дея илтифот билан қарши олади, у билан «айланиб — ўргилиб» кўришади, айвончага таклиф қилиб меҳрибончилик кўрсатади. Шу тариқа олдинги новеллалардан тўлишиб келаётган Она ҳақидаги тасаввурларимизга яна янги бир тафсилот келиб қўшилади. Она меҳри, унинг беҳиёс қалби яна бир янгича товланишда намоён бўлади. Ондаги мана шу жиҳат — инсонларга бўлган меҳр — муҳаббат мазкур новеллада иштирок этадиган персонажлардаги уруш билан боғлиқ чуқур руҳий драмани, алам ва изтиробларни кўрсатиш учун шароит яратади лўли хотин Пошша хола билан сўрашгач, ўзидан кўрқиб бир ҳолатга тушган болаларга ҳам, тинимсиз акиллаб атрофида айланаётган кучукчага ҳам, ўзига илтифот кўрсатаётган Пошша холанинг гапларига ҳам эътибор бермай, ерга — бодом соясига хуржунини тўшаб ўтириб олади, яхши тилаклар билдириб омин қилади — да, ўз иши — фолбинлигига киришиб кетади. Ҳовлига бу воқеадан хабар топган қўшнилари, Ҳожи буви ва ёш келинчак Хайрилар ҳам келишади. Лўли хотиннинг «Ўйинг — да амол бо — ор!... Фаниминг бо — ор!» дея фол кўра бошлаши билан биринчи бўлиб Пошша хола ўз дардини очади. «Амал нима қилади, холажон?... Акамдан хавотирдаман. Минг еримга пичоқ урса, бир еримдан қон чиқмайди. Ҳамма қайтаяпти, акам бечорадан дарак йўқ» («Дунёнинг ишлари»). Қисса ва ҳикоялар 47 — бет) дейди у. Асосий қаҳрамон — онадаги бундай руҳий ҳолат тафсилоти ҳикоячи қаҳрамоннинг қуйидаги гаплари орқали ойдинлаштирилади. «Ойим урушга кетган тоғамни кўп гапирарди. Адамни касаллиги туфайли урушга олмаган, аммо ойим ҳар икки гапининг бирида акасини эслаб йиғларди». Лўли хотин турли рангдаги тошлар орқали фол кўриб бўлгач, аканг тирик, у келади, деб «башорат» қилади. Бундан ўзида йўқ қувониб кетган Пошша хола бисотидаги бор нарсаси — биттагина ялтироқ қошиқни совға қилади, «Акам эсон — омон келса, бош — оёқ кийим қилиб бераман» дея яна ваъда беради. Гўё ҳаммаси лўли хотиннинг қўлида, истаса у ҳамма нарсани қилиши мумкиндек, Ҳожи буви унга овози титраб мурожаат қилиб: «Болагинамни кўрармиканман? ... Ёлғизгинамни кўриб ўлсам армоним йўқ эди», дея юрагининг тубида ётган дардини изҳор қилади. Ёзувчи мазкур новеллада қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини кўрсатишда Қаҳҳорона йўл тутади: психологик ҳолат тасвирини батафсил бериб ўтирмайди, балки бу жараённинг натижаларини беришга, уни ҳаракат ва нутқ орқали юзага чиқаришга муваффақ бўлади. Ҳожи бувининг гапидан сўнг лўли хотин чўнтагини ковлаб ёнғоқдек келадиган қиррали тош олади. Ҳамманинг диққати унда. «Лўли ҳеч нимани эшитмагандек тошнинг у ёғини айлантирди. Унинг қоп — қора қўли билинар — билинмас титрар, аллақандай чизиклар тортилган тошга тикилиб, тўхтовсиз пичирлар эди.

—Бачангни йўли тўсулгон! —деди у ниҳоят» («Дунёнинг ишлари». Қисса ва ҳикоялар 49—бет). Ёлғизгина ўғлига интизор бўлиб, йўлига кеча—кундуз кўз тикиб ўтирган онага у ҳақда айтиладиган ҳар бир гап, хабар қанчалик куч билан таъсир қилишини тасаввур қилиш унчалик қийин эмас. «Ҳожи бувининг кўзларида, ҳамиша маъюс боқувчи кўзларида чўғ ярақлаб кетгандек бўлди.

—Ўзи тирикми ахир?—у инграгандек оҳангда лўли томон талпинди. —Уч йилдан буён на ўлигини биламан, на тиригини, эсон—омонми ишқилиб?

—Амон! Бачанг амон. Кўрасан. Анчо кўрасан».

Тасвирланаётган воқеалар оқимиға Ҳожи буви қанчалик «ёриб» кирган бўлса, Хайри ҳам шу тарзда бутун дарду аламлари билан пайдо бўлади. Ҳожи бувининг ўғли ҳақидаги гапларни нафасини ичига ютиб эшитиб ўтирган Хайри охири чидай олмай «Асқар акам—чи? Асқар акам қачон келади? Жон хола, бир кўринг! Асқар акамга нима бўлган? Госпиталдан бир хат келди—ю, дараксиз кетди. Жон хола бир кўринг...» дея ҳайқириб илтижо қилади.

Шу ўринда мазкур новелладаги бир жиҳатни таъкидлаш лозим. Ёзувчи лўли хотиннинг фол кўриш эпизодида деталар аниқлигига қатъий риоя қилади. Лўли хотиннинг гапларига ишониб ўтирган бу уч хотиннинг ҳаракатлари ҳозир галатиноқ, ҳатто кулгилиноқ туюлиши ҳам мумкин. Лекин бу тасвир орқали ёзувчи бундан ярим асрдан ошиқроқ вақт олдин кечган ҳаётни, одамларни жонлантирганини, шунингдек, бу аёллар яқин кишиларининг тирик эканига умид уйғотадиган ҳар бир яхши гапга ишонадиган, шундан таскин топадиган, куч—қувват оладиган бир ҳолатда эканини ҳис эта олсак, масала ўз—ўзидан ойдинлашади. Бу аламзада хотинларнинг лўли хотин айтадиган гапларга шунчалик ишонишлари табиийдек, ҳатто зарурдек туюлади. Муаллиф бу ишонч янада мустаҳкамроқ бўлиши устида ҳам қайғуради. Масалан, эътибор берилса, лўли хотин биринчи фол кўришда турли рангдаги бир ҳовуч тошдан фойдаланган эди; иккинчисида қиррадор кичкина тошни турли томонларга айлантиради. Хайри учун фол кўриш эпизодида ҳам ёзувчи бу жиҳатни унутмайди. Лўли хотин унинг қўлига кафтдек кўзгу тутқазиб, унинг тикилиб ўтиришини тайинлайди. Ўзи эса бошқа ойнани олади—да «Ёшини айт» деб сўрайди. Хайрининг жавобларида, айтиш керакки, унинг бутун ҳолати, изтироблари жуда яхши мужассамлашган. «Асқар акамми? — Хайри опа тўсатдан уйғониб кетгандек чўчиб лўлига қаради. —

Йигирма иккида. Агар... агар... — у нимадир демоқчи бўлди — ю, тутилиб қолди. — йигирма иккида, — деди шошилиб. — Ҳозир йигирма иккига кирган. — У бир зум жимиб қолди — да, оҳиста қўшиб қўйди. — Чилламинг чиқмасдан кетган...» («Дунёнинг ишлари». Қисса ва ҳикоялар, 50 — бет). Шунинг учун унинг ҳозирги дақиқада бор умиди лўли хотиндан. Хайрига у худди авлиёдек кўриниб кетади., бутун диққатини кўзига йиғиб қўлидаги кўзгута қараб қотиб қолган, гўё қимир этса, бирон фожиа рўй берадигандек. Ача хола ўзидаги кўзгуни этагига қўйиб ҳуржунга солганда у талвасага тушиб қолади, ночор, бечора, хавотирли бир овозда «Нима?... Нима? Асқар акам...» дея пичирлайди. Лўли хотин унинг юзига қарамасдан «Куёвинг амон... Кўзимга кўринде. Куёвинг касал бўлган» деганда олдин бир оз бўшашгандек бўлган Хайри яна умидворлик билан Ача холанинг қўлига ёпишиб, «Қачон, қачон кўраман?... Айтинг, нима кўрдингиз? Қачон келади? Қачон кўраман?» дейди. Мана шу эпизодда Хайрининг руҳий ҳолати, унда ҳар дақиқада лўли хотиннинг ҳаракати, сўзлари билан боғлиқ тарзда бўлиб турган ўзгаришлар ғоят хассослик билан берилганини қайд этиш лозим. Бу ерда ёзувчи персонажни фақат ташқи томондан кўрсатапти, унинг ҳаракатларини, юз ифодаларини худди рўпарамиздаги экранда кўриб тургандек бўламиз. Шунинг учун Хайридаги бор ички ҳаяжонни жуда аниқ тасаввур этамиз.

Мазкур новелланинг бошланишида уч аёл тақдирининг уруш билан боғлиқ томонлари тасвирланган ва уларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда таассурот қолдирган бўлса — да, секин — аста асосий диққат бир нуқтага тўпланаётгани, бир персонажга қаратилаётгани сезилади. Айниқса, шу масалага оид сўнгиги бир эпизод тасвирида бу янада аниқроқ сезилади. Биз юқорида кўрган эпизоддаги Хайрининг: «Қачон кўраман?» — деган илтижоли сўроғига Лўли хотин: куёвинг келади, ой тўлганда осмонга қарасанг, кўрасан, деб жавоб берган эди. Орадан бир hafta ўтгач, ой тўлганда, уч киши Ача холанинг фолини амалда синаб кўришади. Ўша ҳолат — уч аёлнинг олам жаҳон умидлар билан ойга тикилиш эпизоди ҳикоячи қаҳрамон тилидан шундай тасвирланади: «Кутилган кечада Ҳожи буви билан Хайри опа бизникига чиқишди. Дадам ишда эди. Анчагача у ёқ — бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Кейин болаларга супага жой солиб беришди. Акаларим ухлаб қолишди. Мен эса нима бўлишини кутиб пойлаб ётар эдим. Ниҳоят, уч аёл бодом тагида яйдоқ жойга бориб, тизилишиб ўтиришди. Чигирткалар чириллаб, осойишта осмонда тўлин ой сутдек майин, сутдек илиқ нур сочар эди. Ойим, Ҳожи буви, Хайри опа ойга тикилганча қотиб қолишган, ҳеч қайсиси чурқ этмас, чамаси ҳар бири ўзи излаган одамни ойдан топгиси келар, ойдан топишга умид қилар, ишонар эди. Орадан анча вақт ўтди. Ҳамон чигирткалар чирилар,

аллақаерда калтакесак чириллаб қолар, ҳовли бурчагида ора — чора эчки маъраб қўяр, фақат ой, сеҳрли ой жимгина нур сочар эди. Уч аёл эса унсиз қотиб қолишган, ўзи ҳам, сояси ҳам қилат этмас, уччови ҳам шу ўтиришда ойга тикилганча ҳайкалга айланиб қолгандек эди» («Дунёнинг ишлари». Қисса ва ҳикоялар, 51 — бет).

Келтирилган парчадан аёллар қанчалик ихлос, эътиқод билан ойга тикилишаётгани, у бутун фикр — зикрини, вужудини банд этгани аниқ кўриниб турибди. Ў.Ҳошимовнинг маҳорати шундаки, тасвирдаги ички мантиқни чуқур асослаган ҳолда персонажларнинг хатти — ҳаракатларига, гапларига китобхонни ишонтира олади, инсон кўнглида ўрнашиб қолган чуқур руҳий изтироблар, умид учқунлари айнан шундай натижага олиб келишига бизда шубҳа қолмайди. Тасвирнинг давомига эътибор берайлик: «Энди кўзим илинаётган эди, ҳаяжонли ҳайқириқдан чўчиб кетдим.

— Ана! Ана! Кўрдим!

Бошимни кўтардим — у, икки қўлини ой томонга чўзганча илтижо қилаётган Хайри опага кўзим тушди.

— Ана! Асқар акам! Асқар акам! — Хайри опа нафаси қайтгандек сапчиб ўрнидан турди. — Ана, қаранглар, бошини боғлаб олибди. Дока билан бошини боғлаб олибди!

Бошини боғлаб олган Асқар акани кўриш умидида жонҳолатда ойга қарадим. Йўқ, оймомо ҳамон муаллақ қотиб турар, нимқора доғлардан бошқа нарса кўринмас эди» («Дунёнинг ишлари». Қисса ва ҳикоялар 51 — бет).

Мазкур новеллада персонаж тақдиридаги уруш билан боқлиғ драматик маъно тасвири турлича йўллар билан амалга оширилаётганининг гувоҳи бўламиз. Биз юқорида кўрган эпизодда Пошша хола образи орқали уруш оқибатлари ҳақидаги тасвирга шароит яратилса, лўли хотин тимсолида бу оқибатлар конкретлаштирилади, персонаж қисмати сифатида юзага чиқади, деган эдик. Кейинги тасвирларда ёзувчи шу унсурлар ёнида бошқа бир элементга ҳам эътибор бераётганини, унинг зиммасига новелладаги драматик оҳангни тасдиқлаш, шу орқали унинг китобхонга таъсирини янада кучайтириш вазифасини юклаганини пайқаймиз. Бу — ҳикоячи қаҳрамоннинг тасвир жараёнидаги ролига дахлдор гап. Ёзувчи томонидан қўлланилаётган бундай тасвирий — ифодавий усулни олдинги эпизодларда ҳам кузатган эдик. Сўнгги парчада берилган Хайридаги руҳий ҳолат ҳақидаги

гаплар, аниқроғи, бу ҳолатта унинг изоҳлари тасвиридаги драматик оҳангнинг янада кучайишига сабабчи бўлган.

Персонаж руҳий ҳолатидаги драматизм бошқа воситалар орқали ҳам кучайтирилади. Бу ўринда энди олдин ўзлари шу йўналишда маълум вазифани ўтаган персонажлар — Пошша хола ва Ҳожи буви ёрдамга келади. Хайри Асқар акасини кўраётганини ҳайқириб айтганидан сўнг, улар ҳам: «Вой, қани, қани?... Қани, биз кўрмаймиз — ку?» — дея ўрнидан туриб кетишади. Бу эса ёзувчига персонаждаги руҳий ҳолат тасвирини китобхон назарида яна бир бор гавдалантиришга, янада синчиклаб эътибор беришга имкон яратади. «Вой, ана — ку! Кулиб турибдилар. — Хайри опа ҳолдан тойгандек кўксини чангаллади. — Худога шукр, тирик экансиз, — бирдан хиқиллаб йиғлаб юборди. — Вой, кўрдим — а, аниқ — таниқ кўрдим — а...». Ёзувчи яна ҳикоячи қаҳрамон орқали Хайридаги ҳолатга изоҳ бериб, тасвирдаги драматик оҳангни кучайтиради: «Хайри опанинг ўсма тортилган қошлари, рангсиз чеҳраси, жуда чиройли эканини биринчи марта пайқадим. У нуқул кулар, йиғлаб туриб кулар, ҳадеб бир гапни қайтарар эди.

— Вой кўрдим — а! Аниқ — таниқ кўрдим — а».

Новелланинг уруш оқибатларига бағишланган саҳифаларида персонажлар билан китобхонни бир — бирига боғловчи восита вазифасини ўтаётган ҳикоячи қаҳрамон унинг охирига келиб асосий ўринга чиқади. Уруш оқибатлари билан боғлиқ биз кўрган инсоний драмаларга якун ясади: «Чиндан ҳам Ача холанинг фоли тўғри чиқди. Биттаси тўғри чиқди. Қор тушган куни тоғам келди. Қўлтиқтаёғини дўқиллатиб кириб келди...

Ҳожи буви Ача хола айтгандек ўғлини кутди. Кўп кутди. Йигирма йилча кутди. Анча ойдин кечалар ўтди. Кейин... уни маҳалла кўмди. Ойдин кечада Хайри опа аниқ — таниқ кўрган Асқар ака ҳам келмади... Лекин нима учундир Ача холани ҳеч ким айбламади» («Дунёнинг ишлари». Қисса ва ҳикоялар, 52 — бет). Бир қарашда бу гаплар оддий хабарга ўхшаб кетса — да, лекин уларнинг замирига ёзувчи урушнинг даҳшатли оқибати билан боғлиқ чуқур ҳиссий маънони жойлашга муваффақ бўлади. Гарчи бу ерда тафсилотларга кўп ўрин берилмаган бўлса — да, унинг китобхон тушунчасида берадиган акс — садоси ғоят таъсирлидир. Биз бемалол урушдан соппа — соғ акаси майиб — мажруҳ бўлиб қайтган Пошша холанинг, йигирма йил ёлғиз ўғлининг йўлига интизор бўлиб кўз тикиб ҳаётдан кўз юмган Ҳожи бувининг, келишига қаттиқ ишонган Асқар акаси қайтмагандан сўнгги Хайрининг аҳволини,

қиёфасини, бу ҳақда ёзувчи лом — лим демаган бўлса ҳам, яққол кўз олдимишга келтирамиз.

Умуман, мазкур қиссадаги уруш йиллари билан боғлиқ новеллаларни ўқиш жараёнида бир нарсани кузатамиз. Ёзувчи асарнинг поэтикаси талабидан келиб чиққан ҳолда, уруш оқибатларига тааллуқли фикрларни кўп ўринларда турли ишоралар, йўл — йўлакай тасвирлар, парда орқасидан кўрсатишдек ўзига хос ифода усуллари орқали беради. Бу ўринда асарда иштирок этадиган кўпчилик персонажларнинг тақдирида изтиробли изи сезилиб турадиган урушни кўрсатишда, унга муносабат билдиришда ёзувчи қўллаган ўзига хос тасвирий — ифодавий усул ҳақида сўз кетяпти. Маълумки, бадиий ижодда ёзувчи бирон ҳодисани бевосита ёки билвосита тасвирлагани масалани ҳал қилишда асосий омил бўла олмайди. Бутун воқеаларни батафсил, бевосита тасвирлаб ҳам асарда ҳеч қандай натижага эриша олмаслик, китобхон туйғуларига таъсир эта билмаслик мумкин. Агар ёзувчи истеъдодли, маҳорати юксак бўлса, у йўл — йўлакай тасвирлаб, турли имо — ишоралар орқали ҳам ўз асарида кўзлаган мақсадида эриша олади.

Биз юқорида кўрган новеллада уруш оқибатлари нисбатан анча очиқ тарзда берилган дейиш мумкин. Қиссада яна шундай новеллалар ҳам борки, уларда уруш билан боғлиқ драматик маъно хийла яширинган, парда орқасига ўтказилган, ўралган ҳолда берилади. Бу жиҳатдан асардаги «Ўрис боланинг ойиси» номли новелла эътиборни тортади. Унда Зеби хола номли аёлнинг тақдирида уруш қолдирган оғир из, ўчмас жароҳат ҳақида сўз кетади. Лекин бунга доир гап — сўзларни ёзувчи ҳамма ўринда ҳам очиқ айтавермайди. Масалан, новелланинг бошланиш қисмида Зеби холанинг «сап — сариқ жингалак соч, кўккўз «ўрис бола»сини — Валини жонидан яхши кўриши», уни еру кўкка ишонмаслиги, нима бўлса унга илиниши, ўғлига биров тегина кўрса, балога қолиши ҳақида гап кетади. Бунинг боиси қуйидагича изоҳланади: «Зеби хола боласини бунчалик авайлаганича бор эди. Дадамнинг айтишига қараганда, уруш бўлаётган жойдан келтирилган болалардан биттасини берасанлар, деб Зеби хола курсини муштлаб, чунонам тўполон кўтарибдики, ноилож мана шу Валини хатлаб беришибди» («Дунёнинг ишлари». Қисса ва ҳикоялар, 90 — бет). Демак, маълум бўляптики, Зеби хола Валини (асли исми Валентин) етим болалар уйдан ўз тарбиясига олган, бутун меҳрини унга бағишлаган, унга суяниб қолган. Дастлаб мазкур персонаж ҳақида шу маълумотга эга бўламиз.

Бир ўринда Валини уриб, бурнини қонатгани учун жўрабошилиқ мавқеини эгаллаб олган бола Зеби хола томонидан

калтаклангани, ўз навбатида бу бола ҳам кечаси уни қўрқитиб ўч олгани, натижада Зеби хола қаттиқ бетоб бўлиб ётиб қолгани ҳақидаги воқеа берилган. Пошша хола — ҳикоячи қаҳрамоннинг ойиси йўл — йўлакай шундай бир гап айтади: «Бечорага шу кўргулик ҳам бор экан... Ўзининг гами етмасмиди...» Зеби хола ҳақида ачиниш, ҳамдардлик билан айтилаётган бу гаплардан мазкур персонажнинг ҳаёти билан боғлиқ кўп «сирлар» бор эканлигини пайқаш қийин эмас. Кейинчалик ёзувчи мана шу «сирлар»нинг маълум томонларини очади. Зеби холанинг уруш туфайли энг яқин кишиларидан жудо бўлиб, бир умр доғу ҳасратда қолган аёл эканлигини билиб оламиз. Бу сир Ҳожи бувининг чорбоғида сумалак баҳонасида бўлган хотинлар йиғилишида очилади. Олдинлари ўта дағал, овозлари дўриллаган, эркак табиат Зеби хола шу ўтиришда қўлига дутор олиб, қўшиқ айтади. Бу аёл ҳақида мутлоқа бошқача тасаввурда юрган ҳикоячи қаҳрамон унинг овозини, қўшиқ куйлашини эшитиб лол қолади, ўз таассуротларини «шунчалик босиқ, шунчалик ўртаниб куйлардиларки, баданим жимирлаб кетди», дея ифодалайди. Ҳикоячи қаҳрамоннинг гапига кўра, ўша ўтиришда Зеби хола айтган бир қўшиқда аёл кишининг ўз умр йўлдошига бўлган садоқати, соғинчи куйланади. У бу қўшиқнинг сўзларидан, куйланишидан олган таассуротини шундай ифодалайди: «Кейин, катта бўлганимдан кейин ҳам муҳаббат ҳақида, вафо ҳақида кўп қўшиқлар эшитдим. Бироқ, аёл садоқати тўғрисида бундан яхши ашула эшитганим йўқ... Иккинчи қўшиқда эса фарзанди йўлига қўз тикиб, ранги «заъфарондек» сарғайган, ҳасратидан қон ютиб, кўзларидан нур кетган онанинг қалби, ундан қўшиққа қўшилиб оқиб чиқаётган мунгли туйғулар ифодаси бор. Мана, дутор, қўшиқ воситасида Зеби хола томонидан қилинаётган «изҳори дил»нинг таъсири, натижаси қандай: «Ҳаммамиз қўрқадиган, кўрганда ҳаммамиз қочадиган Зеби хола шуми? Ўша қўпол, ўша жаҳддор Зеби холами шу? Валининг ойисида шунча дард бормиди? Шунча алами бор эканми? Нимага биз билмаган эканмиз!».

Ҳикоячи қаҳрамон бундай таассуротларининг ифодасидан сўнг диққатимизни энди бевосита Зеби холанинг ўзидаги ҳолатга қаратади. Бунда мазкур персонаж тақдиридаги уруш билан боғлиқ қирралар энди бир оз очилгандек, ойдинлашгандек бўлади: «Зеби холанинг юмуқ кўзларидан икки томчи ёш силқиб чиқди — ю қирра бурнининг четига тўхтаб қолди. Дуторни ёнбошига қўйди — да, кенг енгининг учи билан кўзини артди. Ҳамма жимиб қолган, ҳеч ким биринчи бўлиб гапиришга журъат этолмас эди.

— Ҳеч бўлмаса, Кимсаним келгандаям майли эди, — деди у хўрсиниб».

Бу эпизодда ёзувчи сюжетнинг асосий йўналиши — Ота образи билан алоқадор воқеалардан четга чиқиб кетмайди. Лекин айтиш чоқда йўл — йўлакай қиссадаги бош йўналиш билан билиш тарзда, тасвир мантиқини бузмаган ҳолда, бизга таъинитириб келаётган, уруш аламзадалари бўлган персонажлар ҳақида Зеби хола ҳақидаги гапни ҳам чала қолдирмайди, жуда ўринли ишоралар билан у ҳақидаги тасаввурни тўлдиришга эришади. Асарда бу иш гоёат силлиқ ва табиий бир тарзда бажарилган. Зеби хола чалиб қўшиқ айтган дутор ҳикоячи қаҳрамоннинг дадасиники бўлади. Улар Вали билан дуторни уйга қайтиб олиб келишда қўлини синдириб қўйишади. Дадасининг баджаҳл одам эканини, бундай иш учун кечирмаслигини яхши билган ҳикоячи қаҳрамон қаттиқ кўрқади. Вали билан иккаласи синган қулоқнинг ўрнига бир темирни тиқиб қўйишади. Орадан уч кун ўтиб, буни билган дадаси дарғазаб бўлади, ойисига қаттиқ гаплар айта бошлайди. «Катта жанжал бўлиш» хавфи туғилади. Лекин Пошша холанинг «Зеби ота чалувди... Сумалакка чиққанзимизда... бир чалиб берай, дедди...» деб секин, ҳадик билан айтган гапларидан сўнг дадаси нимгадир бирдан ҳовуридан тушиб қолади ва кейинчалик улар ўртасида бу аёл ҳақида шандай гаплар бўлиб ўтади: «— Майли, — деди оғиз пасайиб. — Зеби чалса, майли. У ҳужрага кириб кетди — да, андан кейин бир бўлак ёғоч кўтариб чиқди. Дандон сопи пичоги билан ёғочни кеса бошлади. — Дуторнинг қулоғини тутдан қилмас, синаверади, — деди секин. Ёғочнинг у ёқ — бу ёғини ўяр экан, у тортди. — Қараб туриб худонинг ишларига ҳам қойил қолмайсан. Ота — боладан бир ойда «қорахат» келса — я!

— Шунга айтиш, — деди ойим жонланиб. — Тагин ҳам одамлар чидаркан. Ҳам эридан, ҳам якка — ёлғиз ўғлидан жуда бўлиб ўтирибди бояқиш. — У бир зум ўйланиб турди — да, қўшиб қўйди. — Бечора, Валисига жуда суяниб қолган. Ишқилиб, орзу — ҳавасини шундан кўрсин...» (99 — бет)

Кўряпмизки, асарда фақат бир ўринда — дутор чалиб, қўшиқ айтиш эпизодидагина бевосита Зеби холанинг уруш мусибати билан боғлиқ ҳолати берилади, холос. Унда ҳам жуда қисқа, бир лаҳзалик муддатдагина Зеби холадаги оғир, мунгли кайфиятта дуч келамиз. Бошқа ўринларда эса ўзгаларнинг йўл — йўлакай у ҳақда айтган айрим гаплари орқалигина урушнинг мусибат тоғи келиб келаётган бу аёлнинг фожиали қисмати ҳақида маълумотга эриша бўламиз. Лекин ана шу биз олган маълумотнинг ўзи урушнинг муайян бир инсон тақдирида қолдирган ноз қанчалик оғир, қанчалик унутилмас, қанчалик даҳшатли эканини тушунишимизга уни ҳис қилишимизда муҳим роль ўйнайди.

«Дунёнинг ишлари»даги «Хўжа» новелласида ҳам урушнинг инсон қисматида қолдирган ўчмас изларидан бири ҳикоя қилинади. Тўғри, бу ерда ўлим, урушдан қайтмаганлар ҳақида гап йўқ. Лекин моҳият эътибор билан у ҳам асарда тасвирланган фожиаларнинг бир қиррасини ташкил этади. Новелланинг бошланиш қисмида ҳикоячи қаҳрамоннинг ойиси Пошша хола билан дадаси ўртасида Хўжа исми бола тўғрисида шундай бир гап бўлиб ўтади: «Бир куни дадам тажанг бўлиб гапириб қолди:

— Ўзиям жуда худо урган хотин экан — да, ўша Раъно! Мана, Эгамберди омон — эсон келди — ку! Ўлармиди ликилламасдан кўмилиб ўтирса!

Ойим бир нуқтага тикилганча ўйга толди. Кўзларига ғусса чўкди.

— Бошидаям — ку, юлдузи юлдузига тўғри келмасди — я, — деди секин. — Аммо барибир чатоқ бўлди. Икки орада бола бечора тирик етим бўлиб қолди» (100 — бет). Шундан кейин ҳикоячи қаҳрамоннинг «Тушундим, Хўжани гапиришяпти. Дадаси урушда юрганида ойиси бошқа одам билан Чирчиқ деган жойга қочиб кетган экан...» деган изоҳидан гап нима ҳақда эканини англаб оламиз, биз танишаётган навбатдаги персонаж — Хўжанинг «ҳар кимга бир қараб жовдираб» туришининг сабаблари аниқлашгандек бўлади. Дарҳақиқат, шундай. Хўжанинг дадаси Эгамберди ака урушга кетганда, онаси Раъно бошқа кишига турмушга чиқиб кетади. Эгамберди ака урушдан мажруҳ бўлиб — чап қўли жонсиз осилиб турадиган бир ҳолатда қайтади.

Ёзувчи мазкур новеллада Эгамберди ака ва Раънохон образларига у қадар кенг ўрин ажратмайди. Бир ўринда Хўжанинг отаси Эгамберди ака госиталда ётганида қўлини кесиб ташламоқчи бўлган докторларга ҳаммангни отиб ташлайман, деб жанжал қилганини, унинг тўппончаси борлигини, гоҳида ўғлига, онангни қаерда кўрсам, пешонасидан отиб ташлайман, деб туришини билиб оламиз. Бу маълумотлар мазкур персонаж ҳақида маълум тасаввурлар ҳосил бўлишида ёрдам беради. Кейинчалик ёзувчи бошқа муносабатлар билан бу тасаввурларимизни янада кенгайтиради. Аниқроғи, бевосита унинг ўзини кўриш, драматик ҳолатларда кузатиш имкониятига эга бўламиз. Масалан, бир ўринда Пошша холаникида Хўжа билан ойиси яширинча учрашиб ўтиришганидан хабар топиб келиб қолади: «Эшик шарақлаб очилди. Хўжанинг ойиси ярқ этиб қаради — ю, илон чаққандек сапчиб ўрнидан туриб кетди. Остонада ялтироқ тугмали китель кийган Эгамберди ака турар, ранги қув ўчиб кетган, нуқул титрар эди...

— Нега к — к — келдинг?! — деди у ғазабдан тили тутилиб.

— Нима к — керак сенга?! — Энди унинг бугун вужуди, ҳатто боши ҳам қалтираб кетди. Ҳар доим таёқдек осилиб ётадиган чап қўлигача титраб кетгандек бўлди. — Нима к — к — керак, айт! — деди лаблари пирпираб». (107 — бет) Эгамберди аканинг ҳам дарғазаб, ҳам зорланган бир аҳволда собиқ хотинига қарата айтилаётган гапларида, шу аснодаги ҳолатида, унинг бугун дарду дунёси аён бўлади. Кейинчалик Хўжанинг бир муносабат билан «дадам ойимни яхши кўради» деган гапи мазкур персонажнинг руҳий оламига нур бергандек, ёритиб юборгандек бўлади. Демак, Эгамберди ака икки ўт орасида бир — томондан, хотинига бўлган муҳаббат, иккинчи томондан, унга бўлган ғазаб — нафрат туйғулари ўртасида жизғанақ бўлиб қолган инсон экан, деган хулосага келамиз. Урушда қанча азоблар кўриб, майиб — мажруҳ бўлиб қолган, қайтиб келгач, ор — номус ўтида куйган бу одамга шунча кўргуликлар ҳам озлик қилади, тақдир яна ўз «ўйинлари»ни кўрсатиб туради. Кейинчалик бошқа хотинга уйланган Эгамберди ака ўғай онага ўчакишиб бир гал ўғлини қаттиқ калтаклайди. Шундан сўнг кўп ўтмай, Хўжа Чирчиққа — ойисининг олдига кетиб қолади. Бу хабарни ўғлининг дўстидан эшитган Эгамберди ака оғир, ҳатто аянчли бир аҳволга тушиб қолади: «Унинг қўлидан болтаси тушиб кетди. Бир зум лаблари титраб, тикилиб турди — ю, кўзларига ёш қалқиб чиқди.

— Н — нега, н — нега кетади? — деди инграб. Кейин кафти билан юзини тўсганча, тўнка устига ўтириб қолди. Чап қўли ҳамон таёқдек осилиб турар, ўнг елкаси эса дир — дир титрар эди.

Катта одамнинг йиғлашини биринчи кўришим эди. Кеча Хўжани урганини эшитганимда қанчалик ёмон кўрган бўлсам, ҳозир унга шунчалик раҳмим келиб кетди». (111 — бет)

Уруш турмушини издан чиқариб юборган, аламзада Эгамберди аканинг кейинги ҳаёти ҳам ташвишли кечганини орадан кўп йиллар ўтгандан сўнг ҳикоячи қаҳрамоннинг дадаси билан ойиси ўртасида бўлиб ўтган суҳбатдан билиш мумкин: «Анча йиллардан кейин, ўнинчи синфни битираётганимда Хўжанинг дарагини эшитдим. Кечки овқатдан кейин дадам ойимга гапириб қолди:

— Эгамберди бечора куйиб, адойи тамом бўпти. Чирчиқдан келяпман, — деди. — Ўғли чўнтак кесаётганда қўлга тушганмиш.

Ойим «А?!» деди — ю қўлидан пиёла тушиб кетди». (111 — 112 — бетлар)

Бу гаплардан Эгамберди аканинг бутун қисмати, ҳаёт йўли, бошига тушган турмушнинг шафқатсиз савдолари кафтда тургандек кўриниб турибди.

Новеллада Хўжанинг ойиси — Раъно ҳақида қисқа маълумот берилган. Дастлаб айрилиқларга дош беролмаган, фронтда қон кечиб, жон олиб — жон бериб юрган эрига хиёнат қилган бу аёл ҳақида нохуш таассурот пайдо бўлади, биз ҳам ўзимизча, худди ҳикоячи қаҳрамон каби, «бу хотинни ёмон кўриб» қоламиз. Лекин кейинчалик унинг ўзини бевосита кўриш, кузатиш имкониятига эга бўлганимиздан сўнг унга нисбатан муносабатимиз юмшагандек, бу аёлнинг ҳам туйғуларини маълум даражада тушунгандек бўламиз. Аввало, унинг ўзи қилган ишидан пушаймон эканлигини, номаъқул ишининг моҳиятини кейин англаб етганини, турли — туман, бир — бирига қарама — қарши туйғулар гирдобиде қолганини сезгандек бўламиз. Унинг жийдазорда ўғлининг орқасидан излаб келиб, яширинча у билан учрашиб юришлари, Хўжанинг бу ишдан воқиф бўлган ўртоғига ҳеч кимга айтмагин, дея ялинишлари шундан далолат беради. Шунингдек, Раънонинг Эгамберди ака билан Пошша холаларникида дуч келиб қолганда, «ранги ўчган, бошини қуйи солганча деворга суяниб» туриши, чиқиб кетаётганда жовдираб турган ўғлини ўпиб, «дадангни хафа қилма» деб унга тайинлашларида ҳам унинг кўнглидан кечаётган зиддиятли туйғулар аниқ сезилиб туради. Хуллас, новеллада Раънога тааллуқли жуда қисқа имо — ишоралар орқали бу персонажнинг мураккаб, драматик тақдири ишонарли кўрсатилган.

Мазкур новеллада, унинг номидан ҳам кўринганидек, Хўжанинг тақдирини кўрсатишга кўпроқ ўрин ажратилган. Уруш шароити одамларнинг бошига солган оғир синовлар туфайли унинг ота — онасининг тақдир йўллари бир — биридан ажралиб кетади, ҳар иккаласи ҳаёт бўлгани ҳолда, у «тирик етим» бўлиб қолади. Бу ҳол унинг ёшлигиданоқ кўнглини ярим, тилини қисқа, ўзини шафқатталаб қилиб қўяди. Дадасининг урушдан олиб келган шинелини бузоғи ямлаб қўйгани учун жўрабоши уни «Молинг ҳам ўзинга ўхшайди. Хўжалар пешиндан кейин айнийди. Ойинг ҳам айнаб, ўйнаши билан қочиб кетган!» (102 — бет) деб ҳақорат қилади. Ўз ойиси билан яширинча учрашганини кўрган дўстига «Айтмайсан — а?... Ҳеч кимга айтмайсан — а?» — дея ялинишга тўғри келади. Ўғай онасининг ювиб қўйган қўйлагини ямлаб қўйган бузоғи учун отасидан калтак ейди. Ниҳоят, ойисини излаб Чирчиққа кетади, кейинчалик тарбияси бузилиб, чўнтак кесаётганда қўлга тушади ва ҳоказо. Шу тариқа уруш туфайли одамларнинг бошига тушган ҳижрон, айрилиқ синовли, бу синовга дош беролмай енгилтаклик билан ташланган қадам қанча кишининг

ҳаётини барбод қилган, издан чиқарган, тузатиб, қайтариб бўлмаган даражага олиб келган.

Юқорида таҳлил этилган бошқа новеллаларда ёзувчи ўзини мусибатларига, уларнинг инсон тақдирида қолдирадиган қийинчиликларига эътиборимизни жалб этган бўлса, бу новеллада ҳам ўзини яхшироқ қилиши, одамлар қалбида бир умр унутилмайдиган алам, ўқиниш ва изтироблар қолдириши мумкинлиги, умуман, уруш инсоннинг ўзи ёт ҳодиса эканлиги катта маҳорат билан ифодаланган.

Агар асарнинг ҳозир биз кўрган новелласида бундай сийоҳ йилларидаги аёлнинг ўз умр йўлдошига қилган хизмати қанчалик бахтсизликларга сабабчи бўлгани кўрсатилган бўлса, навбатдаги новелла — «Ой қуёшдан нур олади»да шунга тамомилан тасқин бўлган инсоний фазилатлар ўқитувчи Рисолатхон тинимсиз жонлантирилади. Унинг эри, Холпош холанинг ёлғиз ўғли — Йўлдош урушдан қайтмаган. Йўлдошдан ёдгорлик — ўғли Орифхон қолган. Рисолатхон бир умр эрининг хотираси билан яшаган, унга гард қўндирмасликка аҳд қилади. Бу аҳдни, ҳатто бир пайтлар ўзини майли бўлган, Йўлдошга турмушга чиққандан кейингина ундан узоқлашган Афзалхоннинг кейинги муносабатлари — севгили илтижолари ҳам буза олмайди. Ёзувчи Рисолатхонни темир одам тарзида кўрсатмайди. У — инсон, демак, қандайдир вақтнинг ҳолатларида ҳиссиётга берилиш бу аёл учун ҳам бегона эмас. Масалан, унинг уйига Афзалхондан совчилар келиб кетган, бир неча кун ўзига кела олмай, турли хаёллар оғушида юради. Бир учрашувда Афзалхон тиз чўкиб, унинг оёқларини қучоқлаб: «Айтинг, нима қилай! Биламан, Йўлдошни яхши кўрардингиз. Мен ҳам яхши кўрардим. Дўстим эди... Лекин энди у йўқ — ку!... Иккаламиз битта расчётда эдик!... Прагада ўз қўлим билан ерга қўйдим. Мен тирик қолганим учун айбдор эмасман — ку! Нима қилай энди, у йўқ — ку!» (126 — бет), дея илтижо қилганида бу ҳолатга юраги дош бера олмай йиғлаб юборади, бир неча марта унинг бошини, сочларини силайди. Айни чоқда ўзини қўлга олиб билади, ҳал қилувчи дақиқаларда аҳдига, садоқатига эди қомалган иш қилмайди. Афзалхоннинг илтижоларига «Мен — чи, мен?... Мен борман — ку!... У ўлган бўлса, ҳам мен тирикман — ку!» (126 — бет) деб жавоб беради. Албатта, ўзига нисбатан айтилган бир илтижонинг бундай илтижоли дил сўзларига бу тарзда жавоб бериш Рисолатхон учун ҳам осон эмас. Мана шу дақиқалардаги унинг ҳолати инсоннинг қаҳрамон тилидан қуйидагича тасвирланади: «Шу афзал Афзалхон акамларнинг бошини силаб, кўзларидан шашқатор ёш оққанча анча турди. Кейин секин бурилди — ю, қоран сўзмаҳалдан чайқалиб, чайқалиб юриб кетди» (126 — бет). Рисолат турган гапни

Афзалхон қандай йигит экалигини, унинг ўзига нисбатан бўлган муносабати ўткинчи эмаслигини, Афзалхоннинг онасининг таъбири билан айтганда, «дарахтни бир тепсанг юзта қиз ёғилади»ган бир пайтда бу йигитнинг ўзига нисбатан бўлган муҳаббатида катта маъно борлигини, ўзининг кейинги бахти ўз ёнида ва унга озгина майл билдирса, бир оғизгина розилик сўзини айтса, кифоя қилишини яхши билади. Лекин у шундай қилишдан ўзини тия олади. Бу иши, гарчи ўзи учун яхши бўлса — да, Йўлдошнинг хотираси учун, ундан қолган ёдгорлик — Орифжоннинг ҳамда қайнонаси Холпош холаининг тақдири учун нохуш бўлишини ақли, бутун вужуди билан сезади. Шу сезгидан келиб чиққан ҳолда, у Афзалхоннинг муҳаббатини рад этади. Рисолатнинг кейинчалик ўғли ва қайнонасини олиб, Андижонга кўчиб кетиши ва муҳаббат ташвиши фақат Афзалхон учун эмас, унинг ўзи учун ҳам оғир кечганини, бундан қочиб кетишга мажбур бўлганини кўрсатиб туради.

Мазкур новеллада Йўлдошнинг онаси — Рисолатнинг қайнонаси Холпош хола фақат бир ўринда — Афзалхоннинг онаси билан Пошша хола Рисолатни сўраб келганларидаги эпизодда кўринади, холос. Аёллар нима мақсадда келганларини билгач, у изтироб ичида қолади, боши ҳам бўлади: «Нима қилай, уруш жудо қилди ўғлимдан. Боламнинг ўрнига болам деб этагидан тутган эдим... Майли, иложим қанча, мени деб ёш умрини ўтказса, худо нима дейди». Асарда бу аламзада, мусибатзада аёл ҳақида бошқа маълумот берилмайди. Буни ёзувчи онгли равишда қилганини сезиб турамиз. Чунки мазкур новеллада Рисолат характери тўлароқ очиш, уруш ва инсон тақдири масаласига шу нуқтадан келиб чиқиб муносабат билдириш бош муддао бўлган. Ёзувчи такрорийликдан сақланишга интилиб, Холпош хола билан боғлиқ чизиқни унчалик ривожлантирмаганлиги ҳам, бизнингча, шу билан изоҳланади.

Биз «Дунёнинг ишлари»га кирган бир қатор новеллаларда ёзувчи уруш ва унинг инсон тақдирида қолдирган турли оқибатларини асардаги бош йўналишдан четлашмаган ҳолда кўрсатиб беришга ҳаракат қилганининг гувоҳи бўлдик. Дарҳақиқат, бу новеллаларда биз дуч келган, танишган персонажлар уруш қолдирган фожиали изларнинг бирон жиҳати, бирон қирраси билан танишишимизга, уни бевосита инсон қисмати орқали тасаввур қилиб, кўз олдимизга келтиришимизга ёрдам беради. Лўли хотиннинг фолига ишониб, бири акасининг, бири фарзандининг, бири ҳали чилласи чиқмасдан урушга кетган умр йўлдошининг тириклигидан умидвор бўлиб, уларнинг йўлига кўз тикиб ўтирган Пошша хола, Ҳожи буви ва Хайриларнинг интизор қиёфаси хотирамизга ўрнашиб қолади. Бир кунда ҳам ўғлидан, ҳам эридан

«қора хат» олишдек даҳшатли мусибатларга брдош бера олган, юракдаги дарду аламларини фақат гоҳ—гоҳдагина дутор чалиб, қўшиқ айтиб, юзага чиқарадиган, қолган ҳамма меҳрини асрайди ўғли — Вали (Валентин) га бағишлаган Зеби холаининг тақдири бизни қаттиқ ҳаяжонга солади. Эри жанг майдонларида қон кечиб юрганда, фақат бутуннинг лаззатини ўйлаб, енгилтаклик қилиб, ҳам ўзини, ҳам уни яхши кўриб, уйланган эри Эгамберди акани, ҳам фарзандлари Хўжани бахтсиз қилган Раънонинг тақдири кишиларда бир—бирига мутлақо зид бўлган туйғулар, муносабатлар уйғотади. Ҳалок бўлган эрининг хотираси олдида фидойи, бу йўлда ҳар қандай майлдан воз кечишга, ҳар қандай муҳаббатни рад этишга қодир, ўз аҳдида собит тура оладиган Рисолатнинг иродасига, жасоратига қойил қолмаслик мумкин эмас.

Шу маънода «Дунёнинг ишлари» даги «Пистачи» новелласи ҳам бундай таассуротлар силсиласида ўзига хос ўрин эгаллайди. Агар ўтган уруш билан тақдири боғланган юқоридаги персонажларга нисбатан бизда хайрихоҳлик, ҳамдардлик, ачиниш туйғулари бўлса, ҳатто ҳаётда енгилтаклик қилиб ножўя қадам ташлаган Раънога нисбатан ҳам, ундаги баъзи ўкинч белгиларини кўриб, «эгилган бошни қилич кесмас» қабилида муносабат уйғонса, бу қаҳрамон — Далавой налутчига, унинг қилган ишларига нисбатан ғазаб — нафратимизни бошқаролмай қоламиз. У гузардаги бозорчага кираверишда писта, қурут сотиб ўтирадиган одам. Чумчуқнинг тухумидай қурутнинг иккитасини ўн тийинга, пистанинг кичкина бир стакандагисини йигирма тийинга сотади. «Мабодо бирон харидор молининг қимматлигини айтса балога қолади.

— Менга ўргатма, ўв! — дейди кўзлари ғазабдан ёниб. Жаҳли чиққанидан сариқ мўйлови учиб—учиб қўяди. — Закунни сендан яхши биламан! Сенга ўхшаганларни деб қон тўкканман! — У гапининг исботи учун тарашадек қотиб қолган, букилмайдиган ўнг оёғининг товонини ўтирган жойида ерга уриб—уриб қўяди. — Кўрдингми?!» (128— бет). Ёзувчи бу персонажнинг яна бир хусусиятига эътиборимизни жалб этади. Шу йўл билан уни кўз олдимизда янада аниқроқ қиёфада гавдалантиришга эришади. «Эрталаблари унинг кайфияти ёмон бўлади. Кулранг кўзлари сийрак қоши остидан одамга ўқрайиб қарайди. Қурут санаётганда, стаканга писта солаётганда қўли титрайди», дея дастлаб персонажнинг бир ҳолатига ишора қилинади. «Кечқурунга бориб сал чиройи очилади.

— Жа—а—аренний семичка! — дейди овозини баралла қўйиб. Ўтган — кетганга илжайиб қарайди. Силлиқроқ жувонлар ўтса, сариқ

мўйловини бураб, бошини сарак—сарак қилиб қўяди. Яқинроқ келган киши оғзидан арзон вино ҳиди гупиллаётганини сезади», (128—бет) дея унинг тавсифига тааллуқли янги, бошқа чизгиларни ҳам кўрсатади.

Мазкур персонаж портретига тааллуқли бир—бирига у қадар тўғри келмайдиган бундай чизгиларнинг берилиши, табиийки, бизни қизиқтиради. Урушга қатнашиб қон тўккан, кейинчалик эса бунчалик исқирт аҳволга тушиб ўтирган бу одам ким бўлди экан, деган фикр беихтиёр хаёлимиздан ўтади. Турган гапки, ёзувчи бу персонаж ҳақида батафсил маълумот бермайди, балки асарнинг умумий йўналиши, тасвир мантиқи кўтарган даражада ундаги сифатлар билан таништиришга ҳаракат қилади. Шу ўринда ёзувчи яна персонаждаги ташқи жиҳатлар тасвирига эътиборни қаратади: «Яқин—атрофда Далавой налугчи келяпти», деса чўчимайдиган одам йўқ эди. У гижинглаган қизил жийрон миниб юрар, ярақлаб турган этиги ҳам, галифе шими, «пўрим» қилиб қўйилган сарғиш сочи ҳам ўзига кўп ярашган эди. Елкасидан ошириб ташлаб олган чарм тасмали сумкаси, қўлидаги қамчиси кишида қандайдир қўрқувга ўхшаган нарса уйғотади. Одамлар уни кўрганда азбаройи ҳурмат қилганидан эмас, қўрққанидан салом берарди. Булар ҳозир пистафурушлик қилиб ўтирган одамнинг «уруш энди битган» кезлардаги юриш—туришига тааллуқли. Унинг ўша пайтлардаги фаолиятига оид баъзи тафсилотлар ҳам берилади новеллада. Масалан, урушдан сўнгги ҳали етишмовчиликлар кўп, ҳаёт оғир бўлган вақтларда унинг «айтгани—айтган, дегани—деган» бўлган. «Далавой налугчи солиқни ўз вақтида тўлай олмаган одамларнинг ҳовлисига тўппа—тўғри отда кириб келар, ади—бади айтишиб, вақтини ўтказиб ўтирмас, наमत борми, самовар борми, хуллас, яроқлироқ бирон буюмни баҳолаб олиб кетарди». Пошша хола хонадонида ҳам у шундай қилган. Аллақандай қоғозларни кўрсатиб: «Давлат бор, закун бор!» деб, «тегишли жойда гаплашиб қўймайлик тагин» дея дағдаға қилиб, оиланинг, бола—чақанинг кунига яраб турган бирдан—бир илинж—эчкини етаклаб олиб кетади. Мана шу эпизодда Далавой налугчининг маънавий қиёфасига хос баъзи жиҳатлар у билан Пошша хола ўртасида бўлиб ўтган диалоглар орқали яхши очиб берилган. Нима бўлса ҳам Далавойнинг кўнглини юмшатиш, бир илож қилиб эчкини олиб қолиш умидида Пошша хола ялинишга ўтади: «— Ҳеч бўлмаса мана шу қора кўзларни ўйланг. Илоё сиз ҳам шунақа қўша—қўша ўғиллар кўринг, укам, — деди ҳарсиллаб.

Далавой арқонни қўйиб юбормади. Ижирганиб юзини ўтирди:

— Э, шунақа қинғир — қийшиқ болалар кўрадиган бўлсам, кўрмадим—э!

Ойим тарсаки егандек сесканиб кетди. Бир зум Далавойга тикилиб турди — ю, арқонни қўйиб юборди. Қалин лаблари титрай бошлади.

— Ол! — деди овози қалтираб. Ўша заҳоти кўзлари жикқа ёшга тўлди. — Ўзимни сўксанг сўк, болаларимни нимага ҳақорат қиласан, имонсиз?! — Кейинги сўзлар бўғзидан йиғи аралаш идр бўлиб чиқди.

— Илоё у дунёю бу дунё тирноққа зор бўлгин, билдингми?! Илоё хонадонинг чақалоқ йиғисига зор бўлсин!

— Далавой бирпас безрайиб турди — да, гудраниб сўкинди. Арқонни қўйиб юбориб, орқасига бурилди. — Опкет! — деди ойим қатъият билан. — Эркак бўлсанг, сўзингдан қайтма!

— Далавой уч қадамча юрган жойида шартта бурилди. Арқонни юлқиб олди — да, эчкини эшик томон судраб кетди». (138 — бет).

Бу диалогда бир томондан, Далавойнинг қанчалик тубан, бағри тош одам эканлиги маълум бўлса, иккинчи томондан, айнан ўша жойнинг ўзида Пошша холанинг ғазабли гап — сўзлари орқали бу тоифа одамларга нисбатан муносабат ҳам очиқ ифода этилаётир. Шу эпизоддаги бир деталга эътибор бермаслик мумкин эмас. Пошша хола болаларини ўртага қўшиб, эчкини олиб кетманг, дея ялинганида, Далавой унинг болаларини «қингир — қийшиқ болалар» деб ҳақорат қилади. Табиатан кўнгилчан, кечиримли бўлган Пошша хола бу ҳақоратдан титраб кетади, феълига зид равишда кескин гаплар айтади, ҳатто «Илоё у дунёю бу дунё тирноққа зор бўлгин. Хонадонинг чақалоқ йиғисига зор бўлсин!» — деб қаттиқ қарғайди. Ушбу ўриндаги бу кимсанинг болалардан ижирганиши ва Пошша холанинг уни қарғгани бу кимсанинг кейинги ҳаётига доир тафсилотларни беришда ўзига хос бир ўтиш кўприги вазифасини ўтайди. Кейинчалик биз унинг уйдаги муаммолари, хулқ — атвори, ҳикоячи қаҳрамоннинг таъбири билан айтганда, «оппоққина, дўмбоққина... хотин»ини кунда — кунора уриши, унга «қисир сигирсан» деб таъна қилиши, «Сени минг талоқ қўйиб, онаси ўпмаган қизни оламан!» — деган ҳақоратомуз гаплар айтишдек ярамас қилиқлари билан танишамиз. Ҳақиқатан ҳам Далавой айтганини қилади — бу хотинини қўйиб, бошқа бир қизга уйланиб олади. Янги хотинини ҳам уриб, «қисир сигирсан» деган тамғани ёпиштирмоқчи бўлганда, у тегишли жойга арз қилиб, эрини ишдан бўшаттиради. Ниҳоят, у бир кун маст ҳолатда келаётганда, оти ҳуркиб судраб кетади, бели билан оёғи сииб, узок вақт касалхонада ётади. Шу тариқа бир вақтлар уруш туфайли турмушда вужудга келган қийинчиликлардан ўз манфаати йўлида

фойдаланган, одамлар бошқа ташвишлар билан банд бўлган бир шароитда билган номаъқулчиликларини қилган, ичкилик ва бемаънигарчиликлар туфайли майиб бўлган оёғини мунофиқлик билан «Сенлар учун қон тўкканман!» деб миннат қиладиган, «пўрим» налугчиликдан исқирт пистафуруш даражасига тушган тубан бир шахснинг маънавий портрети кўз олдимизда гавдаланади. Шу йўсинда «Дунёнинг ишлари» қиссасидаги қатор новеллаларда уруш оқибатлари, унинг инсон тақдирида қолдирган изларини кўрсатувчи турли характердаги талай персонажлар билан танишамиз.

«Дунёнинг ишлари» қиссасидаги новеллалар таҳлили шуни кўрсатадики, Ў.Ҳошимов асар воқеалари тасвирида меъёрга қаттиқ амал қилади, ундаги бош йўналишдан, асосий муддаодан чалғиб кетмайди. Барча сюжет шахобчаларини ҳикоячи қаҳрамон нигоҳи орқали марказий фокус — Она образи атрофида бир нуқтага тўплайди. Мана шундай тор, чекланган имкониятлардан максимал даражада фойдаланади. Натижада қиссанинг асосий қаҳрамони Пошша хола образи атрофида уюшган, уни тўлдириб ва бойитиб турадиган, бу тимсолни ранг—баранг қирралардан кўришга, кузатишга шароит яратадиган, йўл—йўлакай тасвирлар, имо—ишоралар орқали ҳам фавқулодда бир маҳорат билан чизилган, ҳар бири мустақил бадиий қиёфасига эга бўлган жуда катта қаҳрамонлар давраси билан танишишга муяссар бўламиз. Шу даврада биз кўздан кечирган новеллалардаги тақдири у ёки бу даражада уруш давридаги ҳаётга дахлдор бўлган персонажлар ўз ўрни ва салмоғи билан ажралиб туради.

Одатда биз айрим ёзувчиларга уларнинг асарларини серперсонажликда айблаб, эътирозлар билдирамиз. «Дунёнинг ишлари» қиссасини ўқиётганда, гарчи унда биз эътироз билдириб юрган асарларга нисбатан ҳам персонажлар сони кўп бўлса—да, бундай фикр нимагадир хаёлга ҳам келмайди. Бунинг сабаби аниқ. Асардаги ҳар бир персонажнинг ўз қиёфаси бор, ҳар қайсиси воқеалар ривожини давомидида ўз зиммасига юкланган вазифани керакли даражада бажара олган. Бу ҳолат бадиий ижодда ҳамма нарсани ёзувчининг ўз олдига қўйган мақсадни уддалай олишига, истеъдод ва маҳоратига боғлиқ, деган оддий адабий ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлайди.

Иккинчи мулоҳаза шундан иборатки, «Дунёнинг ишлари» асарида биз кўздан кечирган новеллалардаги айрим персонажлар, уларнинг мустақил ва мукамал қиёфага эга эканликларини инкор қилмаган ҳолда айтиш мумкин, ёзувчининг навбатдаги йирик эпик асари — «Икки эшик ораси» романидаги бир қатор образларнинг

яратилишида «хамиртуруш»лик вазифасини ҳам ўтаган. Аввало, айтиш керакки, дастлаб қисса билан романнинг ташқи белгилари — қамраб олган даври ўртасида ўхшашлик, умумийлик кўзга ташланади. Сўнгра биз эътибор берган Зеби хола, Хайри, Эгамберди, Раъно, Хўжа, Далавой, Холпош ва бошқа персонажлар тақдири ўзларининг роман имкониятлари даражасидаги тадрижини топганини, катта кўзгуда турли томонлардан кўрсатилганлигини зийрак китобхон пайқамаслиги мумкин эмас. Бу ўринда биз «Икки эшик ораси» даги Қора амма, Башорат, Шомурод, Раъно, Робия, Умар закунчи, Холпош ва бошқа қатор образларни назарда тутамиз. Бу билан биз ёзувчи ўз — ўзини такрорлаган деган фикрдан йироқмиз, албатта. Бундай фикрни айтишга ҳар иккала асарнинг табиати, жанр хусусиятлари ҳам асос бермайди. Муаллиф «Дунёнинг ишлари» асарининг воқеий, аниқ ҳаётий асосга эга эканлигини очиқ айтади. «Бу қисса катта кичик новеллалардан иборат. Бироқ уларнинг барчасида мен учун энг азиз одам — онам сиймоси бор. Бундаги одамларнинг ҳаммасини ўз кўзим билан кўрганман. Фақат баъзиларининг исми ўзгарди, холос. Бу одамларнинг қисмати ҳам қайсидир жиҳати билан онамга боғланган»,¹ — дейди у. «Икки эшик ораси» эса соф бадиий йўналишда яратилган эпик асардир. Биз бу ўринда бадиий ижоднинг ички табиати, қонунияти билан боғлиқ тарзда бир ёзувчи ижоди давомида муайян асарида фойдаланилган ҳаётий материалга яна қайта мурожаат қилиши мумкинлигини, ишнинг натижаси эса ўша ёзувчининг маҳоратига, ўша материалга янгидан қандай ёндашишига боғлиқ эканлигини таъкидламоқчимиз, холос. Айтиш мумкинки, Ў.Ҳошимов бу ишнинг ҳам уддасидан яхши чиқа олган.

ИЗЛАНИШЛАРНИНГ ҚУВОНЧЛИ САМАРАСИ

Сўнгги йилларда ёзувчи истеъдодининг муҳим бир қирраси намоён бўлди. Иккинчи жаҳон уруши даври ҳаёти, умуман, ўтган уруш билан боғлиқ воқеаларни бадиий акс эттириш борасидаги тинимсиз изланишлар, интилишлар ёзувчини «Икки эшик ораси»дек кўп планли, композицион жиҳатдан мураккаб бўлган роман яратишга олиб келди.

Эҳтимол, романи ўқиб чиққан баъзи китобхонлар, ахир, у фақат иккинчи жаҳон уруши даврига бағишланмаган — ку, деб эътироз билдиришлари мумкин. Тўғри, асарда тасвирланган ҳаётнинг хаёлан хронологиясини тиклашга уриниб кўрадиган бўлсак, у анча катта муддатни ўз ичига қамраб олишини, воқеалар тахминан 20 — йиллардан тортиб, бизнинг ҳозирги кунларимизга

¹ Ў.Ҳошимов. Дунёнинг ишлари. Қисса ва ҳикоялар. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1982, 3-бет

қадар давом этишини кузатиш мумкин. Албатта, бир асар ҳажмида шунчалик катта бир давр ҳақида атрофлича ҳикоя қилиш қийин. Шунинг учун ёзувчи баъзи қаҳрамонларнинг тақдирини марказий нуқтага ўрни билан чиқариш мисолида мана шу катта ҳаётнинг турли босқичлари ҳақида гоҳо батафсил, гоҳо йўл — йўлакай, гоҳида эса лирик чекинишлар орқали тасаввур беради. Аниқроғи, мана шу босқичларга хос бўлган характерли воқеа — ҳодисаларни муайян инсонларнинг ҳаёти, кечинмалари, тақдир йўли орқали кўрсатишга интилади. Масалан, романга киритилган баъзи бир асосий ва эпизодик персонажлар борки, улар ёзувчи учун тасвир қўламини мумкин қадар кенгроқ олишга имкон берган. Ориф оқсоқол, Ҳусан думаларнинг ҳаёти мисолида 30 — йиллар, яъни собиқ шўролар давридаги колхоз тузумига оид воқеалар кўз олдимизда жонлангандек бўлади. Муаллим Самадов тақдирида урушга қадарги ҳаётда содир бўлган ноҳақликлар, шахсга сиғиниш иллатлари билан алоқадор воқеалар акс эттирилади. Асар қанчалик кенг даврни қамраб олган бўлмасин, барибир, барча воқеаларнинг, инсоний кечинмаларнинг марказида уруш даври, унинг одамлар тақдирида қолдирган машғум излари, аччиқ, изтиробли хотиралари тасвири туради. Мазкур асарда иккинчи жаҳон уруши билан алоқадор воқеалар қаҳрамонлардаги маънавий — ахлоқий сифатларни синовчи мезон бўлиб хизмат қилади. Ёзувчи уруш даврини, унинг халқимиз тақдирида қолдирган оқибатларини кўрсатар экан, ўша оғир, фожиали кунлар қатъидан келиб чиқиб, ҳозирги ҳаётимизга назар ташлайди, шу кундаги турмушнинг одамлар ҳаёлини банд қилган энг асосий, бош муаммоларига ўтмиш сабоқларидан келиб чиққан ҳолда муносабат билдиради. «Эс — ҳуши жойида одам ўзи ётган бешикни ўзи тепиб, синдирмайди, — дейди ҳаётнинг кўп бўрону синовларини кўрган, уруш туфайли бир кунда икки азамат ўғлидан «қора хат» олган, фарзанд доғи умр йўлдошидан жудо қилган, лекин инсон иродасига қўйилган бир ҳайкал каби ҳамон яшаётган, курашаётган Оқсоқол «Номаълум аскар» ва «Ғамбода Она» ҳайкалининг очилиш маросимида. «Эс — ҳуши жойида одам ўз онасига қўл кўтармайди. Аммо ер юзида ҳалиям янги уруш очишни ҳаёл қилаётган номардлар бор. Энди уруш бўлмасин, десаларинг, мана шу қўшалоқ ҳайкални тавоф қилинглар».¹ Ёки «Офтоб ҳар куни кулимсираб уйғонади — ю, одамларга нур улашади, — дейди бизнинг тенгдошимиз, замондошимиз бўлган, гарчи урушдан кейин туғилган бўлса — да, унинг қора сояси тақдирида бир умрлик из қолдирган Музаффар. — «Мен борман — ку, бир киприк қоққулик қисқагина умрингда тинч — тотув яшасаларинг бўлмайдами?» деяётганга ўхшайди. Қуёш ҳар куни уйғонган заҳоти шунақа дейди. Одамлар унинг гапига тушунмайди. Уруш қилади, бир — бирини

¹ Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наприётни. Тошкент, 1986., 459-бет. Кейинги шرحлар шу напридан олишгани учун фақат асарнинг бетини кўрсатиб кетамиз.

ўлдиради. Гўё ўша уруш аммамни Кимсан акамдан жудо қилмагандек. Гўё тўқсонга чиққан аммам, юз ёшга кирган Оқсоқол бува ҳалиям фарзанд доғида куймаётгандек. Гўё ўша уруш эллик миллион одамнинг ёстиғини қуритганига қаноат қилмай, ўзи тамом бўлганидан кейин дунёга келган Мунавварнинг, беғуноҳ Мунавварнинг ҳам жонига чанг солмагандек» (550 — бет).

Романнинг композицион қурилиши ҳам ўзига хос. Умуман, ёзувчининг сўнгги йиллардаги ижодида қатор изланишлар яққол кўзга ташланиб туради. Бу мулоҳазани унинг асарларининг композициясига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Ана шундай композицион ўзига хослик «Дунёнинг ишлари»да кўзга ташланган эди. Шу йўналишдаги изланишни «Икки эшик ораси»да ҳам яққол кузатиш мумкин. Романда тасвирланган воқеалар, қамраб олинган ҳаёт оқими муайян қаҳрамонларнинг тилидан ҳикояни олиб бориш орқали кўз олдимизда гавдаланади. Шу ўринда бир фикрни таъкидлаш жоиз. Биз, умуман, Ў.Ҳошимов ижодида биринчи шахс тилидан ҳикоя қилишга мойиллик кучли эканини яхши биламиз. Маълумки, бадиий адабиётда қўлланиладиган бундай ифода усулининг ўзига хос мураккабликлари, чекланган жиҳатлари ҳам бор. Чунки бир қатор атоқли сўз усталари бу усулни унчалик маъқул кўришмайди, унинг ижод жараёнидаги ноқулайликларини таъкидлашади. Чунончи, Ч.Айтматов немис адабиётшуноси Хейнц Плавинус билан қилган суҳбатида йўл — йўлакай шу масалага ҳам тўхталиб: «... менга бутун қаҳрамонни учинчи шахсда тасвирлаш энг етук методдек туюлади. Агар қаҳрамонни биринчи шахсда тасвирланса, имкониятлар чекланиб қолади»¹, деган гапни айтган.

Бу усулнинг мусбат ва манфий жиҳатлари бор эканлигини атоқли сўз санъаткори А.Қаҳҳор ҳам бир вақтлар Ў.Ҳошимовга ёзган хатида эслатиб ўтган эди.² Устозининг бу эслатмасини Ў.Ҳошимов ижодий изланишларида ҳамиша назар — эътиборида тутишга ҳаракат қилди. Ўзига қулайроқ бўлган ана шу ифода усулининг янги қирраларини ахтаришга, янги имконичтларини кашф этишга доим интилди. Мана шу интилишнинг самарасини, жумладан, «Икки эшик ораси» романида ҳам кузатиш мумкин.

Танқидчи У.Норматов бир мақоласида романнинг поэтикаси билан боғлиқ ёзувчининг бундай изланишларига эътиборни қаратади: «Шу пайтга қадар, — деб ёзади у, — бизда асар воқеаларини қаҳрамон тилидан ҳикоя қилиш усули бор эди: бунда воқеа кўпроқ бир, гоҳи эса икки персонаж тили, нигоҳи орқали берилар, баъзан эса бир неча персонаж бошдан ўтганларини ҳикоя қилиб берар эди. Бир эмас, бир неча персонаж тилидан ҳикоя

¹ «Новый мир», 1977, № 12, стр. 255

² А. — Қаҳҳор. Ёшлар билан суҳбат. Нутқ, мақола, суҳбат, тақриз ва ёзишмалар. «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, 1983, 3- бет.

қилинган асарлардаги ҳар бир персонаж саргузашти кўпинча мустақил, тугал ҳикоя ёки қисса шаклини олар эди. «Икки эшик ораси»да эса ўзгача манзарага дуч келамиз. Бир — икки эпизодни мустасно қилганда унда алоҳида мустақил, тугал саргузаштлар йўқ; асарда бир неча саргузаштлар параллел равишда бир — бирлари билан туташган, чирмашган ҳолда бериб борилади. Ўнга яқин ҳар хил ёшдаги ҳикоячи персонаж, бунинг устига улар умр поғонасининг турли босқичларида туриб саргузаштларини ҳикоя қиладилар. Кўп ўринда бир ҳодиса икки ёки бир неча персонаж нуқтаи назаридан ҳикоя қилинади, баҳоланади. Масалан, Раънонинг хиёлати ҳам унинг ўзи, ҳам уни шу йўлга бошлаган Умар закунчи, ҳам Робия тили, нуқтаи назаридан берилади, бир ҳодиса уч шахс нигоҳида уч хил талқин этилади»³ У.Норматов бу ўринда ўзбек ҳарбий прозасида ёзувчиларимизнинг тасвирий — ифодавий изланишлари билан боғлиқ бўлган муҳим жиҳатга диққатимизни жалб этаётир Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки «Икки эшик ораси» романи характер яратиш борасида Ў.Ҳошимовнинг сўнгги йилларда олиб борган тажрибаларининг маълум маънодаги синтези, дейиш мумкин. У ўзининг бир мунча олдин яратган асарларида ҳикоялашнинг турлича шаклларида фойдаланган эди. «Дунёнинг ишлари» асари ёзувчининг бу борадаги катта ютуғи бўлди. Қисса ўттизга яқин новеллани ўз ичига олади. Уларнинг ҳар қайсида бир неча персонаж тақдири ҳикоя жанри имкониятлари даражасида тасвирлаб берилади. Ҳар бир образ мустақил характерлар сифатида эътиборни ўзига қаратади. Айни чоқда улар ҳаммаси йиғилиб, ягона бир марказга бирлашадилар, ёзувчининг бош мақсади — она образини турли нуқталардан, ранг — баранг товланишларда очиқ беришга хизмат қилади. Тасвирий — ифодавий усул соҳасидаги изланишларни» Икки эшик ораси»да Ў.Ҳошимов янада юқорироқ нуқталарга кўтариб, бу борада янги имкониятларни топди. «Дунёнинг ишлари»да тасвирланган барча воқеалар ва тақдирларда, гарчи улар бир восита — ҳикоячи қаҳрамон воситасида кўз олдимизда гавдаланса — да, иккита нигоҳнинг, нуқтаи назарнинг ва ҳиссий муносабатнинг ифодаси сезилиб туради. Бу ҳикоячи қаҳрамон ва она — Пошша хола образларидир. «Икки эшик ораси»да ёзувчига роман жанрининг беқиёс эпик имкониятлари қўл келади. У муаян ҳодисага, қаҳрамоннинг у ёки бу хатти — ҳаракатига муносабатни, баҳолаш мезонини кўрсатиш йўли билан тасвирдаги рангларнинг, оҳангларнинг хилма — хил бўлишига эришади. Бу эса У.Норматов таъкидлагандек, «...асарга ўзига хос полифоник хусусият, сержило маъно бахш этади, асар драматизминини кучайтиради». Шунингдек, психологизм тасвири ҳам чуқурлашади. Романдаги бир эпизодга назар қилайлик. Бунда иккала ўғлидан ҳам

³ У.Норматов. Тақдирлар романи. «Икки эшик ораси» романи нашрига ёзилган сўнгги сўз. Ғ.Ғулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1986, 553-бет.

«қора хат» олган Ориф оқсоқол Козим исмли аскар йигит билан қочиб кетган кичик келини Зуҳрани бир ҳафтадан сўнг топиб келиши ва ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ишни қилиши — келинини ўша аскар йигитга никоҳлаб бериши воқеаси тасвирланган. Хўш, мана шу ҳамма биладиган ва гувоҳи бўлган, асардаги драматик тасвирнинг чўққиларидан бири ҳисобланган бу воқеага бошқа қаҳрамонлардаги акс садо, муносабат қандай бўлган? Робиянинг ойиси — «қора амма»:» Етти номус — бир ўлим, болам! Шарманда бўлдик, шарманда бўлдик! Оқсоқол келинини тутиб кепти!... Зуҳра ўлгур бузуқ экан! Дўрмон деган жойда ўйнаши билан бекиниб ётган еридан қайнотаси тутиб кебди. Иккаласиниям бўйнига арқон солиб обкебди» (303 бет). Робия: «Олимжон гапирганда Зуҳра келиннинг тирикчилигини эшитиб хурсанд бўлган эдим. Ҳозир уни ёмон кўриб кетдим. Тўғри — да! Оқсоқол бунақа иснодни қандоқ кўтаради? Холпош хола — чи! Бир эмас, икки ўғлидан барабар айрилган бўлса! Устига устак келини бунақа қилиқ қилса! Зуҳра келин Зокир акани яхши кўрарди — ку! «Қора хат» келса, бўлди экан — да!» (303 — бет). Ориф оқсоқолнинг уйидаги бу мажорани кўришни истамаган Робияга Башор опа «Зуҳра ўлиб кетса, майлими?... Юр, Оқсоқолга ялинамиз. Бечоранинг ёш жонига жабр қилмасин», дейди. У ҳовлига киришгач, илтижо билан «Оқсоқол... Зуҳраҳонни мен биламан. Ҳалол жувон! Оқсоқол, менга ишонинг! Туҳмат гапларга учманг... Жон Оқсоқол!» (305 — бет) дея мурожаат қилади. Ҳусан дума: «Ёш — да... Кичикдан хато, каттадан узр, биродар. Худо хайрингни берсин, кечира қол энди» (305 — бет) дея дўстини шайтонга ҳай беришга чақиради. Умар закунчи аскар йигитни назарда тутиб, «Жим!... Тише! Бизнинг илғор тракторчини, стахановчи Зуҳраҳонни йўлдан урган дизертирни қанақа жазолашни ўзимиз биламиз» (306 — бет) дейди. Оқсоқолнинг, сиз менинг уйимдаги ишга аралашманг, дейишига жавобан «Бунақа шармандаликка сиз чидасангиз, биз чидолмаймиз. Ўртоқ колхозчилар! Шу кунгача колхозимизда бунақа хунук иш бўлганми?» (307 — бет) дея бу ишни ўзича баҳолайди. Ёзувчи Умар закунчининг вазиятдан ўз мақсади йўлида қандай фойдаланган — лигига яна эътиборни қаратади: «Қизик, — деди лабининг бир бурчи билан кулимсираб. Шунақа истеҳзоли кулдики, ингичка мўйлови қийшайиб кетди. — Белида белбоғи бор одам шундоқ иснодга чидаса, майли, биз нима дердик» (308 — бет). Зуҳранинг опаси, шу хонадоннинг катта келини Фотима аввал синглисини «Жувонимарг!... Илоё Зокир аканинг арвоҳи урсин, хўпми? Сендек синглим йўқ, билдингми! Отамнинг арвоҳига солдим, беномус! Илоё бу кунингдан баттар бўл, шарманда!» (308 — бет) дея қарғаган бўлса — да, бошқа ўрнида қайнонаси — ерда фарёд чекиб ётган Холпош холага ёпишиб, «Қарғаманг, ойижон!.. Дуоибад қилманг синглимни! Майли, бир кунмас бир кун ўзи...» (311 — бет) дея

Зухрани ҳимоя қилгандек бўлади. Зухрани аскар йигитга никоҳлаб бермоқчи бўлаётган чолининг ҳаракатларини кўриб, Холпош холанинг фиғони кўкка кўтарилади. Бу ҳолат шундай берилади: «Боядан бери айвон ўртасида чўзилиб ётган Холпош хола ярқ этиб кўзини очди. — Дод! — деди тўлғаниб. — Зокир! Болам! Қандоқ чидайман. Илоё арвоҳинг урсин, жон болам! — амаллаб қаддини ростлади — да, кўзи тўла ёш билан Зухра келинга юзланди. — У дунё — бу дунё косанг оқармасин, жувонмарг! Кун кўриб, куни рўшнолик кўрмагин, имонсиз!» (311 — бет). Чоли домлага никоҳ ўқишга охирги буйруқни берганда, «сўнгги бор оҳ» чекади — ю, «ранги докадай оқариб, боши шилқ этиб ёнига» тушади. Шу алфозда ёзувчи Ориф оқсоқол руҳияти ифодасида чинакам маҳорат кўрсатади. Унинг ички оламида содир бўлаётган барча ҳолат, ўзгаришлар қаҳрамоннинг ҳаракатларига, сўзларига кўчирилади. Шунинг учун ҳам ушбу дақиқаларда унинг юрагида юз бераётган ҳар бир тебраниш эътиборимиздан четда қолмайди. Бу — бежиз эмас. Чунки бу мураккаб, қалтис вазиятда у ҳамма нарсани ҳал қиладиган, содир бўлган воқеа юзасидан ҳукм чиқарадиган одам. Барчанинг нигоҳи унга қаратилган. Тўпланганлар оқсоқолнинг ҳаракатларини фақат кўзлари билангина кузатаётганлари, сўзларини фақат қулоқлари билангина эшитаётганлари йўқ. Шу лаҳзаларда уларнинг бутун вужуди кўзу қулоққа айланиб кетган. Мана одамлар гувоҳи бўлган ўша манзара: Башор опанинг қилган илтижоларига «Ориф оқсоқол «кишт» деб товуқни ҳайдагандек кафтини тескари қилиб» силкитади; Умар закунчининг буйруғи билан аскар йигитнинг қўлини қайирмоқчи бўлаётган Исмоил меласага «Сен нонни очиридини текшир, хўпми?!» дейди; унинг келинини — «стахановчи колхозчини» гўё аскар йигитдан ажратиб олмоқчи бўлаётган Умар закунчи унинг ўзининг гапи билан «Белида белбоғи бор одам шундоқ иснодга чидаса, майли, биз нима дердик», деб жавоб зарбасини берганда, у «ўқ егандек қалқиб» кетади, хонтахта остида ётган болтани қўлига олади ва «болтани қаҳр билан боши устида баланд» кўтаради; унинг болтали қўлига ёпишган қадрдони Ҳусан думани қаттиқ силкитиб, айвоннинг бурчагига учириб юборади, «тиззаси билан Холпош холанинг қорнига» тепади, «Шунақа дегин!» дея «болтани саланглатиб Закунчи томонга икки қадам» босади; шу ҳолатида йиғилганлар тасаввур ҳам қилолмайдиган ишни амалга оширишга қарор қилади — Ҳусан думани Афанди домлани олиб келишга юборади; Оқсоқолнинг вазоҳатини кўриб, «ранги бўздек оқариб кетган», мутассил титраётган аскар йигитнинг ёнига гарданига болта дастаси билан нуқиб Зухра келинни ўтқазиб қўяди ва ундан «Керакми, сенга шу?!» деб сўрайди; ниҳоят, Ҳусан дума Афанди домлани олиб келгач, ундан никоҳдаги хотин олти ойдан сўнг боши очиқ саналишини аниқлаб олади ва тўпланганларга мурожаат қилади:

«Халойиқ!.. Зўрани келиниммас, қизим дегандим. Афсус, толе уни боладан сиқди. Агар ақалли битта боласи бўлганида, Зокиримдан битта зурриёд қолганида, — унинг овози титраб кетди. — Зўра менга битта невара туғиб берганида мана шу қилмиши учун ўз қўлим билан чопиб ташлардим. Неварамни тирик етим қилгандан кўра, ўлик етим қилиб, ўзим боқардим. Нораства болани ҳаром онанинг қўлига бериб қўймасдим. Худо Шокиримга берган туғини Зокиримдан аяди. Давлат билан фарзанднинг эрта—кечи йўқ. Болам тирик бўлганида Зўра кўчқордек ўғил туғиб берса ажабмасди. Уруш бўлмаганида балки шу бугун невара тўйи қилардим... —Оқсоқол энтикиб қолди. Юзини четга бурди. Кўзи намланди—ю, аммо йиғламади. Ҳаво етмагандек беш—олти марта чуқур—чуқур нафас олди—да, давом этди... — Нима қилай, Пешонамга сиғмаган экан. Зўраям ўзимнинг фарзандим. Йўлига тўғаноқ бўлсам гуноҳга ботаман. —У кутилмаганида икки букилиб, одамларга таъзим қилди. Қўлидаги болта тарақлаб ерга тушди. — Мени маломат қилма, халойиқ! —деди илтижоли оҳангда» (310—311—бетлар). Сўнгра ўзининг тепкисидан ҳали ҳам ерда йиқилиб ётган, шу ҳолатида Зухрани тинимсиз қарғаётган Холпош холанинг олдига «бас!» дея бостириб боради, лекин нимагадир у ерда чўккалаб қолади, кутилмаганда бирдан юмшайди. «Қўй, хотин, ёмон ният қилма, — деди Холпош холанинг оппоқ сочлари ёйилган пешонасини силаб. — Қўй онаси буям боланг—да! Буниям бахтини ўйлашинг керак—да, хотин. Сен билан мен эртага бормиз—ми йўқми.. Ана, домла айтди. Эри ўлган хотин олти ойдан кейин боши очик бўларкан. Зўра бир ярим йилдан бери бева—ку, онаси»(311—бет). Кейинги воқеалар бир зумда содир бўлади. Оқсоқол «нимага анқаясан, ҳов. Бўлсанг—чи!» дея имиллаётган домлани ҳаракатга келтирди. Никоҳ ўқилиб, расм—русмлар тезда тугайди. Ўқувчи туйғуларини ларзага келтирадиган бу манзара шу воқеаларнинг ҳаммасини бизга ҳикоя қилиб бераётган Робиянинг назарида қуйидагича якун топади: «Ҳовлидаги оломон, айвонда турган бобом, Умар Закунчи, Исмоил мелиса—ҳамманинг оғзи очилиб қолган эди. Зухра келин каловланиб ўрнидан турди. Яқин келиб, ўзини оқсоқолнинг оёғига ташлади.

—Отажон!отажон!—деди илтижо билан.

Оқсоқол оёғини тортмади, аммо Зухра келинга қарамади ҳам. Шошилмай ўрнидан турди—да, ҳозиргина Холпош холани судраб обкириб кетган уйга йўл олди. Зухра келин чўккалаганча ўша томонга қўл чўзди.

—Ота ... — деди секин, умидсиз оҳангда» (312—бет).

Мазкур эпизодда ёзувчи бадий тасвир имкониятларининг нақадар чексиз, ранг—баранг эканлигини намоиш эта олган десак,

бизнингча, ҳеч муболаға бўлмайди. Чунки бир ҳодисанинг ўзини бунчалик теран кўрсата олиш, унга нисбатан бўлган турлича нигоҳларни, хилма-хил нуқтаи назарларни бериш, шу иш дахлдор бўлган асосий қаҳрамонлардан бири — Ориф оқсоқол руҳиятидаги ўта мураккаб товланишларни, тебранишларни жуда нозиклик билан илғаб олиш асарда катта маҳорат, юксак санъаткорлик билан бажарилган.

Санъаткор қай мавзуга қўл урмасин, қай композицион турдан фойдаланмасин, сюжетни қурмасин, ҳикоялашнинг қандай усулини танламасин, пировардида, булар ҳаммаси шу асарда яратилган инсон образини — характерларни жонли ва тўлақонли чизиш ишига хизмат қилади. Бинобарин, бу масала кўп жиҳатдан асарнинг муваффақиятини таъминлайдиган бош омиллардан биридир. «Икки эшик ораси» романининг образлар галереяси жуда бой ва ранг — барангдир. Асарда 60 нафар ортиқ персонажнинг номи тилга олинади. Булардан ўнга яқини фаол қаҳрамонлар бўлиб, уларни чинакам бадиий характер даражасига ўсиб чиққан образлар дейиш мумкин. Романнинг образлар системаси, ундаги хилма-хил қиёфаларнинг бадиий жонлантирилиши, бу борадаги ёзувчи маҳорати ҳақида шу пайтга қадар анча баҳслар бўлди, талай мақола ва тадқиқотлар эълон қилинди. Биз эса ишимизнинг умумий руҳидан келиб чиққан ҳолда, бу ерда кўпроқ романдаги бой ҳаётий тажрибага эга бўлганлиги туфайли эл назарида бўлган, уруш даврида фронт орқаси ҳаётининг заҳматларини кўпроқ чеккан, фақатгина фидокорона меҳнати билангина эмас, оғир синов пайтида сабот-матонати билан ҳам шахсий намуна бўлган, элга бош-қош, маслаҳатгўй сифатида унинг юкини енгил қилган табаррук қариялар — отахон ва онахонлар образларига алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Бундай образларга алоҳида тўхталишимизнинг сабаби, уларнинг ёшига бўлган ҳурмат эмас, балки асарда тутган мавқеидир. Романдаги «Қора амма», Ориф оқсоқол, Ҳусан дума образлари ана шундай етакчи тимсоллар сирасига киради. Инсондаги фидойилик, сабот ва матонат каби сифатлар юқоридаги характерлар мисолида ишонарли тасвир этилган. Бу образлар тасвиридаги кўламдорлик уларнинг ҳаёт ва фаолият доираси кенг қамраб олинганлигидагина эмас, балки фалсафий чуқурлигида — бутун халқнинг тарихи, кураши, шижоати, фидокорлиги, тантилиги, бағри кенглиги ва соддалигини ўзига сингдириб олган умумлашма образлар эканлигида ҳамдир.

Чунончи, Ҳусан Дума ва Ориф оқсоқол халқ тимсоли бўлган образлардир. Улар ўз умрлари мобайнида адоқсиз даҳшатларни сабот билан енгиб, она ерига, юртига, имонига садоқатини қон билан, жон билан исбот қилиб келган кишилардир. Фронтда жон

олиб, жон бераётган йигитлар ҳам шуларнинг фарзандлари. Улар ҳам шу юртга, халққа оталари каби садоқатли бўлиб етишадилар. Чунки, ўртада ҳеч қандай ёвуз куч енга олмайдиган маънавий ворислик бор. Ёзувчи фронт билан фронт орқасини худди ана шундай маънавий ип боғлаб турганига алоҳида урғу беради.

«Қора амма» ҳикоясидаги қуйидаги тасвир билан танишайлик: «Шомуроднинг феъли чолимга ўхшайди. Чолим ҳам ўз киндигини ўзи кесган хилидан эди. Колхозга биринчи бўлиб ёзилганида Ориф хўжабойнинг одамлари кечаси уйимизга бостириб кирган. «Ичагингни бошингга сала қилиб кетамиз» деб қўрқитишган. Чолимнинг жуссаси кичик бўлсаям, юраги отнинг калласидек эди. «Шу гапинг учун ҳам колхоз бўламан, қўлингдан келганини қил!» деб тураверган. Босмачи чиққанида кетига кўп тушишди. Бир марта отишди ҳам. Менинг толеимгами, Кимсанимнинг бахtimi, бирон жойи тирналмади. Қайтага оқсоқол билан аскар тўплаб, босмачини Паркатгача тириктириб келишди» (38 — бет).

Фарзандлар садоқатига ишонч Ориф оқсоқол тилидан тиниқроқ ва аниқроқ айтилади: «Менинг ўғилларим ўлмайди! Ориф оқсоқолнинг ўладиган ўғли йўқ!» — ҳайқиради у ўғиллари ҳақида қора хат олганда. Шу тариқа ёзувчи романда оталар жасорати ва фарзандлар садоқати ҳақидаги гапларни ёнма — ён равишда ривожлантириб боради.

Ориф оқсоқол ва Ҳусан Дума, ўзларининг айтишича, «минг йиллик» қадрдон. Улар романда бир — бирларини тўлдириб, мукаммалаштириб борадилар. Ориф оқсоқол образи ўзининг тўлақонлиги, кучли шахсияти ва етуклиги билан эътиборимизни тортади. Оқсоқол образи деярли романнинг бошидан охиригача воқеаларда фаол иштирок этади ва асарнинг бош образларидан бири сифатида таассурот қолдиради.

Ориф ота — ўзи саводсиз деҳқон. Аммо бутун кучини, борлигини, ҳаётини шу эл, шу юрт учун сафарбар этган одам. У бир вақтлар совет ҳокимиятини қон кечиби, ҳимоя қилган, босмачиларга қарши курашда жонбозлик кўрсатган. Коллективлаштириш даврида эса шу «Қизил деҳқон» колхозини ўзи бош бўлиб тузган, раис сифатида шу хўжаликни илғор даражага олиб чиққан.

Ориф оқсоқолнинг ташкилотчи сифатидаги бош хусусияти — унинг халқ билан бир тилда сўзлашишида, унинг дарду ҳасратларини яхши билишида ва кези келганда, унда ҳар қандай шижоатга, ишга сафарбарлик кайфиятини уйғота олишида. Шунинг учун ҳам қишлоқ аҳли уни ҳурмат қилади, айтган гапини икки қилмайди. Фронтга ёрдам саҳнасини эслайлик. Ўзининг кундалик эҳтиёжини зўрға қондириб юрган халқдан урушга ёрдам уюштириш

осон иш эмас эди. Албатта, кўпчилик бу ишнинг қанчалик зарурлигини ҳис этар, «урушга ёрдам» деганда, ўзининг фронтда қон кечиб юрган ўғли, укаси, жияни, ҳамқишлоғи кўз олдига келар ва ўз томоғидан қайтариб бўлса — да, ёрдам фондига берар эди. Аммо — элчилик. Кўпнинг ичида уч — тўртта заёмдан қочадиган, солиқчи келса, бекиниб оладиган, ўзини эшитмаганга солиб юрадиган одамлар ҳам топилиб қоларди. Ана шундай одамлар билан муомала қилишда қишлоқ совети раиси ва Умар закунчи уларни фақат жазо ҳамда қамоқ билан қўрқитишар, бу ишнинг аҳамиятини одамлар қалбига, ориятига тегадиган қилиб етказа олмасдилар. Ана шундай пайтларда Ориф оқсоқолнинг одамлар дилини яхши билиши, улар билан деҳқончасига тиллаша олиши иш берарди.

Оқсоқол ҳар бир хонадонга эринмай кириб чиқар, бировни тўғри сўз билан кўндирса, бошқа бировни орийатни ўртага солиб, уялтирар эди. «Ҳой, белингда белбоғинг борми ўзи? Йигитларимиз у ёқда қонга ботиб юрипти. Сен бу ерда кетингни танчага тиқиб ётибсан, энди бир жуфт этикниям аяйдиган бўлдингми, нодон!» Оқсоқол йиғинда шундай деб ҳайқирганда, ўша четда турган ҳам топган — тутганини олиб чиқиб, ўртага ташлайди.

Бировга таъсир қилишнинг энг олий усули, ҳақиқий ташкилотчиликнинг бош хусусияти — шахсий намуна. Бунини Оқсоқол яхши тушунади ва шунга амал қилади. Қандай юмуш ҳақида ташаббус кўтармасин, биринчи бўлиб кетмон — ўроғини кўтариб, ўзи олдинга ўтади. Бу ишда ҳам шундай бўлди. Оқсоқол кийиб юрган ягона оёқ кийими — этигини ечиб, урушга ёрдам учун тоширди: «Мен яланг оёқ юрсам ҳам ўлмайман! Тошканни қиши совуқмас!» — дейди у. Шундай деб халқни кўзғатади, уни сафарбар этади — ю, ёмғирда уч кун калиш кийиб картошка қазиб, эски дарди — белининг боди тутиб, ётиб қолади.

Оқсоқолдаги иккинчи муҳим хусусият — фидойилик. Аммо бу унинг учун кўкракка уриб минбарлардан айтиладиган мавҳум тушунча бўлмай, балки қаҳрамоннинг ҳар бир шахс, воқеа — ҳодисага муносабатида кўринадиган амалий фидойилиқдир.

Чинакам фидойи бўлишнинг биринчи шarti — кишининг ўз манфаатидан кеча олиши, ундан умум манфаати, халқ ва юрт манфаатини устун қўя билиш қобилиятидир. Ориф оқсоқолда худди ана шундай хислат ўзининг олий даражасида намоён бўлади. Халқ учун фидойилик одамларга фидойилиқдан бошланади. Оқсоқол ҳеч кимнинг ғам — ташвишига бефарқ бўла олмайди, уни ўз ғам — ташвишидек қабул қилади.

Қаҳрамондаги бу хислатни биз дастлаб унинг ўзига бутунлай бегона бўлган одамга — ўқитувчи Самадов (Робиянинг дадаси) оиласи тақдирига муносабатида кўрамыз. Оқсоқол саргардонликда юрган бу оилани колхозга кўчиртириб келиб, Ҳусан думанинг бир хонадонига жойлаштиради. Баҳор чиқиши билан ҳашар усулида уй қуриб беришларини айтиб, оиланинг кўнглини кўтаради, «маълим» ни ишга жойлайди. Самадов ноҳақ қамалиб кетганда эса, унинг қизи Робияга Ҳусан дума билан тенг равишда оталик қилади.

Оқсоқол фрагида инсонга бўлган меҳрнинг чеки йўқ. Ноҳақликка эса тоқат қилиб тура олмайди, унга қарши чиқмаслиги мумкин эмас. Ориф оқсоқол — виждони доимо уйғоқ одам. Умар закунчи Олимжонни ноҳақ жазолаганини эшитганда, кампири ўлиб, каловланиб қолган Оқсоқол «Бирдан қаддини ростлади. Худди ўша қадимги Ориф оқсоқолга айланди. Қуюқ қошларини чимириб, хавончадек муштини хонтахтага урди.

— Қачонгача зулм қилади бу? Совет ҳокимияти борми — йўқми ўзи?.. — Районга бораман! Ўртоқ Абдурахмоновга йўлиқаман! Уям қулоқ солмаса, Москвага бораман! Робия, ол, давот — қаламингни. Ёз, қизим! Оқсоқол бу ноҳақлик ва зулмни «ҳазм» қилиб, ҳатто арзимаган қўл қўйишдан бош тортган Комил табибнинг хатти — ҳаракатларидан қаттиқ хафа бўлади. «Э, муллаваччаларга ўхшамай ўл! — деди Оқсоқол табибнинг орқасидан сўкиб, — Латта! Бола бечоранинг бадани илма — тешик бўлиб кетипти — ю, қўл қўй деса, кўнмайди. Бир жойдаги одаммиш. Раис бир кунмас бир кун жазосини олармиш. Ёмонлик жавобсиз қолмасмиш. Ўргилдим сенга ўхшаш пайтавақулоқ ўзбекдан! Кетдик, Дума! Табиб даъвогар бўлмаса, мана мен даъвогарман!» (330 — бет)

Ёзувчи Ориф оқсоқол образининг турли вазиятлардаги турли қирраларини очиб бораверади. Кўз олдимизда Оқсоқол тадбиркор, кескин фикрли, душманга шафқатсиз, дўстга меҳрибон, хуллас, мардона бир характер сифатида шаклланиб, тўлишиб бораверади.

Оқсоқол ёши ўтган, онги эски қарашлар таъсирида шакланган, саводсиз бўлишига қарамасдан янгиликни сергак қабул қилади. Кўп ҳолларда воқеаларга сергак қараш, вазиятга тўғри баҳо бера билишлик, кутилмаганда энг тўғри қарорга келиши унинг табиати учун жуда характерлидир.

Фронтдаги Кимсан билан қишлоқдаги Робиянинг унаштирилиш тўйини эслайлик. Бир қараганда, ўзбек одати, уруш вазияти учун ҳақиқатдан ғалати ҳодиса бу. Ўғиллари Кимсанинг фронтдан ёзган бу илтимоси Ҳусан дума ва «Қора амма» ни

бутунлай шошириб қўяди. «Амма»ни, бир томондан, Кимсан ва Робиянинг ака—сингилдай бўлиб ўсгани ўйлантирса, иккинчи томондан, одамларнинг «Булар келин туширишнинг харажатидан қочиб, асраб олган қизини ўғлига сув текинга олиб бераяпти», деб гапириши мумкинлигини ўйлаб ташвиш тортади. «Хўш, нима бўпти?—деди қўлини пахса қилиб Оқсоқол. — Икки ёшнинг юлдузи юлдузига тўғри келган бўлса, сен нимага обидийда қиласан, ахмоқ хотин?!» Ориф оқсоқолнинг бу кутилмаган лўнда хулосаси катта муаммога айланиб, кўп хираликлар келтириб чиқариши мумкин бўлган масалани ҳал қилади—қўяди. «Қора амма» яна қандайдир гумонлар оғушида қолиб, иккиланганда, Оқсоқолнинг ғазаби келади: «Афти буришиб кетди. Сандал устига ёзилган қўроқ дастурхонни жаҳл билан муштлади. Туршак жийдалар ҳар ёққа сачраб кетди.

— Икки ёш бир—бирига кўнгил қўйганми, ахир! Оғзига кучи етмаганлар билан нима ишинг бор? Айтдим—ку, қизингга мен совчи бўп чиқаман. Анови мумсик чолингга айтиб қўй: шу пайтгача Ориф оқсоқол совчи бўлиб борган хонадонидан қиличи синиб қайтмаган. Гап шу: қиз—Думаники, ўғил меники. Тушундингми?» (146—бет). Мана шу ўринларда қаҳрамон характери ўзининг бор виқори билан кўринади. Ёзувчи унинг хатти—харакатлари, гап—сўзларига китобхонда заррача шубҳага ўрин қолдирмайди. Ориф оқсоқолнинг янгиликни сергак ҳис этиш ва ҳимоя қилиш, мардлик, ўз манфаатидан умумманфаатини юқори қўйиш каби фазилатлари биз у билан танишган дастлабки саҳифалардаёқ кўзга яққол ташланади. Саҳифаларда Оқсоқолни халқ беҳад ҳурмат қилади, эъзозлайди, ундан бошқа раисни тасаввур қила олмайди. Аммо Оқсоқол ҳам ўз навбатида халқнинг бу ишончини суиистеъмол қилмайди, ўзига бино қўймайди, аксинча, керакли ўринда ўзига танқидий ҳам ёндаша олади.

Янги раис сайлаш йиғилиши жанжалга айланиб кетади. Халқ раисни, яъни Ориф оқсоқолдек раисни бошқаси билан алмаштиришга нима ҳожат борлигини тушунмайди. Ҳар томондан «бошқа раис керакмас!», «Оқсоқолнинг ўзи яхши» деган ҳайқириқлар эшитилади. Мажлис издан чиқади, район бошлиқлари ҳам ноилож аҳволда қолиб, янги раис сайлаш иши барбод бўладиган даражага келади. Ана шунда Оқсоқол характерининг энг муҳим қирраси ёрқин очиладиган вазият етилади. Халқнинг раис сифатида фақат шу одамни талаб қилиши унинг обрў—эътиборини кўтарса, Оқсоқолнинг ана шу вазиятдаги хатти—харакати, гап—сўзлари китобхоннинг унга бўлган ҳурматини юз чандон ошириб юборади. «Халойиқ!—деди Оқсоқол гўлдираган товушда. Секин—секин тинчлик чўқди. —Калта ўйлама, халойиқ! Мана, оғир йиллардан ўтиб олдик. Тўкинчилик замон келди. Лекин бундан кейин деҳқоннинг ишини кетмон эмас, машина қилади. Украина

томонларда буғдойни мошина ўряпти. Яқин орада олимлар ҳаводан ўғит олади...» (59 — бет). Райком секретарининг гапига ҳам қулоқ солмай, шовқин қилаётган халойиқ бу оддий, деҳқонча гаплар таъсирида бир қадар тинчийди. Буни сезган Оқсоқол гапнинг асосий маъзини маъқуллаштига ўтди: «Қани, қайси биринг эплайсан ҳаводан ўғит олишни? Ана, индамайсан! У ёғини сўрасанг менам эполмайман. Хўш, шундоқ экан, нимага шовқин соласан? Бунақа ишлар, — у йўл — йўл костюмни кишига юзланди. — Ўртоқ Хажайишни қўлидан келади! Нега деганда илми — ҳикматни билади. Райком ўртоқ Хажайишни раисликка лозим кўрибдими, бир нарсани билиб қилган. Гапни кўпайтиришга ҳожат йўқ. Ўртоқ Хажайишга мана мен биринчи бўлиб овоз бераман. Қайси биринг Оқсоқолни ҳурмат қилсанг, қўл кўтаравер!

Оқсоқолнинг ўзи биринчи бўлиб қўлини баланд кўтарди» (60 — бет).

Кўриниб турибдики, Ориф оқсоқол ориятли, мард бўлиши билан бирга вазиятга ҳам сергак баҳо бера олади. Унинг «Райком ўртоқ Хажайишни раисликка лозим кўрибдими, бир нарсани билиб қилган» деган гапларида чуқур маъно бор. Чунки ундан олдин гапирган район раҳбарининг гапларида ички зиддият яққол кўриниб турибди. У, бир томондан эски раиснинг тадбиркорлиги, ташкилотчилигини тилга олиб, шу туфайли колхоз илғор даражага кўтарилганини айтса, иккинчи томондан, шунга қарамасдан, бесабаб уни янги раис билан алмаштиришни райком номидан тавсия қиляпти. У халқнинг норозилик кайфияти билан ҳисоблашаётгани йўқ. Демак, янги раис сўзсиз, «юқори» дан кимнингдир тавсияси билан сайланаяпти ва сайланиши шарт. Буни Оқсоқол ҳам яхши сезиб турибди. Лекин райкомнинг оқилона иш қилишига шубҳа қилмаган Оқсоқол, шу масалада ҳам ўз зарарига бўлса — да, масаланинг тинч ва ижобий ҳал бўлишига ўзи бош бўлмоқда. Бунинг учун жуда катта қалб, орият, мардлик керак, албатта. Аммо шу ўринда Ориф оқсоқол ноҳақликка қарши курашиш принциpidан чекинмадимикин? Йўқ! Чунки у биринчидан, ўзига танқидий қараб, саводсизлиги туфайли янги замон талабларига жавоб бера олмаслигини ўйлайди, иккинчидан райком адашмаслигига имони комил, учинчидан, халқ Умар Хўжаевнинг ким эканлигини билмайди.

Шунинг учун ҳам шу мажлиснинг ўзидаёқ янги раиснинг қўпол муомаласини эшитгач, яна биринчи бўлиб оёққа туради. Унга биринчи зарбани беради: «Хў! Хажайиш! — деди соқоли титраб. — Закунчимисиз, нима бало! Нуқул «закун, закун» дейсиз! «Қизил деҳқон» дагилар закунни сизчалик билмасаям, деҳқончиликка ақли етади» (61 — бет).

Қизиги шундаки, янги раис биринчи «нутқи»даёқ ўзини кўрсатиб қўйган бўлса—да, Оқсоқол бағри кенглик билан уни кечирази ва мажлис сўнгида унга уй қуриб бериш масаласини қўяди. Чунки, унинг тушунчасида янги раиснинг қандай яшаши шу колхоз халқининг номи, орияти билан боғлиқ масала.

Шу биргина эпизодда характер бизга қанча қирралари билан намоён бўлади, ҳар бир вазиятдаги ўз хатти—харақати, гап—сўзлари билан Оқсоқол образи кўз олдимизда борган сайин тўлишиб, у ҳақдаги китобхон таассуроти мукаммаллашиб бораверади.

Ў.Ҳошимов Ориф оқсоқол образини чизишда бир хилликдан қочади, характер тасвирида полифонияга алоҳида эътибор беради. Оқсоқол образи бошдан охир жангари, чўрткесар сифатида ва фақат тўғри гапни гапириб, тўғри ишни қиладиган, ғам—койиш нима эканини билмайдиган схематик образ сифатида эмас, балки жонли инсон сифатида бор хислатлари ва нуқсонлари билан кўринади. Инсоний ожизлик ҳам Ориф оқсоқолга бегона эмас. У ҳам пайти келганда ғам—ғусса чекади, ўзини йўқотади, ҳатто тушқунликка тушади. Шу нуқтаи назардан, Ориф оқсоқолнинг икки ўғли — Шокир ва Зокирдан бир кунда «қора хат» келиши ва айниқса, биз юқорида кўрган келини Зухранинг қочиб кетиши билан боғлиқ эпизоддаги ҳолати тасвири характерлидир.

Тасвирдаги бу саҳна асарнинг энг драматик, кульминацион нуқталаридан бирини ташкил қилади. Худди шу ўринда Ориф оқсоқол ўзидаги бор шижоат, мардлик ва бағри кенглик билан ҳаётдаги энг фожиаи онлардан бирини мардона енгиб ўтади, саросимага тушмасдан ақл билан иш тутати.

Тасаввур қилинг: бутун ҳаёти давомида элга бош бўлиб, гапи икки бўлмай, кўкрагини кериб юрган Оқсоқол кетма—кет икки бор урушнинг даҳшатли зарбасига учради. Бир вақтнинг ўзида икки азамат ўғлидан жудо бўлди—Шокирдан ҳам Зокирдан ҳам «қора хат» олди. Бу даҳшатли зарбадан ҳали ўзига келар—келмас, иккинчи зарба—келини Зухранинг аскар йигит билан қочиб кетиши воқеаси уни қалқитиб юборди.

Бу зарбага дош бериш, ўзини йўқотмаслик учун Ориф оқсоқол бўлиш керак эди: у қалқиди, лекин йиқилмади, уруш келтирган навбатдаги даҳшатни ҳам мардона енга олди.

Келини Зухра тақдири ҳал этилган саҳнада характер динамизми ва драматизми ўзининг энг юқори чўққисига

кўтарилади, уруш даврида кўплаб одамлар бошига тушган бу кулфат шунчаки хусусий, оилавий можаро эмас, балки урушга қарши даҳшатли айбномага айлангандек бўлади. Ёзувчи воқеага бизни ишонтиради, Ориф оқсоқолдек доно, тагти, тадбиркор одамнинг шу вазиятда бундан бошқача ҳаракат қилиши мумкин эмаслигига китобхон амин бўлади.

Романдаги Ориф оқсоқол ва Ҳусан дума образлари ажиб тарзда бир—бирини тўлдиради. Улар иккаласи кўп йиллик қадрдон, энг оғир дамларда бир—бирига суянчиқ. Ориф ва Ҳусан дума собиқ шўролар тузумидаги босмачилик даври даҳшатларини, коллективлаштириш йиллари мураккаблиklarини бирга, елкама—елка туриб, енгиб ўтишган.

Ҳусан дума—чинакам саҳийқалб, содда, самимий, меҳнаткаш типик ўзбек деҳқонининг образидир. У ўз бошидан жуда кўп савдоларни ўтказган. «Оқ пошшо» даврида уни давлат Думасига «халқ вакили» сифатида сайлашган. Аммо у на ўзининг вазифасини, на ҳуқуқини билмай, Дума йиғилишларида бир соядек ўтириб келаверган. Ўшандан буён уни халқ «Ҳусан дума» деб атайти. Уни босмачилар «колхозга кирсанг, ичагингни салла қилиб кетамиз» деб кўрқитсалар ҳам, «худди шунинг учун ҳам колхоз бўламан» деб сўзида қаттиқ турди. Уни ҳатто отишди, аммо бу йўлдан қайтара олишмади. Мана энди фашист аталмиш малъун унинг тинчлигига, халқи, юртига озор етказмоқда. Аммо энди ғанимга қарши от суриб чиқишга унинг жисмоний қуввати етишмайди, ёши ўтган. Лекин ундаги мавжуд маънавий қудрат душманга қишлоқдан туриб ҳам зарба беришга қодир. Ҳусан ота қўлидаги энг буюк қурол—юртга, халққа фидойилиқдир. Бу қурол олдида душманнинг ҳар қандай бомбаси ожиз. Мана шу фидойилик, ватанпарварлик романдаги бир қатор саҳифаларда Ҳусан дума образини яхлит, тўла қонли ва ўзига хос характер сифатида тасаввур қилишимизга имкон беради.

Ўғли Кимсанни урушга жўнатиш эпизодида унинг оиланинг асосий суянчиғи «галанска» сигирни сотиб, «Ўзбекистон танк колоннаси»га топшириб келиши, ҳеч ким қўл урмаган иш—шарбатни далага ташиши ва ниҳоят, аравани қутқаришда ҳалокатга учраб, фожиали ҳалок бўлиши каби тафсилотлар ифодасида биз Ҳусан думанинг чинакам фидойи ва жасур инсон эканлигини кузатамиз.

Ҳусан ота ўзига муносиб ўғил тарбиялаган. Ягона фарзанди Кимсан урушнинг бошланганлигини эшитиб, ҳарбий

комиссарликка учрашади ва кўнгиллилардан бўлиб фронтга кетади. Ҳусан ота эса Кимсаннинг бу ишини қалбдан маъқуллайди.

Ўғлининг бу ҳаракатларини маъқулламаётган кампирига Ҳусан ота дашном беради, юпатади ва оқ фотиҳа бериб, Кимсани фронтга кузатади. Ҳусан думанинг бу хатти — ҳаракатларида заррача сунъийлик йўқ. Унинг тажрибаси, ҳаёт йўли, эътиқоди худди шу қарорга олиб келиши турган гап эди.

Шунинг учун ҳам чол ўғли бедарак йўқолганлиги ҳақида хабар олганда, саросимага тушади, одамларнинг уни «хоиннинг отаси» деб аташларини ўйлаб, изтиробга тўлади: «Йўқ! — деди ҳансираб. — Закунчи бошқа гапни айтди. Ўғлинг хоин деди, билдингми? — унинг кўзларига яна ёш тўлди. — Мен... — деди кичкина, чайир муштини тутиб. — Мен... хоиннинг отасиманми? Шунча йил хоинни боқдимми?» (282 — бет). Унинг жонига яна ўша «Минг йиллик» қадрдони Ориф оқсоқол аро киради: «Ўша закунчингни... — Оқсоқол уят гап айтиб юборди, чолимнинг устига бостириб борди. — Эшитдингми? Ким айтди, бедарак йўқолганлар хоин бўлади деб, балки партизанларга қўшилиб кетгандир! Шунақасиям бўлади — ку, тўғрими? — Қизик, у охирги гапни анча шаштидан тушиб, иккиланиброқ гапиргандек бўлди. Носдан олсанг — чи, — деди қовоғини солиб. — Ана, қаънилик Холмат аравакашнинг ўғлидан ҳам шунақа хабар келган. Нима қипти? Ўғлингдан қора хат келмаганига суюнмайсанми, эси паст!

Чолим анча дадилланди (283 — бет).

Ҳусан думанинг онгли, фидойи инсон эканлиги, юқорида эслатилганидек, ягона зотли сигирини ҳам сотиб, фронтга танк яшаш фондига ўтказиб келганлигида ҳам ёрқин кўринади. Бу ҳаракатга Ҳусан отани ҳеч ким мажбур қилган эмас. У бундай ишни қилмасдан ўз меҳнати билан умум ишига улуш қўшиб юравериши мумкин эди. Аммо унинг қалбида ўз шахсий тинчлигидан умумхалқ ишини устун қўйиш туйғуси бор. Шу туйғу уни сигирини етаклаб бозорга олиб чиқишга ва бир қисмига кичик бузоқ, қолганини «Ўзбекистон танк колоннаси» фондига топшириб келишга ундайди. Ҳусан дума фронтга ёрдам уюштирилганда, бисотида бор нарсанинг ҳатто ўзига керакларини ҳам топширади. Фронтдагилар деганда, Ҳусан думанинг кўз олдида қон кечиб юрган ўғли Кимсан келади. У фронтга фақат моддий ёрдам кўрсатиш билан эмас, меҳнати билан ҳам фойдаси тегишини тушунади. Кичкина жуссаси билан ҳар қандай қора ишдан жирканмайди, ҳар бир қилган иши ғалабанинг яқинлаштиришига ишонади. Ҳусан отанинг ҳеч ким қўл урмайдиган иш — далага шарбат ташиш эпизодларини эсланг. Унинг бу жонбозлиги туфайли лавлагилар самовардек — самовардек бўлиб етилади.

Хусан думанинг фожиали ўлими эпизоди қаҳрамоннинг умуми иши учун фидойилигининг энг юқори нуқтасидир. Иттифоқо, ўта хавфли, драматик вазият юзага келади. Ёш бола ҳайдаб келаётган арава темир йўл устида тўхтаб қолади. Дума учун дала ишида бебаҳо улов — арава ҳам, унинг устидаги халқ меҳнатининг маҳсули — лавлаги ҳам бирдай азиз. Шу дақиқаларда қари чол ўз тинчлиги, хавфсизлиги, ҳаёти ҳақида эмас, ҳудди шу нарсаларни сақлаб қолиш ҳақидагина ўйлайди. Поезд келиб қолганда Оқсоқолнинг «ўзингни четга ол» деган ҳайқириғига ҳам қулоқ солмайди, натижада фожа юз беради. Аммо бу саҳна қанчалик таъсирчан бўлмасин, унда бир оз атайинлик, сунъийлик борлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Афсуски, бундай сунъийликлар асарнинг бошқа бир қатор драматик эпизодларида ҳам учрайди.

Ў.Ҳошимовнинг муваффақияти шундаки, Хусан дума образида чуқур ҳаётий қаҳрамон, чинакам содда, фидойи ва бир сўзли инсон тимсолини ярата олган.

Хусан дума образини нурлантириб турган хислатларидан бири унинг фаол гуманист, чинакам инсонпарвар шахс эканлигидир. Хусан ота инсон зотини яхши кўради, ундан қўлидан келган меҳрибончиликни аямайди. У отасиз қолган Робияни ўз тарбиясига олади, уни ўз қизидек вояга етказди, тақдири ҳақида қайғуради. Аммо қизим, деб унинг тақдирини ўзича ҳал қилиб юборишга ҳам интилмайди, қизнинг кўнглига қарайди, уни авайлайди. Робияга Очилбойдан совчи келиш саҳнаси эслайлик: Хусан ота бошда бу ишга розилик беради, аммо Робиянинг йигитга кўнгли йўқлигини сезгач шартта нуқта қўяди. Қизини қандай бўлса ҳам кўндиришга ҳаракат қилган кампирини жеркиб беради: «Эшиқдан бобомнинг асабий товуши келди. — Падарингга минг лаънат сендақа паканани! Нима қиласан болани қийнаб?!

Ойим мени қайтадан қучоқлади.

— Вой, мен оёқ — қўлидан боғлаётганим йўқ — ку, бобоси!

— Э, ўл! — бобом яна ўшқирди. — Отанг Орифхўжабойнинг ўғлига унашаман, деганда ўламан саттор тегмайман, деб йиғлаганинг эсингдан чиқдими? Томорқанг туйнутидан эмаклаб чиқиб, бўйнимга осилиб ялинган ким эди?

— Вой, ўлай, мен нима қилдим? — деди ойим йиғламсираб. — «йўқ» десанг, садқаи сар!

— Комилнинг жавобини бериб юбор! — Бобом «гап шу!» дегандек кескин бурилиб, эшиқдан нари кетди» (123 — бет).

Ёзувчи Ҳусан отанинг самимийлиги, соддалиги, деҳқонча фикрлаш ва сўзлашларини ҳаётий кўрсата олган. Унинг Ориф оқсоқол билан ҳазиллари, «сен»сирашиб эркалик қилишлари, айна пайтда бир—бирига чинакам самимий инсоний муносабатлари табиий ҳолатда китобхонга етказиб берилган. Унинг «Ориф оқсоқол мени «пажалиста» деб ҳақорат қилди», деб тумшайиб юришлари, ўзаро ҳазил—мутуйиблари бу икки қарияни китобхон чин дилдан севиб қоладиган содда, аммо покиза ва самимий инсонга айлантиради.

Ҳусан дума ёнида унинг ўзидек покиза, содда ва самимий кампири — «Қора амма» юради. «Қора амма» асарнинг етакчи қаҳрамонларидан бири сифатида асарнинг бошидан охиригача фаол ҳаракат қилади. Кўп ўринларда у етакчи ҳикоячи—қаҳрамондир. Аксарият воқеаларни, қаҳрамонларни биз шу аёл нутқи, ҳикояси орқали кўрамиз. «Қора амма» — бош ҳарфлар билан ёзиладиган она образи. Бу образ Ў. Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссасидаги Она образининг янада бошқачароқ шаклда мукаммалашган, синтезлашган ифодаси дейиш мумкин. «Қора амма» уруш даврининг ҳамма даҳшатларини бошидан кечирган, аммо оналик, инсонийлик шаънини сақлаб қолган, уларга заррача бўлса—да, доғ туширмаган минглаб оналарнинг умумлашма образи даражасига кўтарилган.

Ўзи қоп—қора, кўримсиз, чолининг таъбири билан айтганда, бу «пакана» кампир оиладаги, қишлоқдаги ҳар бир кишининг тақдири, энг кичик уй—юмушларидан тортиб, уруш ва бутун дунё ташвишларини елкасида кўтариб келган матонатли инсондир. «Қора амма» биринчи навбатда меҳрибон, саҳийқалб онадир. У Робияни ўз қизидан ортиқ севиб, асраб—авайлаб, вояга етказди. Биз бошда ҳатто уни Робиянинг онаси, деб ҳам қабул қиламиз, кейинчалик уни асраб олганлигини англаймиз. Унинг одамийлигига таҳсинлар ўқиймиз. Робияни Шомуродга хотин бўлишга кўндириш эпизодларидаги унинг виждон азобларига, иккиланишларига, изтиробларига ачинамиз, у билан бирга изтироб чекамиз. Шомуроднинг тақдири, келини Раънонинг бевафолиги «Қора амма» ни руҳий азоблар гирдобига солади. Урушдан қайтмаган ўғли Кимсандан айрилиш уни бир умр ўртади, Робияни унга унаштиганда қанчалик хурсанд бўлган бўлса, уни укаси Шомуродга олиб беришда ўғлини яна бир қайта кўмгандек бир ҳолатга тушади.

Ўзининг шунчалик ғам—ташвишлари етмагандек, «Қора амма» «биз ҳам майли, рабочийларга қийин бўлди» деб бошқаларнинг ташвишини тортади, нон ўғирлаб, қўлга тушган болакайни оломоннинг таёғидан қутқариб қолади, ўғилларидан «қора хат»

келган Ориф оқсоқол, Умар закунчи калтаклаган Олимжон, қўли синган Музаффарлар билан биргаликда азоб тортади.

«Қора амма»нинг «Номаълум солдат» ва «Ғамбода она» ҳайкаллари очилишида қатнашиш эпизодларини ҳаяжонсиз ўқиш қийин. Худди шу ўринларда кичкина елкасида тоғдек ғам кулфатларни кўтариб юрган бу кампир уруш даврининг бош жангчиси, бош қаҳрамони сифатида кўринади:

«Боле — ем! — қулоғимнинг тагида янграган фарёддан сесканиб кетдим. — Онасининг гўрига тушган боле — е — ем! — Аммам дадамнинг қўлидан юлқиниб чиқди — ю, каловланиб, йигит ҳайкалига талпинди. Югуриб бориб, ҳайкални қучоқлади. — Онасининг доғда қолдириб кетган Кимсан — и — им?! Жон болам. Жоним болам! — У ҳайкалнинг каскали бошидан қучоқлаб ўпа бошлади. Рўмоли сирғалиб тушиб, ҳайкалнинг автоматига илиниб қолди. Оппоқ сочлари тўзиб кетди (460 — 461 бетлар). Музаффарга «Ғамбода она» ҳайкали «Қора амма»нинг ўзгинаси бўлиб кўрингани рамзий маънога эга. «Ғамбода она» — худди мана шу уруш даҳшатларини ҳаммадан кўп ҳис этган, азоб тортган, аммо мардона туриб, бу қийинчиликларни енгган «Қора амма»га ўхшаган аёлларга қўйилган ҳайкал эмасмикан, деган фикрлар беихтиёр хаёлдан ўтади. Ватан учун қон тўккан жангчи ва унинг ёнида ҳамиша она ҳайкалининг туриши ҳам, эҳтимол, ана шундандир. Ориф оқсоқол, Ҳусан дума ва «Қора амма» образлари фақатгина Ўткир Ҳошимовнинг ўз ижодидаги эволюция натижаси бўлмай, балки ўзбек адабиётининг бу борадаги тажрибаларини ўзига сингдирган, уни новаторона белгилар билан бойитган қаҳрамонлар ҳам бўлиб қолади. Бу каби типлар олдин шу мавзуга қўл урган А.Қаҳҳор С.Аҳмад каби устоз адиблар асарларида ҳам яратилганлиги маълум. Шунинг учун ҳам «Икки эшик ораси» романида уларнинг асарларида учраган айрим оҳанглар, вазиятлар, ўхшаш ҳолатлар билан баъзан дуч келамиз. Чунончи, Ориф оқсоқолнинг иккала ўғлидан «қора хат» келганлигини кампиридан яшириш картинаси А.Қаҳҳорнинг «Асрор бобо» ҳикоясидаги худди шу ҳолатни ёдга туширади. Ҳусан думанинг кампирига: «юртга келган тўй... ҳамма урушга борса — ю, Кимсан тошбақадек бошини ичига тортиб ўтирса, ярашадими? Ўз қулоғим билан эшитдим — ку, уруш нари борса, бир — икки ойда битаркан. У ёғини сўрасанг, ҳеч ким ўғлингни олдига солиб опкетаман, деяётгани йўқ» (90 — бет) деган сўзлари, Асрор бобонинг камирига қарата айтган сўзларини эслагандек бўлади. «Қора амма» нинг нон ўғирланган болани жазодан сақлаб қолиши «Сен етим эмассан» фильмидаги шундай эпизодни ёдга туширади.

Аммо бу ўхшашликлар асардан асарга кўчган ўхшашликлар бўлмай, балки бу романга ҳам ҳаётнинг ўзидан кўчган эпизодлардир. Уруш даврининг фожиали оқибатлари ўзбек халқининггина эмас, умуман урушда иштирок этган барча халқлар ҳаёти учун типик ҳодисалар эди. Улар ҳар бир оилада, ҳар бир одам тақдирида у ёки бу кўринишда содир бўлган ва табиийки, шу давр воқеаларига мурожаат қилган санъаткор бу ҳодисаларни четлаб ўтолмайди. Ў.Ҳошимовнинг муваффақияти шундаки, у олдинги асарларда талқини учрайдиган ҳолатларни, вазиятларни бутунлай ўзига хос тарзда ҳал этади, ҳодисаларнинг, характерларнинг янги қирраларини топа олади ва маҳорат билан уларни бадиий тасвирга айлантиради.

Мана биргина мисол: Ориф оқсоқолнинг келини Зухранинг фронтдан қайтган аскар йигит билан қочиб кетиши қайсидир қирралари билан Ч.Айтматовнинг «Жамила» қиссасидаги шунга ўхшаш эпизодни эсга туширади. Биринчидан, бундай ҳодисалар урушнинг фожиали оқибатларидан бири сифатида ҳар бир халқ ҳаётида учраб турган ҳодиса эканлиги Ў. Ҳошимовга ҳам шундай воқеани кўрсатишга ҳуқуқ беради ва бунга такрор деб қарамаслик керак бўлади. Иккинчидан, Ў. Ҳошимов бу воқеани драматик ва ўзига хос шаклда ҳал этади, воқеани бутунлай янги қирраси билан кўрсатади. Бу ҳодиса Ориф оқсоқолнинг қай даражада тушунган, одил, танги ва мард инсонлигини намоён этишга хизмат қилади.

Биз юқорида фикр юритган уч қаҳрамон — Ориф оқсоқол, Ҳусан дума ва «Қора амма» образлари талқинида айрим нуқсонлар ҳам кўзган ташланади, албатта. Назаримизда, ёзувчи қаҳрамонларни аср бошидаги даврлардан то бугунги кунларгача олиб келиб, уларнинг ёши ва имкониятларини унутиб қўйгандек туюлади. Айтайлик, Ҳусан дума Октябрь тўнтаришидан олдинги даврда давлат Думасига аъзо эди. Демак, ўша вақтда камида 20—25 ёшларда бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Оқсоқол билан тенгдош, шунинг учун «сен»лашиб гаплашишади. Шунга кўра Ориф ота, «Қора амма» роман эълон қилинган пайтда тўқсондан ошиб, юзни қоралаган бўлиб чиқади. Ҳайкал очилишида Ориф оқсоқолнинг «гулдираб» гапириши шунинг учун ҳам шубҳа уйғотади. Ҳусан дума ўлимнинг етарли мантиқий асосланмаганлиги, тасодифийлигини олдин ҳам таъкидлаган эдик. Аввало, бир ҳўкиз — арава — ю, лавлаги учун Ҳусан думадек одамнинг ўлиб кетиши «адолатли» эмас. Шу жараён тасвирининг ўзи ҳам китобхонни ишонтира олмайди. Тўрт азамат киши бир аравани йўлдан суриб чиқара олмаслигига ишониш қийин. Уни чиндан ҳам чиқариш қийин бўлган экан, ҳуши жойида одам поезд келиб қолганидан кейин ўзини сақлаб қолишга ҳаракат қилади — ку! Бу жараёндаги айрим деталлар ҳам мавҳум:

айтайлик, олдинроқ араванинг олдинги филдираги темир йўлнинг бир томонига, кейинги филдираги бошқа томонига тиралиб қолди, деб айтилади — ю, кейинроқ араванинг шотиси кўтарилиб кетди, деб қўшиб қўйилди. Агар арава, айтилгандек қўқон арава эмас, балки тўрт филдиракли бўлса, у ҳолда бундай аравада шоти нима қилади?!

Хуллас, бундай драматик ҳолатлар, ундаги деталлар жуда чуқур мантиқ йўли билан асосланиши лозим эди.

Ў.Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романи анча узоқ тарихий даврни қамраб олган, уруш даҳшатларини ва унинг маънавий оқибатларини мураккаб, фожиали тақдирларда кўрсатиб берган, характерлар пухта ишланган, сюжет ва композицияси, услуби ўзига хос, тили равон ва ширали асар бўлиб, адабиётимиздаги уруш даври мавзусига бағишлаган асарларнинг энг сараларидан бири бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Айтилганларни хулосалаб, бир фикрни таъкидлаш лозим. Ёзувчининг иккинчи жаҳон уруши даври ҳаётига бағишланган дастлабки асари «Урушнинг сўнги қурбони»даёқ тасвирда эпикликка интилиш сезилиб туради. Бу хусусият тасодифий эмаслигини ёзувчининг «Дунёнинг ишлари» асари мисолида кўрдик. Ў.Ҳошимов асарда ўша давр ҳаётига, кишилар тақдирига хос талай қирраларни беришга, уларни бир неча ракурсларда кўрсатишга муваффақ бўлди. Бошқачароқ айтганда, «Дунёнинг ишлари» асарида ўзи қўллаган композицион усул имкониятларидан келиб чиқиб, ғалати бир тажриба қилиб кўрди, келажақда ёзиладиган йирик асарининг хомаки контурини чизиб, белгилаб олди. Ана шу олдиндан ишлаб, чамалаб кўрилган ҳаётий материал кейинчалик «Икки эшик ораси» романининг вужудга келишида муҳим манба — ўзига хос бир адабий «хамиртуруш» бўлиб хизмат қилди. Шу тариқа ёзувчи ижодида ҳикоя ёзиш билан бошланган иккинчи жаҳон уруши даври ҳаётига мурожаат қилиш босқичма — босқич кўтарила бориб, ўзига хос эволюцион жараёндан ўтиб, ҳозирги кунда кўп планли, катта эпик қамровга эга бўлган роман даражасигача етиб келди.

Х О Т И М А

Юқорида бир қатор ёзувчиларимиз ижоди, уларнинг биз ўрганаётган муаммога алоқадор асарлари ҳақида айтилганларни шундай хулосалаш мумкин: «Уфқ» трилогиясининг вужудга келиш манбаларини ўрганган адабиётшунос Маҳкам Маҳмудов бир муносабат билан Саид Аҳмад «Ватан уруши давридаги меҳнат жараёнида туғилган ишлаб чиқариш масалаларидан кўра, ўша вақтда туғилган ахлоқий, маънавий проблемаларни яхшироқ тасаввур ва ҳис қилади»,¹ деб ёзади. Тўғри гап. Юқорида «Уфқ»даги Икромжон характериға доир билдирган баъзи кузатишларимизда биз ҳам шу жиҳатни таъкидлашға ҳаракат қилдик. Эҳтимол, бу асарнинг узоқ вақтдан бери китобхонлар ва адабиётшуносларнинг эътиборида бўлиб келаётганининг боиси ҳам шунда бўлса керак. Саид Аҳмад услубиға хос етакчи хусусият — инсоннинг ўзини биринчи ўринга қўйиб тасвирлаш, ҳар қандай муаммони шундан келиб чиққан ҳолда кўрсатишдир. Тўғри, ёзувчи бу ишда ҳамма вақт ҳам бир хил даражада маҳорат кўрсатади, юксак натижаларға эриша олади, деб айтиб бўлмайди, албатта. Бундай жиҳатларни биз таҳлил жараёнида кўрсатишға уриндик. Лекин, муҳими, ёзувчи ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз услубиға хос бош хусусиятдан чалғимасликка ҳаракат қилади, хусусан, ўқувчининг ёзувчининг «Умрлик китоби» бўлган «Уфқ»нинг асосий қаҳрамонларидан бири бўлмиш Икромжон характерини ҳар томондан, турлича нигоҳлар орқали кузатиши учун имконият яратади. Натижада бири бошқасиға ўхшамайдиган туйғулар курашидан вужуди ларзаға келаётган Икромжоннинг қалбини, ундаги умумий руҳиятни яхши ҳис қила оламиз.

Шу жиҳат, яъни у ёки бу характерға хос ички маънони, моҳиятни турли нуқтаи назардан туриб кўрсатишға, бу усулнинг янги ифода воситалари ва имкониятларини кашф этишға интилиш Ў.Ҳошимов изланишлари учун ҳам хос эканининг гувоҳи бўлдик. Ёзувчининг уруш мавзусиға алоқадор қатор асарларини ўрганиш шундай хулосаға олиб келади. Аниқроғи, бундай услубий хусусият юқорида номлари тилға олинган ҳар икки ёзувчи ижодининг маълум нуқталарида бир—бири билан яқинлашиб кетадиган томонлари борлигидан ҳам далолат беради. Умуман, ўзбек адабиётининг бу икки улкан намояндаси ижодини шу йўналишда ўрганиш ёзувчи бадиий маҳорати ҳақида жиддий кузатишлар қилишға асос беради. Бу ишни эса алоҳида илмий—тадқиқот ишларида амалға ошириш лозим бўлади.

¹ М.Маҳмудов. Талант ва ижод фалсафаси. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат институти. Тошкент. 1986, 232-бет

Яна бир гап. Адабиётда мавзунинг масъулияти деган гап бор. Бундан шу нарсанга аниқлашадик, мавзу залворли деб унга енгил — елли қараш ноҳуш натижаларга олиб келиши мумкин. Бундай асарларнинг юзига келишидан на ёзувчи, на адабиёт бирон нарсани ютмайди. Биз келажакда уруш давридек мураккаб бир босқичга муружаат қиладиган ёш қалам соҳибларига ибрат бўлар деган маънода баъзи номдор ёзувчиларимизнинг асарлари ҳақида танқидий фикрлар билдирдик. Бундан катта хулоса чиқармаслик, бу ёзувчиларнинг бутун ижоди шундай экан, деган фикрга келмаслик керак бўлади. Чунки уларнинг ҳаммаси ҳам адабиётимиз ривожига ўзига хос ўрни бор ижодкорлардир.

МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	4
Йўл бошида.....	11
Ҳикоя жанрининг имкониятлари.....	19
Адибнинг умрлик китоби.....	39
Мавзу ва маҳоратнинг эгизаклиги.....	78
Кичик шаклда катта гап айтиш маҳорати.....	99
Улуғ зотга қўйилган бадий ҳайкал.....	108
Изланишларнинг бахтли самараси.....	127
Хотима	148

Умурзоқ Ўлжабоев

БАДИЙ ТАСВИРНИНГ ҲАҚҚОНИЙЛИГИ

Босишга рухсат этилди 2008 йил. 6 март

Қоғоз бичими 60x84 1/16 . Офсет қоғози.

Босма табағи 9,5

Адади 500 нусха.

Буюртма рақами №49

Гулистон ш. 4-мавзе,

© Университет босмахонасида чоп этилди.